

# **БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**

## **МУҚАДДИМА**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога У Зотнинг улуғлигига муносиб ҳамду санолар бўлсин!

Аллоҳнинг охирги Расули Мухаммад мустафога мукаммал саловоту саломлар бўлсин!

Расулуллоҳнинг сахобаи киромларига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин!

Азиз ва муҳтарам китобхон! Буюк ва меҳрибон Аллоҳ таолонинг ёрдами ила «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласидаги китобларимиз орқали динимизнинг Куръони Каримдан кейинги иккинчи масдари бўлган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг турли соҳаларга оид ҳадислари билан баҳоли қудрат танишиб келмоқдамиз. Ушбу силсила орқали ҳадиси шарифларнинг маъноларини, улардан келиб чиқадиган шаръий ҳукмларни, ҳикматларни ва ибратларни ҳам ўрганмоқдамиз.

Шу билан бирга, бу силсила сиз билан бизни саодат замони бўлмиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларига элтмоқда. У орқали биз ўша замон ҳавосидан нафас олиб, ўша замон воқеаларини қўлимиздан келганича ўрганмоқдамиз.

Ушбу силсиланинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сахобаи киромларига аталган фаслларида эса аввал ўрганиб ўтган ва келажакда ўрганиладиган исломий таълимотлар кишиларнинг шахсига қандоқ таъсир қилганини, уларни жоҳилият зулматларидан Ислом нурига қандоқ қилиб олиб чиққанини кўрмоқдамиз.

Мутахассислар ўша даврдаги мусулмонларнинг ҳаётларида, шахсиятларида ва дунёқарашларида Ислом сабабидан юз берган ижобий ўзгаришларни Ислом мўъжизаси деб атайдилар.

Ана шу мўъжизалардан иккитасини Абу Бакр Сиддиқ ва ҳазрати Умар розияллоҳу анҳумонинг фазилатларига бағишлиланган фасллар орқали ўрганиб чиқдик.

Энди эса, халқимиз орасида машхур бўлган тўртрошид халифаларнинг учинчилари бўлмиш Усмон Зуннурайн розияллоҳу анҳу билан танишамиз. Бу ишнинг қанчалик аҳамиятли эканини у зотнинг ҳаётлари билан танишишда англаб оламиз, иншааллоҳ. Англаб етганимизда эса, динимиздан, тарихимиздан, тарихий шахсларимиздан узоқлашишимиз биз учун катта фожиа бўлганини ҳам тушуниб етамиз.

Ўзимизга маълум сабабларга кўра, халқимиз Аллоҳдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан, Исломдан, Иймондан, шариатдан, тариқатдан, тарихимиздан ва тарихий шахсларимиздан тамоман узоқлашди, узоқлаштирилди.

Ўйлаб кўрайлик-чи, биз Мұхаммад умматининг учинчи халифаси ва шахси бўлмиш ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу ҳақларида нима биламиз? Бунда биз халқ оммасини назарда тутганимиз йўқ. Шўролар хукмронлигининг охирги пайтида сўровларга ўзининг мусулмонлигини эътироф қилган ўн олти фоиз аҳолини ҳам назарда тутганимиз йўқ. Ўша ўн олти фоизнинг ичидан ўн олти фоизини ҳам назарда тутганимиз йўқ. Балки диний таълим олган маълум кишиларнигина назарда тутмоқдамиз. Ҳа, ана шу тоифа ҳам бу саволга ижобий жавоб бера олмайди. Фақатгина Аллоҳнинг ёрдами ила ўзларининг шахсий уринишлари билан баъзи узук-юлуқ маълумотларга эга бўлганлар бундан мустасно бўлиши мумкин.

Ҳатто аввалги замонларда ҳам бу борада ўз тилимизда бирор мақола ёки китоб ёзилмаган. Баъзи бир китобларда келган маълумотлар эса, илмийликдан кўра афсона бобига яқинроқ.

Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинким, бизга ана

шу катта нуксонимизни тўлдириш имконини бермоқда.

Ушбу сатрлар ана шу эзгулик томон қўйилаётган ожизона бир қадамдир. Бу ишни адо этиш жараёнида асосан араб тилидаги манбалардан истифода қилинди. Аммо улардаги услублардан бирортасини ўrnak қилиб олишга иштиёқ тугилмади. Чунки муаллифлар бу асарларни ўз замонига, маконига мослаб, ўз таассуротларидан келиб чиқиб, ўз ўқувчисининг ички ва ташки дунёсини ва бошқа омилларни ҳисобга олиб ёзган.

Бошқалардан фарқли ўлароқ, биз ҳар бир сахобийнинг ҳаётини тўлиқ ёритишга, уларнинг фазилатлари ва фаолиятлари тартибини ҳаётий йўлларига ҳамоҳанг равишда баён этишга ҳаракат қилдик. Ушбу максаддан келиб чиқиб, ўзимиз шарҳ қилаётган «ат-Тож ал-Жомеъ лил усул фии Аҳадийсир Росул» китобида келтирилган ривоятлар тартибини ҳам сахобаи киромларнинг таржимаи ҳолларига мос равишда тартибга солиб чиқдик. Ҳадиси шарифларнинг қудусиятидан умидвор бўлиб, ана шу китобдаги ҳадисларнинг арабча матнларини ҳам келтирдик.

Ушбу фаслда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ҳаётлари ва фазилатларини ўрганар эканмиз, бу жараёнда у кишининг шахсиятлари ўzlаридан олдин ўтган икки сохибларидан бутунлай фарқ қилишининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг ҳаммалари ҳам Муҳаммад алайхиссалом дорилғунунларининг пешқадам талабаларирид. Лекин шахсиятларининг турли хил бўлғанлиги табиий бир ҳолат. Аммо ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ҳаётларини ўрганиш жараёнида ана шу табиий жараёндаги мўъжизани кўрамиз. Исломнинг турли шахсиятларни, турли инсоний хусусиятларни ва турли инсоний имкониятларни, қобилиятларни тўғри йўлга солиб, ҳаммага манфаат берадиган ҳолга айлантиргани бу мўъжизадир. Бу мўъжиза исломий мўъжизадир.

Биринчи ва иккинчи халифаларнинг ўзларидағи қобилият ва имкониятларни ўз даврларидағи улкан вазифаларни ҳал этишга түлиқ сарфлаганларини, бу билан Аллоҳ таоло, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, Ислом ва мусулмонлар олдидаги бурчларини түлиқ ва шараф билан адо этганларини кўриб ўтдик.

Учинчи халифанинг эса, ўзларидағи хусни хулқ, хаё, ҳалимлик, сабр ва молдорлик каби хусусиятларни ишга солиб, Аллоҳ таоло, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, Ислом ва мусулмонлар олдидаги бурчларини түлиқ ва шараф билан адо этганларига гувоҳ бўламиз.

Биз ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ҳар лаҳзасини дикқат билан ўрганишга арзигулик, машаққатли, саодатли, ибратли ва улкан ҳаётларини ўрганишга киришмоқдамиз. Ушбу жараёнда ер юзида «тирик Қуръон»га айланган энг машҳур кишилардан бирининг исломий таълимотларни ҳаётга қандоқ татбиқ қилганларини ҳам ўрганамиз.

Азиз китобхон, агар келажак сатрлардан бирор фойдали нарса топсангиз, Аллоҳ таолодан, барча камчиликларни камина ходимингиздан, деб билинг. Сиз азизлардан бу сатрлар ҳалқимизнинг исломий кутубхонаси ўз тилимиздаги китоблардан деярли бўш вақтда ёзилётгани учун бу борадаги уринишларнинг энг соддаси эканини ҳисобга олурсизлар, деб умид қиласиз.

## فضائل عثمان رضي الله عنه

### УСМОН РОЗИЯЛЛОХУ АНҲУНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

2833 - عَنْ أَبِي مُوسَىٰ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ عَنْ قَالَ كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ وَسَلَّمَ فِي حَائِطٍ مِّنْ حِيطَانِ الْمَدِينَةِ فَجَاءَ رَجُلٌ فَاسْتَفْتَحَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ وَسَلَّمَ افْتَحْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ فَفَتَحْتُ لَهُ فَإِذَا أَبُو بَكْرٍ فَبَشَّرْتُهُ بِمَا قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ وَسَلَّمَ فَحَمِدَ اللَّهَ ثُمَّ جَاءَ رَجُلٌ فَاسْتَفْتَحَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ وَسَلَّمَ افْتَحْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ فَفَتَحْتُ لَهُ فَإِذَا هُوَ عُمَرُ فَأَخْبَرْتُهُ بِمَا قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ وَسَلَّمَ فَحَمِدَ اللَّهَ ثُمَّ اسْتَفْتَحَ رَجُلٌ فَقَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ وَسَلَّمَ افْتَحْ لَهُ وَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ عَلَى بَلْوَى تُصِيبِهِ فَفَتَحْتُ فَإِذَا عُثْمَانُ فَأَخْبَرْتُهُ بِمَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ وَسَلَّمَ قَالَ : اللَّهُ أَكْبَرُ . رَوَاهُ الشَّيْخُ حَاجُونَ وَالْتَّرمِذِيُّ .

2833. Абү Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам билан Мадинанинг боғларидан бир боғда эдим. Бас, бир киши келиб, эшикни очишни сўради. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам:

«Унга эшикни оч ва жаннатнинг башоратини бер», дедилар. Эшикни очсам, Абу Бақр экан. Унга Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам берган башоратни айтдим. У Аллоҳга ҳамд айтди.

Сўнгра яна бир киши келиб, эшикни очишни сўради. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам:

«Унга эшикни оч ва жаннатнинг башоратини бер»,

дедилар. Эшикни очсам, Умар экан. Унга Пайғамбар соллаллоху алайхи васаллам берган башоратни айтдим. У Аллоҳга ҳамд айтди.

Сўнгра яна бир киши келиб, эшикни очишни сўради. Пайғамбар соллаллоху алайхи васаллам:

«Унга эшикни оч ва унга етадиган бало учун жаннатнинг башоратини бер», дедилар. Эшикни очсам, Усмон экан. Унга Пайғамбар соллаллоху алайхи васаллам берган башоратни айтдим. У Аллоҳга ҳамд айтди ва сўнгра: «Аллоҳнинг Ўзи ёрдам берсин», деди».

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.*

**Шарҳ:** Ушбу ривоятда эшик қоқиб келган зотларга жаннатнинг башорати берилиши уларнинг Ислом умматидаги Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламдан кейин тутган ўринларига қараб бўлмоқда. Уларнинг эшик қоқиши тартиблари ҳам бежиз эмас. Дарҳақиқат, Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламдан кейинги умматнинг энг афзали Абу Бакр Сиддиқ, кейин Умари Одил ва сўнгра Усмон Зуннурайн розияллоху анҳумдир.

Фақат бу ривоятда «унга етадиган бало учун жаннатнинг башоратини бер» дейилиши ила келажакда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг балога учрашларига ҳам ишора қилинмоқда.

2834 - عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَوَى: كُنَّا فِي زَمَنِ النَّبِيِّ رَأَى بَعْدَ أَحَدًا ثُمَّ عُمَرَ ثُمَّ عُثْمَانَ ثُمَّ نَتَرَكَ أَصْحَابَ النَّبِيِّ رَأَى نُفَاضِلَ بَيْنَهُمْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالترِمْذِيُّ.

*2834. Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламнинг замонларида Абу Бакрга хеч кимни тенг кўрмас эдик. Сўнгра Умарга, сўнгра Усмонга. Кейин эса, Пайғамбар

**соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларини бир-бирларидан афзал қилишни тарк қилар эдик».**

*Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.*

**Шарҳ:** Бу ривоятда эса, мазкур уч буюк саҳобийни Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг замонларидаёқ бошқалардан афзал кўрилгани аниқ эканлиги таъкидланмоқда. Бундан ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг Ислом умматида учинчи шахс эканликларига яна бир ишончли далил оламиз.

- 2835 -  
وَعَنْهُ قَالَ: كُنَّا نَقُولُ وَرَسُولُ اللَّهِ رَحْمَةً أَفْضَلُ أُمَّةٍ  
النَّبِيُّ رَبَّنَا بَعْدَهُ أَبُو بَكْرٍ ثُمَّ عُمَرُ ثُمَّ عُثْمَانُ عَلَيْهِمُ الْمَصَابِرُ.  
رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالطَّبرَانيُّ  
وَرَأَدَ: فَيَسْمَعُ النَّبِيُّ رَبَّنَا ذَلِكَ فَلَا يُنَكِّرُهُ.

*2835. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг тириклик чоғларидаёқ, «Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзларидан кейинги умматларининг энг афзали Абу Бакр, сўнгра Умар, сўнгра Усмон розияллоху анхум», дер эдик».**

*Абу Довуд ва Тобароний ривоят қилишган ва:*

**«Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам буни эшитар эдилар ва инкор қилмас эдилар»ни зиёда қилган.**

**Шарҳ:** Ибн Умар розияллоху анхунинг ушбу ривоятларида саҳобаи киромларнинг Усмон ибн Аффон розияллоху анхуни учинчи ўринга қўйишларидан Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳам хабардор эканликлари ва бу ишга ўз розиликларини тасдиқлаганликлари равшан кўриниб турибди. Бу омил жуда ҳам кучли бўлиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг фазллари ҳақидаги шак-шубҳага ҳеч

қандай ўрин қолдирмайды.

2836 - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعُثْمَانَ فَرَجَفَ بِهِمْ قَوْمًا: أَتَبْتُ أَحْدُ فِيمَا عَيْنِكَ نَبِيٌّ وَصِدِيقٌ وَشَهِيدٌ. رَوَاهُ الْحُمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

2836. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам Абу Бакр, Умар ва Усмон билан Ухуд тоғига чиқдилар. Шунда у қимирлади. У зот:

«Эй Ухуд, событ тур! Устингда набий, сиддиқ ва икки шаҳид турибди!» дедилар».

Бешовларидан фақат Мұслим ривоят қилмаган.

**Шарх:** Икки шаҳиднинг бири Умар розияллоху анху бўлсалар, иккинчиси ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху эдилар. Бу Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламнинг мўъжизалари ва ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг шаҳидликдек олий мақомларининг баёни эди.

2837 - عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَاشِفًا عَنْ فَخَدِيهِ أَوْ سَاقِيهِ فَاسْتَأْذَنَ أَبُو بَكْرٍ فَأَذْنَ لَهُ وَهُوَ عَلَى تِلْكَ الْحَالِ فَتَحَدَّثَ ثُمَّ اسْتَأْذَنَ عُمَرَ فَأَذْنَ لَهُ وَهُوَ كَذِيلَكَ فَتَحَدَّثَ ثُمَّ اسْتَأْذَنَ عُثْمَانَ فَجَلَسَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَلَا أَقُولُ ذَلِكَ فِي يَوْمٍ وَاحِدٍ) فَدَخَلَ فَتَحَدَّثَ فَلَمَّا خَرَجَ قَالَتْ عَائِشَةُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ دَخَلَ أَبُو بَكْرٍ فَلَمَّا تَهَشَّ لَهُ وَلَمْ تُبَالِهِ ثُمَّ

دَخَلَ عُمَرٌ فَلَمْ تَهْتَشَّ لَهُ وَلَمْ تُبَالِهِ ثُمَّ دَخَلَ عُثْمَانُ فَجَلَسَتِ وَسَوْيَتِ  
شَابَكَ فَقَالَ: أَلَا أَسْتَحِي مِنْ رَجُلٍ تَسْتَحِي مِنْهُ الْمَلَائِكَةُ. وَفِي رِوَايَةِ  
قَالَ: إِنَّ عُثْمَانَ رَجُلٌ حَيِّيٌّ وَإِنِّي حَشِيتُ إِنْ أَذِنْتُ لَهُ عَلَى تِلْكَ  
الْحَالِ أَلَا يَبْلُغُ إِلَيَّ فِي حَاجَتِهِ رَوَاهُمَا مُسْلِمٌ.

2837. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг уйимда икки сонлари ёки болдиrlари очиқ ҳолда ёнбошлаб ётган эдилар. Бас, Абу Бакр изн сўради. Унга изн берилди. У зот эса, ҳалиги ҳолатда у билан гаплашдилар. Сўнгра Умар изн сўради. Унга ҳам изн берилди. У зот яна ҳалиги ҳолатда у билан ҳам гаплашдилар. Сўнгра Усмон изн сўради. У зот ўтиридилар ва кийимларини тўғриладилар. (Мұхаммад: «Бу бир кун бўлди, холос» демайман», деди). У кириб, гаплашди. Сўнгра чиқиб кетганида Оиша:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Бакр кирган эди, унча ёзилмадингиз ҳам, эҳтимом бермадингиз ҳам. Сўнгра Умар кирган эди, унча ёзилмадингиз ҳам, эҳтимом бермадингиз ҳам. Усмон кирганда эса, ўтириб, кийимларингизни тўғриладингиз?!!» деди.

«Фаришталар ҳаё қиласидиган одамдан мен ҳаё қиласи мақнумми?!!» дедилар у зот.

Бошиқа бир ривоятда:

«Албатта, Усмон ўта ҳаёли одам. Агар мен ўша ҳолатда унга изн берсам, менга ҳожатини етказа олмасмикан, деб кўрқдим», деганлар.

Иккисини Муслим ривоят қилган.

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган фазл ҳар қандай инсонга ҳар қандай замонда ва маконда кифоя қиласиди. Бундан бошқасини ахтармаса ҳам бўлади.

Эҳтимол, «**Фаришталар ҳаё қиласиган одамдан мен ҳаё қилмас эканманми?!**» деган сўзлар нафақат охирги умматнинг охирги Пайғамбари томонидан, балки дунё тарихида барча ўтган умматларнинг барча пайғамбарлари томонидан ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан бошқа ҳеч кимга айтилмаган бўлса керак.

Ҳа, сиз билан биз ҳаётларини, шахсларини ўрганмоқчи бўлиб турган зот ана шундоқ одамдир. Мұҳаммад умматининг ичидан чиққан, унинг олдида Аллоҳнинг фаришталари ҳам ҳаё қилган бир зотдир.

Қаҳрамонимиз Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг мазкур сифатлари у кишига берилганди сифатлар ичидан дунё тарихида ёлғиз у кишига хос бўлган икки сифатнинг биридир.

«Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг бошқаларга насиб этмаган яна бошқа сифатлари ҳам борми?» дейсизми? Ҳа, бор. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу дунё тарихида Пайғамбарнинг икки қизига уйланиш баҳтига мусассар бўлган ягона шахсадир. У киши аввал Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Руқайя розияллоҳу анҳога, у нуридийдалари вафот этганларидан кейин эса, у зотнинг бошқа қизлари, яъни, Умму Кулсум розияллоҳу анҳога уйланганлар. Айнан шу нарса, яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки қизларига уйланганлари учун ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга «Зуннурайни» (икки нур соҳиби) лақаби берилган.

Аллоҳ таолонинг ёрдами ила ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ҳаётларини ўрганиш жараёнида у кишининг сон-саноқсиз фазилатлари билан танишиб бораверамиз, деган умидда гапни бир бошдан бошлишни маъқул кўрдик.

## НАСАБЛАРИ ВА ҲАЁТЛАРИНИНГ

## ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ

Насаб илми олимлари ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг насаблари ҳақида қуйидаги силсилани келтирадилар:

У киши Усмон ибн Аффон ибн Абул Осс ибн Умайя ибн Абдушшамс ибн Абдуманоф ибн Кусой.

У кишининг оналари Арваа бинти Курайз ибн Робийъа ибн Ҳабиб ибн Абдушшамс ибн Абдуманоф ибн Кусой.

У кишининг оналарининг онаси Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг аммалари Байзаа бинти Абдулмуттолибидир.

Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг насаблари Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг насаблари билан ҳам ота тарафдан, ҳам она тарафдан бирлашади.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху машҳур «Фил ҳодисаси»дан олти йил кейин Тоиф шахрида таваллуд топганлар. Демак, у киши Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан олти ёш кичик бўладилар.

У кишининг оталари Макканинг энг бой тижоратчиларидан эди. Катта тижоратчининг ўғли Усмон ҳам катта тижоратчи бўлдилар.

Ибн Асокирнинг ривоят қилишича, Усмон ибн Аффон розияллоху анху ўрта бўй, яъни, новча ҳам, пакана ҳам эмас, чиройли юзли, оппоқ, яноқлари қизғиш, юзида чечакдан қолган излар бор, серсоқол, икки елкаси кенг, болдиrlари кичкина, билаклари узун, билакларини жун қоплаган, жингалаксоч, бошининг тепасида сочи йўқ, олд тишлари энг гўзал одамлардан эди. Сочлари қулоқларидан пастга тушиб турарди. Уларни сарғиш ранг-ла ҳинолаб оларди. Тилло тиш қўйдирган эди.

Ибн Асокир Абдуллоҳ ибн Ҳазм ал-Мозанийдан қуйидагиларни ривоят қиласиди:

«Усмон ибн Аффон розияллоху анхуни кўрганман. Ҳеч

қачон ундан кўра чиройлироқ эркак ёки аёлни кўрганим йўқ».

Шу билан бирга, у киши ёшликларидан гўзал ахлоқлар, олий инсоний фазилатларга одатланиб бордилар. Ҳазрати Усмон розияллоҳу анху ўта ҳаёли ва иффатли зот эдилар. Мазкур сифатлар билан бир қаторда, у киши жуда ҳам сахий эдилар, ўз қавмларига хайр-эҳсонни кўп қилар эдилар. Шундай қилиб, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху ёшлик даврларидаёқ ўз қавмлари Бани Умайя ичидагатта обрўга эга бўлган эдилар.

## ИСЛОМГА КЕЛИШЛАРИ

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликлари ҳакида биринчи бўлиб холаларидан эшитганлар:

«Бир куни Усмон кўчадан уйига келса, холаси Саъдаа бинти Курайз ўтирган экан. У қавмнинг коҳинаси бўлиб, рамлга хат чизишни (фол очишни) ўрганганди. Бу нарса юлдузларга қараб хабар айтишга ўхшаган иш эди. У аёл ўз синглисининг ўғли Усмоннинг кўркам, хушсурат, гўзал, оқсарик, жингалаксоч бўлиб келаётганини кўриб, шеър айта бошлади:

*Суюнчи. Кетма-кет табрик учта.*

*Сўнгра учта ва бошқа яна учта.*

*Яна бир бошқаси, ҳаммаси ўнта.*

*Ёмондан сақландинг, келди яхишилик сенга.*

*Никоҳландинг, валлоҳи сен афиифага – гулга.*

*Бикр эдинг, учрадинг бикрга, ўхшаган сенга.*

*Қадри улугнинг қизини топдинг.*

*Ажисб бир иши биносин қилдинг.*

*Зикри эл оғзига тушувчи бўлдинг.*

Холасининг бу гапларидан ажабланган Усмон унга

қараб: «Хола, нималар демоқдасиз?» деди. У бўлса, яна шеър айтишга тушди:

*Усмон, Усмон, эй Усмон!  
Сендаадир гўзалик, лисон.  
Бу набийдир, у билан бурҳон.  
Юборди уни ҳақ билан Даїён.  
Келди унга танзийлу Фурқон.  
Эргаш унга, тутмас сени авсон.*

Усмоннинг ажабланиши яна ҳам зиёда бўлди. Холасидан эшитган нарсалардан яна ҳам хайрати ошди. Унга қараб:

«Эй хола! Сиз бизнинг юртда ҳеч бўлмаган нарсани гапирмоқдасиз. Уни менга баён қилиб беринг», деди.

Холаси:

*Муҳаммад ўғлидир Абдуллоҳнинг.  
Элчидир ҳузуридан Аллоҳнинг.  
Келтирди туширганини Аллоҳнинг.  
У ила чақирадир Аллоҳга.  
Унинг чироги чироғдир.  
Унинг дини ютуқдир,  
деди-да, ўрнидан туриб, ўз уйи томон равона бўлди.*

Саъдаанинг сўзлари Усмоннинг қалбига ўрнашиб қолди. У Абу Бакр билан тез-тез учрашиб турар эди. Унинг олдига борди. У ёлғиз ўтирган экан. Усмон бориб, унга яқин ўтирди. Абу Бакр Усмоннинг ўйга толганини кўриб, унга нима бўлганини сўради. У холаси Саъдаа бинти Курайздан эшитганларини айтиб берди. Шунда Абу Бакр унга қараб:

«Эй Усмон! Сен пишиқ-пухта одамсан. Ҳақни ботилдан ажратишинг осон. Қавмимиз ибодат қилаётган мана бу бутлар нима ўзи!? Унсиз, эшитмайдиган, кўрмайдиган, зарар ҳам, фойда ҳам бермайдиган тошлар эмасми!?» деди.

«Түғри айтасан. Аллоҳга қасамки, худди шундоқ, эй Абу Бакр», деди Усмон.

«Ундоқ бўлса, холанг–Курайзнинг қизи сенга тўғри айтибди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Аллоҳнинг Расулидир. Аллоҳ уни Ўз пайгамбарлиги ила халойиққа юборди. Унинг олдига бориб, гапларига қулоқ осишни истайсанми?» деди у.

«Ха», деди Усмон».

Шундай қилиб, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг тарғиботлари билан мусулмон бўлдилар. Бугина эмас, эркаклар ичидан биринчи бўлиб иймонга келган Абу Бакр розияллоҳу анҳу ўzlари мусулмон бўлган кунларининг ўзидаёқ жаннатнинг башоратига сазовор бўлган зотлардан беш кишининг Исломга келишига сабабчи бўлганларини ҳаммамиз яхши биламиз. Ана ўша беш кишининг ичидаги ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам бор эдилар.

«Ал-Истийъоб» китобида келтирилган ривоятга биноан, худди ўша куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни динга чақирганлари келиб чиқади.

Амр ибн Усмон розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу қўйидагиларни айтадилар:

«Холам, Арваа бинти Абдулмуттолибни қўргани кирсам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кириб қолдилар. Мен у зотга назар сола бошладим. Ўша кунлари у зотнинг ишларидан баъзи нарсалар зоҳир бўлган эди. У киши олдимга келиб:

«Эй Усмон, сенга нима бўлди?» дедилар.

«Сиздан, сизнинг ичимизда тутган ўрнингиздан ва сизга қарши айтилаётган гаплардан ажабланмоқдаман», дедим.

«Лаа илаҳа иллаллоҳ!» дедилар.

Шунда, Аллоҳнинг Ўзи билади, бутун вужудимни титроқ босди. Кейин у зот:

**«Ва осмонда ризқингиз ҳамда сизга ваъда қилинаётган нарсалар (бор). Осмону ернинг Роббиси ила қасамки, албатта, у (гап) мисоли сиз нутқ қилаётганингиздек ҳақиқатдир»ни ўқидилар. Сўнгра туриб, чиқдилар. Мен ҳам ортларидан чиқдим. Кейин мусулмон бўлдим».**

Афтидан, ўша пайт йўлда Абу Бакр розияллоҳу анҳуга дуч келганлар ва у киши ҳам тарғиб килиб, кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг мусулмон бўлганлари эълон қилинган бўлса керак.

Ўша пайтда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ёшлари ўттиз тўртда эди.

Ибн Исҳоқ раҳматуллоҳи алайхининг таъкидлашларича, Абу Бакр, Али ва Зайд ибн Ҳорисадан кейин Исломга келган киши Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бўлганлар.

Албатта, бошқалар қатори ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам мусулмон бўлишлари билан кофирларнинг озорларига дучор бўлдилар. У кишини биринчилардан бўлиб, амакилари Ҳакам ибн Осс Исломдан қайтаришга харакат қилди. У ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга: «Ота-боболаринг динидан юз ўгириб, янги пайдо бўлган динга кирасанми?!» деди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу унинг гапига кирмади. Шунда Ҳакам у кишини арқон билан боғлаб, қамаб қўйди ва:

«Ушбу динни тарк қилмагунингча арқонларни ечмайман», деди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бўлсалар:

«Аллоҳга қасамки, бу динни тарк қилмайман, ундан ажрамайман», деб туриб олдилар.

Охири амакилари ноумид бўлди.

## ҲАЗРАТИ УСМОННИНГ УЙЛАНИШЛАРИ

Ўша пайтларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки қизлари, яъни, Руқайя ва Умму Кулсумларни ўзининг икки ўғли, яъни, Утба ва Утайбаларга олиб берган Абу Лаҳаб Исломга зарар етказиш мақсадида ўғилларига амр қилиб, келинларини талок қилдирган эди. У кофирлар, Мухаммадни қизлари билан овора қилиб қўйсак, динига футур етади, деб ўйлаган эдилар. Утба ибн Абу Лаҳаб Руқайя розияллоҳу анҳони бирга яшамай туриб, талоқ қилган эди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан Руқайя розияллоҳу анҳони жуфти ҳалолликка сўрадилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам рози бўлдилар. Шундоқ қилиб, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу кейинчалик ўзларига асосий сифат бўлиб қоладиган икки нурдан бирига ноил бўлдилар.

«Ал-Истийъоб», «Мухтасари тарихи Димашқ» ва бошқа китобларда зикр қилинишича, Усмон ва Руқайяларнинг оила қуришлари ҳамманинг хурсандчилигига ва таҳсинига сазовор бўлган. Ўша пайтнинг шоирлари бу ҳақда қўйидаги байтни айтган эканлар:

*Энг яхши жуфткни, кўрмиши инсон.*

*Руқайя билан унинг хожаси Усмон.*

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг холалари Саъдаа бинти Курайз бу ҳақида қўйидаги шеърни ўқир эдилар:

*Аллоҳ гапим ила Усмонни ҳидоятга бошлиади.*

*Аллоҳнинг йўзи уни ҳақ, тўғри йўлга бошлиади.*

*Тўғри фикр-ла Мұхаммадга эргашди.*

*Фикри ила содиқликдан тўсилмасди.*

*Мабъусу билҳақ унга ўз қизларини никоҳладилар.  
Уфқдаги тұлған ой ва қуёш бирлашгандай  
бўлдилар.*

Тўйдан кейин икковлари ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражада иноқлик билан яшай бошладилар. Кейинроқ Аллоҳ таоло уларга қўчкордек ўғил берди. Унга «Абдуллоҳ» деб исм қўйдилар. Ана шундан кейин Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху «Абу Абдуллоҳ» деган куняга эга бўлдилар. Бола олти ёшга етганида қўзини хўророз чўкиб олди. Яра шишиб, маддалаб кетди. Шундан сўнг бола вафот этди.

## **ҲАБАШИСТОН ҲИЖРАТИ**

Ўша пайтда оз сонли, заифхол мусулмонларга нисбатан кофирларнинг тазииклари ва озорлари соат сайин шиддатлашиб борар эди. Мусулмонлар бунга қарши бирор чора кўришдан ожиз эдилар. Уларнинг қиладиган бирдан-бир ишлари бу ҳақда ўз йўлбошчилари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилиш эди. Мусулмонлар бирин-кетин келиб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга кофирларнинг озорлари ҳаддан ошиб, ер юзи ўзлари учун тор кўриниб кетаётганлиги ҳақида арз қила бошладилар.

Мазкур арзчиларга Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху ва у кишининг жуфтни ҳалоллари Руқайя розияллоҳу анҳо ҳам қўшилдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Ҳабашистон ери томон ҳижрат қилишни маслаҳат бердилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг оиласи ҳам дину диёнат учун она юртни тарк этиб, ҳижратга чиқди.

Ҳамма муҳожирлар Аллоҳдан ёрдам сўраган ҳолларида йўлга тушдилар. Худди азиз Маккадан узоқлашгиси келмагандек, карвондаги туялар ҳам эриниб

одимлар эди. Карвон равон юра бошлагач сарбоннинг паст овоздаги хиргойиси бошланди:

*Ёру дўсту ватан фироги душвордир.*

*Лек иймонга қалбларимиз фидодир.*

*Жонимизу боримиз ҳам анга фидодир.*

*Умидимиз Ўзидан, бу қабули Худодир.*

Ўн ададли мусулмон муҳожирларнинг биринчи гурухини Ҳабашистон очиқ юз билан кутиб олди ва улар бу ерда тинчлик-омонликда истиқомат қила бошладилар. Сўнг аста-секин бошқа муҳожир гуруҳлар ҳам етиб келишди. Эски муҳожирлар уларни ўраб олиб сўроққа тутишга, сұхбатлар қуришга тушдилар. Ана шундоқ сұхбатлардан бирида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга фахрланса арзийдиган хабар келди. Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Усмон ўз аҳли билан ҳижрат қилган аввалги шахсdir», деб марҳамат қилибдилар.

Бунга қуйидаги ривоятда келтирилган ҳодиса сабаб бўлган экан.

Байҳақий Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қиласи:

«Албатта, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолога ўз аҳли билан ҳижрат қилган аввалги шахсdir. Назр ибн Анасадан эшитдим. У Абу Ҳамзадан, яъни, Анасадан қуйидагиларни эшитган экан:

«Усмон ибн Аффон Ҳабашистон ерига чиқди. У билан унинг аёли Руқайя розияллоҳу анҳо, яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари ҳам бирга эди. Уларнинг хабари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келмай қолди. Қурайшдан бир аёл келди. У:

«Эй Муҳаммад, куёвингни кўрдим. У билан аёли ҳам бор экан», деди.

«Уларни қай ҳолда кўрдинг?» дедилар у зот.

«Аёлини анави кичкина жониворлардан бир эшакка миндириб олиб, ўзи ҳайдаб кетаётганини кўрдим», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
«Аллоҳ ёрлари бўлсин. Усмон Лут алайҳиссаломдан  
кейин ўз аҳли билан ҳижрат қилган аввалги шахсадир»,  
дедилар».

Маккадан келган муҳожирларнинг бир гурӯҳи Ҳамза  
ибн Абдулмуттолиб ва Умар ибн Хаттобнинг Исломга  
кирганлари, Аллоҳ таоло улар билан Исломни азиз  
қилгани ҳақида хабар келтирдилар. Буни баъзи бир  
муҳожирлар ҳолат яхши бўлиб қолибди, энди қайтиб  
борсак бўлаверар экан, деб тушундилар. Ана шулар  
жумласида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу  
ҳам бор эдилар. У киши ҳам ўз аҳллари билан она  
юртларига қайтдилар.

Аммо Маккага яқинлашганларида ўзларига дуч келган  
йўловчилардан мусулмонларга бўлган адоват яна ҳам  
шиддатлашганлигини эшийтдилар. Муҳожирлар тўхтаб,  
маслаҳатлашдилар. Ҳабашистонга қайтсалармикан,  
Маккага кирсинглармикан? Ниҳоят, ўзлари яқинлашиб  
қолган она шаҳарга киришга қарор қилдилар. Улар  
яшириниб, ҳеч кимга билдирамай, аста-аста ўз  
яқинлариникига кирдилар. Аммо коғирлар бундан хабар  
топгач, мусулмонларни аввалгидан ҳам қаттиқроқ азоб-  
уқубатга дучор қила бошладилар. Усмон ибн Аффон  
розияллоҳу анҳу учун ўз қариндошларидан етган озорлар  
ҳаммасидан ошиб тушди. Ана шунда мусулмонлар  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига  
бориб, яна ҳижратга изн сўрадилар. У зот уларга  
Ҳабашистонга ҳижрат қилишга изн бердилар. Шунда  
ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу у зотга қараб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Ҳабашистонга аввал ҳам  
ҳижрат қилгандик. Мана, яна ҳижрат қилмоқдамиз. Сиз  
бўлсангиз биз билан эмассиз?» деди.

«Сизлар Аллоҳга ва менга ҳижрат қилувчиларсиз ва  
сизларга икки ҳижратнинг ҳаммаси (савоби) бўлур»,

дедилар.

«Ана шу бизга етади, эй Аллоҳнинг Расули», деди Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху.

Бу сафарги ҳижратда ҳам Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху билан бирга у кишининг сабрли ва вафоли жуфти ҳалоллари Руқайя розияллоҳу анҳо бор эдилар.

Улар бошқа муҳожирлар билан бирга Ҳабашистонда муҳожирлик ҳаётининг аччиқ-чучугини татиб, бир муддат яшаганларидан сўнг Макка томондан кўнгилни тинчлантирувчи хабарлар кела бошлади. Жумладан, Макка аҳлидан кўпчилиги Исломни қабул қилибди, деган гаплар ҳам бор эди. Бу хабарлар она юрт соғинчи ила нафас олаётган муҳожирларнинг синик қалбларига катта қувонч солди. Баъзилар яна қайтишга отландилар. Уларнинг бошида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху бор эдилар.

Улар Маккага қайтиб боргандарида яна ўзлари истаган ҳолатни топа олмадилар. Маълум муддат ўтгандан кейин Мадинага ҳижрат қилишга изн бўлди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг оиласи яна биринчилар қатори ҳижратга отланди. Уларни ансорий мусулмонлар меҳр-муҳабbat билан кутиб олдилар ва барча яхши шароитларни муҳайё қилиб бердилар.

## МАДИНАДА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳижрат қилиб келганларидан сўнг Мадинада Ислом жамияти қурилиб, мусулмонлар у зотнинг раҳбарликларида Аллоҳ таолонинг ҳукмларини адо этиб яшай бошладилар. Эр хотин жуда ҳам аҳл-иноқ яшар ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан ҳар доим хабар олиб турар эдилар.

Ибн Асокир Усома ибн Зайддан ривоят қиласы:

«Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам мени Усмоннинг уйига ичида гүшти бор лаган ила юбордилар. Кирсам, Руқайя розияллоху анҳо ўтирган эканлар. Мен бир Руқайянинг юзига, бир Усмоннинг юзига қарай бошладим. Қайтиб борганимда Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам мендан:

«Икковларининг олдилирига кирдингми?» деб сўрадилар.

«Ҳа», дедим.

«Иккисидан кўра гўзалроқ эр-хотинни кўрганмисан?» дедилар.

«Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», дедим».

Иккинчи ҳижрий сананинг Рамазон ойида Бадр урушига Пайғамбар соллаллоху алайхи васаллам томонларидан сафарбарлик эълон қилинди. Усмон ибн Аффон розияллоху анҳу урушга чиқишига биринчилардан бўлиб тайёргарлик кўра бошладилар. Аммо у кишига Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан алоҳида истисно тариқасидаги амр келди. Бу фармонга биноан, Усмон ибн Аффон розияллоху анҳу урушга бормай, баданига тошма тошиб, хасталик тўшагига боғланаб қолган умр йўлдошлари Руқайя розияллоху анҳога қарашлари лозим эди. Итоаткор инсон ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анҳу бу амри ҳам сидқидилдан бажаришга киришдилар.

Аммо Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анҳуни Бадр уруши иштирокчилари рўйхатига кўшдилар ва ўлжаларни тақсимлаш пайтида у кишига ҳам улуш ажратдилар.

Руқайя розияллоху анҳо ўша хасталикларида ўринларидан турмай, бандаликни бажо келтирдилар. Усмон ибн Аффон розияллоху анҳу ўзлари учун нур бўлган маҳбуба умр йўлдошларидан ажраб қолдилар. Бу

хазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху учун ғоят оғир кечди. У кишининг маҳзунликларининг чеки йўқ эди. Ёру дўстлари эса, Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга ўз ҳамдардликларини изҳор қилиб, у кишининг кўнгилларини кўтаришга уринар эдилар.

Бир куни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг олдиларига Умар ибн Хаттоб розияллоху анху келиб, бир муддат гаплашиб ўтирдилар. Ўша пайтларда ҳазрати Умар розияллоху анхунинг қизлари Ҳафсанинг эри вафот этиб, бева қолган эди. Умар розияллоху анху ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг маҳзунликларини кўтариш мақсадида:

«Агар истасанг, Ҳафсани сенга никоҳлаб берай», дедилар.

Аммо Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг ҳали дардлари аригани йўқ эди. У кишининг кўнгилларига қил ҳам сиғмас эди. Шундоқ бўлса ҳам, қадрдан дўстларининг кўнгиллари учун:

«Бир ўйлаб кўраман», деб қўйдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху анча кутдилар. Аммо Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан уйланиш ҳақида бир гап чиқмади. Бир куни учрашиб қолганларида эса, «Хозирги кунларда уйланишга ҳеч рағбатим йўқ», дедилар. Умар розияллоху анху бир гап демасалар ҳам, кўнгиллари бир оз ранжиди. Албатта, ўз қизларининг ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхудек кишига жуфт бўлиши у киши учун ҳам шараф эди. Аммо начора, Умар розияллоху анху Абу Бакр розияллоху анхунинг олдиларига бориб, ўз қизлари Ҳафсани у кишига ҳам арз қилдилар. Аммо Абу Бакрдан чурқ этган садо чиқмади. Умар розияллоху анхунинг бўларлари бўлди. У киши ўзларини қўйгани жой топа олмай қолдилар. Нима қилиш керак? Қаёққа бош уриш керак? Албатта, одатдагидек бундоқ вақтда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга

мурожаат қилинади-да! Умар розияллоху анху Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига бориб, бўлган ҳодисани айтиб, Усмон ва Абу Бакр розияллоху анхулардан шикоят қилгандек бўлдилар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишига:

«Ҳафсага Усмондан яхши шахс уйланажак, Усмон Ҳафсадан яхши шахсга уйланажак», дедилар.

«Усудул Ғоба», «Мухтасари тарихи Димашқ» ва бошқа китоб соҳиблари улкан саҳобий Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қиладилар:

«Усмон ўз аёли, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қизлари Руқайя вафот этганида йиғлади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сени нима йиғлатмоқда, эй Усмон», дедилар.

«Сиздан қудачилик алоқам узилиб қолганига йиғламоқдаман», деди Усмон.

«Мана, Жаброил алайҳиссалом менга Аллоҳ азза ва жалланинг (Руқайянинг) синглисини никоҳлашим ҳақидаги амрини етказмоқда», дедилар у зот.

Бошқа бир ривоятда:

«Сенга унинг синглисини–Умму Кулсумни унинг маҳрига ўхшаш маҳр ва муомаласига ўхшаш муомала шарти ила никоҳлаб беришим ҳақидаги», дейилган экан.

Ибн Асокир Оиша розияллоху анҳодан келтирган ривоятда қўйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ўз қизлари Умму Кулсумни турмушга чиқарганларида Умму Айманга: «Қизим Умму Кулсумни тайёрла, уни Усмонниги тушириб олиб бор. Унинг олдида дуф чалиб бор», дедилар.

У айтилганларни бажо келтирди. Уч кундан кейин Набий соллаллоху алайҳи васаллам келиб:

«Қизим, хожангни қандоқ кўрдинг?» дедилар.

«Яхши хожа», деди у.

«У бобонг Иброҳим ва отанг Муҳаммад алайҳиссаломга жуда ҳам ўхшашир», дедилар у зот».

Ушбу ривоятларнинг барчаси ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг мартабалари қанчалар юқори эканлигини кўрсатади.

## УХУДДА

Бадрдаги мағлубият ўчини олиш учун Макка кофирлари катта куч тўплаб, мусулмонлар устига бостириб келдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчилигидаги мусулмонлар душман йўлини тўсиб чиқдилар. Уҳудда икки тараф тўқнашди.

Пайғамбар алайҳиссалом жанг бошланнишидан олдин мусулмонларга: «Агар сабр қиласангиз, нусрат сизлар билан», деб айтдилар. Бу Аллоҳ таолонинг Ўз Пайғамбари тилидан берган ваъдаси эди. Уҳуд жанги бошлангач, аввалига мушриклар ичидат катл этилганлар кўпайиб кетиб, улар саросимага тушиб, орқа-олдиларига қарамай тумтарақай қоча бошладилар. Ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб қолган эди. Ҳатто байроқлари ҳам кўлдан тушди. Бир аёл шаҳд билан келиб, байроқни кўтармагунча, ҳеч ким унга қарамади.

Камончилар мушриклардан қолган ўлжаларни кўриб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг: «Жойингизни асло тарқ этманг!» деган амрларини ҳам унутдилар. Баъзилар:

«Мушриклар енгилиб бўлди. Бу ерда нима қилиб турибмиз?! Келинглар, биз ҳам жанг майдонига кириб, бошқалар қатори ўлжадан олайлик», дедилар.

Камончиларнинг амири Абдуллоҳ ибн Жубайр бошлиқ ўнтача нафари эса:

«Расулуллоҳ алайҳиссолату вассаломнинг амрига хилоф қилманглар!» деб қайтардилар. Аммо ўлжа жилва қиласарди уларга.

Ниҳоят Аллоҳ уларга ўзлари суйган нарсани, яъни ғалаба ва нусратни кўрсатганидан сўнг исён қилдилар. Жойларини тарк этиб, ўлжа йиғишга киришиб кетдилар. Шу пайт Холид ибн Валид бошлиқ отлиқ мушриклар улар ташлаб кетган жойдан бостириб кирдилар ва мусулмонлар куршовда қолдилар.

Сўнг улар ҳеч кимга, ҳатто Пайғамбар алайҳиссаломга ҳам қарамай, қоча бошладилар. Бу пайтда Пайғамбар алайҳиссалом: «Аллоҳнинг бандалари мен томонга, Аллоҳнинг бандалари, мен томонга!!! Мен Аллоҳнинг Расулиман!!! Ким қайта ҳужум қилса, унга жаннат бор!!!» деб қичқирап әдилар.

Ана шу қочганлар ичиди Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху ҳам бор әдилар. Ҳа, ўша куни мусулмонлар бошига тўсатдан келган мағлубият билан бирга «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қатл қилинибдилар» деган мишиш ҳам тарқаган әди. Улар даҳшат ва ҳайрат ичиди қочишни бошлаган әдилар. Қочганда ҳам, ёппасига қочишга тушган әдилар. Фақат саноқли кишиларгина Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тирик эканликларини кўриб, событ турар әдилар. Ана ўша событ турганларнинг ишини Аллоҳ таолонинг Ўзи ўнглади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хаёт эканликлари ҳакидаги хабар қочаётган мусулмонлар орасида яшин тезлигига тарқалди-ю, ҳамма ўзини ўнглаб олди. Аллоҳ таолонинг инояти или мусулмонлар муҳаққақ мағлубиятдан қутулиб қолдилар. Аллоҳ таоло урушда қочган мусулмонларни шу ернинг ўзидаёқ афв этди. Уларни бирорта одам айбламади ҳам. Аллоҳ таоло бу ҳақда Оли Йимрон сурасидаги қўйидаги оятларни нозил этди:

**«Батаҳқиқ, Аллоҳ ваъдасининг устидан чиқди. Сиз Унинг изни билан уларни қира бошладингиз. Токи заифлашиб, амр ҳақида ихтилоф қилиб ва сиз суйган**

нарсани кўрсатганидан сўнг, исён қилгунингизча. Орангизда дунёни хоҳлайдиган кимсалар бор ва орангизда охиратни хоҳлайдиган кимсалар бор. Сўнгра сизларни имтиҳон қилиш учун улардан бурди. Батаҳқиқ, сизни афв этди. Аллоҳ мўминларга фазл эгаси бўлган Зотдир.

Пайғамбар ортингиздан чақириб турса ҳам, ҳеч кимга қарамай тирқираб қочганингизни эсланг. Ўтган нарсага ва етган мусибатга хафа бўлмаслигингиз учун, сизга ғам устига ғам берди. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор Зотдир.

Сўнгра, ғамдан кейин сиздан бир тоифангизни қамраб олган мудроқни омонлик қилиб туширди. Бошқа тоифа эса, ўзи билан овора бўлиб, Аллоҳ ҳақида ноҳақ, жоҳилият гумонини қилиб: «Бизнинг қўлимизда нима иш бор эди», дейишди. Сен: «Ишнинг барчаси Аллоҳдандир», деб айт! Сенга ошкор қилмаган нарсаларини иchlарида маҳфий тутарлар. Улар: «Агар қўлимизда бир иш бўлганида, бу ерда қатл қилинmas эдик», дерлар. Сен: «Агар уйларингизда бўлсангиз ҳам, қатл бўлиш тақдирида ёзилганлар ўз ўлим жойларига чиқар эдилар. Бу, Аллоҳ қўксингиздаги нарсани синаши ва қалбингиздини яхшилаб поклаши учундир. Аллоҳ қўксингиздаги нарсани билувчи Зотдир», деб айт.

Икки тўп тўқнашган қуни сизлардан юз ўгириб қочганларни баъзи қилган ишлари туфайли шайтон йўлдан урди, холос. Батаҳқиқ, Аллоҳ уларни афв қилди. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир».

Шундай қилиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам Уҳуд урушида ҳамма билан қочиб, ҳамма билан бирга афв этилдилар.

У киши бошқа барча урушларда фаол қатнашдилар. Кези келганда, бир ҳақиқатни айтиб ўтиш лозим.

Аллоҳ таоло ҳар бандага ҳар хил қобилият, ҳар хил хусусият, ҳар хил имконият беради. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло бандадан имкониятидан ташқари нарсани талаб ҳам қилмайди. Исломнинг энг улкан фазилатларидан бири у ҳар бир кишига ўз қобилиятини жойида ишлатишга имкон яратиб беришидадир. Ислом жамияти ўз аъзоларининг ҳар бирига ўзининг энг яхши хислатларини ўзи учун ҳам, жамият фойдаси учун ҳам намоён қилишининг ажойиб услубларини йўлга қўяди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг сийратларига ва шахсий хислатларига синчилаб назар солсак, у кишида чапдастлик, душман устига от солдириб бориб, қиличбозлик қилиб, катта тўпнинг орасини ёриб чиқиб кетиш қобилиятидан кўра бошқа қобилиятлар ривож топганлигини кўрамиз ва ана шу қобилият ва имкониятлар Ислом уммати учун бошқалар келтира олмаган фойдаларни келтирганининг ҳам гувоҳи бўламиз.

## САХОВАТ

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга Аллоҳ таоло томонидан берилган нодир сифатлардан бири чегарасиз саховат ва Аллоҳ таолонинг розилиги учун молиявий харажат қилишдан бир лаҳза ҳам бўшашиблик сифати эди. Асл тижоратчи бўлган бу зотнинг мол-мулкига Аллоҳ таолонинг Ўзи барака бериб қўйган эди. Энг муҳими, Аллоҳ таоло сахийликни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ажралмас сифатларига айлантирган эди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху Исломга киргандаридан бошлаб, умрларининг охиригача ҳар жума куни Аллоҳ таолонинг розилиги учун бир дона қулни озод қиласар ва буни ўзларига вазифа қилиб олган эдилар. Агар озод қилгани қул топа олмасалар, кейин топиб, бўлса ҳам

озод этар эдилар.

Мадинаи Мунавварада сув тақчиллиги вужудга келиб, кишилар ичгани сув топа олмай қолдилар. Бу ҳолатдан бир яхудий фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Унинг Рума номли бир қудуғи бор эди. Ўша қудуқнинг сувини қиммат нархда сота бошлади. Бойроқлар унинг сувидан сотиб олиб, ичдилар, лекин кўпчилик сувсизлик машаққатини чека бошлади. Ана шу чоғда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор чора кўриш пайига тушдилар. Қолганини эса, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан эшитамиз.

*«Усмон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

*«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:*

**«Ким Рума қудуғини ковласа, унга жаннат бўлур,  
деганларида уни мен ковладим».**

*Бухорий, Термизий ва Насаий ривоят қилишиган.*

Бошқа ривоятларда:

**«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага  
келганларида у ерда Рума қудуғидан бошқа ширин  
сувли қудуқ йўқ эди. У зот: «Ким қудуқни сотиб олиб,  
ўз челагини мусулмонлар челаги билан бирга қилса,  
унга жаннатда яхшироқ қудуқ берилур», дедилар.  
Шунда мен уни ўзимнинг асл молимдан йигирма беш  
ёки ўттиз беш минг дирҳамга сотиб олдим»** дейилган.

Аввал айтиб ўтилганидек, Рума бир яхудий кишининг булоғи эди. Усмон розияллоҳу анху уни қудуқ қилиб ковлатдилар, қурилиш қилдилар ва мусулмонлар учун атаб, ўз челакларида улар билан бир қаторда сув олиб, ичиб юрдилар.

Шундай қилиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху Аллоҳ таоло у кишига берган сахийлик хислатини ишга солиб, бутун бошли бир жамиятнинг муаммоларидан бирини ҳал этдилар. Албатта, бу ажойиб иш учун Аллоҳ таолонинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламдан жаннат

ваъдасини ҳам олдилар.

Одамларнинг Исломга кўплаб кириши, намозхонларнинг кўпайиши оқибатида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз хижратларидан кейин қурган масжид тезда торлик қилиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз сахобаларидан бирортасининг масжидга қўшни ерни сотиб олиб, унга қўшишини орзу қилиб қолдилар. Бу савобли ишни адо этишга ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан бошқа ҳеч ким топилмади. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рағбатлари ҳақидаги хабарни эшитишлари билан ўша ерга етиб бордилар. Ер эгалари билан савдолашган эдилар, улар ниҳоятда юқори нарҳ қўйдилар. Шундок бўлса ҳам, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху ўша ерни сотиб олиб, масжидга қўшдилар. Ҳамма тарихчилар мазкур ерни йигирма беш минг дирҳамга сотиб олганларини тасдиқлайдилар.

## ХУДАЙБИЯДА

Олтинчи ҳижрий санада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир минг тўрт юз сахобалари билан умра ниятида Маккаи Мукаррама томон йўл олдилар. Улар Асафонга етиб боришганида қурайшликлар урушга тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида хабар келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлни буриб, Ҳудайбия номли ерга тушдилар.

Қурайш ўз элчи ва вакилларини юбориб, мусулмонлар қайтиб кетмасалар, уруш бўлишини маълум қиласар ва мусулмонларга нисбатан ашаддий душманлик руҳида келиб, музокаралардан сўнг буларга хайриҳоҳ сифатида қайтар эдилар.

Шундай бир вазиятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз элчиларини Қурайш томон юборишни

ирода қилдилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам Ҳуррош ибн Умайя ал-Хузоъий розияллоху анхуни чақирдилар ва унга Қурайшнинг олдига бориб, уруш учун эмас, Байтуллоҳни зиёрат қилгани келганликларини маълум қилишни топширдилар.

Ҳуррош ибн Умайя ал-Хузоъий розияллоху анху қарши тараф олдига етиб борар-бормас, унинг бирор оғиз сўзини эшитмай туриб, миниб борган туясини сўйиб ташладилар. Ўзини ҳам ўлдириш ҳаракатига тушиб турган эдилар, уни Аҳбошлар куткариб қолдилар. Ҳуррош ибн Умайя ал-Хузоъий розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб, бўлган ходисани сўзлаб берди.

Сўнг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуни чақириб, ҳалиги хабарни Қурайш бошлиқларига етказишни топширмоқчи бўлдилар. Шунда у киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен Қурайшдан қўрқаман. Маккада мени ҳимоя қиласидиган ҳеч ким йўқ, Қурайшга бўлган адоватим, қаттиққўллигим ҳаммага аён. Лекин мендан кўра, Усмон ибн Аффон борса, яхши бўларди», дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳазрати Усмонни чақириб, Абу Суфён ва Қурайшнинг бошқа бошлиқларига эмас, уруш учун, балки Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун келганликларини етказидилар.

Маккага кираверишда ҳазрати Усмонни Абон ибн Саъид кутиб олди ва у кишига ҳомий эканлигини эълон қилди. Ҳазрати Усмон бориб, Абу Суфён ва Қурайшнинг бошқа бошлиқларига Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг гапларини етказдилар.

Шундан сўнг улар:

«Агар Байтуллоҳни тавоғ қилмоқчи бўлсанг, қилиб ол», дейишиди. Аммо у киши:

«Расулуллоҳ тавоғ қилмай туриб, мен тавоғ қилмайман», дедилар.

Оқибатда қурайшликлар у кишини тутиб қолишиди. Пайғамбар алайҳиссалом ва мусулмонларга «Усмон ўлдирилибди» деган гап етиб борди.

Шунда Расулуллоҳ алайҳиссаломга: «Охири бу қавм билан тўқнашар эканмиз-да», дедилар ва саҳобаларни байъатга чақирдилар. Дараҳт остида туриб, ҳамма қўлини Расули акрамнинг қўлларига қўйиб, ўлимга ҳам тайёр эканликлари ҳақида байъат қилдилар. Бу байъат «Ризвон», яъни, «Розилик байъати» номи ила машҳур бўлди. Чунки Аллоҳ таоло ўша дараҳт остида Пайғамбарга ким байъат қилган бўлса, ҳаммасидан рози эканлигини эълон қилди.

Дунё тарихида машҳур бўлган ана ўша байъат давомида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бир қўлларини иккинчи қўллари устига қўйиб туриб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу номларидан байъат қилдилар ва: «Бу Усмоннинг байъатидир», дедилар. Буни кўрган ва эшитган ҳар бир саҳобанинг ҳаваси келди ва ўзини Усмоннинг ўрнида кўришни орзу қилди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу мазкур хатарли сафардан эсон-омон қайтдилар. У кишидан кейин Қурайш янги элчи, яъни Суҳайл ибн Амрни юборди ва иш сулҳ ила тамом бўлди.

## ТАБУК УРУШИ

Мусулмонлар ишининг ривожланиб бориши Рум империясининг тинчини бузар эди. Румликлар мусулмонларни йўқ қилиб ташлаш ниятида эдилар.

Саккизинч ҳижрий сананинг Жумадул-ула ойида улар мусулмонларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан юборилган уч мингга яқин аскари билан Мўъта урушида тўқнашдилар.

Улар Ислом ва мусулмонлар учун жиддий хавфга айланган эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга румликларнинг яна катта аскар тўплаётганлиги ҳақида хабар келди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларини Румга қарши урушга тайёргарлик кўришга буюрдилар.

Бу давр ниҳоятда қийин, ҳаво исиб, қурғоқчилик авжига чиққан пайт эди. Мевалар ғарқ пишган, одамлар сояда ўша мевалардан баҳраманд бўлиб дам олишни хоҳлайдиган вақт эди. Мана шу қаттиқ қийинчиликни эътиборга олиб, бу урушни «Усра» («Қийинчилик») уруши деб ҳам аташган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одатда, бирор урушга чиқадиган бўлсалар, очиқ айтмас эдилар. Бошқа томонга бормоқчи эканликларини айтиб туриб, кейин мақсад қилинган тарафга юрар эдилар. Фақат Табук урушида бундай қилмадилар. Шундай машаққатли ва шиддатли бир пайтда душманнинг қўплиги сабабли одамлар ўзига яраша тайёргарлик кўрсинглар, деб Рум билан уруш килиш ниятида эканликларини очиқ айтдилар. Сўнгра жиддийлик билан сафарга отландилар ва одамларга керакли нарсаларни олиб, шошилишга амр қилдилар. Бой кишиларни хайр-эҳсон этишга, улови йўқ кишиларга улов олиб беришга қизиқтирдилар.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бундай хайр-эҳсон қилувчиларнинг пешқадами бўлдилар. У киши ҳеч ким қилмаган катта миқдордаги хайр-эҳсонни қилдилар. У кишининг бу сахийликларини тақдирлаб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй бор Худоё, Усмондан рози бўлгин, мен ундан розиман», дедилар.

- وَقَالَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ سَمْرَةَ قَاتِلَ عُثْمَانَ إِلَيَّ النَّبِيِّ ﷺ بِالْفِ دِينَارٍ فِي كُمْهٍ حِينَ جَهَزَ جَيْشَ الْعُسْرَةِ فَيَتَّهَمُهَا فِي حِجْرِهِ فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ يُقْلِبُهَا فِي حِجْرِهِ وَيَقُولُ: مَا ضَرَّ عُثْمَانَ مَا عَمِلَ بَعْدَ الْيَوْمِ مَرَّتَيْنِ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

**2838. Абдурраҳмон ибн Самура розияллоху анху айтади:**

«Усмон минг динорни енгига солиб келтириб, Набий соллаллоху алайҳи васаллам «Қийинчилик» (урushi) аскарини тайёрлаётганларида қўйниларига тўқди. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг қўйниларидагини у ёқ-бу ёққа ағдариб туриб, икки марта:

«Бугундан кейин Усмонга нима қилса ҳам, зарар қилмайди», деганларини қўрдим».

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ўша вақтнинг динори тўрт граммдан ортикроқ соф олтин бўлишини хисобга оладиган бўлсак, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху ўша дафъя Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг қўйниларига тўрт килодан ортиқ соф олтинни тўкканлари маълум бўлади. Бундан бир минг тўрт юз йил илгари тўрт килограмм соф олтин қанчалик улкан миқдордаги мулк бўлганини энди бир тасаввур қилиб қўринг, ана шунда Усмон ибн Аффон розияллоху анху қилган молиявий харажатнинг аҳамиятини бир оз тушуниб етасиз. Бу тенги йўқ фидокорлик эди. Бу Аллоҳ таоло йўлидаги улкан хизмат эди. Бу ишни унча-мунча гап-сўз билан баҳолаб ҳам бўлмас эди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳам бу ишга одатдан ташқари юқори баҳо бердилар:

**«Бугундан кейин Усмонга нима қилса ҳам зарар**

**қилмайди», дедилар.**

Бу «Усмон ибн Аффон розияллоху анху умрининг охиригача етадиган ишни қилиб қўйди» дегани эди. Энди у киши бошқа хайр-эҳсон қилмаса ҳам бўлаверади, ҳатто нима ёмон иш қилса ҳам у кишига зарар етмайди, дегани эди.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху энди ушбу ишлари билан ва унга Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам берган олий баҳолари билан кифояланиб қолармиканлар?.. Йўқ, албатта! Бу билан кифояланиб қолиш Муҳаммад алайҳиссалом дорилфунунлари талабасига хос эмас. Агар шу иш билан кифояланиб қолганларида, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху ҳазрати Усмон бўлиб, ўз номлари билан дунёни тўлдирмаган бўлардилар. Ислом умматининг учинчи халифаси бўла олмаган бўлардилар. Ҳа, у киши юкоридаги молиявий харажатлари ва Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг олий баҳоларию ваъдалари билан чегараланиб қолмадилар. Балки ўзларига хос иш тутдилар. Ана шу ишлари ва тутумларини муҳаддисларимиз бизга аниқ ва равшан ривоят қилиб қолдирдилар.

2839 - وَقَالَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ حَبَابٍ تَشَهِّدُ النَّبِيُّ رَوْهُ وَهُوَ يَحْثُلُ عَلَى جَيْشِ الْعُسْرَةِ فَقَامَ عُثْمَانُ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ عَلَيَّ مِائَةً بَعِيرٍ بِأَحْلَاسِهَا وَأَقْتَاهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ حَضَرَ عَلَى الْجُنُوشِ فَقَامَ عُثْمَانُ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ عَلَيَّ مِائَةً بَعِيرٍ بِأَحْلَاسِهَا وَأَقْتَاهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ حَضَرَ عَلَى الْجُنُوشِ فَقَامَ عُثْمَانُ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ عَلَيَّ سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ حَضَرَ عَلَى الْجُنُوشِ فَقَامَ عُثْمَانُ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ عَلَيَّ ثَلَاثُ مِائَةٍ بَعِيرٍ بِأَحْلَاسِهَا وَأَقْتَاهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَأَنَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ رَوْهُ وَهُوَ

يَنْزُلُ عَنِ الْمِنْبَرِ وَهُوَ يَقُولُ: مَا عَلَى عُثْمَانَ مَا عَمِلَ بَعْدَ هَذِهِ مَا  
عَلَى عُثْمَانَ مَا عَمِلَ بَعْدَ هَذِهِ . رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

**2839. Абдурраҳмон ибн Ҳаббоб розияллоҳу анху айтади:**

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қиинчилик» лашкарига тарғиб қилганларида ҳозир бўлдим. Ўшанда Усмон ўрнидан туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳнинг йўлида юзта туяни эгар-жабдуғи билан зиммамга оламан», деди.

Сўнгра у зот яна лашкарга тарғиб қилдилар. Бас, Усмон ўрнидан туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳнинг йўлида икки юзта туяни эгар-жабдуғи билан зиммамга оламан», деди.

Сўнгра у зот яна лашкарга тарғиб қилдилар. Бас, Усмон ўрнидан туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳнинг йўлида уч юзта туяни эгар-жабдуғи билан зиммамга оламан», деди.

Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбардан тушаётиб:

«Бундан кейин Усмон нима қилса ҳам, зарар бўлмас. Бундан кейин Усмон нима қилса ҳам, зарар бўлмас», деганларини кўрдим».

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ўша пайтда тую араблар учун энг мўътабар мулк, асосий бойлик ҳисобланар эди. Туси йўқ киши ҳеч нарсаси йўқ ҳисобланар эди. Агар бугунги куннинг истилоҳи билан айтадиган бўлсак, тую ўша даврнинг қаттиқ валютаси эди. Кўп нарсалар тую билан баҳоланар эди. Баъзи нарсаларнинг микдори ҳам туюнинг баҳосига қараб бичилар эди.

Ана шундоқ нарсадан олти юзтасини эгар-жабдуғи

билинг бирданига Аллоҳ таолонинг йўлида сафарга чиқадиганларга тутиш учун Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бўлиш керак эди. У киши қилган бу иш шу қадар улкан эдики, унинг улканлигини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбардан тушаётib:

**«Бундан кейин Усмон нима қилса ҳам, зарар бўлмас. Бундан кейин Усмон нима қилса ҳам, зарар бўлмас»** деганларидан билиб оламиз.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ана шу улкан ишлари ва унга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам берган олий баҳолари билан кифояланиб қолдиларми? Йўқ, бу билан кифояланиб қолиш Мухаммад алайҳиссалом дорилфунунлари талабасига хос эмас эди. Агар кифояланиб қолганларида, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳазрати Усмон бўлиб, ўз номлари билан дунёни тўлдирмас эдилар. Ислом умматининг учинчи халифаси бўла олмас эдилар. Ҳа, у киши бу билан чекланиб қолмай яна ўзларига хос – Усмончасига иш тутдилар. У киши: «Минг динор пул, олти юзта туюни эгаржабдуғи билан Аллоҳнинг йўлига атаб қўйдим, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан: **«Бундан кейин Усмон нима қилса ҳам, зарар бўлмас»**, деган ваъдани олдим, энди бемалол дам олаверсам ҳам бўлади», демадилар. Балки ўзлари ҳам урушга отланиб, одий жангчи сифатида йўлга тушдилар.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аскар тортиб, Табуккача бордилар. Ўша ерда Рум подшоси у зотнинг йўлга чиққанларини эшитиб, уруш қилишга юраги дов бермай, Димашқдан қайтиб кетганлиги ҳакида хабар келди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, ортга қайтдилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг таъминоти или тузилган лашкар бирор талафот кўрмай, хурсанд ҳолда ортга қайтди. Лекин ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ўзлари

сарфлаган мол-мулкларидан бирортасини ҳам қайтариб олмадилар.

## НАБАВИЙ БАШОРАТ

Шундай қилиб, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бутун имкониятларини ишга солиб, ҳамиша Аллоҳ таолонинг розилигини топиш пайида яшадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳеч ҳам ажрамадилар. Сафардаю хазарда у зотнинг амрларига муштоқ бўлиб, сергак турдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ Ислом жамиятининг кўзга кўринган арбоби бўлдилар.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг иймон, Ислом, дину диёнат, мусулмонлар оммаси учун қилган ишлари ниҳоятда кўп эди. У кишининг Аллоҳ таолонинг розилигини тилаб қилган ибодатлари, амаллари олий даражада эди. Бу ишларнинг ҳаммаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олиймақом ваъдалари билан юқори баҳоланди. Бу маънодаги баъзи ҳадиси шарифларни ўрганиб ўтдик. Яна баъзиларини ўрганишимиз бор, инشاаллоҳ.

Мазкур набавий ваъдаларни жамлаб келсак, улар икки башоратда яққол кўзга ташланади ва ўша ваъдаларнинг мағзи ҳам худди шу икки башоратда ўз аксини топади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг саҳобаи киромларидан факат ўн кишига очик-ойдин равишда жаннатнинг башоратини берганлар. Ана шу саодатманд зотлар рўйхатида Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумодан кейин, учинчи сирада ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу турадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рафиқи Аълога интиқол қилишларидан олдин қуйидаги эълонни қилган эдилар:

«Эй одамлар!

Абу Бакр менга ҳеч қачон беодоблик қилмади. Унинг бу қадрини билинглар!

Эй одамлар!

Албатта, мен Умардан, Усмондан, Алидан, Толҳа ибн Убайдуллоҳдан, Зубайр ибн Аввомдан, Саъд ибн Абу Ваққосдан, Абдурраҳмон ибн Авфдан ва аввалги муҳожирлардан розиман. Бас, уларнинг бу қадрини билинглар», дедилар.

Шундоқ қилиб, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу яна бир катта бахтга эришдилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рози бўлиб ўтган саодатманд кишилар рўйхатининг аввалги қисмидан ўрин олдилар.

## БИРИНЧИ ХАЛИФА ДАВРИДА

Пайғамбар алайҳиссалом Рафиқи Аълого интиқол қилганларидан сўнг ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу халифа бўлганларида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг Ислом жамиятида тутган ўринлари яна ҳам салмоқли бўлди. У киши халифанинг икки вазиридан бирига айландилар, десак муболага бўлмайди. Биринчи халифага Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Умар розияллоҳу анҳу билан бирга доимо мадад бўлиб турдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу тузган шуро мажлисининг бирорта мажлиси ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг иштирокисиз ўтмас эди. У киши муртадларга қарши олиб борилган курашни бошқаришда жамият бошлиғига яқиндан ёрдам бердилар. Яна бошқа ҳар бир муҳим ишда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг муносиб ҳиссаси бўлиши турган гап эди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ўз тижоратлари илиа жамият ишига катта ҳисса қўшар эдилар. У киши

бозорни синчковлик билан кузатиб борар, қайси нарсанинг нархи ортиб, харидори кўпайганлиги, тожирлар ундан мўмай даромад топиш пайига тушиб қолганларини пайқаб қолсалар, ўша молни кўплаб олдириб келиб, бозорни сероб қилиб, нархни тушириб юборар эдилар. У кишининг халқ оммасига кўрсатган бундоқ ҳимматлари учун Аллоҳ таоло молу мулкларига барака берар эди. Кези келганда бундан бошқача ҳам иш тутар эдилар.

Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Абу Бакрнинг вактида одамлар қаҳатчиликка учрадилар. Халифа уларга:

«Иншааллоҳ, эртага кечкурунгача Аллоҳнинг кушойиши келиб қолар», деди.

Эртасига тонг чоги Усмоннинг карвони етиб келди.

Тожирлар дарҳол унинг олдига етиб келдилар. У ридосининг пешларини елкасига ташлаб олган ҳолда чиқди. Тожирлар карвонда келган молни улгуржи савдо қилиб, уларга сотишини сўрашди.

«Қанча фойда берасизлар?» деди Усмон.

«Ўнтага ўн иккита», дедилар.

«Бундан кўп берадиган бор», деди Усмон.

«Ўнтага ўн бешта», дедилар.

«Бундан кўп берадиган бор», деди Усмон.

«Сенга бундан кўп берадиган ким эди? Мадинанинг тожирлари биз бўлсак!» дедилар.

«У Аллоҳдир. У Зот менга ҳар дирҳамга ўн баробар зиёда беришни ваъда қилди. Сизлар ундан кўп бера оласизларми?» деди.

Тожирлар қайтиб кетдилар. У эса:

«Эй бор Худоё! Буларнинг ҳаммасини Мадинанинг камбағалларига эҳсон қилдим. Нарх ҳам йўқ. Ҳисоб ҳам йўқ!» деб нидо қилди».

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ана шундоқ нодир

хислатлар соҳиби бўлган бир зот эдилар. У киши фақирларга амирларнинг таомини берсалар ҳам, ўзлари зайдун ёғини сиркага аралаштариб, қуруқ нон билан еб ўтирас эдилар.

## ИККИНЧИ ХАЛИФА ДАВРИДА

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг халифалик даврларида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг масъулиятлари яна ҳам ортди. Ўша даврда олиб борилган барча оламшумул ишларда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху халифанинг бош маслаҳатчиларидан бири бўлдилар. Ислом жамиятида содир бўладиган бирор иш у кишининг иштирокисиз бўлмас эди.

Шунинг учун ҳам Умар розияллоҳу анху ўзларининг бу дунёни тарқ этишларига кўзлари етганда ўринларига халифа бўлиши кўзда тутилган номзодлар қаторининг энг бош қисмига Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг исмларини қўйдилар.

Бу ҳақда Имом Бухорий узун бир ривоят келтирган. Биз шарҳ қилаётган «Ат-Тож ул-Жомеъ» китобида ушбу ривоят Умар розияллоҳу анху ҳақидаги бўлимда келтирилган. Аммо биз уни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху ҳақидаги бобда келтиришни маъкул кўрдик.

وصيہ عمر والبیعة لعثمان ﷺ

## УМАРНИНГ ВАСИЯТИ ВА УСМОНГА БАЙЪАТ

عَنْ عَمْرِو بْنِ مَيْمُونٍ ﷺ قَالَ: رَأَيْتُ عُمَرَ قَبْلَ أَنْ - 2840

يُصَاب بِأَيَّامٍ بِالْمَدِينَةِ وَقَفَ عَلَى حُدَيْقَةٍ وَعُشْمَانَ بْنِ حُنَيْفٍ قَالَ:  
كَيْفَ فَعَلْتُمَا أَتَخَافَانِ أَنْ تَكُونَا قَدْ حَمَلْتُمَا الْأَرْضَ مَا لَا تُطِيقُ؟ قَالَ:  
حَمَلْنَاهَا أَمْرًا هِيَ لَهُ مُطِيقَةٌ مَا فِيهَا كَبِيرٌ فَضِيلٌ قَالَ: انْظُرَا أَنْ تَكُونَا  
حَمَلْتُمَا الْأَرْضَ مَا لَا تُطِيقُ قَالَا: لَا فَقَالَ عُمَرُ: لِإِنْ سَلَّمَنِي اللَّهُ  
لَا دُعَنَ أَرَاملَ أَهْلِ الْعِرَاقِ لَا يَحْتَجِنَ إِلَى رَجُلٍ بَعْدِي أَبْدًا قَالَ فَمَا  
أَتْتُ عَلَيْهِ إِلَّا رَابِعَةً حَتَّى أُصِيبَ مَا بَيْنِي وَبَيْهُ إِلَّا ابْنَ عَبَّاسٍ عَدَاهُ  
أُصِيبَ وَكَانَ إِذَا مَرَ بَيْنَ الصَّفَيْنِ قَالَ اسْتَوْلُوا حَتَّى إِذَا لَمْ يَرَ فِيهِنَّ  
خَلَالًا تَقْدَمَ فَكَبَرَ وَرَبَّمَا قَرَا سُورَةَ يُوسُفَ أَوِ النَّحلَ أَوْ نَحْوَ ذَلِكَ فِي  
الرُّكْعَةِ الْأُولَى حَتَّى يَجْتَمِعَ النَّاسُ فَمَا هُوَ إِلَّا أَنْ كَبَرَ فَسَمِعْتُهُ يَقُولُ:  
قَتَلَنِي أَوْ أَكَلَنِي الْكَلْبُ حِينَ طَعَنَهُ فَطَارَ الْعِلْجُ بِسِكِينٍ ذَاتِ طَرَفَيْنِ  
لَا يَمْرُ عَلَى أَحَدٍ يَمِينًا وَلَا شِمَالًا إِلَّا طَعَنَهُ حَتَّى طَعَنَ ثَلَاثَةَ عَشَرَ رَجُلًا  
مَاتَ مِنْهُمْ سَبْعَةٌ فَلَمَّا رَأَى ذَلِكَ رَجُلٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ طَرَحَ عَلَيْهِ  
بُرْئِسًا فَلَمَّا ظَنَ الْعِلْجُ أَنَّهُ مَأْخُوذٌ بَحْرَ نَفْسَهُ وَتَنَاوَلَ عُمَرُ يَدَ عَبْدِ  
الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ فَقَدَمَهُ لِلصَّلَاةِ فَمَنْ يَلِي عُمَرَ فَقَدْ رَأَى الَّذِي أَرَى  
وَأَمَّا نَوَاحِي الْمَسْجِدِ فَإِنَّهُمْ لَا يَدْرُونَ غَيْرَ أَنَّهُمْ قَدْ فَقَدُوا صَوْتَ  
عُمَرَ وَهُمْ يَقُولُونَ سُبْحَانَ اللَّهِ سُبْحَانَ اللَّهِ فَصَلَّى إِلَيْهِمْ عَبْدُ الرَّحْمَنِ  
صَلَاةً خَفِيفَةً فَلَمَّا انْصَرُوا قَالَ عُمَرُ: يَا ابْنَ عَبَّاسٍ انْظُرْ مَنْ قَتَلَنِي

فَجَاهَ سَاعَةً ثُمَّ حَاءَ فَقَالَ: عُلَامُ الْمُغِيْرَةِ قَالَ: الصَّنَعُ قَالَ: نَعَمْ قَالَ:  
قَاتَلَهُ اللَّهُ لَقْدَ أَمْرَتُ بِهِ مَعْرُوفًا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي لَمْ يَجْعَلْ مِيَتَيْ يَبَدِ  
رَجُلٍ يَدْعِي إِلِّيْسَلَامَ قَدْ كُنْتَ أَنْتَ وَأَبُوكَ تُحْبَّانِ أَنْ تَكُثُرَ الْعُلُوْجُ  
بِالْمَدِيْنَةِ وَكَانَ الْعَبَاسُ أَكْثَرُهُمْ رَقِيقًا فَقَالَ: إِنْ شِئْتَ فَتَنَاهُمْ قَالَ:  
كَذَبْتَ بَعْدَ مَا تَكَلَّمُوا بِلِسَانِكُمْ وَصَلَّوْا قِبْلَتَكُمْ وَحَجُّوا حَجَّكُمْ  
فَاحْتَمَلَ عُمُرٌ ۚ إِلَى بَيْتِهِ فَانْطَلَقْنَا مَعَهُ وَكَانَ النَّاسُ لَمْ تُصِبِّهِمْ مُصِيْبَةٌ  
قَبْلِ هَذِهِ فَقَائِلٌ يَقُولُ لَا بَأْسَ وَقَائِلٌ يَقُولُ أَخَافُ عَلَيْهِ فَأُتَيَ بِنَيْدٍ  
فَشَرِّبَهُ فَخَرَجَ مِنْ جَوْفِهِ ثُمَّ أُتَيَ بِلَبَنٍ فَشَرِّبَهُ فَخَرَجَ مِنْ جَوْفِهِ فَعَلَمُوا أَنَّهُ  
مَيْتٌ فَدَخَلُنَا عَلَيْهِ وَجَاهَ النَّاسُ فَجَعَلُوا يُشْنُونَ عَلَيْهِ وَجَاهَ رَجُلٌ شَابٌ  
فَقَالَ: أَبْشِرْ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ بِيُشْرِيَ اللَّهُ لَكَ مِنْ صُحْبَةِ رَسُولِ اللَّهِ  
وَقَدِمَ فِي إِلِّيْسَلَامَ مَا قَدْ عَلِمْتُ ثُمَّ وَلِيتَ فَعَدْلُتُ ثُمَّ شَهَادَةً قَالَ:  
وَدِدْتُ أَنْ ذَلِكَ كَفَافٌ لَا عَلَيَّ وَلَا لِي فَلَمَّا أَدْبَرَ إِذَا إِرَازَهُ يَمَسَّ  
الْأَرْضَ قَالَ: رُدُّوا عَلَيَّ الْعَلَامَ فَجَاهَ فَقَالَ: يَا ابْنَ أَخِي ارْفَعْ ثُوبَكَ  
فَإِنَّهُ أَبْعَى لِتُوْبِكَ وَأَنْقَى لِرِتَبَكَ ثُمَّ قَالَ: يَا عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ انْظُرْ مَا  
عَلَيَّ مِنَ الدَّيْنِ فَحَسَبُوهُ فَوَجَدُوهُ سِتَّةً وَثَمَانِينَ أَلْفًا أَوْ نَحْوَهُ قَالَ: إِنْ  
وَقَيَ لَهُ مَالٌ آلٌ عُمَرَ فَأَدَهُ مِنْ أَمْوَالِهِمْ وَإِلَّا فَسَلَّنَ فِي بَنِي عَدِيٍّ بْنِ  
كَعْبٍ فَإِنْ لَمْ تَفِ أَمْوَالُهُمْ فَسَلَّنَ فِي قُرَيْشٍ وَلَا تَعْدُهُمْ إِلَى عَيْرِهِمْ فَأَدَّ

عَنِّي هَذَا الْمَالُ انْطَلِقْ إِلَى عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ فَقُلْ يَقْرَأْ عَلَيْكِ عُمُرُ  
السَّلَامُ وَلَا تَقُلْ أَمِيرُ الْمُؤْمِنِينَ فَإِنِّي لَسْتُ الْيَوْمَ لِلْمُؤْمِنِينَ أَمِيرًا وَقُلْ  
يَسْتَأْذِنُ عُمُرُ بْنُ الْحَطَابِ أَنْ يُدْفَنَ مَعَ صَاحِبِهِ فَذَهَبَ فَسَلَّمَ  
وَاسْتَأْذَنَ ثُمَّ دَخَلَ عَلَيْهَا فَوَجَدَهَا تَبْكِي فَقَالَ لَهَا مَا قَالَ عُمُرُ  
فَقَالَتْ: كُنْتُ أُرِيدُ لِنَفْسِي وَلَا وِرَثَنَ بِهِ الْيَوْمَ عَلَى نَفْسِي فَلَمَّا أَقْبَلَ  
قِيلَ هَذَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ قَدْ حَاءَ قَالَ عُمُرُ: ارْفَعُونِي فَأَسْنَدَهُ رَجُلٌ  
إِلَيْهِ فَقَالَ لِابْنِ عُمَرَ: مَا لَدَنِيَ قَالَ: الَّذِي تُحِبُّ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ  
أَذِنْتُ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ مَا كَانَ مِنْ شَيْءٍ أَهُمْ إِلَيَّ مِنْ ذَلِكَ فَإِذَا أَنَا  
قَضَيْتُ فَاحْمِلُونِي ثُمَّ سَلَّمَ فَقُلْ يَسْتَأْذِنُ عُمُرُ بْنُ الْحَطَابِ فَإِنْ أَذِنْتُ  
لِي فَأَدْخِلُونِي وَإِنْ رَدَّتِي رُدُونِي إِلَى مَقَابِرِ الْمُسْلِمِينَ وَجَاءَتْ أُمُّ  
الْمُؤْمِنِينَ حَفْصَةُ وَالنَّسَاءُ تَسِيرُ مَعَهَا فَلَمَّا رَأَيْنَاهَا قُمْنَا فَوَجَبَتْ عَلَيْهِ  
فَمَكَثَتْ عِنْدَهُ سَاعَةً وَاسْتَأْذَنَ الرِّجَالُ فَوَجَبَتْ دَاخِلًا فَسَمِعَنَا بُكَاءَهَا  
مِنَ الدَّاخِلِ فَقَالُوا: أَوْصِ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ اسْتَخْلِفْ قَالَ: مَا أَجِدُ  
أَحَدًا أَحْقَى بِهَذَا الْأَمْرِ مِنْ هُؤُلَاءِ النَّفَرِ أَوِ الرَّهْطِ الَّذِينَ ثُوَبَّنَ رَسُولُ  
اللَّهِ P وَهُوَ رَاضٍ عَنْهُمْ فَسَمَّى عَلَيْا وَعُثْمَانَ وَالزُّبَيرَ وَطَلْحَةَ وَسَعْدًا  
وَعَبْدَ الرَّحْمَنِ وَقَالَ: يَشْهَدُكُمْ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ وَلَيْسَ لَهُ مِنَ الْأَمْرِ  
شَيْءٌ كَهِيَّةُ التَّعْزِيَةِ لَهُ فَإِنْ أَصَابَتِ الْإِمْرَةُ سَعْدًا فَهُوَ ذَاكَ وَإِلَّا

فَلِيَسْتَعِنْ بِهِ أَيُّكُمْ مَا أَمْرَ فَإِنِّي لَمْ أَعْزِلْهُ عَنْ عَجْزٍ وَلَا خِيَانَةٍ ثُمَّ قَالَ:  
أَوْصِي الْخَلِيفَةَ مِنْ بَعْدِي بِالْمُهَاجِرِينَ الْأَوَّلِينَ أَنْ يَعْرِفَ لَهُمْ حَقَّهُمْ  
وَيَحْفَظَ لَهُمْ حُرْمَتَهُمْ وَأَوْصِيهِ بِالْأَنْصَارِ خَيْرًا {الَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ  
وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ} أَنْ يُعْبَلَ مِنْ مُحْسِنِهِمْ وَأَنْ يُعْفَى عَنْ مُسِيءِهِمْ  
وَأَوْصِيهِ بِأَهْلِ الْأَمْصَارِ خَيْرًا فَإِنَّهُمْ رِذْءُ الْإِسْلَامِ وَجُنَاحُ الْمَالِ وَغَيْظُ  
الْعَدُوِّ وَأَنْ لَا يُؤْخَذَ مِنْهُمْ إِلَّا فَضْلُهُمْ عَنْ رِضَاهُمْ وَأَوْصِيهِ بِالْأَعْرَابِ  
خَيْرًا فَإِنَّهُمْ أَصْلُ الْعَرَبِ وَمَادَهُ الْإِسْلَامُ أَنْ يُؤْخَذَ مِنْ حَوَاشِي أَمْوَالِهِمْ  
وَيُرَدَّ عَلَى فُقَرَائِهِمْ وَأَوْصِيهِ بِذَمَّةِ اللَّهِ وَذَمَّةِ رَسُولِهِ أَنْ يُوفَ لَهُمْ  
بِعَهْدِهِمْ وَأَنْ يُقَاتَلَ مِنْ وَرَائِهِمْ وَلَا يُكَلِّفُوا إِلَّا طَاقَتِهِمْ قَالَ: فَلَمَّا  
قِضَ خَرْجَنَا بِهِ نَمْشِي فَسَلَّمَ ابْنُ عُمَرَ قَالَ: يَسْتَأْذِنُ عُمَرَ قَالَتْ:  
أَذْخُلُوهُ فَأَذْخَلَ فَوْضَعَ هَنَالِكَ مَعَ صَاحِبِي فَلَمَّا فَرَغَ مِنْ دُفْنِهِ اجْتَمَعَ  
هُؤُلَاءِ الرَّهْطُ فَقَالَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ: اجْعَلُوا أَمْرَكُمْ إِلَى ثَلَاثَةِ مِنْكُمْ فَقَالَ  
الْزَّيْرُ: قَدْ جَعَلْتُ أَمْرِي إِلَى عَلَيِّ فَقَالَ طَلْحَةُ: قَدْ جَعَلْتُ أَمْرِي إِلَى  
عُثْمَانَ وَقَالَ سَعْدُ: قَدْ جَعَلْتُ أَمْرِي إِلَى عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ فَقَالَ  
عَبْدُ الرَّحْمَنِ: أَيُّكُمَا تَبَرَّأَ مِنْ هَذَا الْأَمْرِ فَنَجْعَلُهُ إِلَيْهِ وَاللَّهُ عَلَيْهِ  
وَالْإِسْلَامُ لَيَنْظُرَنَّ أَفْضَلَهُمْ فِي نَفْسِهِ فَأَسْكَتَ الشَّيْخَانِ فَقَالَ عَبْدُ  
الرَّحْمَنِ: أَفَتَجْعَلُونَهُ إِلَيَّ وَاللَّهُ عَلَيَّ أَنْ لَا أَلُو عَنْ أَفْضَلِكُمْ قَالَ: نَعَمْ

فَأَخَذَ بِيَدِ أَحَدِهِمَا (عَلَيْهِ) فَقَالَ: لَكَ قَرَابَةٌ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَالْقِدَمُ  
فِي الْإِسْلَامِ مَا قَدْ عَلِمْتَ فَاللَّهُ عَلَيْكَ لَئِنْ أَمْرَتُكَ لَتَعْدِلَنَّ وَلَئِنْ أَمْرَتُ  
عُثْمَانَ لَتَسْمَعَنَّ وَلَتُطِيعَنَّ قَالَ: نَعَمْ ثُمَّ خَلَأَ بِالآخِرِ فَقَالَ لَهُ مِثْلَهُ  
ذَلِكَ فَلَمَّا أَخَذَ الْمِيَاثَاقَ عَلَيْهِمَا قَالَ: ارْفِعْ يَدَكَ يَا عُثْمَانُ فَبَأَيْعَهُ  
فَبَأَيَّعَ لَهُ عَلَيْهِ وَوَجَ أَهْلُ الدَّارِ فَبَأَيَّعُوهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

2840. Амр ибн Маймун розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Умарни мусибатга учрашидан бир неча кун олдин күрдим. У Хузайфа ва Усмон ибн Хунайфни түхтатиб:

«Икковингиз нима қилдингиз? Ерга унинг тоқати етмайдиган нарсани юклаб қўймадингизми тағин?» деди.

«Биз унга тоқати етадиган нарсани юкладик. Кўп ортиқлиги йўқ», дейишди.

«Яхшилаб назар солинглар, яна ерга у тоқат қила олмайдиган нарсани юклаб қўйманглар», деди.

«Йўқ», дейишди.

«Аллоҳ саломат қилса, Ироқнинг тул аёлларини мендан кейин ҳеч кимга ҳожати тушмайдиган қиласман», деди.

Ана шунинг тўртинчи куни у мусибатга учради. У мусибатга учраган тонгда мен билан унинг орасида Ибн Аббосдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У одатда икки сафнинг орасидан ўтса, «Тўғриланинглар!» дер эди. Токи сафларда камчилик кўрмаганда, олдинга ўтиб, такбир айтар эди. Биринчи ракъатга одамлар жамланиши учун сураи Юсуфними, Наҳлними ёки шуларга ўхшашними қироат қиласман.

У такбир айтганидан сўнг (Абу Лулья)

чавақлаганда: «Мени ўлдирди» ёки «Еди ит!» деганини эшидим. Ажам коғир икки тиғли пичоқ билан икки томонга ташланиб бораверди. Кимнинг олдидан ўтса, ўнг томонда бўлса ҳам, чап томонда бўлса ҳам, пичоқ санчар эди. У ўн уч кишини пичоқлади. Улардан еттитаси ўлди. Буни кўрган мусулмонлардан бири унинг устига чопон ташлади. Ажам коғир тутилишни кўрганидан кейин ўзини сўйиб юборди.

Умар Абдурраҳмон ибн Авфни қўлидан ушлаб олдинга, намозга ўтказди. Умарга яқин турганлар мен кўрган нарсани кўрдилар. Аммо масжиднинг бошқа тарафидагилар нима бўлганини билмас эдилар. Улар Умарнинг овози йўқолиб қолганини билдилар, холос. Улар: «Субҳаналлоҳ! Субҳаналлоҳ!» дейишар эди. Абдурраҳмон ибн Авф уларга енгил намоз ўқиб берди.

Улар намоздан чиққанларида у (Умар):

«Эй Ибн Аббос, қара-чи, мени ким қатл қилди экан?» деди.

У бир муддат айланди-да, қайтиб келиб:

«Муғийранинг ғуломи», деди.

«Хунармандми?» деди (Умар).

«Ҳа», деди Ибн Аббос.

«Аллоҳ уни қатл этсин! Мен унга маъруфни амр қилган эдим. Менинг ўлимимни Исломни даъво қилмайдиганнинг қўлида қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин! Сен билан отанг ажам коғирлар Мадинада кўпайишини яхши кўрар эдинглар», деди.

«Агар хоҳласангиз, уларни ўлдирман», деди ибн Аббос.

«Бекор айтибсан! Улар тилингизда гапирганларидан, қиблангизга қараб намоз ўқиганидан ва ҳажингизни адo этганларидан кейинми!?» деди Умар.

У уйига кўтариб олиб борилди. Биз ҳам бирга

кетдик. Худди одамларга ўша қунгига ўхшаш мусибат етмаганга ўхшар эди. Бирор: «Ҳеч гап эмас», деса, бошқаси: «Бирор гап бўладими деб қўрқаман», дер эди. Унга ивтилган хурмо суви берилди. Ичувди, қорнидан оқиб чиқди. Сўнгра унга сут берилди. Ичувди, жароҳат еридан оқиб чиқди. Одамлар унинг ўлишини тушундилар. Биз ҳам унинг олдига кирдик. Одамлар келиб, унга мақтов сўзларини айта бошладилар. Бир ёш йигит келиб:

«Хурсанд бўлинг, эй мўминларнинг амири! Аллоҳ сизга берган башоратлар ила: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаси бўлиш, қадимдан ўзингиз билгандек Исломда бўлиш.... Сўнгра волий бўлдингиз ва адолат қилдингиз. Кейин эса шаҳидлик», деди. Умар:

«Бу менинг фойдамга ҳам, зараримга ҳам бўлмаслигини истардим», деди.

Йигит ортига қайтиб кетаётганда изори ерга судралиб кетаётгани маълум бўлди. Умар:

«Менга йигитни қайтаринглар!» деди ва унга:

«Эй биродаримнинг ўғли, кийимингни кўтариб ол. Бу кийиминг учун покликдир, Роббинг учун тақволикдир», деди ва гапида давом этиб:

«Эй Абдуллоҳ ибн Умар! Менинг қарзларимга назар сол», деди.

Хисоб қилишган эди, саксон олти мингча чиқди.

«Агар Оли Умарнинг моли етса, қарзни уларнинг молидан адо қил. Етмаса, Бани Адий ибн Каъбдан сўра. Агар уларнинг ҳам моллари етмаса, Қурайшдан сўра, улардан бошқаларга ўтма. Менинг зиммамдаги бу молни адо қил. Мўминларнинг онаси Оишанинг олдига бориб, «Умар сизга салом айтадир», дегин. Мўминларнинг амири демагин, мен бугун мўминларга амир эмасман. Умар ўзининг икки соҳиби ила дафн

қилинишга изн сўрайдир, дегин» деди у.

У бориб, салом берди ва изн сўради. Сўнгра унинг олдига кирса, ўтириб олиб, йиғлаётган экан. У унга:

«Умар ибн Хаттоб сизга салом айтади ва ўзининг икки соҳиби ила дафн қилинишига изн сўрайди», деди.

У киши:

«Ўзимга кўзлаган эдим. Энди, албатта, бугун уни ўзимдан устун қўяман», дедилар.

У қайтиб келганда «Мана, Абдуллоҳ ибн Умар қайтиб келди», дейилди.

«Нима билан келдинг?» деди.

«Сиз яхши кўрган нарса билан, изн бердилар», деди.

«Алҳамдулиллаҳ! Мен учун ундан кўра муҳимроқ нарса йўқ эди. Бас, қачон қазо қилсам, мени кўтариб боринглар ва сен салом бергин-да, «Умар ибн Хаттоб изн сўрайди», дегин. Агар менга изн берса, мени киритинглар. Агар рад қилса, мени мусулмонларнинг қабристонига қайтариб олиб боринглар», деди.

Мўминларнинг онаси Ҳафса (бинти Умар) келди. Аёллар у киши билан бирга келдилар. Биз уларни кўрганимизда ўрнимиздан турдик. У киши унинг олдига кириб бир муддат йиғлади. Эркаклар изн сўрадилар. У киши улар учун ичкарига кириб турдилар. Биз у кишининг ичкаридаги йиғиларини эшитдик.

Одамлар:

«Эй мўминларнинг амири, васият қилинг, ўрнингизга халифани танланг», дедилар. У киши:

«Бу ишга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рози ҳолларида вафот этган кишилар: Али, Усмон, Зубайр, Саъд, Толҳа ва Абдурраҳмон (ибн Авғ)лардан бошқани ҳақли кўрмайман. Сизларга Абдуллоҳ ибн Умар гувоҳ бўлади. Унинг ўзига амирликдан ҳеч нарса

йўқ. Бу унинг учун таъзияга ўхшаган бир нарса. Агар амирлик Сайдга етса, яхши. Агар ундоқ бўлмаса, сиздан ким амир қилинса ундан ёрдам олиб турсин. Мен уни ожизлик ёки хиёнат юзасидан ишдан олганим йўқ», деди.

Кейин у киши: «Ўзимдан кейинги халифага аввалги муҳожирларнинг хаққини билмоғини, уларнинг хурматини қилмоғини васият қиласман.

Унга диёрга жойлашган ва иймонга ихлос қилган ансорларга яхшилик қилмоқни васият қиласман. Уларнинг яхшиисидан яхшилигини қабул қилмоғини ва ёмонини афв қилмоғини васият қиласман.

Унга барча юртлар ахлига яхшилик қилмоғини васият қиласман. Улар Исломнинг ёрдамчилариридир. Мол йигувчилардир. Душманнинг аччиғини чиқарувчилардир. У улардан фақат ортиб қолган нарсани уларнинг розилиги билангина олсин.

Мен унга аъробийларга яхшилик қилишни васият қиласман. Чунки улар арабларнинг аслидирлар. Исломнинг моддасидирлар. У уларнинг молларининг ҳошиясидан олиб, фақирларига берсин.

Мен унга Аллоҳнинг зimmersidagilararga, Расулulloҳ solallalloҳу alayhi vasallamning zimmersidagilar учун аҳдга вафо қилишни, уларни ҳимоя қилиб урушишни, тоқатларидан ташқари нарсани таклиф қилмасликни васият қиласман», деди».

«У киши қабзи рух бўлганларидан кейин кўтариб олиб чиқдик. Юриб бордик. Абдуллоҳ ибн Умар салом берди ва: «Умар ибн Хаттоб изн сўрайди», деди. (Оиша): «Уни киритинглар», деди. У киши киритилди. Ўша ерга, икки соҳибларининг ёнига қўйилди.

У кишининг дафнидан фориғ бўлингандан кейин ҳалиги гурух тўпландилар. Бас, Абдурраҳмон:

«Ишни ичингиздан уч кишига оширинг», деди.

**Зубайр:** «Мен ўз ҳаққимни Алига ўтказдим», деди.

**Толҳа:** «Мен ўз ҳаққимни Усмонга ўтказдим», деди.

**Саъд:** «Мен ўз ҳаққимни Абдурраҳмон ибн Авфга ўтказдим», деди.

**Сўнгра Абдурраҳмон:** «Иккингиздан қай бирингиз бу ишдан воз кечади? Биз ишни унга ҳавола қиласиз. Аллоҳ ва Унинг Расули унга кузатувчи бўлади. У ўзи афзал кўргани танлайди», деди.

**Икки шайх сукут сақладилар. Шунда Абдурраҳмон:**

«Уни менга ҳавола қиласизларми? Аллоҳ менинг кузатувчим. Мен сиздан афзалингизни танлашда кучимкониятимни аямайман», деди. Икковлари:

«Ҳа», дедилар.

Улардан бирининг қўлидан тутди-да:

«Сен ўзинг биласан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қаробатинг бор. Исломда қадимлигинг бор. Аллоҳ тепангда турибди. Айт-чи, сени амир қилсан, адолат қиласанми? Усмонни амир қилсан, унга қулоқ осиб, итоат қиласанми?» деди.

«Ҳа», деди у.

Кейин бошқаси билан холи қолиб, унга ҳам худди аввалгиға ўхшаш гапларни айтди. Икковларидан аҳномани олиб бўлгандан сўнг:

«Қўлингни кўтар, эй Усмон!» деди-да, унга байъат қилди. Али ҳам унга байъат қилди. Ҳовли аҳли ҳам кириб, унга байъат қилдилар».

*Бухорий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ушбу ривоятнинг бошида зикр этилган ҳазрати Умар розияллоҳу анху, Хузайфа ибн Ямон ва Усмон ибн Ҳунайф розияллоҳу анхумо орасидаги сухбатни тушунишимиз учун бир оз шарҳга эҳтиёжимиз тушади.

Ўша вактда Умар розияллоҳу анху икковларини Ироққа ерларнинг харож миқдорини аниқлаш учун юборган эдилар. Мазкур учрашув ва сухбат икковлари

бориб, топширилган вазифани бажариб келгандаридан кейин бўлмоқда. Ҳазрати Умарнинг:

**Хузайфа ва Усмон ибн Хунайфни тўхтатиб:**

**«Икковингиз нима қилдингиз? Ерга унинг тоқати етмайдиган нарсани юклаб қўймадингизми тағин?»** деганлари «Ироқликларга уларнинг ерларидан чиқадиган ҳосилларида ортиқча харож солиб юбормадингларми?» деган маънони англатади.

Уларнинг ғайридинларга унчалик оғир харож солмагандаридан кўнгиллари тўқ бўлган халифа:

**«Аллоҳ саломат қилса, Ироқнинг тул аёлларини мендан кейин ҳеч кимга ҳожати тушмайдиган қиласман»,** дедилар. Яъни, харож ва бошқа тушумлардан ўша ердаги бева-бечораларга доимо манфаат етиб, эҳтиёжларини қондириб турадиган чора кўраман, деган ниятни қилдилар.

Аммо ёвуз кучлар дунёни адолатга тўлдириб турган, барча бева-бечораларга ёрдам бериб турган бу улуғ зотни кўп кўрдилар, у кишига суиқасд уюштириб, ҳалок қилдилар.

Умар розияллоҳу анху ўлим тўшагида ётишларига қарамасдан, ўзларидан кейин бўладиган халифани сайлаш йўлини баён қилиб бердилар. У киши бу ишда янги услугни таклиф қилдилар: Шуро мажлиси тузилади. У мажлис-маслаҳат қилиб, мусулмонларга жамият бошлиғилигига номзодни тақдим қиласади. Ҳалқ унга байъат қилса, халифа бўлади. Ўшанда жумладан, қуидагилар бўлиб ўтди:

**«Одамлар:**

**«Эй мўминларнинг амири, васият қилинг, ўрнингизга халифани танланг»,** дедилар. У киши:

**«Бу ишга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рози ҳолларида вафот этган кишилар: Али, Усмон, Зубайр, Саъд, Толҳа ва Абдурраҳмон (ибн Авғ)лардан**

**бошқани ҳақли қўрмайман. Сизларга Абдуллоҳ ибн Умар гувоҳ бўлади. Унинг ўзига амирликдан ҳеч нарса йўқ. Бу унинг учун таъзияга ўхшаган бир нарса. Агар амирлик Саъдга етса, яхши. Агар ундоқ бўлмаса, сиздан ким амир қилинса, ундан ёрдам олиб турсин. Мен уни ожизлик ёки хиёнат юзасидан ишдан олганим йўқ», деди.**

Шундоқ қилиб, Умар розияллоҳу анҳу ўша пайтдаги мусулмонлар ичида энг афзал ҳисобланган олти кишидан шуро кенгаши туздилар. Улар кенгаш ўтказиб, ўзларидан бирларини халифаликка номзод сифатида халққа тақдим қилишилари керак эди.

Ушбу жойда номзодлардан бири бўлмиш Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг алоҳида мулоҳаза айтишларига сабаб бор. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу у кишини аввал фотиҳларга бош қўмондон қилиб тайин қилган эдилар. Кейинчалик Саъд розияллоҳу анҳунинг устидан у киши ишлаб турган жойларидаги одамлардан ариза тушди. Текширишларда Саъд розияллоҳу анҳудан айб топилмаса ҳам, орага совуқчилик тушиб қолганлиги сабабли у кишини ишдан бўшатган эдилар. Бўлиб ўтган ишнинг ҳақиқатидан хабари йўқлар Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу айбдорлиги учун ишдан бўшатилган, деган гумонга боришлари мумкин эди. Зийрак халифа Умар розияллоҳу анҳу юқоридаги гаплари билан бундай шубҳаларга ўрин қолдирмадилар.

**«Кейин у киши: «Ўзимдан кейинги халифага аввалги муҳожирларнинг ҳаққини билмоғини, уларнинг хурматини қилмоғини васият қиласман.**

**Унга диёрга жойлашган ва иймонга ихлос қилган ансорларга яхшилик қилмоқни васият қиласман. Уларнинг яхшисидан яхшилигини қабул қилмоғини ва ёмонини афв қилмоғини васият қиласман.**

**Унга барча юртлар ахлига яхшилик қилмоғини  
васият қиласман. Улар Исломнинг ёрдамчиларири. Мол  
йигувчилардир. Душманнинг аччиғини  
чиқарувчилардир. У улардан фақат ортиб қолган  
нарсани уларнинг розилиги билангина олсин.**

**Мен унга аъробийларга яхшилик қилишни  
қиласман. Чунки улар арабларнинг аслидирлар.  
Исломнинг моддасидирлар. У уларнинг молларининг  
ҳошиясидан олиб, фақирларига берсин.**

**Мен унга Аллоҳнинг зиммасидагиларга,  
Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг  
зиммасидагилар учун аҳдга вафо қилишни, уларни  
ҳимоя қилиб урушишни, тоқатларидан ташқари  
нарсани таклиф қилмасликни васият қиласман», деди».**

Умар розияллоҳу анҳунинг ўзларидан кейин  
сайланадиган халифага қилган ушбу васиятларида ўша  
пайтда Ислом жамияти соясида яшаб турган барча  
тоифадаги халқларга меҳрибон бўлиш тавсияси бор эди.  
Биз у кишининг Ислом жамияти соясида яшаб турган  
ғайридинларга нисбатан қилган тавсияларига алоҳида  
эътибор бермоқчимиз. Ҳазрати Умар уларни ғайридинлар,  
кофирлар ёки мусулмонмаслар, демасдан, «**Аллоҳнинг  
зиммасидагилар, Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи  
васалламнинг зиммасидагилар**», деб атамокдалар.

Шунинг ўзидан ҳам уларга Исломда қайси назар билан  
қаралишини тушуниб олсак бўлаверади.

Биз ўрганаётган ушбу ривоятда Умар розияллоҳу  
анҳунинг халифаликка номзодлар, ўғилларига бу борадаги  
кўрсатмалари ва номзод танлашнинг охирги босқичи  
қисқагина баён этилмоқда. Аслида эса, анчагина гаплар  
бўлиб ўтган.

Келинг, Ислом тарихидаги энг нозик ва аҳамиятли бу  
ҳодисаларни бошқа ривоятларга суянган ҳолда бир оз  
батафсилоқ ўрганайлик.

Умар розияллоҳу анҳу ўлим тўшагида ётган бўлишларига қарамай, ўзларидан кейин бўладиган халифа тўғрисидаги ишларни жуда пухта қилган эдилар.

У киши Абу Толҳа Ансорий розияллоҳу анҳуга ичларидан халифаликка номзод танлашлари лозим бўлган олти кишилик, шуро мажлиси аъзоларини қўриқлаш учун ансорий саҳобалардан эллик кишилик гурух тузишни амр қилдилар.

Ал-Миқдод ибн ал-Асвад розияллоҳу анҳуга шуро мажлиси аъзолари ва Абу Толҳа розияллоҳу анҳу бошлиқ эллик кишилик қўриқчилар гурухини шуро мажлиси ичидан бир кишини номзодликка танлагунларича жой ва бошқа керакли нарсалар билан таъминлаб туришни топширдилар.

Умар розияллоҳу анҳунинг халифаликка даъвогар бўлмаса ҳам, шуро мажлисига ўз ўғиллари Абдуллоҳни қўшиб қўйишлари ҳам ҳикматдан холи эмас эди. Олти кишилик даъвогарлар гурухи учтадан иккига бўлиниб, овозлари тенг бўлиб қолса, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг овози ҳал қилувчи овоз бўлар эди.

Умар розияллоҳу анҳу шуро мажлиси аъзоларига тинчомон макон, қўриқчилар тайёрлаш билангина кифояланмадилар. Иш чўзилиб кетмаслиги, бошқа нарсалар аралашиб, халифа сайлаш кечга сурилиб, мусулмонлар зарар тортмасликлари учун шуро мажлисига бу иш учун уч кун мухлат бердилар.

Ўша уч кун давомида намозга ўтишни Сұхайб Румий розияллоҳу анҳуга топширдилар. Бу ишни номзодлардан бирортасига топширсам, буни ўша одамнинг халифа бўлишига ишора, деб тушунилмасин, деган фикр ила улардан бирортасини ҳам намозга имомликка тавсия қилмадилар.

Ҳазрати Умар ўзларига қарши уюштирилган сүиқасднинг асосий мақсади мусулмонлар орасида фитна

чиқариб, бир-бирлари билан уриштириш эканлигини яхши аңглаб етган эдилар. Шунинг учун ўринларига халифа сайлашда ўша фитна чиқмаслиги учун қаттиқ чоралар кўришга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун эса, мазкур олти номзод ичидаги ихтилоф чиқмаслиги асосий омил эди. Шунинг учун уларни алоҳида тўплаб, мажлис ўтказдилар.

Улар йиғилиб келишганда ҳазрати Умар Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуга қараб:

«Анави қавм сенинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қариндош эканлигингни, Аллоҳ сенга берган фикҳ ва илмни қадрлаб қолишлари мумкин. Агар бу ишга эга бўлиб қолсанг, Аллоҳга тақво қилгин, Бани Ҳошимни одамларнинг елкасига чиқариб қўймагин», дедилар.

Сўнгра Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга:

«Эй Усмон! Эҳтимол, анави қавм сенинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга куёв эканлигингни, ёшингни ва шарафингни қадрлаб қолишлари мумкин. Агар бу ишга эга бўлиб қолсанг, Аллоҳга тақво қилгин, Бани Абу Муъайтни одамларнинг елкасига чиқариб қўймагин», дедилар.

У киши Абдуллоҳ ибн Умарга шуро мажлиси аъзоларининг бошида туришни, агар беш киши бир гапга иттифоқ бўлиб, бир киши қарши чиқса, унинг бошини узишни тайинладилар. Агар тўрт киши бир гапга иттифоқ бўлиб, икки киши қарши чиқса, ўша иккитанинг бошига қилич урилади. Агар уч киши бир шахсни, бошқа уч киши бошқа шахсни ихтиёр қилса, ҳукм Абдуллоҳ ибн Умарга ҳавола бўлади. У кимни танласа, ўша халифа бўлади. Агар Абдуллоҳ ибн Умарнинг таклифини қабул қиласалар, Абдурраҳмон ибн Авғ қайси гуруҳда бўлсалар, ҳукм ўша гурухники бўлади. Одамлар иттифоқ қилган нарсага қарши чиққанлар қатл этилади.

Бу ерда саҳобаи киромлар шуро, яъни демократия низомига қанчалик риоя қилганликларини аниқ

кўрмоқдамиз. Ўша пайтда Ислом жамиятида вазият жуда ҳам нозик эди. Аскарларнинг ҳаммаси Рум ва Форс фатхлари билан овора эдилар. Жамият бошлиғи суиқасдга учраб, ўлим тўшагида ётар эди. Унга қарши уюштирилган суиқасд давомида сахобалардан яна етти киши ўлдирилган ва бир қанчалари оғир ярадор бўлган эдилар. Шу боис барча эътибор шуро орқали ҳокимни сайлаб, мусулмонлар орасида фитна чиқмаслиги чораларини кўришга қаратилди.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг дағн маросимлари тугаганидан кейин Миқдод ибн ал-Асвад розияллоҳу анҳу шуро мажлиси аъзоларини Мисвар ибн Махранинг уйига тўплади. У киши Абу Толҳа розияллоҳу анҳуга ўзининг эллик кишилик гуруҳи билан шуро аъзоларини қўриқлаш, уларнинг олдига ҳеч кимни киритмасликни топширди. Абу Толҳа мажлис аъзоларига: «Умарнинг жонини олган Зот ила қасамки, уч кундан ортиқ зиёдага йўл қўймайман», деди.

Шуро мажлиси ўз ишини бошлади.

**«У кишининг дафнидан фориг бўлинганидан кейин ҳалиги гуруҳ тўпланди. Бас, Абдураҳмон:**

«Ишни ичингиздан уч кишига оширинг», деди.

**Зубайр:** «Мен ўз ҳаққимни Алига ўтказдим», деди.

**«Толҳа:** «Мен ўз ҳаққимни Усмонга ўтказдим», деди.

**«Саъд:** «Мен ўз ҳаққимни Абдураҳмон ибн Авфга ўтказдим», деди.

**Сўнгра Абдураҳмон:** «Иккингиздан қай бирингиз бу ишдан воз кечади? Биз ишни унга ҳавола қиласиз. Аллоҳ ва Унинг Расули унга кузатувчи бўлади. У ўзи афзал кўрганни танлайди», деди.

**Икки шайх сукут сақладилар. Шунда Абдураҳмон:**

**«Уни менга ҳавола қиласизларми? Аллоҳ менинг кузатувчим. Мен сиздан афзалингизни танлашда куч-**

**имкониятимни аямайман», деди. Икковлари:**

**«Ха», дедилар.**

Шундоқ қилиб, халифаликка даъвогар икки киши қолди. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анхунинг вазифалари ҳазрати Али ва ҳазрати Усмон розияллоҳу анхумодан бирларини танлаб, мусулмонлар оммасига номзод сифатида тақдим қилиш эди.

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анху саҳобалар билан маслаҳат қилишни бошладилар. У киши атрофлардан келган қўмондонлар билан, ҳазрати Умарга суиқасд қилинганини эшитиб келганлар – ҳамма-ҳамма билан олдиларига бориб, маслаҳат қилдилар. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анху улар билан қолган икки номзоддан қай бирини танлаш ҳақида маслаҳатлашар эдилар.

Кўпчилик ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуни ихтиёр қилдилар. Ҳамма Алиниң қаттиққўллиги ҳозир кўзланган фойдани бермаса керак, дер эди.

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анху охири яна шуро мажлиси аъзолари олдига қайтдилар. У киши Али розияллоҳу анхудан:

«Агар бу иш сенга бўлмаса, кимни энг ҳақли деб биласан?» деб сўрадилар.

«Усмонни», дедилар Али розияллоҳу анху.

Кейин Усмонга ҳам худди шу саволни берган эдилар, у киши Алини айтдилар. Саъд ибн Абу Ваққосдан сўраган эдилар, у киши Усмонни ихтиёр қилдилар.

Шуро мажлисининг учинчи куни, бомдод намозидан кейин Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анху шуро аъзоларини тўпладилар. Муҳожирлар, ансорлар, лашкар амирлари, ҳаждан сўнг хабарни эшитиб келганларни айтиб келишга одамлар юбордилар. Ҳамма у кишидан халифаликка номзодни эълон қилишларини талаб қилар эди. У киши Усмон ва Али розияллоҳу анхумога назар

солдилар-да:

«Мен икковингиз хақингизда, бошқалар хақида сўрадим. Одамлар бошқани икковингизга тенг кўрмаслигини билдим», дедилар. Шуронинг бошқа аъзоларига ҳам худди шу гапни айтдилар.

Сўнгра Али розияллоҳу анхунинг қўлидан тутдиларда:

**«Сенинг ўзинг биласан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қаробатинг бор. Исломда қадимлигинг бор. Аллоҳ тепангда турибди. Айт-чи, сени амир қилсам, адолат қиласанми? Усмонни амир қилсам, унга қулоқ осиб, итоат қиласанми?»** деди.

«Ха», деди у.

**Кейин бошқаси билан ҳоли қолиб, унга ҳам худди аввалигига ўхшаш гапларни айтди. Икковларидан аҳномани олиб бўлгандан сўнг»**

Абдураҳмон ибн Авғ розияллоҳу анҳу минбарга чиқдилар. У киши қиличларини тақиб олган эдилар. Абдураҳмон ибн Авғ розияллоҳу анҳу минбарда туриб, ичларида Аллоҳ таолога дуо қилдилар. Дуони одамлар эшитмадилар. Кейин эса:

**«Қўлингни қўтар, эй Усмон!» деди-да, унга байъат қилди. Али ҳам унга байъат қилди. Ҳовли аҳли ҳам кириб, унга байъат қилдилар».**

Байъат пайтида одамлар ичидаги ғамгин кўрингани ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу эдилар. Абдураҳмон ибн Авғ розияллоҳу анхунинг ўзлари минбарда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўринларига ўтириб олган, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуни эса бир поғона пастга ўтказиб қўйган эдилар.

Хозир бўлганларнинг ҳаммаси байъат қилиб бўлганларидан сўнг Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

минбарларида туриб, халифа сифатида ўзларининг биринчи хутбаларини қилдилар. Аллоҳга ҳамду сано, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловоту дурудлар айтганларидан сўнг қуидагиларни айтдилар:

«Албатта, сизлар қальасифат ҳовлида умрларингиздан қолганидасизлар. Ажалларингиз келмасдан туриб, яхшилик қилиб қолинглар. У сизга эртами-кечми, албатта, келади. Огоҳ бўлинглар! Дунё алдовга ўралгандир. Дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин. Ўзингиздан олдин ўтганлардан ибрат олинглар. Жиддий бўлинглар.Faflatda қолманглар. Чунки сиздан faflatda қолинмас. Қани дунёга қул бўлганлар!? Дунёнинг ортидан юрган, уни обод қилган ва ундан узоқ вақт ҳузурланганлар қани!? У уларни ютиб юбормадими!? Аллоҳ дунёни қаерга отса, сиз ҳам ўша ерга отинг!».

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг одамларга халифа сифатида биринчи ўқиб берган намозлари аср намози бўлди.

Бу ишлар йигирма тўртинчи ҳижрий сананинг учинчи муҳаррамида бўлиб ўтди.

## ЯНГИ ХАЛИФАНИНГ БИРИНЧИ ИШИ

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху ўз халифаликларини ўта мушкул ишдан бошлашларига тўғри келди. Бу иш аввалги халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхуга қарши қилинган суиқасдга боғлиқ эди. Қотил Абу Луълуъа ўзини-ўзи ўлдиргани билан иш битиб қолмаган эди, балки бу қотиллик ёлғиз унинг ўзининг иши эмаслиги ошкор бўлган эди. Ундоқ бўлса, унинг шерикларини тутиб, жазолаш мушкул иш эмас-ку, дейишингиз мумкин. Ҳа, бу унчалик мушкул иш эмас эди. Аммо иш бошқачасига айланиб, ниҳоятда чигаллашиб кетган эди. Масалани равшан англашимиз учун уни батафсил ўрганиб

чиқмоғимиз лозим бўлади.

Ўша машъум куни Абу Луълуъа ҳазрати Умар розияллоҳу анхуни, яна ўн уч саҳобийни ва ўзини ўзи пичоқлаб ташлаганидан сўнг ҳамма нима бўлгани билан қизиқа бошлади.

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анху Абу Луълуъанинг ханжарини кўришлари билан: «Буни кеча Ҳурмузон ва Жуфайнада кўрган эдим. «Бу билан нима қиласизлар?» десам, «Гўшт кесамиз, биз гўштни тиш билан узуб емаймиз», деб жавоб беришди», дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анхунинг ўғиллари Абдурраҳмон эса, Абу Луълуъа, Жуфайна ва Ҳурмуzonларнинг бир нарсани пиҷирлашиб маслаҳат қилиб ўтирганларини, уни кўриб, ўринларидан турганларида ўша ханжар ерга тушиб кетганини айтди.

Ҳамма Абу Луълуъа, Жуфайна ва Ҳурмузон учвлари маслаҳат билан Умар розияллоҳу анхуга суиқасд уюштирганларини гумон қила бошлади. Ҳамма уларнинг кимлигини, уларга тегишли маълумотларни суриштира бошлади.

Абу Луълуъа ал-Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анхунинг қули бўлиб, асли мажусий, исми Феруз эди. У Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анху билан маълум маблағ тўласа, озод бўлишига келишган эди. У Умар розияллоҳу анхунинг олдиларига келиб, ҳарожнинг кўплигидан шикоят қилган, Умар розияллоҳу анху: «Ҳарожинг кўп эмас», деганларида аччиғи чиқкан эди.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху одатда, асиrlарнинг Мадинага киришларига изн бермас эдилар. Муғийра ибн Шўъба: «У одамларга манфаатли кўп ишларни билади. У темирчи, наққош, нажжордир» деб, уни Мадинага киритишга изн сўраган, Умар унга изн берган эди.

Абу Луълуъа ўз қавмининг болаларини кўрса, уларни тўхтатиб, бошини силар ва: «Умар менинг жигаримни еди»

ёки «Араблар менинг жигаримни еди», дер эди.

Кунлардан бир куни Умар розияллоху анху Абу Луълуъага:

«Менга сенинг агар истасам, шамол билан тортадиган тегирмон қилиб беришинг мумкинлиги айтилди», дедилар.

У Умарга пешонасини буриштириб қаради-да:

«Мен сенга бир тегирмон қилиб берайки, тилларда достон бўлсин!» деди. У қайтиб кетганидан сўнг Умар ўзи билан бирга бўлган одамларга:

«Ҳозирги қул менга дўқ урятти-ку», деди.

Кейин Али ибн Абу Толибга қараб:

«Сен бу хақда нима дейсан?» деди.

«Эй мўминларнинг амири, у сизга дўқ қилмоқда», деди у.

Жуфайна эса, асли насроний бўлиб, Саъд ибн Абу Ваққос уни маълум ҳақ эвазига одамларга ўқиш-ёзишни ўргатиши учун Мадинага олиб келган эди.

Хурмузон асли мажусий бўлиб, форснинг катталаридан эди. У кўп марта мусулмонлар билан сулҳ тузиб, қайта-қайта хиёнат қилган ва охири қўлга тушганда Умар билан гаплашмоқчилигини айтгандан сўнг олиб келинган, ўлимдан кўркқанидан, Исломни қабул қилган эди.

Мазкур уч кимса халифа Умар розияллоху анхуни қасддан ўлдирғанларида ҳеч қандай шубҳа қолмаган, иллат қаерда эканлигини ҳамма англаб етган эди.

Ҳазрати Умарнинг кичик ўғиллари Убайдуллоҳ ҳамма гапни эшитди. У отасининг жароҳати нима бўлишини кутиб турди. Беш кун давом этган муолажалар наф бермади ва Умар розияллоху анху вафот этдилар.

Убайдуллоҳ отасининг вафотидан кейин қиличини қўлига олиб, Хурмузонникига борди. Унинг қорнига қилич санчиб, ўлдирди.

Кейин Жуфайнаникига бориб, унинг икки кўзи орасидан чопиб ташлади.

Охири Абу Луълуъанинг хонадонига борди. У ердаги шерикларини ҳам ўлдирмоқчи эди. Абу Луълуъанинг қизи отасининг силоҳларини беркитаётган экан, унга ҳам қилич солди. У ҳам ўлди.

Кейин кўчага чикиб: «Отамнинг қонида кимнинг айби бўлса, ҳаммасини ўлдираман!» деб эълон қилди.

Ўша пайтда Суҳайб Румий розияллоҳу анҳу Мадинанинг волийси эдилар. У киши Убайдуллоҳни ушлаб, қамашга амр қилдилар. Уни ушлаб, Саъд ибн Абу Вакъоснинг уйига қамаб қўйиши. Унга қўриқчилар қўйилди. Убайдуллоҳнинг иши бўйича халифа сайланганидан сўнг ўша халифа ўз ҳукмини чиқариши керак эди. Халифа сайланиб бўлиши билан ҳамманинг эътибори Убайдуллоҳ ибн Умарнинг ишига қаратилди. Бу жуда ҳам нозик ва ҳассос бир масала эди.

Халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу шуро мажлисини чақирдилар ва Убайдуллоҳ ибн Умарни назарда тутиб:

«Менга анави Исломда ёриқ пайдо қилган ҳақида маслаҳат беринглар», деди.

Ҳақиқатда Убайдуллоҳ ибн Умар ниҳоятда мушкул ишни қилган эди. Исломда қасос олиш учун қотилни ўлдириш бор. Бир кишини кўпчилик ўлдириста ҳам, қасос олиш учун уларнинг ҳаммасини ўлдириш ҳам бор. Шунингдек, ўлдирилган шахс аҳлининг қотилни ўлдириш, афв этиш ёки дия олишга ҳам ҳақлари бор. Лекин бу ишларнинг ҳаммасини ҳукумат қилиши керак. Ҳеч ким ўзича қасос олиши, ўзича ҳукм чиқариши мумкин эмас. Убайдуллоҳ ибн Умар ҳукуматнинг кўрадиган чорасини кутиб ўтируй, айборларни ўзи ўлдириди.

Шуро аъзоларидан бўлган Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Убайдуллоҳ ибн Умарни қатл қилиш керак», деган гапни айтдилар.

Баъзилар: «Кеча Умар, бугун ўғли ўлдириладими?!»

дедилар.

Амр ибн Осс розияллоҳу анху: «Убайдуллоҳ ибн Умар бу ишни халифа сайланмаган вақтда қилди. Шунинг учун уни, ҳукуматнинг ҳаққига тажовуз қилди, дейиш мумкин эмас. Ундан қасос олиш шарт эмас», деган фикр билан чиқди.

Халифанинг сўнгги қарори: «Уларнинг валийси менман, мен хун тўланишини ихтиёр қилдим. Уни ўз молимдан тўлайман», дейиш бўлди.

Имом Тобарий Шуъайбдан, у Сайфдан, у Абу Мансурдан қўйидагиларни ривоят қиладилар:

«Ал Қумознинг отасининг қатли ҳақида гапираётганини эшитдим. У айтди:

«Мадинада ажамлар бир-бирлари билан дардлашиб турар эдилар. Феруз (Абу Луълуъа) отамнинг олдига келди. У ўзининг икки бошли ханжарини ўзи билан олволган экан. Унинг қўлидан олиб кўриб: «Бу юртларда буни нима қиласан?» деди. «У билан кесаман», деди. Буни бир одам кўриб қолиб, Умар мусибатга учраганида: «Мана шуни Ҳурмузонда кўрган эдим. Уни Ферузга бераётган эди», деди.

Убайдуллоҳ ибн Умар келиб, уни қатл қилди. Усмон иш бошига келганида мени чақириб, ундан қасос олишимга имкон берди. «Эй болам, мана бу отангнинг қотили, унга биздан кўра сен ҳақлироқсан. Уни олиб бориб, қатл эт», деди. Мен уни олиб чиқдим. Ер юзида ким бўлса менга учраб, уни афв қилишимни сўарди. Мен уларга:

«Менга уни қатл қилиш жоизми?» дедим.

«Ҳа», дедилар ва Убайдуллоҳни сўқдилар.

«Сизлар уни ҳимоя қилишингиз жоизми?» дедим.

«Йўқ», дедилар ва яна уни сўқдилар.

Аввало, Аллоҳ учун, қолаверса, ўшалар учун уни тарк қилдим. Улар мени кўтариб олишди. Аллоҳга қасамки,

уйимга одамларнинг боши устида етиб бордим».

Бундан ҳамманинг Убайдуллоҳ ибн Умарнинг ўлдирилмай қолишини чин дилдан тилаганлиги, аммо шариат ҳукмига итоат қилиб, жим турганлиги келиб чиқади.

Мана бу «Ислом адолати» дейилади. Айбдор тараф тайин. Улар халифа Умар розияллоҳу анхүнинг жонига қасд қилганлари аниқ бўлган. Ҳатто бирорта қариндошлари ҳам келиб, халифадан Убайдуллоҳ ибн Умарни жазолашни талаб қила олмаганлар. Чунки улар ҳақиқатни биладилар. Эҳтимол, бу фитнада уларнинг баъзилари иштирок ҳам этгандирлар.

Шунинг учун Ҳурмузон, Жуфайна ёки Абу Луълуъанинг қизининг қасосини сўраб кела олмадилар.

Шунинг учун ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху ҳукм чиқаришда «Уларнинг валийси менман», дедилар. Шундоқ бўлса ҳам, Ҳурмузоннинг ўғлини ўзлари чақириб, Убайдуллоҳ ибн Умарни унинг қўлига топширдилар.

Бунинг устига, мақтулларнинг валийлари талаб қилмасалар ҳам, ўз ҳисобларидан уларнинг хунларини тўладилар.

Ёша йигирма тўртинчи санада ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхүнинг биринчи қилган ишларидан бири учта муҳим мактубни юбориш бўлди.

Биринчи мактуб волийларга қаратилган эди.

Ушбу мактубда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху уларга халқнинг олдидаги вазифаларини баён қилган эдилар. Уларнинг асосий ишлари одамларга ҳомийлик қилиш, уларга манфаат келтириш эканлиги, уларнинг мол тўплайдиган солиқчи эмаслиги, балки одамларни тўғри йўлга бошловчи эканликлари айтилган эди. Агар шундоқ бўлса, ишларнинг яхши бўлиши, агар солиқчига айланиб қолсалар, ҳаё ва омонат йўқолиши таъкидланган эди.

Шунингдек, одамларга ҳақларини бериб, улардан бурчларини талаб қилиш кераклиги айтилган эди.

Иккинчи мактуб харож омилларига қаратилган эди.

Унда Усмон ибн Аффон розияллоху анху харож омилларини зулмдан ҳазир бўлишга чақириб, ҳақни олиб, ҳақни беришга амр қилган эдилар. Уларга вафодор ва омонатли бўлишни ўзларига лозим тутиш топширилган эди.

Учинчи мактуб халқ оммасига қаратилган эди.

Бу хатда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху мусулмон халқ оммасини Аллоҳга тақво қилишга, дунёга берилмасликка чақирдилар. Аллоҳ таоло уларга дунёни охиратга етиб олиш учун берганлигини англатдилар. Уларни доимо мусулмонлар жамоаси билан бўлишга, турли ҳизбларга бўлинмасликка чақирдилар.

Бу мактублар янги халифанинг ички сиёсатини ўзига хос равишда белгилаб берган омиллар бўлди. Уларда халқ оммасига нисбатан бағрикенглик, кечирувчанлик ва бўш қўйиш бор эди. Фақат куфр ва жиноят йўлидан юрганларга қаттиқ чоралар кўрилар эди.

Ўша иили у киши ҳазрати Умар розияллоху анхунинг васиятларига биноан, Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхуни Куфага волий қилиб қўйдилар. У киши билан бирга Абдуллоҳ ибн Масъуд харож омили бўлиб ишлай бошладилар.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху халифа бўлишлари билан Озарбайжон ва Райни қайта фатҳ қилишларига тўғри келди. Аслида бу икки диёр Умар ибн Хаттоб розияллоху анху даврларининг охирроғида, йигирма иккинчи ҳижрий санада фатҳ этилган эди. Умар розияллоху анхуга қарши сунқасд ўюштирилганидан кейин у ерларнинг аҳолиси сулхни буздилар. Бу хабар янги халифага етганида, у киши Валид ибн Үқбани Озарбайжонга, Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхуни Райга боришга амр қилдилар.

Валид Озарбайжон томон юрди. У түрт минг нафар аскардан иборат гурухини Абдуллоҳ ибн Шубайл ибн Аҳмас бошчилигига бошқа тарафдан боришга амр қилди. Улар Муқон, Бийр ва Тайлисонни фатҳ этиб, Валид ибн Уқбага қайта қўшилдилар.

Озарбайжонликлар ўз хатоларини тушуниб, сулҳ сўрадилар. Валид улар билан Ҳузайфа тузган сулҳни қайта тузди ва у ерга Ашъас ибн Қайсни волий этиб тайинлади.

Лекин озарбайжонликлар яна бир неча бор бош кўтардилар. Ашъас бу ҳақда Валидга мактуб ёзди. У унга Куфа аскарларидан мадад кучларини юборди. Ашъас қўзғолончиларни қувиб юриб, адабини берди. Улар сулҳ сўраган эдилар, сулҳ тузди. Улар яна бузғунчилик қилмасин, деб Ашъас араблардан ҳимоячилар қўйди. Уларга девондан маош тайин қилди ва одамларни динга тарғиб қилишларини топширди.

Райдаги ўзбошимчаликни тартибга солиш ҳақида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан амр олган Куфа волийси Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу у ерга Курайза ибн Каъб Ансорийни юбордилар. У бориб, Райни қайтадан фатҳ қилди.

Валид ибн Уқба Озарбайжондаги ишларни битириб, Мувсилга қайтганида халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан «Сенга менинг ушбу мактубим этиши билан бир карамли, омонатли ва шижаотли кишини саккиз минг киши билан Шомдаги биродарларингиз томон юбор», деган амрни олди.

Чунки Румнинг подшоҳи халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ўлдирилганидан рухланиб, Шом томонга катта лашкар йўллаган эди. Шунинг учун шомликлар янги халифадан мадад сўраган эдилар.

Валид ибн Уқба ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан амрни олганидан сўнг Мувсил аҳлига қаратса хутба қилди. Уларни Аллоҳ таоло йўлида хизмат қилишга, Рум

аскарлари таҳдида остида қолган шомликларга ёрдам беришга чақирди. «Албатта, мўминларнинг амири Усмон менга сизлардан саккиз-ўн минг кишини ёрдамга юборишимни амр қилди. Салмон ибн Робийъа ал-Боҳилий билан бирга жидди-жаҳд қилишга кўнгилли бўлиб қатнашинглар, Аллоҳ раҳм қилгурлар!» деди.

Уч кун ичида саккиз минг лашкар тўпланди. Салмон ибн Робийъа ал-Боҳилий улар билан Шом томон юзланди. У ўз одамлари билан Ҳабиб ибн Маслама ал-Фехрий бошлиқ Шом лашкарига бориб қўшилди. Икки лашкар бир бўлиб, румликларни шармандаларча енгиб, қувиб чиқардилар. Румликлар ортларида ўликларни, асиrlарни ва ўлжаларни қолдириб, ўzlари қочиб қолдилар.

Ўша йигирма тўртинчи санада одамлар ичида бурун қонаш хасталиги кўпайиб кетди. Ҳатто ўша йилни «Бурун қонаш йили» деб номлашгача борилди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ўzlари ҳам бу хасталикка мубтало бўлдилар. У киши ана шу хасталик туфайли ўша йили ҳажга ҳам бора олмадилар.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ САНА

Бу йилда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхуни Күфанинг амирлигидан бўшатдилар. Бу ишга асосан Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхунинг ўз харожчилари бўлган Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху билан қилган хилофлари сабаб бўлди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анху Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг масъулиятидаги Байтулмолдаги маблағдан қарз олган эди. Вақти келгандা Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхудан олган молини Байтулмолга қайтаришини талаб қилди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анху у молни топа олмай, муддатни

чўзишни сўради. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу эса, бунга қўнмади ва икковлари айтишиб қолдилар. Унисининг ҳам, бунисининг ҳам атрофида тарафдорлар тўпландилар. Бу Куфа ахли орасида чиққан биринчи хилоф эди.

Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бу ишдан қаттиқ ғазабландилар ва Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуни ишдан бўшатиб, ўринларига Валид ибн Уқба ибн Абу Муъайтни тайинладилар.

Ўша пайтда мусулмонлар фатҳ қилган жойларнинг орасида Армения (Арманистон) фатҳ қилинмай қолган эди. Бу юрт жуда ҳам кулай ерга жойлашгани учун уни Рум ва Форс жамиятлари ҳам доимо талашиб турар эдилар. Армения Форс билан доимий равишда урушиб турар эди. Уларнинг орасидаги низога диний омиллар асос қилиб кўрсатилар эди. Шу билан бирга, арманлар бир динда – насоро динида бўлган румликлар билан ҳам уруш ҳолатида эдилар. Бу ерда мазҳаб масаласи ўртага тушар эди. Бу хилдаги низолар арманларнинг тинкасини қуритган эди.

Ана шу омилларни эътиборга олиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Арменияни фатҳ қилишга қарор қилдилар. У киши Валид ибн Уқбага амр қилдилар. У Озарбайжон томонидан Салмон ал-Боҳилий кўмондонлигига Армения томон ўн икки минг лашкар юборди.

Халифанинг амрига биноан, Муовия ибн Абу Суфён Шом томондан Ҳабиб ибн Маслама ал-Фехрий бошлилигига Армения фатҳи учун лашкар юборди. Маълум муддат жанг бўлганидан сўнг арманлар сулҳ сўрадилар. Орада сулҳ тузилди.

Кейинчалик Румнинг аралашгани ва бошқа сабабларга кўра бу ердаги ишлар чигаллашиб кетди. Тарихчиларимиз Армения фатҳи учун йигирма бешинчи иили борган фотиҳлар ўттиз бешинчи йилгача ўша ерда қолиб

кетишганини алоҳида таъкидлайдилар.

Йигирма бешинчи йили ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу томонидан Шомга бош волий этиб тайинланган Муовия ибн Абу Сүфён розияллоҳу анҳу у кишининг амри ила Румнинг Амурийя, Туртус ва Антокия деган жойларини фатҳ қилди. Ўша пайтда унинг фотиҳи Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу Мисрга волий эди. Йигирма бешинчи йили ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ўлдирилганидан руҳланган Кустантиниядаги румликлар ўзларининг Искандариядаги биродарларига хат ёзиб, мусулмонлар билан тузган сулҳни бузишга чақирдилар. Бу чақириқ уларга ёқиб тушди. Аммо Мисрдаги Муқавқис шарафли одам бўлғанлиги учун аҳдида турди. Румнинг катта ададдаги лашкари Искандарияга келиб тушди. Бу хабар Амр ибн Оссга етганда у ўз лашкари билан Искандария томон юрди. Искандариядагилар ҳам улар томон юрдилар. Икки лашкар Миср билан Искандария орасидаги бир жойда тўқнашдилар. Жангда румликлар енгилиб, Искандария томон қочдилар. Мусулмонлар уларни қувиб бориб, шаҳар ичкарисига кирдилар. Шу билан бу фитна ҳам бостирилди.

Ўша йили ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг амрлари билан Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Саъд розияллоҳу анҳуни Африқонинг шимол тарафини фатҳ қилиш учун юборди. У Тороблус, Тонжа ва бошқа жойларни фатҳ қилди. Абдуллоҳ ибн Саъд қайтиб келганидан сўнг халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан Африқо фатҳини давом эттиришга изн сўради. У киши рухсат бердилар ва: «Агар Аллоҳ сенга фатҳни насиб этса, ўлжанинг бешдан бирининг бешдан бири ўзингга», дедилар. Абдуллоҳ ибн Нофеъ ибн Абдул Қайс ва Абдуллоҳ ибн Нофеъ ибн ал-Хусайнларни аскарбоши этиб тайинладилар. Уларга Абдуллоҳ ибн Саъдга қўшилишни амр қилдилар. Улар ўзларининг

шижоатли мусулмонлардан ташкил топган ўн минглик лашкарлари билан Миср өрларини кесиб ўтиб, Африқо томон юрдилар. Африқонинг подшоҳи улар билан сулҳ тузди. Улар Африқонинг ичкариси томон бормадилар.

Айни ушбу йигирма бешинчи ҳижрий санада ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу қиёматгача мадҳи сўнмайдиган улкан ишни амалга оширдилар. Қуръони Каримни жамлаб, барча мусулмонларнинг Қуръон ҳақида ихтилоф қилишдан сақланиб қолишларига сабаб бўлдилар.

## ҚУРЬОННИНГ ЖАМЛАНИШИ

Биринчи халифа Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳунинг даврларида Қуръонни тўлиқ ёд биладиган саҳобаларнинг Ридда урушларида шаҳид бўлиб кетаётғанликлари сабабли Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг таклифлари билан унинг оятлари ёзилган тарқоқ саҳифаларни жамлаб қўйишга қарор қилинган эди.

Халифанинг амрига биноан, Зайд ибн Собит ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумо мashaққатли уринишлардан сўнг Қуръонни кийик терисидан ишланган саҳифаларга ёздилар. Уни белидан боғлаб, Абу Бакрнинг уйига қўйиб қўйдилар. У киши оламдан ўтганларидан кейин саҳифалар ҳазрати Умарнинг уйларида, у кишидан сўнг эса, қизлари ва Пайғамбаримизнинг хотинлари Хафса онамиз хузурларида қолди.

Вақт ўтиши билан Ислом жамиятининг чегараси кенгайиб, кўплаб ҳалқлар мусулмонликни қабул қила бошладилар. Мусулмонларнинг сони кўпайгач, Қуръонни ўқишида турли келишмовчиликлар чиқа бошлади. Орада катта фитна чиқиш хавфи туғилди. Бу хавфни биринчи бўлиб Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу англаб етдилар. У киши халифани бундан огоҳ қилиб, фитнанинг олдини олиш учун чора кўришни таклиф қилдилар. Усмон ибн

Аффон розияллоху анху чора кўришга киришдилар.

Бу ҳақда имом Бухорий «Саҳиҳ»ларида ибн Шихобдан, у киши Анас ибн Молик розияллоху анхудан қилган қўйидаги ривоятни келтирадилар:

«Ҳузайфа ибн Ямон Усмоннинг олдига келди. У Шом аҳли билан Армения фатҳида, Ироқ аҳли билан Озарбайжон фатҳида урушда эди. Ҳузайфани уларнинг қироатдаги ихтилофлари кўрқинч-га солган эди. Ҳузайфа Усмонга:

«Бу умматнинг Китоб тўғрисида насоро ва яхудларнинг ихтилофига ўхшаш ихтилоф қилишининг олдини ол!» деди.

Бас, Усмон Ҳафсага одам юбориб, «Бизга саҳифаларни бериб тур, ундан мусҳафларга нусха кўчириб олайлик, кейин уларни ўзингга қайтариб берамиз», деди.

Ҳафса уларни Усмонга юборди. У Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн Осс ва Абдураҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишомларга амр қилди. Улар мусҳафларга нусха кўчирдилар. Усмон қурайшлик учлик гурухга:

«Агар сизлар Қуръоннинг бирор нарсасида Зайд ибн Собит илингда ихтилоф қилиб қолсангиз, ўшани Қурайш лисони илингда ёзинглар. Чунки у уларнинг лисонида нозил бўлгандир», деди.

Улар амрни бажо келтириб, саҳифалардан мусҳафларга нусхалар кўчирдилар. Усмон саҳифаларни Ҳафсага қайтариб берди. Улар насх қилганлардан кейин ҳар томонга биттадан мусҳаф юборди. Ундан бошқа саҳифаларда ва мусҳафда Қуръондан бўлса, куйдириб юборишга амр қилди».

Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг бу ишларини барча Ислом уммати катта қувонч ва қўллаб-қувватлаш билан кутиб олдилар. Унга катта ғайрат билан амал қилишга киришдилар. Фақат Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху ўзларининг шахсий

мұсҳафларини юборишига бир оз күнмай турдилар. Кейин Аллоҳ таоло күнгилларига солиб, у киши ҳам жумхұрга қўшилдилар.

Усмон ибн Аффон розияллоху анҳу марказларға биттадан мұсҳаф юбориши билан кифояланмадилар. Ҳар бир мұсҳаф билан бирға уни одамларға ўқитадиган қорини ҳам юбордилар.

Зайд ибн Собит розияллоху анҳунни Мадина мұсҳафига қори этиб тайинладилар.

Абдуллоҳ ибн Соибни Макка мұсҳафига қори этиб тайинладилар.

Муғийра ибн Шихобни Шом мұсҳафига қори этиб тайинладилар.

Абдурраҳмон ибн ас-Силмийни Куфа мұсҳафига қори этиб тайинладилар.

Омир ибн Абдул Қайсни Басра мұсҳафига қори этиб тайинладилар.

Шундоқ қилиб, Аллоҳ таолонинг Китоби йўлида мислсиз улкан хизмат қилинди. Ҳозирги ҳар бир Қуръон нусхасига: «Бу нусха Усмон нусхасига мувофиқдир» деб ёзиб қўйилишининг ўзи ҳам бу ишда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг фазллари қанчалик буюк эканлигини кўрсатади.

## **ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ САНА**

Бу йили халифа томонидан қилинган диққатга сазовор ишлардан бири Масжидул ҳаромнинг яхшилаб таъмирланиши бўлди.

Ўша йили турли жабҳалардаги фатҳ ишлари ҳам муваффақиятли давом этди.

## **ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ САНА**

Бу сананинг энг диққатга сазовор ҳодисаларидан бири халифа Усмон розияллоҳу анҳу томонларидан Мисрнинг фотихи ва кўп йиллик волийси Амр ибн Осс розияллоҳу анхунинг ўз вазифасидан озод қилиниши бўлди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Саъд розияллоҳу анхуни Африқога қилган зафарли юришларидан кейин Мисрга харож ишлари бўйича масъул қилиб қўйган эдилар. У билан Мисрнинг волийси ўртасида низо чиқди. Бу низо Абдуллоҳ ибн Саъднинг фойдасига ҳал бўлди. Амр ибн Осснинг ўрнига у киши волий этиб тайинланди.

Ўша йили Шомнинг бош волийси Муовия ибн Абу Суфён халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан Кубрсни–Кипрни фатҳ қилишга изн сўради. У киши бундек изнни Умар розияллоҳу анҳудан ҳам сўраган эди. Аммо Умар розияллоҳу анҳу мусулмонларнинг денгиз ишларини билмасликларини назарга олиб, изн бермаган эдилар. Бунинг устига, у вактда Рум жамияти мусулмонларга ҳеч қандай таҳдид қилмас, аксинча, уларнинг подшоҳи ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга воситачилар орқали алоқага сабаб бўладиган нарсаларни юбориб турар эди. Ҳатто унинг хотини ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг хотинларидан ҳадя олиб, жавоб ҳадяси ҳам юборган эди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу эса, Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳуга шарт билан изн бердилар. У киши: «Хотинингни ҳам бирга олиб борасан ва у томонга фақат кўнгиллиларни олиб борасан, бирорвни боришга мажбур қилмайсан», деб шарт қўйдилар. Бу чоралар фотихларни асраш, уларнинг хавф-хатарга дучор бўлмасликлари учун кўрилган эди.

Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу Акка шахридаги сув портидан ҳаракат қилишга киришди. Ислом жамиятининг биринчи денгиз кучларига ана шу ерда асос

солинди. Фатх юришини бошлашга ҳамма нарса тайёр бўлди. Аллоҳ йўлида хизмат қилишга муштоқ бўлган катта сондаги мусулмонлар Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анху билан Ислом тарихидаги биринчи денгиз юришига чиқдилар. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анху хотини ва синглисини ҳам ўзи билан олиб жўнади.

Бу фотиҳлар лашкари ичида машҳур саҳобийлардан Абу Дарда розияллоҳу анху, Шаддод ибн Авс розияллоҳу анху, Убода ибн Сомит ва у кишининг аёллари Умму Ҳаром бинти Милҳон розияллоҳу анхолар ҳам бор эдилар. Ҳамманинг эътибори Умму Ҳаром бинти Милҳон розияллоҳу анҳода эди. Чунки у кишининг бу ҳолатлари билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг катта бир мўъжизалари юзага чиқмоқда эди.

Имом Муслим Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Ҳаром бинти Милҳоннига кириб турар эдилар. У у зотга таом тайёрлаб берар эди. Умму Ҳаром Убода ибн Сомитнинг хотини эди. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига кирдилар. У у зотга таом берди. Сўнгра ўтириб, у зотнинг бошларини қарай бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ухлаб қолдилар. Сўнгра кулган ҳолларида уйғондилар.

«Сизни нима кулдирмоқда, эй Аллоҳнинг Расули?» деди.

«Менга умматимдан баъзи одамлар Аллоҳнинг йўлида ушбу денгизнинг сувига сўриларга минган подшолар бўлиб ёки сўрилар устидаги подшоларга ўхшаб урушга чиққанлари кўрсатилди», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин!» деди.

У зот унинг ҳаққига дуо қилдилар. Сўнгра у зот бошларини қўйиб ухладилар. Сўнгра кулган ҳолларида

уйғондилар.

«Сизни нима кулдирмоқда, эй Аллоҳнинг Расули?» деди.

«Менга умматимдан баъзи одамлар Аллоҳнинг йўлида ушбу денгизнинг сувига деб, аввалги гапни айтдилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин!» деди.

«Сен уларнинг биринчисисан», дедилар».

Кемалар Кипрга етиб борганда Муовия розияллоҳу анхунинг кемаси биринчи бўлиб лангар ташлади. Умму Ҳаром розияллоҳу анҳо биринчилардан бўлиб Кипр тупроғига қадам қўйдилар. Сўнгра уловга минаётганларида ҳайвон олиб қочиб, ииқилиб жон бердилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари ила шаҳид бўлган зотни ўша ерга дағн қилдилар.

Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу ўзлари билан бирга бўлган саҳобалар билан маслаҳат қилиб, ўзларининг византияликлар Кипрни марказ қилиб олиб, бу ердан мусулмонлар томон аскар юбораётгани туфайли Ислом жамияти чегараларини мустаҳкамлаш учун келганликларини маълум қилдилар. Бироқ орол аҳолиси гапга кўнмади. Улар пойтахтга беркиниб олиб, румликларнинг ёрдамга келишларини кута бошладилар. Мусулмонлар пойтахтни қамал қилдилар. Румликлар ёрдамга келмагач, кипрликлар сулҳ сўрадилар. Улар билан қўйидаги шартлар асосида сулҳ тузилди:

1. Румликлар мусулмон юртларга бостириб келсалар, ёрдам бермаслик.

2. Мусулмонларни Рум аскарларининг ҳаракатларидан хабардор қилиб туриш.

3. Орол аҳли ҳужум қилса, мусулмонлар уларни ҳимоя қилмасликлари.

4. Мусулмонларнинг душман томон юришларида йўлни таъминлаш.

5. Йилига етти минг икки юз динор жизя бериш.

Кипрликлар йигирма саккизинчи ҳижрий санадан ўттиз иккинчи санагача сулҳа тўлиқ амал қилдилар. (Бундан Кипр фатҳига рухсат бўлганидан сулҳ тузилгунича бир йил ўтгани келиб чиқади.) Сўнгра румликларнинг сиқуви остида мусулмонларга қарши урушда уларга ёрдам бера бошладилар.

## ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ САНА

Тарихчиларимизнинг таъкидлашларича, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг бу йилда қилган муҳим ва тарихий ишларидан бири Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини кенгайтириш бўйича олиб борган ишларидир.

Бу иш ҳақида имом Бухорий ва Абу Довуд Ибн Умар розияллоҳу анхудан қуйидаги ривоятни қиласдилар:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида масjid хом ғиштдан бино қилинган эди. Унинг шифти хурмо шохларидан эди. Устунлари эса, хурмо ёғочидан эди.

Абу Бакр унга ҳеч нарсани зиёда қиласди.

Умар унга зиёда қиласди. У масжидни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги асосга қайтадан хом ғишт ва хурмо шохидан қурди. Устунларини яна хурмо ёғочидан қиласди.

Сўнгра уни Усмон ўзгартириди. Кўпгина зиёдалар қиласди. Деворларини нақшланган тош ва пишган ғиштдан қиласди. Устунларини нақшланган тошдан, шифтини саж ёғочидан қиласди».

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху бу ривояtlари ила Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидларининг у зотнинг ўзлари ва уч халифалари даврларидаги васфини қисқача сўзлар билан

ифода қилмоқдалар.

### 1. Пайғамбар алайхиссалом даврлари.

Масжид биноси хом ғиштдан, шифти хурмо шохидан, устунлари хурмо ёғочидан эди.

Масжид қурилишида саҳобаларга бош бўлиб, ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари шахсан иштирок этган эдилар.

Масжиднинг ҳажми ҳам кичик эди. Ёмғир ёғса, хурмо шохларидан қилинган шифтдан ўтиб, ерга тушар, сажда қилган одамнинг пешонасига лой ёпишар эди. Масжид ерига ҳеч нарса тўшалмаган эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида масжид ана шундоқ содда ва кичик эди.

### 2. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху даврлари.

Масжидин Набавий бу даврда ўзгаришсиз қолди. Чунки ҳазрати Абу Бакр оз муддат халифа бўлиб, сўнgra вафот топдилар. Ўша оз муддат ҳам Ридда урушларида сарф бўлди.

Бунинг устига, ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анху табиатан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги нарсанинг ҳеч бирини ўзгартиришни хоҳламас эдилар. Шунингдек, у кишининг даврларида Масжидин Набавийга ўзгартириш киритишга эҳтиёж ҳам йўқ эди.

3. Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху даврлари.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анхудан кейин халифа бўлган Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху ўн икки йилдан кўпроқ халифалик қилдилар. Табиийки, хом ғиштдан қилинган, шифти фақат хурмо шохи илиа тўсилган масжид ислоҳга муҳтоҷ бўлиб қолди. Ана шунда ҳазрати Умар розияллоҳу анху Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини айни қурилиш моддалари: хом ғишт, хурмо шохи ва ёғочидан худди ўхшатиб

қайта қурдилар. У киши масжиднинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидағи қўринишини йўқотмаслигига эътибор бердилар.

#### 4. Ҳазрати Усмон ибн Аффон даврлари.

Маълумки, ҳазрати Усмон узоқ вақт халифалик қилдилар. Бу давр ичида Ислом жамияти мислсиз равишда кенгайди. Турли халқлар Исломга кирдилар. Мусулмонларнинг сони ниҳоятда кўпайиб кетди. Саҳобаи киромлар ҳам турли юртларга тарқалиб кетдилар. Шунга ўхшаш яна бошқа кўпгина ўзгаришлар содир бўлди. Ана шу давр ичида ҳазрати Усмон ҳам анчагина ишларни амалга оширдилар. Бу ишларнинг кўпчилиги янгилик ҳисобланар эди. Бу янгиликлар асосан давр тақозоси билан юзага чиққан янгиликлар эди. Ана шу янгиликлар ичида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини кенгайтириб, янгидан қуриш ҳам бор эди.

Иbn Умар розияллоҳу анхүнинг юқоридаги ривоятларида айтилганидек, ҳазрати Усмон Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларига кўплаб зиёдалар қилдилар. Аввало, уни анчагина кенгайтиридилар. Қолаверса, тамоман бошқа қурилиш ашёларидан фойдаландилар. Ҳом ғишт ўрнига нақш солинган тош ва пишиқ ғишт ишлатдилар. Устунларини ҳам хурмо ёғочи ўрнига нақшиндор тошлардан ясадилар. Шифтини эса, хурмо шохлари ўрнига Ҳиндистондан келтирилган саж ёғочларидан қилдирдилар. Масжидин Набавийнинг узунлигини бир юз олтмиш аршин, энини бир юз эллик аршин қилдилар.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анхүнинг бу ишлари ўз тарафдорлари томонидан маъқулланган. Ҳазрати Усмоннинг ўzlари баёнот бериб, «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким Аллоҳ учун бир масjid қурса, Аллоҳ унга жаннатдан бир уй бино қилади» деганларини эшитган эдим, шунинг учун қилдим»,

деганлар.

Худди шу, яъни йигирма тўққизинчи йили ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Басранинг волийи Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳуни ишдан бўшатиб, у кишининг ўрнига Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳуни қўйдилар. У кишига Абу Мусо розияллоҳу анҳунинг ва Усмон ибн Абул Осса розияллоҳу анҳунинг Уммон ва Баҳрайндаги лашкарларини қўшиб, катта аскар қилиб бердилар.

Ўша пайтда Форс аҳолиси ўз амирлари Убайдуллоҳ ибн Муаммарга қарши бош кўтардилар. Улар Убайдуллоҳнинг аскарлари билан Истахрда тўқнашдилар. Бу жангда Убайдуллоҳ шаҳид бўлди, унинг қўшини енгилди. Бу хабар Ибн Омирга етди ва у катта лашкар билан етиб борди. У шиддатли жанглар олиб бориб, қарши тараф устидан ғолиб келди. Истахрни куч билан фатҳ қилди. Аҳолиси хиёнат қилган Дорабжардни ҳам фатҳ қилди. У ўша ерда турганида Истахр аҳлининг яна хиёнатга қайтганлари ҳақида хабар келди. У қайтиб бориб, у ерни учинчи марта фатҳ қилди.

Ибн Омир розияллоҳу анҳунинг даврида Форснинг подшоҳи Яздажир қатл этилди. Тарихчилар уни мусулмон бўлмаган тарафлар қатл этганликларини таъкидлайдилар.

Йигирма тўққизинчи сананинг охирлари, ўттизинчи сананинг бошларига келиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Куфанинг волийи Валид ибн Уқбани ишдан бўшатдилар. У Куфага волий бўлиб, беш йил ишлаган эди. У ҳақда турли гап-сўзлар кўпайган, одамлар уни хамр ичганликда айблаб, арз қилган эдилар. Бу ҳақда келган ривоятни ўргансак, вазият яна ҳам ойдинлашади.

-2841-

وَقَيْلٌ لِعُبَيْدِ اللَّهِ بْنَ عَدِيٍّ تَ: مَا يَمْنَعُكَ أَنْ تُكَلِّمَ عُثْمَانَ لَا حِيهُ الْوَلِيدٍ فَقَدْ أَكْثَرَ النَّاسُ فِيهِ فَقَصَدْتُ لِعُثْمَانَ حِينَ

خَرَجَ لِلصَّلَاةِ فَقُلْتُ لَهُ: إِنَّ لِي إِلَيْكَ حَاجَةً وَهِيَ نَصِيحةٌ لَكَ قَالَ:  
 يَا أَيُّهَا الْمَرْءُ أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْكَ فَانْصَرَفْتُ فَرَجَعْتُ إِلَيْهِمْ فَجَاءَ رَسُولُ  
 عُثْمَانَ فَأَتَيْتُهُ فَقَالَ: مَا تَصِيحتُكَ فَقُلْتُ: إِنَّ اللَّهَ بَعَثَ مُحَمَّدًا بِالْحَقِّ  
 وَأَنْزَلَ عَلَيْهِ الْكِتَابَ وَكُنْتَ مِنْ اسْتَحَابَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَهَا جَرْتَ  
 الْمُجْرَرَيْنِ وَصَاحَبَتْ رَسُولَ اللَّهِ p وَرَأَيْتَ هَذِيَّهُ p وَقَدْ أَكْثَرَ النَّاسُ فِي  
 شَأنِ الْوَلِيدِ قَالَ: أَدْرَكْتَ رَسُولَ اللَّهِ p؟ قُلْتُ: لَا وَلَكِنْ خَلَصَ إِلَيَّ  
 مِنْ عِلْمِهِ مَا يَخْلُصُ إِلَى الْعَذْرَاءِ فِي سِتْرِهَا قَالَ: أَمَّا بَعْدُ فَإِنَّ اللَّهَ بَعَثَ  
 مُحَمَّدًا p بِالْحَقِّ فَكُنْتُ مِنْ اسْتَحَابَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَآمَنْتُ بِمَا بَيَّنَتْ بِهِ  
 وَهَا جَرْتُ الْمُجْرَرَيْنِ كَمَا قُلْتَ وَصَاحَبَتْ رَسُولَ اللَّهِ p وَبَأَيْتُهُ فَوَاللَّهِ  
 مَا عَصَيْتُهُ وَلَا غَشَّيْتُهُ حَتَّى تَوَفَّاهُ اللَّهُ ثُمَّ أَبُو بَكْرٍ مِثْلُهُ ثُمَّ عُمَرُ مِثْلُهُ  
 ثُمَّ اسْتُخَلِفْتُ أَفَلَيْسَ لِي مِنَ الْحَقِّ مِثْلُ الدِّيَّاهُمْ؟ قُلْتُ: بَلَى قَالَ:  
 فَمَا هَذِهِ الْأَحَادِيثُ الَّتِي تَبَلَّغُنِي عَنْكُمْ؟ أَمَّا مَا ذَكَرْتَ مِنْ شَأنِ  
 الْوَلِيدِ فَسَنَأْخُذُ فِيهِ بِالْحَقِّ إِنْ شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ دَعَا عَلَيَّا فَأَمَرْتُ أَنْ يَجْلِدَهُ  
 فَجَلَدَهُ ثَمَانِينَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

### 2841. Убайдуллоҳ ибн Адийга:

«Усмонга унинг укаси Валид ҳақида гапиришингга нима монеълик қиласиди. Одамлар унинг ҳақида гапни кўпайтириб юборишиди-ку!?!» дейилди.

«Усмон намоздан чиққанда олдига бориб:

«Менинг сизга ҳожатим бор эди. У сизга насиҳатдан

**иборат», дедим.**

**«Эй одам, сенинг шаррингдан Аллоҳнинг Ўзи сақласин», деди у.**

**Мен ҳалиги одамларнинг олдига қайтдим.  
Усмоннинг хабарчиси келди. Унинг олдига бордим.**

**«Насиҳатинг нима?» деди у.**

**«Албатта, Аллоҳ Мұхаммадни ҳақ ила юборди. У зотга Китобни нозил қилди. Сиз Аллоҳга ва Унинг Расулиға ижобат қылғанлардан бўлдингиз. Икки ҳижратни қилдингиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сұхбатларини топдингиз ва у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятини кўрдингиз. Одамлар Валид тўғрисида гапни кўпайтириб юбориши», дедим.**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни топғанмисан?» деди.**

**«Йўқ, лекин у зотнинг илмидан менга бикр қизга етганича етган», дедим.**

**«Аммо баъду: албатта, Аллоҳ Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақ ила юборди. Мен Аллоҳга ва Унинг Расулиға ижобат қылғанлардан бўлдим. У зотга юборилган нарсага иймон келтирдим. Икки ҳижратни қилдим. Сен айтганингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сұхбатларини топдим ва у зотга байъат қилдим. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ у кишини вафот эттиргунича у зотга ҳеч исён қилмадим ҳам, у зотни алдамадим ҳам. Сўнгра Абу Бакрла ўшандоқ бўлди. Сўнгра Умар билан ўшандоқ бўлди. Сўнгра халифа қилиндим. Менинг уларнинг ҳаққига ўхшаш ҳаққим йўқми?!» деди.**

**«Албатта, бор», дедим.**

**«Сизлардан менга етаётган гаплар нима!? Аммо сен зикр қилган Валиднинг ишига келсак, бу борада, иншааллоҳ, ҳақ ила иш тутамиз», деди.**

**Сўнгра Алини чақириб, унга дарра уришга амр қилди. У саксон дарра урди».**

*Бухорий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бу ривоятдан одамлар ичидаги гап қайнагани билан ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анҳуга маълумот етиб келмаганлиги келиб чиқади. У киши шариат ҳукмини жорий қилиш учун етарли маълумотни олишлари билан чора кўришга ўтдилар.

Муслим ва Абу Довуд Абу Сосон розияллоху анҳудан ривоят қиладилар:

«Усмон розияллоху анҳу билан бирга эдим. Унинг ҳузурига Валидни олиб келишди. У бомдодни икки ракъят ўқиб, сўнгра яна зиёда қиласман, деган экан. Икки киши, улардан бири Ҳумрон эди, унинг ичганлиги ҳақида гувоҳлик берди. Бошқа бир киши эса, унинг қайт қилаётганини кўрганлиги ҳақида гувоҳлик берди. Усмон:

«Ичмаган бўлса, қусмас эди. Эй Али, туриб, унга дарра ур», деди. Шунда Али:

«Эй Ҳасан, туриб, унга дарра ур», деди. Ҳасан эса:

«Унинг совуғига эга бўлганга иссиғини ҳам бер», деди. Сўнгра Усмон:

«Эй ибн Жаъфар, унга туриб дарра ур!» деб айтди. Ибн Жаъфар туриб, унга дарра урди. Али санаб турди. Қирқтага етганда «Тўхта!» деди-да, кейин:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам қирқ дарра урганлар, Абу Бакр ҳам қирқта урган. Умар саксонта. Ҳаммаси ҳам суннат. Ушбу эса менга ёқади», деб қўшиб қўйди».

Ушбу ривоят соҳиби Абу Сосоннинг исми Ҳусайн ибн ал-Мунзир бўлган. У киши Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анҳу халифалик вақтларида ўзи ҳозир бўлиб, қўзи билан кўрган ҳодиса ҳақида ахборот бермоқда.

Валидни халифа Усмон розияллоху анҳунинг ҳузурларига маст бўлганликда айблаб, ушлаб олиб

келишган. Албатта, бир одамни ушлаб келиб, «Манави маст эди» дейилса, «Уни уринглар!» дейилавермайди. Сўраб-суриштирилади, ҳужжат-далил ила даъвони исбот қилиш талаб қилинади.

Валидни ушлаб келганлар унинг «Икки ракъат бомдодни ўқиб бўлиб, яна зиёда ўқийман» деганини далил қилиб кўрсатишиди. Чунки эси-хуши жойида бўлган мусулмон бомдод намози икки ракъатдан ортиқ бўймаслигини яхши билади.

Валидни ҳамма яхши билади. Агар у маст бўлмаса, бу ишни қилмас эди. Шу ернинг ўзида Валиднинг мастилигидан хабардор бўлган бошқа гувоҳлар ҳам чиқиб қолишиди. Икки киши унинг хамр ичайтганини кўрганлиги ҳақида гувоҳлик беришиди. Улардан бири ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг озод қилган қуллари Ҳумрон ибн Обон эди. Яна бир киши Валиднинг қусаётганини кўрганлиги ҳақида гувоҳлик берди.

Ҳазрати Усмонга ушбу охирги гувоҳлик қаттиқ таъсир қилди ва: «Фақат ичгандан кейингина қайт қилган», дедилар-да, Валидга жазо беришга қарор қилдилар. Усмон розияллоҳу анҳу Валидга дарра уришни ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга топширдилар. Ҳазрати Али эса, ишни ўз ўғиллари Имом Ҳасанга оширдилар. Ҳасан розияллоҳу анҳу эса, арабларнинг «Унинг совуғига эга бўлганга иссиғини ҳам бер» деган мақолини айтдилар. Бу ўзбек халқи орасидаги «Ширинини татиган, чучугини ҳам татиб кўрсин» деган иборага ўхшаш гап эди.

Ўша пайтда ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу ўз яқин қариндошларига ён босишда танқидга учраб турган пайт эди. Валид ибн Уқба эса, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг она бир ўгай укаси эди. Имом Ҳасан розияллоҳу анҳу ҳам ўшанга ишора қилиб, даррани халифаликдан фойда топаётган қариндошларинг урсин, демоқчи бўлдилар.

Шунда ҳазрати Усмон розияллоху анху ўз қариндошларидан бири Ибн Жаъфарга дарра уришни топширдилар. Ибн Жаъфар туриб, Валидга дарра ура бошлади. Ҳазрати Али санаб турдилар. Дарра уриш қирқтага етганида, у киши Ибн Жаъфарга «Тўхта!» дедилар. Ҳазрати Али розияллоху анхунинг бу ишларидан Валидга хаддни коим қилишга раҳбарлик қилиш топширил-гани тушунилади. Яъни, ҳазрати Усмон розияллоху анху у кишига: «Қўлингга даррани олиб, Валидни калтакла», демаганлар, балки, «Валидга шариат ҳукми бўйича хамр ичган одамга қўриладиган чорани қўллашни амалга ошир» деган маънода гап айтганлар. Шунинг учун ҳазрати Али Ибн Жаъфарнинг дарра уришини санаб турғанлар ва уришни тўхтатишга амр берганлар. Шу билан бирга, нима учун қирқ дарра урдирғанларини изоҳлаб:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қирқ дарра урганлар, Абу Бакр ҳам қирқта урган. Умар саксонта. Ҳаммаси ҳам суннат. Ушбу эса, менга ёқади», деганлар.

Яъни, «Қирқта уришни маъқул қўраман», деганлар.

Мана шу ҳодиса ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга қарши танқид ва фитналарнинг ошкора бошланиши учун биринчи нуқта бўлди.

Валид ибн Уқба хамр ичганликда айбланиб, дарра уриб бўшатилганидан кейин ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху унинг ўрнига Саъид ибн Оссли тайин қилдилар. У Куфага етиб келганида минбарга чиқиб, хутба сўзлади. Аллоҳ таолога ҳамду сано, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга саловоту дуруд айтганидан сўнг:

«Аллоҳга қасамки, ўзим хоҳламасам ҳам сизларга юборилдим. Аммо менга амр қилингандан кейин бажаришим керак. Огоҳ бўлинглар! Фитнанинг тумшуғи ва икки қўзи кўриниб қолди. Аллоҳга қасамки, ё мен уни тинчитаман, ё у мени чарчатади. Бугун ўз нафсимдан шуни

талаң қилурман», деди.

Кейин у Куфа ва унинг аҳволини яхшилаб ўрганди. Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга қўидаги мактубни ёзди:

«Куфа аҳлининг иши изтиробга тушибди. Улардан аҳли шараф ва асл оиласарнинг иши орқага кетибди. Бу ерда атрофдан келганлар, сахроликлар ғолиб бўлибди. Аҳли шараф ва обрўларга назар солинмайдиган бўлибди».

Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу унга қўидаги жавобни ёздилар:

«Аммо баъду: аввалги мусулмонларни ва ўша ерларни фатҳ қилганларни афзал кўр. Кейин келганлар уларга тобе бўлсинлар. Агар улар ҳаққа дангасалик килиб, уни қоим қилишни тарқ қилган бўлсалар ва наригилар қоим қилаётган бўлишса, бошқа гап. Ҳар кимнинг ўз даражасини муҳофаза қил. Ҳаммаларига адолат ила ҳақларини бер. Одамларни яхши билиш орқали адолат қилинади».

Саъид ибн Осс розияллоҳу анҳу Қодисийя ва бошқа фатҳ ишларида қатнашган зотларни олдириб келди. Уларга: «Сизлар одамларнинг юзисизлар. Юзга қараб, жасад билинади. Одамларнинг ҳожатларини бизга етказиб туринглар», деди. Уларга кейин келганлардан ҳам баъзи кишиларни қўшди. Ўзига қориларни ҳамсухбат қилиб олди.

Ўша пайтда Куфада ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг волийлари ҳақида, уларни ишга қўйганлари учун у кишининг ўзлари ҳақида турли ноўрин гаплар қўпайиб кетган эди. Саъид ибн Осс розияллоҳу анҳу бу ҳақда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга мактуб ёзди. Одамларни тўплаб, уларга нималарни ёзганини айтди. Улар «Яхши қиласан, уларнинг ўзлари аҳл бўлмаган нарсага тамаъ қилишларига йўл қўйма. Ким ўзи аҳл бўлмаган ишни олса, эплай олмай, бузади», дедилар.

Ушбу мактуб Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга етгандада:

«Эй Мадина аҳли, тайёргарлигингизни кўраверинг, ўзингизни маҳкам тутинг. Сиз томон фитна ўрмалаб қолди. Сизларнинг нарсаларингиз ўзингизга бўлиши учун ҳаракат қиласман. Уларни сизга кўчириб келтираман. Агар хўп десангиз, Ироқда бўлиб, улушга эга бўлган ҳам уни ўз юргига олиб келсин», дедилар.

«Бизнинг бошқа ерлардаги улушимиизни қандоқ қилиб кўчирасан?» дейишди.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху: «Хижоз, Яман ва бошқа юртлардаги нарсалар эвазига сотади», дедилар.

Улар бу гапдан хурсанд бўлдилар. Аллоҳ таоло уларнинг хаёлида йўқ осонликни насиб этган эди. Барчалари ўша ишни амалга оширедилар.

Тарихчиларимизнинг таъкидлашларича, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху халифаликларининг биринчи олти йили турли гап-сўз ва фитналардан холи ўтган. У кишининг халифаликларининг еттинчи йилидан турли гап-сўз ва фитналар аста-секин бош кўтара бошлаган. Иккинчи халифа Умар розияллоху анхунинг қаттиқ сиёсатларидан қўрқиб, жимгина юрган Рум ва Форсларнинг қуролли хуружлари ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху томонидан бостирилганидан сўнг душманлар ич томондан фитна қўзиш режасини амалга ошира бошлаган эдилар.

## ЎТТИЗИНЧИ САНА

Бу йили Хурсоннинг кўргина қисмлари фатҳ қилинди. Мусулмонлар сулҳ йўли билан Нийсобурни фатҳ қилдилар. Тус ва Сарахсни ҳам сулҳ йўли билан фатҳ қилдилар. Худди шундок, Марв ва Байҳақни ҳам. Ушбу кенг юртлар фатҳ қилинганидан кейин Усмон розияллоху

анхунинг ихтиёрларида мол кўпайди. У киши одамларга ҳисобсиз мол-мулк тарқатдилар.

Мазкур фатҳ ишларини Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу олиб борган эдилар. У тарафларнинг одамлари Умар розияллоҳу анхунинг ўлимларидан кейин аҳдни бузган эдилар.

Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу Хуросоннинг кирав жойига етиб боришлари билан у ернинг аҳолиси йўлини тўсиб чиқиб, сулҳ сўрадилар.

Сўнгра Кўхистон томон юрди. У ерда уруш бўлди. Ерликлар қочиб, қўргонларига беркиниб олдилар. Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу шаҳар томон юриш бошлаган эди, шаҳар аҳолиси сулҳ тузишни сўрадилар. Сулҳ тузилди.

Кейин Нийсобур томон юриш қилди. Улар билан ҳам сулҳ тузилди.

Сўнгра Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу Аҳнаф ибн Қайсни Тоҳористон томон юборди. У ерни фатҳ қилгандан кейин Марв томон юрди. Марвликлар катта лашкар тўплаган эдилар. Икки томон ўртасида уруш бўлди. Бу жангда мушриклар мағлуб бўлдилар.

Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу ал-Ақраъ ибн Ҳобис ат-Тамиийни Жузжонга юборди. Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу уларга жўнашларидан олдин қўйидаги гапларни айтди:

«Эй Бани Тамий! Ўзаро муҳаббатли ва фидокор бўлинг, ишингиз юришади. Қорнингиз ва фаржингизга қарши жидди-жаҳдан бошланг, динингиз юришади. Фулувга кетманг, жидди-жаҳдингиз саломат бўлади».

Улар юриб кетдилар ва душман билан жанг қилиб, ғолиб келдилар.

Сўнгра Аҳнаф Толиқонни сулҳ ила фатҳ этди.

Кейин Балхга етиб борди. У ернинг аҳли ҳам сулҳ сўраган эди, улар билан ҳам сулҳ тузди.

Хоразмга борган эди, у ерни фатҳ қилиш имкони бўлмай, ортига қайтди.

Мазкур катта ва кўп юртларни фатҳ этиб қайтган Абдуллоҳ ибн Омирга кишилар таҳсинлар айтдилар. Улар: «Аллоҳ таоло сендан бошқа ҳеч кимга бунчалар фатҳ қилишни насиб этмаган эди», дедилар. У эса: «Бунинг учун Аллоҳ таолонинг Ўзига шукр қилишим керак, умра адо этишим лозим», деб Нийсобурдан умрага эхром боғлади.

Ушбу ўттизинчи хижрий санада Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳунинг устидан шикоят килди. Бу шикоятнинг ўзига яраша сабаби бор эди.

Улуғ ва зоҳидликка берилган саҳобий Абу Зарр Фифорий Тавба сурасидаги:

**«Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли азобнинг башоратини беравер».**

«Бир куни ўша (олтин-кумуш)лар жаҳаннам ўтида қизитилур ва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилиб: «Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!» дейилур» деган оятларини ўзларича алоҳида тушунар ва таъвил қиласар эдилар.

У кишининг фикрларича, ҳар бир мусулмон ўзининг бир кеча-кундузлик ҳожати, Аллоҳнинг йўлида нафакага, меҳмонга олиб қўйган нарсасидан ортиқча нарсани ушлаб туриши мумкин эмас эди. Абу Зарр розияллоҳу анҳу Шомда истиқомат қиласар эдилар. У киши доимо: «Эй бойлар, камбағалларга шафқат қилинглар! Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга оловдан бўлган дазмолнинг башоратини бер. У уларнинг пешоналари, ёнбошлари

ҳамда орқаларига босилур» деб юрар эдилар. Шундоқ қилиб, бора-бора камбағалларни бойларга қарши қайраб кўйдилар. Иш чегарасидан чиқаётганини кўрган бойлар волий Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳуга шикоят қилдилар. У киши бу ҳақда халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга ёздилар. Халифадан: «Уни менинг ҳузуримга юбор», деган амр келди. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳуни Мадинага, халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг олдилариға йўллади.

У киши Мадинага кириб келганда мажлислар Саль деган жойгача етганини кўриб, «Мадина ахлига шиддатли ғоратнинг ва эсдан чиқмайдиган урушнинг башоратини беравер», дедилар.

У киши халифанинг ҳузурига кирганда:

«Шом ахлига нима бўлди, тилингнинг захридан шикоят қилишмоқда?» дедилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу.

Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳу бўлган гап-сўзларни айтиб бердилар. У кишининг гапларини диққат билан тинглаган ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу:

«Эй Абу Зарр! Менинг вазифам ўз бурчимни адо этмоқлик. Одамларни хатти-ҳаракатга ва иқтисодга чақирмоқлик. Уларни зоҳидликка мажбур қилиш менинг бурчим эмас», дедилар.

«Бойлардан токи маъруфга сарф қилмагунларича, кўни-кўшниларга ва ошна-օғайниларга эҳсон қилмагунларича ва қариндошларга силаи раҳм қилмагунларича» рози бўлманглар», деди. У киши сұхбатнинг охирида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан Мадинадан чиқиб кетишга изн сўрадилар. Абу Зарр розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, агар бинолар Саль номли жойга етса, чиқиб

кетишимга амр қилғанлар», дедилар. Усмон ибн Аффон розияллоху анху у кишини ар-Рабзага йўлладилар. У ерда масжид қурдилар. У киши учун халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху бир қанча туялар ажратиб бердилар. Маош белгиладилар. Иккита хизматчи бердилар. Абу Зарр вақти-вақти билан Мадинага зиёратга келиб турар эдилар. Шаҳар билан ар-Рабзанинг ораси уч мил эди.

## ЎТТИЗ БИРИНЧИ САНА

Тарихчиларимиз бу сана икки шахснинг вафоти санаси эканлигини алоҳида таъкидлайдилар. Аввал бу санада Абу Суфён ибн Ҳарб розияллоху анху вафот этди. У киши маълум ва маъруф шахс эди. Шунингдек, бу санада машҳур саҳобий, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг амакилари Ҳакам ибн Абул Осс ҳам вафот этди.

Бошқа алоҳида бўрттириб кўрсатиладиган ҳодисалар бўймаса ҳам, бу йилда аввал бошланган ишлар, жумладан, фатҳлар давом этди.

Ўша вақтда деярли барча жабҳаларда фатҳ ишлари муваффақият билан давом этар эди.

Жумладан, Саъид ибн Осс розияллоху анху Тобаристонни фатҳ қилди. У киши билан бирга бу ишда ҳазрати Али розияллоху анхунинг икки ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Ҳузайфа ибн Ямон розияллоху анхум ва бошқа кўпгина катта саҳобийлар қатнашдилар. Тобаристонликлар аввал жанг қилишди, кейин сулҳ сўрашди. Улар билан сулҳ тузилди.

Кейин Саъид ибн Осс ва Ҳузайфа ибн Ямон розияллоху анхулар Абдурраҳмон ибн Робийъага ёрдам бериш учун Боб томон юрдилар. Озарбайжонга етганларида Саъид ибн Осс Ҳузайфа ибн Ямон розияллоху

анхуни олдинга юбориб, ўзи орқани қўриқлаб турди. Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анху Абдурраҳмон ибн Робийъа билан фатҳни охирига етгазганидан сўнг қайтиб келиб, Саъид ибн Осса қўшилди.

Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ «ал-Бидоя ван-Ниҳоя» номли машҳур китобларида ўттиз биринчи ҳижрий сананинг катта ҳодисаларидан бири сифатида ас-Саворий денгиз жангини ҳам зикр қиласидар.

Мусулмонларнинг денгиз кучларини ташкил қилган Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анху халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг изнлари ила ҳар ёзда денгиз фатҳлари ўтказиб турад эди. Бу иш румликларнинг тинчини бузган эди. Улар Ҳераклнинг ўғли Константин бошчилигига катта куч тўпладилар. Ўша мисли кўрилмаган катта куч билан мусулмонлар устига ғарот қилиш учун отландилар. Улар беш юзта кемаси билан мусулмонларнинг ғарбий томонидаги Абдуллоҳ ибн Саъд қўшининг ёпирилиб бордилар. Икки томон бир-бири билан юзлашди.

Тонг отганида Абдуллоҳ ибн Саъд ўз кемаларини сафга тизди. Уларга Аллоҳнинг зикрини ва Қуръонни тиловат қилишни амр қилди.

Ўша ҳолни кўрганлардан бири: «Улар биз томон мисли кўрилмаган кўп кемалар ила елканларини кўтарган ҳолда юриш бошладилар. Шамол уларнинг фойдасига бизнинг зараримизга эди. Биз лангар ташладик. Шамол бизга зарар беришдан тўхтади. Улар қуруқликка чиқишдан бош тортдилар. Биз уларга яқинлашиб бордик. Кемаларимизни уларнинг кемаларига боғладик. Сўнгра улар билан қиличбозликни бошладик. Одамлар бир-бирлари билан қилич ва ханжарлар ила жанг қиласар эдилар. Тўлқин кемаларни қирғоқ томон суриб чиқарди. Тўлқинлар одамларнинг жуссаларини ҳам соҳилга чиқариб ташлади. Жасадлар катта тоққа ўхшаб ётар эди. Кон ранги сувнинг

рангидан ғолиб бўлди. Ўша куни мусулмонлар мисли кўрилмаган сабр-матонат кўрсатдилар. Улардан кўплари шаҳид бўлдилар. Румликлардан уларга қараганда бир неча баробар кўп ҳалок бўлди. Сўнгра Аллоҳ нусратни мусулмонларга нозил қилди», деган эди.

Бу урушнинг «ас-Саворий» деб номланиши ҳам шундан. Арабчада «Ас-Саворий» ўзбекчада «Елканлар» деганидир.

Ўша йили Нуба юртларини фатҳ этиш ишлари ҳам давом этди. Бу ҳақда Белазурӣ «Футухул Булдон» номли китобида қўйидагиларни ёзади:

«Амр ибн Осс халифа Умарнинг изни билан Нуба юртларини фатҳ қилишни бошлаган эди. У ерда арабларга одат бўлмаган урушга дучор бўлди. Улар камон билан жангчиларнинг кўзини нишонга олар эдилар. Биринчи жангда юз элликта кўздан ажралинди. Шунинг учун ҳам сулҳ қабул қилинди. Аммо Амр ибн Осс яхшироқ шартларга эришишга харакат қилди.

Нуба юртларини фатҳ қилишни Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу томонидан Мисрга волий этиб тайинланган Абдуллоҳ ибн Саъд охирига етказди. Ўттиз биринчи ҳижрий санада икки томон орасида жанглар бўлиб ўтди. Нуба аҳли сулҳ талаб қилди. Сўнгра Бақт шартномаси деб аталган шартнома тузилди. Бу шартномада урушни тўхтатиб, Миср билан Нуба юртлари орасида маҳсулотлар айирбошлишнинг йўлга қўйилишига келишилди. Бу шартномага олти аср давомида амал қилинди.

## ЎТТИЗ ИККИНЧИ САНА

Ушбу сана кўргина катта саҳобийлар вафот топган санадир. Айни шу йили Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб

розияллоху анху вафот этдилар. У кишининг жанозаларини ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху ўқидилар. Шунингдек, бу йили Абдурраҳмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Дардо, Абу Зарр Фифорий, Зайл ибн Абду Роббих Ансорий каби улуғ зотлар ҳам бу дунёни тарк этдилар.

Худди шу санада Абдурраҳмон ибн Робийъа турк ва хазар юртларига уч марта уруш қилди ва ичкарига кириб борди. Унга қарши турк ва хазарлар катта куч тўпладилар. Қаттиқ жанглардан сўнг Абдурраҳмон ибн Робийъа шахид бўлиб, одамлари иккига бўлиниб кетдилар. Улардан бир гурухи Боб томон юриб бориб, Абдурраҳмон ибн Робийъанинг укаси Салмон ибн Робийъага қўшилиб қутулиб қолдилар. Иккинчи гурух эса, Жийлон ва Журжон томон кетдилар. Уларнинг ичидаги катта саҳобийлардан Салмон Форсий ва Абу Ҳурайра розияллоху анхулар ҳам бор эди.

Куфанинг волийи Саъид ибн Осс розияллоху анху Абдурраҳмон ибн Робийъанинг ўрнига унинг укаси Салмонни Бобни фатҳ қилувчи лашкарга амир қилди. Куфа аҳли лашкарига Ҳузайфа ибн Ямон розияллоху анхуни бошлиқ қилди. Мўминларнинг амири ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху уларга Шом аҳлларидан Ҳабиб ибн Маслама бошлиқ мадад кучи юбордилар. Уларнинг ҳаммалари устидан Салмон бошлиқ бўлди. Ҳабиб унга тобе бўлишдан бош тортди. Шомликлар: «Салмонни урмоқчимиз», дедилар. Куфаликлар: «Ундоқ бўлса, биз Ҳабибни калтаклаб қамаб қўямиз. Агар бош тортсангиз, сиздан ҳам, биздан ҳам ўлим кўпаяди», дедилар. Бу биринчи марта мусулмонлар ичидаги бошлиқликни талашиб, келишмовчилик чиқиши эди.

Мана шу йили кейинчалик бутун Ислом оламига катта фитна тарқалишига бош сабабчи бўладиган нобакор шахс зоҳир бўлди. Бу ҳақда тарихчиларимиз қуйидагиларни

ёзадилар:

«Иbn Омирнинг амирлигига уч йил ўтганда Басрага бир одам келиб, Ҳаким ibn Жабала ал-Абдийникига тушди. Унинг номақбул фикрлари бор эди. Иbn Омир уни чақириби:

«Сен кимсан?» деди.

«Аҳли китобдан бир одамман. Исломга ва сенинг ҳимоянгда яшашга рағбат қилдим», деди у.

«Менга бунинг кераги йўқ. Бу ердан чиқиб кет!» деди Иbn Омир. У чиқиб, Куфага борди. У ердан ҳам ҳайдалди. Ҳижозга, Шомга борди. У ерлардан ҳам қувилди. Кейин Мисрга борди. У ерда уя қурди.

Бу одамнинг исми Абдуллоҳ ibn Саба эди. Онасининг исми Савда эди. У яхудий эди. У ёмон ният билан ўзини мусулмон қилиб кўрсатган эди. Унинг кўпгина фосид фикрлари бор эди. Жумладан, у: «Ийсонинг қайтишини тасдиқлаб, Муҳаммаднинг қайтишини тасдиқламаганлардан ажабланаман», дер эди. Бу қайтиш ҳақидаги гапнинг бошланиши эди. У яна: «Али Муҳаммаднинг васии, ундан олдин халифа бўлган унинг ҳақкини поймол қилди. Ҳақни ўз аҳлига қайтариш учун ҳаракат қилиш мусулмонларга вожибdir», дер эди. Кўпгина фикри бузуклар унинг мазҳабига эргашдилар. Ислом умматининг тафриқага тушишига, тоат ўрнига исён қилишига сабаб бўлган нарсалардан бири мана шу эди. Бу умматга бирлик ва жамланишдан бошқа нарса фойда бермайди, ихтилоф ва тафриқадан бошқа нарса зарар бермайди».

## ЎТТИЗ УЧИНЧИ САНА

Кипр (Кубро) аҳли сулҳни бузиб, мусулмонларга қарши румликларга ёрдам берганлари аввал ҳам айтиб ўтилган эди. Бу хабар Муовия ibn Абу Суфён розияллоҳу

анхуга етиб борганидан сўнг у киши ўттиз учинчи санада беш юз кемада лашкар олиб, Кипр томон юрдилар. Мисрдан Абдуллоҳ ибн Саъд ҳам ўз кучлари билан ўша томон юриб келиб, қўшилди. Мусулмонларнинг қўшма лашкари кипрликларни осонлик билан енгди. Уларнинг подшоҳи мағлуб бўлганлиги аломати сифатида, икки қўлини кўтаришга мажбур бўлди. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу уларнинг аввалги сулҳда қолишларига рози бўлди. Аввалги тажрибалардан дарс олган Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу бу сафар ўн икки минг мусулмон аскарни Кипрда қолдириб, уларга маош тайин қилдилар ва масжид курдирдилар.

Ўттиз учинчи йили Куфада ишлар чаток эканлигини, кундан-кунга ахвол баттарлашиб кетаётганлигини тасдиқловчи ҳодиса юзага чиқди. Бундоқ ишларнинг юзага чиқишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларининг озлиги, борлари ҳам атрофдаги ноҳияларда турли масъулиятли ишлар билан банд эканликлари сабаб бўлди.

Волий Саъид ибн Омирнинг олдида мажлис қуриб ўтирадиган қўпгина одамлар бор эди. Уларнинг аксари олдинги волий Валид ибн Уқбанинг устидан шикоят қилганлардан иборат эди. Улар турли гапларни, бўлиб ўтган ишларни гаплашиб ўтирас эдилар. Бир куни ораларидан гап ўтиб, уришиб кетдилар. Уларни ажратишга келган миршаббошини ҳам урдилар. Саъид ибн Омир уларнинг ҳаммасини ўз сухбатидан қувди. Улар ўзлари бирлашиб, алоҳида мажлисхона қилиб олдилар. У ерда факат Саъид ибн Омирнинг ва унинг одамларининг гийбати билан машғул бўлдилар.

У эса, халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга мактуб ёзиб, бу ишдан хабар берди. У киши: «Уларнинг бошлиқларини Шомга, Муовиянинг олдига юбор», деб амр қилдилар. Муовияга эса: «Фитна учун

яратилган бир гурух одамлар бор экан. Уларга ўзинг қара, бу ишларидан қайтар. Агар улардан бирор яхшилик чикса, қабул қил. Агар улар сени чарчатсалар, мени ҳузуримга юбор», деб мактуб ёздилар.

Улар Муовиянинг олдига боргандарида у уларни икром қилди, яхшилаб меҳмон қилди. Ироқдаги маошлирича маош тайин қилди. Бу неъматлар уларни баттар қутиририб юборди. Муовияни ҳам назар-писанд қилмай қўйдилар. Унинг волийлигига ҳам эътиroz қила бошладилар.

Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу уларга қаратада:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маъсум эдилар. У зот мени волий этдилар. Ўзлари мени ишга олдилар. Сўнгра Абу Бакр халифа бўлди. У ҳам мени волий қилди. Сўнгра Умар халифа бўлди. У ҳам мени волий қилди. Сўнгра Усмон халифа бўлди. У ҳам мени волий қилди. Улардан ҳар бири фақат мендан рози бўлганлари учунгина мени волий қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминлардан фақатгина мукофотга аҳл бўлганларга иш берар эдилар. Албатта, Аллоҳ тутишга ва ўч олишга соҳиб Зотдир. Албатта, Аллоҳ сизларни синамасдан ва сирингизни одамларга фош қилмасдан тарк қилмайди!» деди.

У уларнинг билиб туриб, ўзларига залолатни эп кўрганлардан эканликларини ва уларга насиҳат кор қилмаслигини билганидан сўнг ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга улар ҳақида мактуб ёзди. У киши: «Уларни Ҳимсга, Абдурраҳмон ибн Холид ибн Валиднинг олдига юбор», деб амр қилди.

Абдурраҳмон ибн Холид ибн Валид уларни:

«Эй шайтоннинг асҳоблари, хуш ҳам келмадингиз, қадамларингизга ҳасанот ҳам эмас. Шайтон ноумид бўлиб қайтган эди. Энди сиз фаолият бошладингизми!? Аллоҳга

қасамки, агар Абдурраҳмон адабингизни бериб қўймаса, хусронга учрасин. Эй араблигини ҳам, ажамлигини ҳам мен билмайдиганлар жамоаси, Муовияга айтганларингизни менга айта кўрманг! Мен Холид ибн Валиднинг ўғлиман! Мен синовларда тобланганинг ўғлиман! Мен Ридданинг кўзини ўйиб олганинг ўғлиман! Эй фалончи, агар мен билан бўлганлардан бирортаси сени ҳурматсиз қилса, ҳаммангни ҳавога учириб юбораман!» деди.

Бир ойгача ўзи улов миниб, уларни пиёда орқасидан эргаштириб юрди. Охири биз Аллоҳга тавба қиласиз. Худо хайрингни берсин, бизни қўйиб юбор», деб ёлворишиди. Жуда ҳам ўтиниб сўрашганидан кейингина «Аллоҳ тавбангизни қабул қилсин», деди.

Ўша йили катта саҳобийлардан Микдод ибн ал-Асвар розияллоҳу анҳу Журфда вафот этдилар. У кишини Мадинага олиб келиб, дафн қилишди.

## ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ САНА

Куфанинг амири Саъид ибн Осс вилоятга хос ишлар билан халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ҳузурларига борди. Ўз ўрнига Амр ибн Ҳурайсни қўйиб кетди. Унинг сафарга чиқиши ўзига қарши бўлган фитначиларнинг ғимирлаб қолишига сабаб бўлди. Улардан бир тўпи халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг олдиларига бориб, Саъид ибн Оссли ишдан бўшатишни талаб қилмоқчи бўлдилар. Улар Абдурраҳмон ибн Холиднинг олдидаги фитнабошиларга мактуб ёздилар. Улар етиб келдилар. Эҳтимол, ушбу мактубни олгандан кейин Абдурраҳмоннинг олдида сохта тавбани изҳор қилган бўлсалар керак. Кейин ҳаммалари жамланиб, йўлга чиқдилар. Йўлда ишини битириб, қайтиб келаётган волий Саъид ибн Осслинг ўзига дуч келдилар. Унга бор гапни

айтишди. У: «Усмонга бир кишини, менга бир кишини юборсангиз, кифоя қилар эди», деди. Кейин Усмоннинг олдига қайтиб, хабарни етказди. «Улар менинг ўрнимга бошқа одамни хоҳлашмоқда, Абу Мусони яхши кўрадилар», деди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу уларга ўша кишини волий этиб тайинладилар ва қуидаги мактубни ёздилар:

«Аммо баъду: Батаҳқиқ, сизларга ўзингиз ихтиёр қилган кишини амир қилдим. Саъидни сизлардан олдим. Аллоҳга қасамки, албатта, сизларга обрўимни қарзга берурман. Албатта, сабримни тўкиб солурман. Бутун имконим ила сизларни тузатишга ҳаракат қилурман. Аллоҳга осий бўлмайдиган қайси нарсани яхши кўрсангиз, қўймай сўрайверинг. Унга албатта эришасиз. Мен у нарсада сиз яхши кўрганга рози бўламан. Токи сиз учун Аллоҳнинг хузурида бирор ҳужжат қолмасин. Албатта, биз то сиз хоҳлаган нарсангизга етишгунингизча, ўзимизга ман қилинганидек сабр қилурмиз».

Бас, Абу Мусо Куфага келди. У ернинг аҳлига хутба қилди. Жамоатни лозим тутишга амр қилди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу вафот этгунларича волий бўлиб турди.

Бу пайтда турли жабҳаларда фатҳ ишлари катта муваффакият билан давом этар эди.

Мисрда Абдуллоҳ ибн Саъд ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан Африқонинг ичкарисига киришга изн сўради ва у томон юришни бошлади.

Ўша пайтда Африқо жамияти, дейилганда Тороблусдан Тонжагача чўзилган катта ерларни ўз ичига олган жамият кўзда тутилар эди. Унинг подшохи Рум томонидан қўйилар эди. Ўша пайтда Жиржис исмли одам подшоҳ эди. Ҳар йили Рум подшохига харож бериб турар эди. У бир юз йигирма минг отликдан иборат лашкар тўплади. Мусулмонлар келиб, Исломни арз қилишган эди,

у бош тортди. У урушни ихтиёр қилди. Жиржис жарчи юбориб, «Ким Абдуллоҳ ибн Саъдни қатл қиласа, уни қизимга уйлантираман ва юз минг динор бераман!» деб жар чақиртириди.

Мусулмонларнинг қўмондони Абдуллоҳ ибн Зубайр эди. У киши Абдуллоҳ ибн Саъдан изн олиб, мусулмонлар ичидаги «Ким Жиржисни қатл қиласа, у юз минг динор олади ва Жиржиснинг қизига уйланади ҳамда унинг мамлакатига волий бўлади!» деб жар солдирди. Жиржиснинг дилига кўркув тушди.

Аввалда жанг Жиржиснинг режаси бўйича давом этди, яъни, эрталаб бошланиб пешинда тўхтар эди. Абдуллоҳ ибн Зубайр мусулмон жангчиларни иккига бўлишга маслаҳат берди. Бир қисми пешингача уруш қиласи, иккинчиси пешиндан кейин. Ана шунда румликлар дам олишга улгурмайдилар. Мусулмонлар эса, дам олиб-дам олиб жангни давом эттираверадилар. У кишининг ушбу режаси румликларнинг мағлубиятига асосий сабаб бўлди. Жиржис қатл этилди. Уни Ибн Зубайр қатл этди. Африқонинг бошқа тарафлари жизя бериш шарти билан сулҳ туздилар. Бабарлар ҳам таслим бўлдилар. Мусулмонларга Андалус йўли очилганидан кейин Абдуллоҳ ибн Саъд Мисрга қайтди.

## ҲАЗРАТИ УСМОННИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху халифаликлари давомида ўзларидан аввалги халифаларнинг ишларини давом эттириб, мусулмонлар оммаси учун фойдали бўлган катта ишларни қилишда ижтиҳодлар қилдилар. У киши қандоқ қилиб мусулмонларнинг Куръон тўғрисида ихтилофга тушишининг олдини олиб қолганларини юқорида ўрганиб чиқдик. Бу иш қанчалик аҳамиятли эканлигини ҳам англадик. Энди ҳазрати Усмон ибн Аффон

розияллоху анхунинг ижтиҳодлари ила у зот томонларидан жорий қилинган, мусулмон умматига катта фойдалар келтирган яна бошқа баъзи ишларни эслаб ўтайлик.

### **Жума намозида биринчи аzonнинг зиёда қилиниши**

Имом Бухорий, Термизий, Насаий ва Абу Довудлар Соиб ибн Язийд розияллоху анхудан ривоят қиладилар:

«Жума кунининг аввалги нидоси Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам, Абу Бақр ва Умарнинг даврларида имом минбарга ўтирганида бўлар эди. Усмон (халифа) бўлганида одамлар кўпайиб кетиб, Завроънинг устида учинчى нидони зиёда қилди».

Бошқа бир ривоятда:

«Иш шундоқ событ қолди», дейилган.

Ушбу ҳадисдаги нидодан мақсад, аzonдир. Нидони учта, дейиши эса, азон ва иқома эътиборидандир.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ва икки халифа, яъни, ҳазрати Абу Бақр Сиддик ҳамда ҳазрати Умар даврларида имом минбарга чиққанида аzon айтилар, хутба ўқиб бўлиб, минбардан тушганида иқома айтилар ва намоз ўқилар эди.

Аммо ҳазрати Усмон халифа бўлган пайтларида Ислом диёри кенгайиб, мусулмонлар сони кўпайган эди. Имом минбарга чиққанидан кейин аzon айтиб, хутба қилиб, ундан сўнг жума намози ўқиладиган бўлса, узокроқдаги кишилар аzonни эшитгандан сўнг ҳаракат қилиб, масжидга келсалар, намозга кечикадиган бўлиб қолдилар.

Чунки у пайтларда соатлар йўқ эди. Кишилар намоз вақтининг кирганини аzon айтилганидан билар эдилар.

Ҳазрати Усмон розияллоху анхунинг даврларида одамлар намозга кечикаётгандари мулоҳаза қилинганидан сўнг уларни олдинроқ хабардор қилиш учун жума

намозининг вақти кириши билан бир қўшимча аzon айтиш жорий қилинди.

Бу аzon Мадинаи Мунавваранинг бозори ичидаги «Заврө» деб аталган жойда, бир уйнинг томида айтилар эди. Бозор қилиш ва бошқа ишлар билан машғул бўлиб юрган одамлар ўша биринчи аzonни эшитиб, жума намозининг вақти кирганидан хабардор бўлар, ишларини йиғишириб, таҳорат қилиб, масжидга тўпланар эдилар.

Пешин намозининг ҳақиқий вақти бўлганида эса, имом минбарга чиқар ва муаззин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалтам, ҳазрати Абу Бақр ва Умарлар давридаги каби аzon айтар ва одатдагидек давом эттириб кетилар эди.

Бу иш ўз самарасини кўрсатди. Мусулмонлар жума намозига кеч қолмайдиган бўлдилар. Бу амал ҳаммага маъқул келиб, жума намозига икки марта аzon айтиш ҳамма жойларда жорий қилиниб, событ бўлиб қолди.

Бу нарсага ҳозир ҳам ҳамма жойларда ва мазҳабларда амал қилинади. Бирорта одам «Нима учун бундок?» деб ёътироz билдиrmайди. Шундок бўлиши керак ҳам.

### **Қўриқхоналарни ташкил қилиш**

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу халқнинг камбағал тоифаси манфаатларини химоя қилиш мақсадида жамият ихтиёрида бўладиган қўриқхоналарга кўплаб ер ажратишни йўлга қўйдилар. Шу тариқа ерларга бойбадавлат кишилар эга чиқиб олишлари тартибга солинди.

### **Масжидларни хушбўй қилиш**

Авваллари масжидларни хушбўй қилиш эҳтиёжи бўлмаганлиги учун бу нарса ҳеч кимнинг ёдига келмаган эди. Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг даврларида одамларнинг кўпайғанлиги, уларнинг

табиатлари ҳам ўзгарғанлиги эътиборга олиниб, масжидларни турли нохуш хидлардан асраш учун «халуқ» номли хүшбүй модда сочиб туриш йўлга қўйилди. Бу эса, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг қанчалик нозик дид эгаси эканликларини кўрсатади.

### **Муаззинларга маош белгилаш**

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху даврларигача муаззинларга маош белгиланмаган эди. Ўша пайтдаги ҳаётнинг соддалигидан, муаззинларга ажратилган ишнинг озлигидан бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг даврларига келиб, масжидлар катталашди, жамоатлар ниҳоятда кўпайди. Бинобарин, муаззинларнинг хизмати ҳам кўпайди. Энди муаззинлар ажралиб чиқиб, муаззинлик қилишлари лозим бўлиб қолди. Фақат муаззинлик билан машғул бўлган одам эса, маош билан таъминланиши зарур эди. Шунинг учун ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху кенг Ислом жамиятининг барча жойларида муаззинларга маош беришни жорий қилдилар.

## **Миршабликни жорий қилиш**

Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг даврларига келиб, барча шароитлар ўзгарган эди. Ўзгарганда ҳам, салбий маънода ўзгарган эди. Ҳар бирлари «тирик Қуръон» бўлган улуг саҳобийларнинг кўпчилиги шахид бўлган, вафот этган ва турли юртларга тарқаб кетган эдилар. Жамиятда турли-туман ҳалқ, миллат ва элатларнинг турли одамлари ҳам кўпайган эди. Уларнинг ичида одоблилари ҳам, бошқачалари ҳам бор эди. Бунинг устига, мусулмон бўлмаганлар ҳам, Исломни ғаразгўйлик билан қабул қилганлар ҳам оз эмас эди. Бу ва шунга ўхшашиб омиллар миршабликни жорий қилишни талаб қиласар эди. Шунинг учун ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху миршабликни йўлга кўйдилар.

## **Масжидда бошлиққа алоҳида жой қилиш**

Бу ишни ҳам шароит тақозо қилган эди. Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг бир нобакор шахс қўлида фожиали равишда қатл этилишлари ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху учун катта дарс бўлган эди. Шунинг учун у киши масжидда ўзларига ана шундок тўсатдан бўлиши мумкин бўлган ҳужум ва суиқасдларнинг олдини олиш учун алоҳида жой қилдилар.

## **ҲАЗРАТИ УСМОННИНГ ШАХСИЙ СИФАТЛАРИ**

Халифа бўлиш, ўша вақтдаги дунёning энг қудратли жамиятини узоқ вақт бошқариб туриш ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг шахсий сифатларига заррача ҳам салбий таъсир кўрсата олмади. У киши аввал қандай бўлсалар, шундай қолдилар. Ҳатто баъзи ҳолатларда яна

ҳам яхшироқ даражаларга ўтдилар. Уламоларимиз ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг шахсий сифатлари ҳақида кўпгина ривоятлар келтирганлар. Келинг, шулардан баъзиларини ўрганиб чиқайлик.

Абу Нуъайм «Хулятул авлиё» китобида Абдулмалик ибн Шаддоддан ривоят қиласди:

«Усмонни жума куни минбар устида кўрдим. Эгнида қўпол, баҳоси тўрт дирҳам ёки беш дирҳамлик аданий изор ва титилган куфий ёпинчиқ бор эди».

Имом Аҳмад ва «Сифатус Софва» китоби соҳиби ривоят қиласдилар:

«Ҳасандан кундузи масжидда ухловчилар ҳақида сўралди.

«Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг кундузи масжидда ухлашини кўрганман. У ўша пайтда халифа эди. Турганида майда тошлар биқинига ботган бўларди. «Шу киши мўминларнинг амирими?! Шу киши мўминларнинг амирими?!» дейилар эди».

Шарҳабийл ибн Муслимдан ривоят қилинади:

«Усмон розияллоху анҳу одамларга амирларнинг таомини егизар эди. Ўзи эса, уйига кириб, сирка билан зайдер эди».

Абу Нуъаймнинг «Хулятул авлиё» китобида Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Қурайшдан уч киши одамларнинг энг юзи чиройлиси, энг хулқи гўзали ва энг ҳаёси сабитлисиidlар: Абу Бакр Сиддиқ, Усмон ибн Аффон ва Абу Убайда Жарроҳ розияллоху анҳум».

Имом Аҳмад қилган ривоятда Имом Ҳасан розияллоху анҳу ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуни, у зотнинг ҳаёларини зикр қилиб туриб, жумладан:

«У уйнинг ичидаги бўлиб, устидан эшик қулфлоғлик турса ҳам, устидан сув қўймоқчи бўлса, ҳаёси кийимини ечиб ташлашга монелик қиласди», деганлар».

Байҳақий Молиқдан, у амакисидан, у отасидан ривоят қиласылар:

«У киши Умар ва Усмон розияллоху анхұмонинг Маккадан келсалар, Маърасда тушишларини, уловларини мингандарида бирор киши қолмай, ғуломни мингаштириб олишларини ва ўша ҳолда Мадинага кириб боришларини күрган экан. Унга:

«Тавозуз учунми?» дедим.

«Ха. Одамларни мингаштириб олишлари икковларининг бошқа подшоҳларга ўхшамаслиги учун», деди.

Кейин одамларнинг ўзлари улов миниб, ғуломлари ортларидан пиёда бориш одатини чиқарғанларини, бу айб эканлигини зикр қилди».

Абу Нуъаймнинг «Хулятут авлиё» китобида Маймун ибн Мехрондан ривоят қилинади:

«Менга Ҳамадонийнинг хабар беришича, у Усмон ибн Аффон розияллоху анхұнинг халифалик вақтида хачирга миниб, ортига ғуломи Ноилни миндириб олиб кетаётганини күрган экан».

Ибн Саъд, имом Аҳмад ва Ибн Асокирлар Абдуллоҳ Румийдан ривоят қиласылар:

«Усмон розияллоху анхұ таҳоратига ўзи сув тайёрлар эди. Унга: «Баъзи ходимларга айтсанг-ку, тайёрлаб беришади», дейилди. У:

«Йўқ. Кечаси дам олиш уларнинг ҳақлари», деди».

Ибн Саъд Амр ибн Саъид розияллоху анхұдан ривоят қиласы:

«Усмон розияллоху анхұ ўзига фарзанд туғилса, уни латтага ўраб олдириб келиб, ҳидлар эди. Унга «Нимага бундоқ қиласан?» дейилди.

«Мабодо унга бирор нарса бўлиб қолса, муҳаббати қалбимда қолсин, деб шундоқ қиласан», деди.

Бу, албатта, келажакда келиши мумкин бўлган

мусибатга розилик или тайёргарлик кўриш эди.

Имом Термизий Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг мавлоси Ҳонеъдан ривоят қилади:

«Усмон қабрни кўрса, йиғлаб, соқоллари хўл бўлиб кетар эди. Унга: «Жаннат ва дўзахни зикр қилсанг, йиғламайсан. Қабрни зикр қилсанг, йиғлайсан?» дейилди.

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қабр охират манзилларидан биринчи манзилдир. Ундан нажот топса, ундан кейингиси осондир. Ундан нажот топмаса, кейингилари бундан ҳам шиддатлидир», деганларини, яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қай бир манзарани кўрсам, қабр ундан кўра кўрқинчлидир», деганларини эшитганман», деди».

Ибн Саъд ва Ибн Асокир Абдураҳмон ибн Ҳотибдан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан ҳеч кимнинг Усмон розияллоҳу анхучалик ҳадисни батамом ва гўзал айтишини кўрмадим. Илло, у ҳадис ривоят қилишдан кўрқар эди».

Имом Аҳмад, Абу Яъло ва Баззор Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан, у зотнинг саҳобалари ичидаги энг яхши тушунгани бўлсан ҳам, ривоят қилишдан монелик йўқ. Аммо гувоҳлик бераманки, мен у зотнинг: «Ким мен айтмаган нарсани, айтди деса, дўзахдаги ўринини олаверсин», деганларини эшитганман», дер эди».

Имом Аҳмад ва Ибн Асокир қилган ривоятда Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху:

«Бирор наҳор ёки тунни Аллоҳнинг Китобига назар солмасдан ўтказишни истамайман», дедилар.

Яна ўшалар қилган ривоятда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху:

«Агар қалбларингиз пок бўлса, Аллоҳнинг Китобидан

тўймас эдингиз», дедилар».

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ана шундай инсон эдилар. У киши саҳобаи киромлар ичидан энг афзали бўлганликлари учун халифа қилиб сайланган эдилар.

Аммо фитна ниҳоятда ёмон нарса. Фитначилар ҳар қандай ёмон нарсани айтишдан ва қилишдан тоймайдилар. Келинг, яхшиси ўша вақтда чиққан фитна ҳақида бир бошдан сўз юритайлик.

## ФИТНАНИНГ БОШЛАНИШИ

Ислом оламидаги катта фитнанинг учи халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга ғаразгўй кучлар томонидан суиқасд уюштирилиб, у кишининг ўлдирилишларидан бошланган эди. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг олиб бораётган музaffer сиёsatлари кўпчилик душманларнинг «жигарини еб бораётган» эди. Улар Исломнинг бутун ер юзи бўйлаб яшин тезлигида тарқалиб бораётганини мутлақо кўра олмас эдилар.

Худди ана шундоқ кучлар ҳазрати Умарнинг вафотларидан кейин Рум ва Форс томонларда қуролли хуружлар қилиб, Ислом жамияти қарамоғидан чиқиб, эски тузумларини қайта ўрнатмоқчи бўлдилар. Аммо халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу уларнинг бу хуружларини ўз вақтида бартараф қилдилар.

Ҳарбий томондан кучи етмаган ғанимлар ички томондан турли фитналар чиқаришга ўтдилар. Улар ўз мақсадлари йўлида турли омилларни ишга солдилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг даврлари бошқа давр эди. У вақтда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларини олган, турли синовларда чиникқан, иймон ва ихлосда тенги йўқ саҳобаи киромлар кўпчиликни ташкил қиласар эдилар. Улар орқали жамият ичида ҳар қандай сиёsatни осонлик билан жорий қилиш

мумкин эди. Жамият аъзолари фитна нималигини билмас эдилар. Фитна у ёқда турсин, баъзи Қуръони Карим ва эътиқод бўйича шубҳали саволлар берган шахсларнинг ҳам адаблари бериб кўйилар эди. Ана ўша умумий рух ва халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг ўша руҳдан келиб чиқиб юритаётган сиёсатлари баъзи бир бузғунчи табиатли шахсларнинг ҳам танобини тортиб турар эди.

Аммо вақт ўтиши билан шароитлар ўзгарди. Ҳазрати Умарнинг шиддатли сиёсатларини бардавом олиб бориш қийин эди. Буни ҳамма тушунар эди. Шунинг учун саҳобаи киромлар янги халифа сайлаш вақтида бошқача сиёсат юргизадиган шахсни изладилар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг номзодларидан кўра, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг номзодларини устун кўришларига ҳам ҳазрати Алининг шиддатлари сабаб бўлди. Саҳобалар Умарнинг шиддатидан кейин Алининг шиддати қўшилса, тўғри келмайди, деган фикрга бордилар.

Бунинг устига, катта саҳобалар камайиб қолган эдилар. Арабларнинг ичидаги ҳам кейин мусулмон бўлган, Ҳижознинг ўзидан эмас, атрофидан бўлган қабилалар кўпайган эди. Энг асосийси, яшин тезлигида тарқалган фатҳлар давомида турли халқлар Исломни қабул қилган бўлиб, уларда ўзларининг аввалги динлари, эътиқодлари ва фикрлари таъсири ҳали кучли эди. Ўша халқлар ичидаги хўжакўрсинга мусулмон бўлганлари ҳам бор эди. Энг хатарлиси, фитнабоши Абдудулоҳ ибн Сабага ўхшаб Исломга ички томондан зарба бериш мақсадида ўзини мусулмон қилиб кўрсатаётганлар ҳам йўқ эмас эди.

Ана шулар аста-секин фитнага замин тайёрлай бошладилар. Уларнинг баъзи ишларини юқоридаги сатрларда ҳам бир оз ўргандик. Улар аввалига ишни баъзи волийлар устидан шикоят қилишдан бошладилар. Бу иш биринчи бўлиб, Куфадан бошланди. Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху тайин қилган волий Саъд ибн Абу

Ваққос розияллоҳу анҳу билан ҳарож омили Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳулар ўртасида волийнинг Байтулмолдан олган қарзини вақтида тўлаши ҳақида низо чиқди.

Иккалалариға ўзига яраша тарафдор ва қаршилар тўпланди. Халифа волийни ишдан олиб, ўрнига Валид ибн Уқбани қўйдилар. У ўша пайтда Умар розияллоҳу анҳу томонларидан Ҳижознинг ғарбий томонига волий этиб қўйилган ерида ишлаб турган эди. Уни куфаликлар хурсанд бўлиб кутиб олдилар. Бу ишдан айниқса, олдинги волийга қарши бўлган кишилар хурсанд бўлдилар. Одатда, фитначиликлар янги раҳбарнинг қўйнига киришга ҳаракат қиласидилар. Бу ерда ҳам шундок бўлди. Янги волий ҳамма билан яхши алоқада бўлишга ҳаракат қилди. Ҳамма ишлар яхши кетиб турганда бир ҳодиса содир бўлди. Ана шу ҳодиса туфайли ишлар бошқачасига айланиб кетди.

Бир гуруҳ куфалик ёшлиар бирорнинг уйини тешиб кириб, уй эгасини ўлдирдилар. Бу ишдан хабар топган бир қўшни одам миршабларни чақирди. Улар жиноятчиларни тутдилар. Уларнинг ичиди Зуҳайр ибн Жундаб ал-Аздий, Муварриҳ ибн Абу Муварриҳ ал-Асадий ва Шуббайл ибн Абул Аздийлар бор эдилар. Маҳкамада уларнинг жиноятлари собит бўлди ва шариат ҳукмига биноан қатл этилдилар. Уларнинг оталари ва қариндошлари бу иш учун волий Валиддан хафа бўлиб, унга қарши пайт пойлай бошладилар. Унинг кечқурун қуриладиган сухбати бор эди. Бу сухбатда турли одамлар, жумладан, Абу Зайд Тоий ҳам қатнашар эди. У асли насроний бўлиб, кейин мусулмон бўлган ва ароқ ичиши бор эди. Бир куни ҳалиги ҳасадгўйларнинг олдига бирор келиб, «Валиднинг Абу Зайд билан ҳамр тановул қилишидан хабарингиз борми?» деди. Улар айни шу гапни кутиб туришган эди. Бу гапни бирпастда ҳамма тарафга тарқатишди. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига бориб, бу гапни

айтишган эди, у киши: «Биз ўзини беркитган одамнинг авратини очмаймиз», дедилар. Валид бу гапни эшитиб, хафа бўлди. «Фитначи қавмга сендек одам шундай жавоб берадими?! Мен нимани беркитибман?! Бу ғариб-нотаниш одам хақида айтиладиган гап», деди. Шу билан икковларининг ораларига ҳам совуқлик тушди.

Фитначилар бу билан ҳам кифояланиб қолмадилар. Дорул Хилофага бориб, Валиднинг устидан шикоят қилишга қарор қилдилар. Улар ичларидан икки кишининг гувохликка ўтишига келишиб олиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига бордилар. Фитначиларнинг сафида волий Валид томонидан ишдан бўшатилган аламзадалар ҳам бор эди. Одатда, фитначиларнинг доимо шунга ўхшаш кишиларни излаб топиб, ўз сафларига қўшиб олишлари синалган тажрибадир. Улар бориб, ўз мақсадларига эришдилар. Волий Валид ибн Уқба ибн Абу Муаъйт чақирилиб, дарра урилди ва ишдан олинди. Бунинг тафсилотини ўз ўрнида ўргандик. Аммо у ерда ўрни бўлмаганлиги учун бу иш фитначилар томонидан қилинган уйдирма эканлигини айтмаган эдик.

Куфанинг янги волийи Саъид ибн Осс розияллоҳу анҳу фитначилар билан бирга иш жойига борди ва ўз ўрнида айтиб ўтилганидек, ишларни тузатишга киришди.

Саъид ибн Осс розияллоҳу анҳунинг хос ва умумий ўтиришлари бор эди. Умумий мажлислардан бирида гаплашиб ўтириб, бир одам: «Толҳа ибн Убайдуллоҳ қандоқ ҳам сахий одам», деди. Саъид ибн Осс розияллоҳу анҳу: «У сингари одам сахий бўлса, арзийди. Менда ҳам унда бор нарса бўлганида, сизлар фаровон яшар эдингиз», деди. Бир ўспирин Кисронинг Фурот дарёси қирғоғидаги мулкларига ишора қилиб, «Анавилар сеники бўлиб қолса эди», деди. Баъзи одамлар йигитчага: «Тилингга шакар», дейишидди. Бирдан Аштар Нахаъий ва Умайр ибн Зобийъ

бошлиқ баъзи эсипастлар туриб, ўспиринни дўппослай кетдилар. Отаси уни ҳимоя қилган эди, уни ҳам урдилар. Волий Саъид ибн Осс розияллоҳу анҳу уларни зўрға ажратди. Шундан кейин ҳалиги фитначиларни ўз сухбатидан қувди. Улар эса, Саъид ибн Осс розияллоҳу анҳуни ва уни ишга қўйган бошлиқни ёмонлашдан бошқа иш қилмай қўйдилар. Охири ҳалифанинг амри билан улар Муовиянинг олдига сургун қилиндилар. Улар у ерда Муовияни ҳам сўка бошладилар. Абдураҳмон ибн Холид ибн Валид уларнинг адабларини бериб, тавбаларига таянтирганидан сўнг улар тавбаларини эълон қилиб, ўз юртларига қайтдилар. Аммо ўргангандан кўнгил ўртанса қўймас. Улар қайтиб келиб, аввалгидан ҳам баттар иғвогарликка шўнгидилар.

Мазкур куфалик фитначиларга Молик ибн Ҳорис ал-Аштар, Собит ибн Қайс Нахаъий, Кумайл ибн Зиёд Нахаъий, Зайд ибн Савҳон Абдий, Жануб ибн Зухайр Фомидий, Жундуб ибн Каъб Аздий, Урвату ибн Жаъд, Амр ибн Жаъд ва Умар ибн Ҳамақ Хузоъийлар раҳбарлик қиласар эдилар.

Улар фитна қилиб юриб, Саъид ибн Осс розияллоҳу анҳунинг ҳам ишдан бўшатилишларига эришдилар.

Ўша вактдаги Ироқнинг иккинчи шаҳри бўлган Басрада ҳам фитначилар уя қуриб олган эдилар. У ерда Ҳаким ибн Жабала исмли бир ўғри бор эди. У ўз атрофида қароқчи гурухини тузиб олган эди. Ислом лашкарлари сафарга отланса, бирга чиқиб, йўлда ажраб қолиб, қишлоқларни талар эди. У айниқса, аҳли зиммаларга кўп зулм ўтказар эди. Аҳоли, хусусан, аҳли зиммалар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга унинг устидан арз қилдилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу волий Ибн Осирга амр қилиб, Ҳакимни Басрадан чиқмайдиган қилиб қўйдилар. Барча фитналарнинг боши бўлмиш Абдуллоҳ ибн Саба Басрага келганида айнан ўша ўғри Ҳакимнинг

уйига тушди. Ўша ерни ўзига марказ қилиб олиб, мараз фикрларини тарқата бошлади. Унинг иши волийга етиб боргач эса, бу ердан ҳам қувилди. Аммо бу пайтда Абдуллоҳ ибн Сабанинг заҳари атрофга тарқаб қолган эди.

Шомда Муовия ибн Абу Суфён бошлиқ катта саҳобийлар кўп бўлғанлиги учун фитна тарқалмаган эди. Фитнабоши Абдуллоҳ ибн Саба Шомга келганида Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳу билан учрашиб, мол-дунё хусусида у кишига ёқадиган баъзи гапларни айтиб, сўнг Муовия ибн Абу Суфён бу фикрга қарши экан, деб икковларини тортиштириб қўйди. Сўнгра биз аввал ўрганиб ўтган машҳур Абу Зарр Фифорий ҳодисаси содир бўлди. Шундан сўнг бу фитнабоши Абу Дардо розияллоҳу анҳунинг олдига бориб, гап бошлаган эди, у киши: «Сен яхудий бўлсанг керак» деб, қувиб солди. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳунинг олдига борган эди, уни маҳкам тутиб, Муовиянинг олдига олиб борди ва: «Абу Зарни сенинг олдингга юборган шу», деди. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу фитначини Шомдан қувиб чиқарди.

Аммо ҳамма балонинг боши Мисрда эди. Абдуллоҳ ибн Сабадек фитнабоши ҳамма ердан қувилса ҳам, бу ерда ҳурмат-эътибор топган эди. У Мисрга жойлашиб олиб, ўз режасини амалга оширишга замин тайёrlар эди. У ўз таълимотларини кўпчилик орасида тарқатиб борар эди. У одамларга: «Аллоҳнинг мингта набийси ва мингта васийси бор. Али Муҳаммаднинг васийсидир. Муҳаммад хотамуланбиё, Али хотамулавлиёдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васиятига амал қилмай, у зотнинг васийсига ҳамла қилиб, умматнинг ишини ўз қўлига олган одамдан ҳам золимроқ одам борми? Усмон ноҳақдан халифа бўлиб олган. Али Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васийси. Унга ёрдам бериш керак. Бу ишни адo этиш учун қўзғолинг! Ҳар ким ишни ўз амирига

айб қўйишдан бошласин. Сиртдан амри маъруф, наҳий мункар қилаётган бўлиб кўрининглар. Ўшанда одамлар сизларга мойил бўладилар. Уларни ўз ишимизга унданглар!» дер эди.

У ўз тарғиботчилигини ҳар тарафга юборди. Турли жойлардаги фитначилар билан мактуб олди-бердисини яхшилаб йўлга қўйди. Улар Абдуллоҳ ибн Сабага ҳар тарафдан хат юбориб турар эдилар. Фитначилар бир-бирлари билан ўз амирларини айблаб, хат ёзишар эдилар. Олган мактубларини иложи борича қўпроқ одамларга ўкиб берар эдилар.

Фитначилар ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмас эдилар. Улар ҳар бир кишини ўз сафларига тортишга ҳаракат қиласар, ҳар бир ҳолатдан ўз фойдалари учун бирор нарса чиқаришга уринар эдилар. Энди фитначилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуни асосий мўлжал қилиб олган эдилар. У кишини айблаш йўлида турли бўхтонларни тўқир эдилар. Бу бўхтонларни одамлар ўртасида тарқатишга жон-жаҳдлари билан тиришар эдилар. Софдил мусулмонлар уларнинг бундай бўхтонларига қарши қўлларидан келган чораларни кўрар эдилар. Биз шарҳ қилаётган китобда ҳам худди ана шу ҳолатни акс эттирувчи бир ривоят келган:

2842 - عَنْ عُثْمَانَ ابْنِ مُوَهَّبٍ تَ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ  
مِصْرَ حَجَّ الْبَيْتَ فَرَأَى قَوْمًا جُلُوسًا فَقَالَ: مَنْ هُؤُلَاءِ الْقَوْمُ؟ فَقَالُوا:  
فُرِئِشٌ قَالَ: فَمَنِ الشَّيْخُ فِيهِمْ قَالُوا: عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ قَالَ: يَا ابْنَ  
عُمَرَ إِنِّي سَائِلُكَ عَنْ شَيْءٍ فَحَدَّثَنِي هَلْ تَعْلَمُ أَنَّ عُثْمَانَ فَرَّ يَوْمَ  
أُخْدِي؟ قَالَ: نَعَمْ قَالَ: تَعْلَمُ أَنَّهُ تَعَيَّبَ عَنْ بَدْرٍ وَلَمْ يَشَهِدْهَا؟ قَالَ:

نَعَمْ قَالَ : تَعْلَمْ أَنَّهُ تَعِيَّبَ عَنْ بَيْعَةِ الرِّضْوَانِ فَلَمْ يَشْهُدْهَا؟ قَالَ : نَعَمْ  
 قَالَ : اللَّهُ أَكْبَرُ قَالَ ابْنُ عُمَرَ : تَعَالَ أَبْيَنْ لَكَ أَمَّا فِرَارُهُ يَوْمٌ أُحُدٍ  
 فَأَشْهُدُ أَنَّ اللَّهَ عَفَا عَنْهُ وَأَمَّا تَعِيَّبُهُ عَنْ بَدْرٍ فَإِنَّهُ كَانَتْ تَحْتَهُ  
 بِنْتُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَكَانَتْ مَرِيضَةً فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ : إِنَّ لَكَ  
 أَجْرٌ رَجُلٌ مِّنْ شَهِدَ بَدْرًا وَسَهْمَهُ وَأَمَّا تَعِيَّبُهُ عَنْ بَيْعَةِ الرِّضْوَانِ فَلَوْ  
 كَانَ أَحَدُ أَعَزَّ بِيَطْنَ مَكَّةَ مِنْ عُثْمَانَ لَعَثَّهُ مَكَانُهُ فَبَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ  
 ﷺ عُثْمَانَ وَكَانَتْ بَيْعَةُ الرِّضْوَانِ بَعْدَ مَا ذَهَبَ عُثْمَانُ إِلَى مَكَّةَ فَقَالَ  
 رَسُولُ اللَّهِ ﷺ : بِيَدِهِ الْيُمْنَى هَذِهِ يَدُ عُثْمَانَ فَضَرَبَ بِهَا عَلَى يَدِهِ  
 الْيُسْرَى فَقَالَ : هَذِهِ لِعُثْمَانَ ثُمَّ قَالَ لَهُ ابْنُ عُمَرَ : ادْهَبْ بِهَا إِلَيَّ  
 مَعَكَ . رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالْتَّرمِذِيُّ .

2842. Усмон ибн Мавҳиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Миср аҳлидан бир киши келди. Байтни ҳаж қилди. Мажлис қуриб ўтирган бир қавмни кўрди.

«Анави қавмлар ким?» деб сўради.

«Қурайшликлар», дейишиди.

«Уларнинг ичидаги шайх ким?» деди.

«Абдуллоҳ ибн Умар», дейишиди.

«Эй Ибн Умар, мен сендан бир нарсани сўрайман, менга айтиб бер. Усмоннинг Ухуд куни қочганини биласанми?» деди.

«Ха», деди.

«Унинг Бадрда ғойиб бўлганини, хозир бўлмаганини биласанми?» деди.

**«Ҳа», деди.**

**«Ризвон байъати»да ғойиб бўлганини, ҳозир бўлмаганини биласанми?» деди.**

**«Ҳа», деди.**

**«Аллоҳу акбар!» деди. Шунда Ибн Умар:**

**«Бу ёққа кел! Сенга баён қилиб бераман. Уҳуд куни қочганига гувоҳлик бераманки, албатта, Аллоҳ уни афв этган ва мағфират қилган.**

**Бадрда ғойиб бўлганига келсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари унинг қўлида эди. Ўша киши бемор бўлган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Сенга Бадрда ҳозир бўлган кишининг ажри ва улуши бўлади», дедилар.**

**«Ризвон байъати»да ғойиб бўлганига келсак, агар Макка водийсида Усмондан кўра азизроқ бирорта бўлганида, унинг ўрнига юборар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Усмонни юборган эдилар. Усмон Маккага кетганидан кейин «Ризвон байъати» бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларини кўрсатиб, «Мана бу Усмоннинг қўли», дедилар ва у билан чап қўлларига уриб, «Бу Усмон учун», дедилар.**

**Сўнгра Ибн Умар унга:**

**«Энди буларни ўзинг билан олиб кет!» деди».**

**Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.**

**Шарҳ:** Ўша Ибн Умар розияллоҳу анхудан ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуни айблаш максадида савол сўраган мисрлик фитначининг исми Язид ибн Бишр экан.

Ҳар замон ва маконнинг фитначилари ўз ишларини худди шу асосга қурадилар. Уларнинг барчаси худди шунга ўхшаш бўхтонлар тўқийдилар. Ҳеч қандай кофир ва душман бунга ўхшаш зарарни қила олмайди.

Ушбу ривоятда зикри келган фитначилар

намояндасининг услубини ва гапларини олиб кўрайлик.

У ҳажда, энг улуғ маконда, ибодат вақтида ўз иғвосини тарқатишга уринмоқда. Ҳа, ана шундок муқаддас нарсалардан ўз ботиллари учун унумли фойдаланиш фақатгина фитначиларнинг қўлидан келиши мумкин. Кофир ва мушрик душманлар ҳам бундай ишни қила олмайдилар. Чунки бундай қилишга уларнинг имконлари йўқ. Улар бундай қилишни билмайдилар ҳам.

Мазкур фитначи ана шундай эътиборли сухбатда, Қурайш сухбатида, Абдуллоҳ ибн Умардек улуғ саҳобийнинг сухбатида ўз заҳарини сочди. У ўз мақсадига эришиб, ўша сухбатда унинг гапларини қўлласалар айни муддао, агар у ердан бурни ерга ишқаланиб чиқса ҳам, ҳамма жойда «Мен бу гапни фалон ерда, фалончига ҳам айтганман», деб мақтаниб юришига сабаб бўлади.

Биринчи тухматни қаранг:

**«Эй Ибн Умар, мен сендан бир нарсани сўрайман, менга айтиб бер. Усмоннинг Ухуд куни қочганини биласанми?»** деди.

**«Ҳа», деди.**

Ибн Умар розияллоҳу анху унинг фитначилигини дарҳол билдилар ва нима қиласар экан, деб атайлаб жавоб бермай, унинг гапини тасдиқлагандек бўлиб турдилар. Фитначи эса, ўзининг гапи тасдиқланмоқда, деб ўйлаб, бошқа тухматларини ҳам айта бошлади.

Иккинчи тухмат биринчисидан ҳам баттар эди.

**«Унинг Бадрда ғойиб бўлганини, ҳозир бўлмаганини биласанми?»** деди.

**«Ҳа», деди.**

Ибн Умар розияллоҳу анхудан иккинчи тухматига ҳам тасдиқифат жавоб олган иғвогар учинчи тухматини ҳам айтди.

**«Ризвон байъати»да ғойиб бўлганини, ҳозир бўлмаганини биласанми?»** деди.

**«Ҳа», деди.**

Үзи билган барча тұхматларга Ибн Умардек улуғ зотдан «Ҳа» деган жавобни олган фитначи рухланиб кетди ва:

**«Аллоҳу акбар!» деди.**

Ҳа, фитначилар ўз ғаразларига эришиш йўлида динни ниқоб қилиб оладилар. Диний шиорларни шиор қилиб оладилар. Бўлмаса, бу нобакор Аллоҳ таолонинг маҳбуб бандаларидан бири, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалтамнинг энг яқин саҳобаларидан бири, мўминларнинг амири бўлмиш ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудек зотга бўхтон ёғдириб туриб, «Аллоҳу акбар!» дермиди?! Фитначиларнинг ҳар доим Аллоҳ таолонинг номи, шиори билан Аллоҳ таолога хилоф қилишлари маълум ва машхур.

Шунда Ибн Умар розияллоҳу анҳу бу нобакорнинг оғзига уришни бошладилар ва қуйидагиларни айтдилар:

**«Бу ёққа кел! Сенга баён қилиб бераман. Ухуд куни қочганига гувоҳлик бераманки, албатта, Аллоҳ уни афв этган ва мағфират қилган».**

Ухуд жангига ғолиб келиб турган мусулмонларнинг бирдан мағлубиятга учрашлари исён, сусткашлик ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг амрларига хилоф қилиш оқибатида юзага келди.

Қуршовда қолган мусулмонлар ҳеч кимга қарамай, ҳатто Пайғамбар алайҳиссаломга ҳам қарамай қоча бошладилар. Ўша пайтда уларнинг орқасидан Пайғамбар алайҳиссалом: «Аллоҳнинг бандалари! Мен томонга! Аллоҳнинг бандалари! Мен томонга!!! Мен Аллоҳнинг Расулиман!!! Ким қайта хужум қилса, унга жаннат бор!!!» деб қичқирдилар.

Ана ўша қочганлар ичиде Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам бор эдилар. Ҳа, ўша куни мусулмонларнинг бошига тўсатдан келган мағлубият

билан бирга, «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қатл қилинибдилар» деган миш-миш ҳам тарқаган эди. Бу омилларнинг ҳаммаси мусулмон жангчиларга қаттиқ таъсир қилган эди. Улар кўркиб эмас, даҳшат ва ҳайрат сабабидан қочишни бошлаган эдилар. Қочганда ҳам, оммавий қочишга киришган эдилар.

Фақат саноқли кишиларгина Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тирик эканликларини кўриб, событ турган эдилар. Ана ўша оммавий қочиш вақтинчалик бўлди. Событ турганларнинг ишини Аллоҳ таолонинг Ўзи ўнглади. Сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт эканликлари ҳақидаги хабар мусулмонлр ичида яшин тезлигида тарқалди. Ҳамма ўзини ўнглаб олди. Аллоҳ таолонинг инояти или мусулмонлар муҳаққақ бўлиб кўринган мағлубиятдан кутулиб қолдилар.

Аллоҳ таоло урушдан қочган мусулмонларни шу ернинг ўзидаёқ афв этди. Уларни бирор айбламади ҳам. Аллоҳ таоло бу ҳақда Оли Имрон сурасидаги оятларни нозил этди:

**«...Батаҳқиқ, Аллоҳ уларни афв қилди. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотdir».**

Шундай қилиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам Уҳуд урушида ҳамма билан қочиб, ҳамма билан бирга афв этилдилар.

Аммо ҳамма вақт ва ҳамма маконларнинг барча фитначилари бунга ўхшаш нарсаларни тафтиш қилишда ўзларини Аллоҳ таолодан ҳам устун кўядилар. Аллоҳ кечирса ҳам, улар кечирмайдилар. Чунки уларга қулоқ осадиган оддий кишилар кўп нарсадан, жумладан, Аллоҳ таолонинг афв қилганлигидан ҳам бехабар бўладилар. Баъзи пайтда кичкина фитначилар ҳам билмасдан, устозларининг айтганини қайтариб юриб, бояги фитначи Ибн Умар розияллоҳу анхунинг қўлларига тушганига ўхшаб, кўлга тушиб қоладилар.

**«Бадрда ғойиб бўлганига келсак, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари унинг қўлида эди. Ўша киши bemор бўлган эди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Сенга Бадрга ҳозир бўлган кишининг ажри ва улуши бўлади», дедилар».**

Иккинчи ҳижрий сананинг Рамазон ойида Бадр урушига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан сафарбарлик эълон қилинди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу биринчилардан бўлиб, урушга чиқишга тайёргарлик кўра бошладилар. Аммо у кишига Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан алоҳида истисно тарикасидаги амр келди. Бу фармонга биноан, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу урушга бормай, баданига тошма тошиб, хасталик тўшагига боғланиб қолган умр йўлдошлари Руқайя розияллоҳу анҳога қарашлари лозим эди. Итоаткор аскар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бу амрни ҳам сидқидилдан бажаришга киришдилар.

Аммо Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни Бадр уруши иштирокчилари рўйхатига қўшдилар ва ўлжаларни бўлиш пайтида у кишига ҳам улуш ажратдилар. Ўшанда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу билан бирга Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳуни ҳам қолдириб кетган эдилар. Жанг тамом бўлганидан сўнг Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳуни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга ғалаба хушхабарини етказгани юборган эдилар.

Фитначилар ўзларининг доимо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишларини рўкач қилиб, у зотнинг фақат ўзларига мос келган баъзи гапларинигина қурол қилиб олиб, қолган таълимотларини бузишга уринишлари азалдан маълум ва машхур.

**«Ризвон байъати»да ғойиб бўлганига келсак, агар Макка водийсида Усмондан қўра азизроқ бирорта бўлганида, унинг ўрнига юборар эдилар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Усмонни юборган эдилар. Усмон Маккага кетганидан кейин «Ризвон байъати» бўлган. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг қўлларини кўрсатиб, «Мана бу Усмоннинг қўли», дедилар ва у билан чап қўлларига уриб, «Бу Усмон учун», дедилар».**

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг фитначининг учинчи эътирозига берган жавоблари ҳаммага аён ҳодиса эди.

Олтинчи ҳижрий санада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир минг тўрт юз ададли саҳобалари билан умра қилиш ниятида Маккай Мукаррама томон йўл олдилар. Улар Асафонга етиб борганларида қурайшликларнинг уруш тайёргарлигини кўриб турганликлари ҳақида хабар келди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлни буриб, Ҳудайбия деган жойга тушдилар.

Қурайш ўз элчи ва вакилларини юбориб, агар мусулмонлар қайтиб кетмасалар, уруш бўлишини айтишар эди.

Шундай бир вазиятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз элчиларини Қурайш томон юборишни ирода қилдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Хуррош ибн Умайя ал-Хузоъий розияллоҳу анхуни чақирдилар ва унга Қурайшнинг олдига бориб, уруш учун эмас, Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун келганликларини етказишини топширдилар.

Хуррош ибн Умайя ал-Хузоъий розияллоҳу анху қарши тараф олдига етиб борар-бормас, унинг бирор оғиз сўзини эшитмай туриб, миниб борган түясини сўйиб ташладилар. Ўзини ҳам ўлдириш харакатига тушиб турган эдилар, уни Аҳбошлар қутқариб қолдилар. Хуррош ибн

Умайя ал-Хузоъий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб, бўлган ҳодисани сўзлаб берди.

Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуни чақириб, ҳалиги хабарни Қурайш бошлиқларига етказишни топширмоқчи эдилар, у киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен Қурайшдан қўрқаман. Маккада мени ҳимоя қиласиган ҳеч ким йўқ, Қурайшга бўлган адоватим, қаттиқўллигим ҳаммага аён. Лекин мендан кўра Усмон ибн Аффон борса, яхши бўларди», дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалом ҳазрати Усмонни чақириб, Абу Суфён ва Қурайшнинг бошқа бошлиқларига бориб, уруш учун келмаганликларини, балки Байтуллоҳни ҳурматлаб, уни зиёрат қилиш учун келганликларининг хабарини етказишни топширдилар.

Маккага кираверишларида ҳазрати Усмонни Абон ибн Саъид кутиб олди ва у кишига ҳомий эканлигини эълон қилди. Ҳазрати Усмон бориб, Абу Суфён ва Қурайшнинг бошқа бошлиқларига Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг гапларини етказдилар. У киши гапни тугатиб бўлганларидан сўнг улар:

«Агар Байтуллоҳни тавоф қилмоқчи бўлсанг, қилиб ол», дейишди.

«Расулуллоҳ тавоф қилмай туриб, мен ҳеч ҳам тавоф қилмайман», дедилар ҳазрати Усмон.

Қурайшликлар у кишини тутиб қолищди. Пайғамбар алайҳиссаломга ва мусулмонларга «Усмон ўлдирилибди» деган гап етиб борди.

Бу хабар Расулуллоҳ алайҳиссаломга етганда: «Охири бу қавм билан тўқнашар эканмиз-да», дедилар ва кишиларни байъатга чақирдилар. Дараҳт остида туриб, ҳамма қўлинини Расули акрамнинг қўлларига қўйиб, ўлимга

ҳам тайёр эканликлари ҳақида байъат қилдилар. Бу байъат «Ризвон», яъни, «Розилик байъати» номи ила машхур бўлди. Чунки Аллоҳ таоло ўша дараҳт остида Пайғамбарга ким байъат қилган бўлса, ҳаммасидан рози эканлигини эълон қилди.

Дунё тарихида машҳур бўлган ана шу байъат давомида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бир қўлларини иккинчи қўлларига қўйиб туриб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу номларидан байъат қилдилар ва: «Бу Усмоннинг байъатидир», дедилар. Буни кўрган ва эшитгандек ҳар бир саҳобийнинг ҳаваси келди ва ўзини Усмоннинг ўрнида кўришни орзу қилди.

Энди эса қандайдир нобакорлар Усмон «Ризвон байъати»да қатнашмаган деб, у кишини айбламоқдалар. Ахир «Ризвон байъати»нинг ўзи ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг сабабларидан бўлган эмасмиди?! Ахир «Ризвон байъати»нинг энг олий даражаси ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни бўлган эмасмиди?!

Ха, фитна дардига учраганлар ўз мақсадларига эришиш йўлида оқни қора, қорани оқ, дейишлари оддий бир ҳол. Улар ҳар доим ана шундоқ бўлганлар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу фитначининг саволларига раддия қилиб бўлиб, гапнинг хулосасини айтдилар:

**«Сўнгра Ибн Умар унга:**

**«Энди буларни ўзинг билан олиб кет!» деди».**

Бу «Мана шу гапларимни ўзинг билан олиб бориб, шерикларингга ҳам айтиб бер. Сизларнинг Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни айблаб гапираётган гапларинг қуруқ тухматдан бошқа нарса эмас», деганлари эди.

Аммо фитначилар ўз номи билан фитначи. Улар ҳақиқатни билиш учун эмас, айнан нима қилиб бўлса ҳам, фитна кўзгатиш учун фаолият олиб борадилар. Агар

уларнинг мақсадлари ҳақиқатни билиш бўлганида эди, ҳамманинг орасида гап тарқатмасдан, ҳақиқатни биладиганлардан секин сўраб олар эдилар.

Шунинг учун ҳам юқоридагига ўхшаш тушунтириш учун айтилган гаплар уларнинг нобакорлигини тўхтата олмас эди.

Тарихда Абдуллоҳ ибн Саба исмли яхудий асос солган ҳаракатга эргашиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга қарши чиққан мазкур фитначилар «сабачилар» деб номланиб қолғанлар. Улар халқ оммаси орасида фитна-фасод гапларни тарқатишда давом этавердилар. Бу гапларнинг ҳаммаси айланиб келиб, пойтахт Мадинаи Мунавварада тўпланар эди.

Охири иш жиддийлашганда Мадина аҳли ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ҳузурларига кириб:

«Эй мўминларнинг амири, бизга келаётган хабарлар сизга ҳам келмоқдами?» дедилар.

«Йўқ. Менга фақат саломатлик ҳақида хабар келмоқда», дедилар. Шунда улар бор гапни тўкиб солдилар ва турли жойларга одам юбориб, хабар олдиришни маслаҳат бердилар.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху алоҳида одамлар танлаб олиб, уларни турли жойларга масалани яхшилаб ўрганиш учун юбордилар. Муҳаммад ибн Масламани Куфага, Усома ибн Зайдни Басрага, Абдуллоҳ ибн Умарни Шомга, Аммор ибн Ясирни Мисрга ва яна бошқа жойларга бир қанча одамни юбордилар. Юборилган кишилар ўзларига топширилган вазифани бажариб қайтдилар. Улар яхши гапларни айтиб келдилар.

Фақат Мисрга юборилган вакил Аммор ибн Ясир розияллоҳу анху қайтмади. Мисрнинг ўша вақтдаги волийи Абдуллоҳ ибн Саъд розияллоҳу анхудан ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга Мисрдаги қавм

Аммор ибн Ясир розияллоху анхуни ўзларига оғдириб олишганлиги ҳақида мактуб келди.

Бу ишни Абдуллоҳ ибн Саба, Холид ибн Мулжам, Судон ибн Ҳумрон ва Кинона ибн Бишрлар қилган эдилар.

Мисрда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга ашаддий қарши бўлганлар ичида Муҳаммад ибн Абу Ҳузайфа исмли киши ҳам бор эди. Бу шахс аслида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг қарамоғидаги етим бола эди. У киши уларнинг оиласи харажатларини ўз зиммаларига олган эдилар. Усмон ибн Аффон розияллоху анху халифа бўлганларидан кейин у ўзига катта иш берилишини талаб қилди. У киши: «Болам тенги бўлганингда, сенга иш берар эдим. Аммо сен ундоқ эмассан», дедилар. Шунда у: «Бўлмаса, мен ўз кунимни ўзим кўрайин», деди. Усмон ибн Аффон розияллоху анху унга изн бердилар, керакли нарсаларда кўмаклашдилар. У Мисрга борди ва менга волийликни бермади, деб ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга қарши бўлганларга қўшилиб олди.

Яна бир ўшандоқ киши Муҳаммад ибн Абу Бакр эди. У Абу Бакр Сиддиқнинг ўғли эканлиги билан фахрланар эди. Баъзи одамлар уни ғууррга кетказиб, мансаб талашишга қизиқтириб кўйди. У эркатой эди. Бир куни ҳақ бериши лозим бўлиб қолди. Усмон розияллоху анху ўша ҳақни ундан олдилар. Шу билан у ҳам у кишига тескари бўлиб қолди, сўнг Мисрга жойлашиб, ножӯя жамоага қўшилиб олди.

Сабачиларнинг Мадинага тинмай юбориб турган хабарлари ва хатлари у ердаги баъзи кишиларга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Чунки бу ерда ҳам ўз мақсадига етиша олмаган, ҳикду ҳасадга тўлган аламзадалар бор эди. Улар кундан-кунга кучайиб бориб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга озор беришга ўтдилар. Аммо у киши буларнинг ҳаммасига сабр

қилар әдилар. Мазкур озорларнинг қай даражага етганлигини қуидаги ривоятдан ҳам билиб олсак бўлади.

Абу Нуайм «Далоил»да Ибн Умар розияллоҳу анхудан қуидаги ривоятни келтирадилар:

«Усмон минбарда хутба қилиб турганида Жаҳжах Ғифорий унинг қўлидаги асони олди-да, ўз тиззасига уриб, синдириб ташлади. Бир йил ўтмасдан Аллоҳ Жаҳжакнинг оёғига қурт туширди. У ўшандан ўлди».

## ФИТНАГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Турли бўлган-бўлмаган гаплар кўпайиб кетгандан кейин ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху вилоятларга «Мадина аҳли менга баъзи одамлар ҳақоратланаётган ва калтакланаётганликларини етказишиди. Мен ҳар ҳаж мавсумида ўз омилларимдан ҳисобот оламан. Кимнинг даъвоси бўлса, мавсумда иштирок этсин. Албатта, мендан ёки омилларимдан ўз ҳаққини олади. Ёки садақа қилиб, кечириб юборинглар. Албатта, Аллоҳ садақа қилувчиларни мукофотлайди», деган мактуб юбордилар.

Кейин волийларга ҳажга келишларини амр қилдилар. Улар келишиди. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху уларни жамлаб, кенгаш ўтказдилар. Кенгашда Абдуллоҳ ибн Омир, Муовия ибн Абу Суфён, Абдуллоҳ ибн Саъд, Саъид ибн Осс, Амр ибн Осс розияллоҳу анхум иштирок этдилар.

Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху уларга қараб:

«Сизларга нима бўлди ўзи?! Бу шикоят нима!? Бу мишишлар нима!? Аллоҳга қасамки, сиз ҳақингиздаги бу гаплар рост бўлмаса, деб қўрқаман. Бу нарсага мендан бошқа жавобгар йўқ», дедилар.

Дарҳақиқат, фитначилар ҳамма тарафни гапга тўлдириб ташлаганларида худди шундай тасаввур пайдо

бўлади. Ҳамма томондан бир-бирига ўхшаш хабарлар келаверганидан кейин ҳар қандай одамда эҳтимол, бу гапларда ҳам жон бўлса керак, шамол бўлмаса, теракнинг учи қимирламас, деган хаёл пайдо бўлиши турган гап. Шунинг учун ҳам фитнабоши яхудий Абдуллоҳ ибн Саба ўз гумашталарига: «Амирларингизни тинмай ёмонланглар», деб топшириқ берган эди. Фитначиларнинг ишлари ўз самарасини берган эди. Шунинг учун ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам ўз омилларига юкоридаги гапни айтишга мажбур бўлдилар. Бу гапга жавобан:

«Улар: «Сиз одамлар юбордингиз-ку, улар сизга хабар олиб келди-ку! Уларга бирорта киши бир оғиз гап айтмади. Аллоҳга қасамки, улар (фитначилар) рост гапирмайдилар. Бу ишнинг ўзи асли йўқ. Бунинг учун бирорни ушлай ҳам олмайсанки, бирор нарсанинг тагига етсанг. Бу мишишдан бошқа нарса эмас. Миш-миш асосида бирорни айблаб бўлмайди. Унинг охирига ҳам етиб бўлмайди», дедилар».

Ҳақиқатда ҳам шундок бўлади. Фитнанинг хатарлилиги ҳам шунда. Ҳамма томонни фисқу фасодга тўла гап босиб кетади, аммо бу гапларни ким тарқатганини аниқлаб бўлмайди. Кимдан сўрасанг, «Билмадим, одамлар айтияпти», деб жавоб беради. Фитначилар фаоллик билан ишлаб, ҳамма тарафдан бир хил гап чиқаришади. Гапнинг учи кимга бориб тақалишини ҳеч ким билмайди. Оқибатда жамият ичидаги фитначилар ҳужумига учраган бир бечора ҳақида салбий фикр кучаяверади.

Нима қилиш керак? Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг бошларини ҳам ана шу савол қотирар эди. У киши кенгаш қатнашчиларига ҳам мана шу саволни бердилар:

«Менга маслаҳат беринглар», дедилар.

Шунда Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу гап бошлади:

«Бу уюштирилаётган иш. Уни махфий равища да уюштироқдалар. Кейин уни билмаганларга тарқатишиади. Улар эса, қаерда бўлса, гапираверадилар», деди у.

«Бунинг давоси нима?» дедилар ҳазрати Усмон.

«Ўша одамларни излаб топиш ва гап тарқатаётганларни қатл қилиш керак», деди Амр ибн Осс.

Шу пайт Абдуллоҳ ибн Саъд гап бошлаб:

«Одамлардан уларнинг зиммасидаги нарсани олинг. Сиз берсангиз, оладилар-ку! Улар ҳам адо қилсинлар. Уларни тек қўйиб қўйгандан кўра, шундоқ қилган яхши», деди.

Гапга Муовия ибн Абу Суфён аралашди:

«Мени волий қилдингиз. Мен волий бўлган қавмдан сизга фақат яхшилик келади. Бошқалар ҳам ўз ноҳияларини ўzlари яхши биладилар. Нима қилиш керак?» деди.

«Ҳусни адаб керак. Сен нима дейсан, Амр?» деди Усмон.

«Менимча, уларга юмшоқлик қилдингиз. Бўш қўйиб қўйдингиз. Умар қиласиган нарсага зиёда қилдингиз. Менимча, икки соҳибингизнинг йўлини тутмоғингиз керак. Қаттиқ туриш керак бўлган жойда қаттиқ туриш лозим. Юмшоқ бўлиш керак бўлган жойда юмшоқ бўлиш лозим. Одамларга ёмонлик қилаётганларга қаттиқ туриш керак. Одамларга яхшилик қилаётганларга юмшоқ бўлиш керак. Сиз иккисига ҳам юмшоқликни ошириб юбордингиз», деди Амр».

Барча вилоятларнинг волийлари фитначиларга нисбатан қаттиқ туриш керак, деган фикрда эканликлари равшан кўриниб турибди. Улар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга бир овоздан ўзларининг ниятларига эришиш учун ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмаётган нобакорларни бўғизларидан олиш кераклиги ҳақида маслаҳат бердилар. Аммо ҳазрати Усмон ибн Аффон

розияллоху анхунинг ўз фалсафалари, ўз тушунчалари ва ўз услублари бор эди. У киши волийларнинг фикрларини эшитиб бўлиб, уларга қараб:

«Менга берган маслаҳатларингизнинг ҳаммасини эшитдим. Ҳар бир ишнинг ўз эшиги бор. Унга фақат ўша эшиқдан кирилади. Уммат бошига етишидан қўрқилаётган ушбу ишнинг бир марта бўлиши бор. Унинг ёпадиган ва ушлаб турадиган эшиги юмшоқлик, муроса ва фақатгина Аллоҳ белгилаган жазолар чегарасида чора кўришдир. Ана шунда бирор айблай олмайди. Ўша нарсани тўсса, фақат юмшоқлик тўсиши мумкин. Ана ўша, Аллоҳга қасамки, фатҳ қилиши мумкин. Биронинг менинг зиддимга ҳақ-хужжати йўқ. Аллоҳнинг Ўзи билади, мен одамлар ҳақида ҳам, ўзим ҳакимда ҳам камчиликка йўл қўймадим. Аллоҳга қасамки, фитнанинг тегирмони айланмоқда. Уни ҳаракатга келтирмай туриб ўлса, Усмонга қандоқ ҳам яхши бўлар эди. Одамларни тўсинглар. Уларга ҳукуқларини беринглар. Уларни кечиринглар. Агар Аллоҳнинг ҳаққи поймол қилинадиган бўлса, унда муросага борманглар», дедилар.

Халифа Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг ушбу гапларидан кўп нарсалар келиб чиқмоқда. Аввало, у кишида, албаттга, фитна бўлишига тўлиқ ишонч бор эди. Эҳтимол, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзлари фитналар ҳакидаги эшитган хадислари у кишига қаттиқ таъсир қилган бўлса керак.

Иккинчидан, у киши фитначиларнинг тирноқ остидан кир ахтараётганларини ҳам хисобга олган кўринадилар. Аллоҳ таолодан қўрқмай ёлғондан бўхтон тўқиётган нобакорлар ўзларига қарши қўрилаётган чоралардан бирортаси шариат чегарасидан қилча четга чиқса, дод солиб, ҳаммаёқни бузиб юборишлари турган гап эди. Фитначи халқи ўзини мазлум қилиб қўрсатиб, кўпчиликни ўзига қаратишга уста бўлади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху волийларга

фақат шариат чегарасидагина чора кўришни тавсия қилган бўлсалар керак. У кишининг мақсадлари бирор хатога йўл кўйиб, Аллоҳ таолонинг олдида гуноҳкор бўлмасдан вафот этиш эди. Яна бошқа фақат ўзларигагина аён бўлган сабаблар бўлса керак.

Сўнгра ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу волийларни ўз ишларига қайтариб юбордилар.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам Мадинаи Мунаввара томон йўл олдилар. Шомга бориладиган йўл шу томонда бўлганлиги учун Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу ҳам у киши билан бирга кетдилар.

Мадинаи Мунавварага келганларида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу катта саҳобаларни жамладилар. Ҳамма тўплангандан сўнг Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу ўрнидан туриб, Аллоҳ таолога ҳамду сано айтди ва:

«Сизлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ва халойикнинг яхшилари ва ушбу умматнинг валийи амрлари – ишбошиларисиз. Уни сиздан бошқа ҳеч ким тама қилмайди. Ўз шерикларингизни ғолиблиги ёки тамаси бўлмаса ҳам, ихтиёр қилиб сайлагансизлар. Мана, қариб, ёши ўтиб қолди. Агар унинг жуда кексайишини кутсангиз, у ҳам яқин. Умид қиласманки, унчалик бўлгунча Аллоҳнинг Ўзи карам қиласар. Батаҳқиқ, тарқалган гаплардан сизларга зарар етармикан, деган хавфдаман. Менинг қўлим сизлар билан. Одамларни ўз ишинингизга тама қилдирманг. Аллоҳга қасамки, агар тама қилиб қолсалар, унда ишнинг орқага кетишидан бошқани кўрмай қоласизлар», деди.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу уни жеркиди. Шунда Усмон:

«Биродаримнинг ўғли тўғри айтади. Мен сизларга ўзимнинг ва эга бўлган ишимнинг хабарини берайин. Мендан олдинги икки соҳибим ўзларига ҳам, улар билан

бир йўлда бўлганларга ҳам савоб умидида қийин қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яқинлариға атолар берар эдилар. Мен олиймақом ва майшатлари оз одамлар ичидаман. Бир оз қўлимни очик қилдим. Агар уни хато десангиз, рад қилишингиз мумкин. Менинг ишим сизларнинг ишингизга мувофиқ бўлади», дедилар.

«Тўғри қилдинг, яхши қилдинг. Холид ибн Усайдга эллик минг, Марвон ибн Ҳакамга етмиш минг бердинг», дейишди тўпланганлар. У улардан ўша маблағларни қайтариб олди. Ҳаммалари рози бўлиб, тарқалишди.

Бу мажлисдан кўриниб турибдики, саҳобаи киромлардан бирорталарининг ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга эътиrozлари йўқ эди. Уларнинг ҳаммалари у кишини рози бўлиб халифаликка сайлаганлар ва олиб бораётган ишларидан рози эдилар.

Ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Муовия розияллоҳу анҳуни «Ишлар орқага кетади» деган маънодаги гаплари учун жеркиб юборган бўлсалар керак. Чунки саҳобалар бор гапни очик айтар эдилар. Агар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳақларида баъзи мулоҳазалари бўлса, албатта, айтар эдилар.

Саҳобаи киромларнинг ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга: «Холид ибн Усайдга эллик минг, Марвон ибн Ҳакамга етмиш минг бердинг», дейишлари эса ўшани ҳам фитначилар гап қилишмасин, деган андиша билан айтилган эди.

Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни ўзи билан Шомга олиб кетишни таклиф қилган эди, кўнмадилар ва: «Агар бўйнимнинг томирини узса ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўшниликларини ҳеч нарсага алмаштиrmайман», дедилар. Шунда у ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга: «Шомдан аскар юборай, сизни Мадинада қўриқлаб турсин», деди. Усмон ибн Аффон

розияллоху анху: «Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг қўшниларига улар билан яшаб, ризқларига шерик бўладиган лашкарнинг кераги йўқ. Аҳли ҳижрат ва нусратга торлик бўлмасин», дедилар.

## ФИТНАЧИЛАРНИНГ ҚЎЗҒОЛИШИ

Усмон ибн Аффон розияллоху анҳунинг ҳар бир ҳаракатларини дикқат билан кузатиб турган фитначилар у кишининг волийларни ўз ҳузурларига чакирганларидан хабар топишлари билан «Волийлар кетганда қўзғолон кўтарамиз», деб келишиб олган эдилар. Аммо улар бу ишнинг уддасидан чиқа олмадилар.

Фақат қуфалик фитначилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анҳудан ўз волийлари Саъид ибн Оссни ишдан бўшатишни талаб қилиш учун йўлга чиқдилар. Йўлда ишини битириб, қайтиб келаётган волий Саъид ибн Оснинг ўзига дуч келдилар. Унга бор гапни айтишди. У: «Усмонга бир кишини, менга бир кишини юборсангиз, кифоя қиласи эди», деди. Кейин Усмоннинг олдига қайтиб, хабарни етказди: «Улар менинг ўрнимга бошқа одамни хоҳлашмоқда, Абу Мусони яхши қўрадилар», деди. Усмон ибн Аффон розияллоху анху уларга ўша кишини волий этиб тайинладилар. Бу ерда Саъид ибн Осс розияллоху анху ҳам, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху ҳам катта мардлик қилдилар. Фитначилар талабларининг рад этилишини жуда ҳам хоҳлар эдилар. Ана шунда улар асл мақсадларига эришар эдилар. Аммо юқорида зикр этилган мардлик бунга йўл қўймади.

Хеч қайси режалари амалга ошмаган фитначилар бир-бирларига мактуб ёзишиб, Мадина томон юришга келишдилар. Зоҳиран ўзларини амри маъруф, наҳий мункар ишига уринган қилиб кўрсатдилар. Миср, Куфа ва Басра фитначиларининг вакиллари йўлга чиқиб, Мадинага

яқинлашдилар. Уларнинг келганларидан хабар топган Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху уларнинг мақсадларини аниқлаш учун икки кишини юбордилар. Бу икки кишига ҳам бир вақтлар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху таъзир жазосини қўллаган эдилар. Аммо улар буни кўнгилларига олмаган эдилар. Фитначилар ўз қаричлари билан ўлчаб, иккалалари ҳам ўша жазодан кейин Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга қарши бўлиб қолишган, деган фикр билан бор режаларини уларга очикоидин айтдилар. Улар: «Биз ундан одамлар қалбига ўрнаштириб қўйган нарсаларимизни сўраймиз. Кейин одамларнинг олдига қайтиб бориб: «Биз уни иқрор қилдирдик, аммо у уларни тарқ этмади, тавба қилмади», деймиз. Сўнгра худди ҳажга чиқсанга ўхшаб чиқамиз. Келиб, уни қуршаб оламиз-да, халифаликдан бўшатамиз. Кўнмаса, ўлдирамиз», дедилар.

Бу ҳам барча фитначиларнинг доимий ишлатадиган ва синалган услубидир. Нима қилиб бўлса ҳам, одамларнинг олдида ўзлари айбламоқчи бўлган киши билан бир оз бирга бўлсалар бўлди. Қолганини тўқиб чиқариш ҳеч гап эмас. Улар учун учрашув бўлди, деган гап тарқалса, етади. Учрашувда нима гап бўлгани муҳим эмас. Агар ўзларининг гапларини ўтказиб олсалар, айни муддао. Мабодо мағлуб бўлсалар ҳам, ҳечкиси йўқ. Ўзлари тўқиб олаверадилар. Ушбу фитначилар ҳам айтилаётган гаплар ҳақми, ноҳақми аниқламоқчимиз, демадилар. Чунки у гапларнинг ноҳақлигини бошқалар билмаса ҳам, ўзлари яхши биладилар. Улар ўша гапларни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг бўйнига қўйиб, тан олдирдик, деб одамлар ичida яна янги ёлғон тарқатишга йўл ахтариб келишган.

## МУНОЗАРА

Халиги икки киши қайтиб келиб, бор гапни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга етказган әдилар, у киши күлдилар. Кейин фитначиларни чақыртирдилар. Одамларни жамлаб, уларнинг хабарини айтдилар. Тўпланганлар ичидан баъзи кишилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга уларни ўлдириш керак, деб ишора қилдилар.

«Йўқ. Биз афв қиласиз. Уларни қабул қилиб, қилаётган ишларимизни кўрсатамиз. Токи ҳаддга лойиқ иш қилмагунича ёки куфрни зоҳир қилмагунича, ҳеч кимга тегмаймиз. Улар ўзларингиз билган ишларни зикр қилмоқдалар. Фақат ҳозир билмаган одамлар олдида менинг бўйнимга юкламоқчилар», дедилар Усмон ибн Аффон розияллоху анху.

Халифа фитначиларнинг ўзларига қўяётган айбларнинг заррача ҳам вазни йўқлигини яхши билар әдилар. Шунинг учун одамларнинг олдида уларнинг иши пуч эканлигини ошкор қилиб, фитначиларни шарманда қилмоқчи бўлган бўлсалар, ажаб эмас. Шу билан бирга, одамлар «Айби бўлмаса, уларнинг оғзига урмасми», дейишлари ҳам мумкин эди. Агар уларга қарши чора кўрилса, «Айби бор экан, уни беркитиш учун айбини очмоқчи бўлганларни йўқ қилмоқчи», дейдиганлар ҳам топиларди.

Нима бўлганда ҳам, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху фитначиларнинг ўзларига қўйган айбларига раддия қилишга ўтдилар. Жумладан, тарихчиларимиз қуйидагиларни ривоят қиласидар:

«Улар намозни сафарда тўлиқ ўқидилар. Аслида тўлиқ ўқилмас эди, дедилар. Огоҳ бўлинглар! Мен бир юртга борган эдим. Ўша ерда ахлим бор эди. Шу икки иш сабабидан тўлиқ ўқидим. Шундоқ эмасми?!» дедилар.

«Худди шундоқ», дейишди.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху бир марта Маккаи Мукаррамага боргандарига намозни қаср қилмай, тўлиқ

ўқиган эдилар. Одамлар бунинг сабабини сўрашган эди, ўша вақтдаёқ «Макка менинг ўз юртим, қолаверса, бу ердан уйландим. Шунинг учун намозни тўлиқ ўқидим», деб жавоб берган эдилар.

Фитначилар йиллар ўтгандан кейин шу гапни кавлаб топган эдилар. Аввало, бу иш гуноҳ эмас. Қолаверса, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ўзлари бунинг сабабини ўша вақтдаёқ айтиб берганлар. Буни ҳамма билади. Бундоқ ишни жамият бошлиғига айб қилиб қўйиб, унга қарши қўзғолон кўтариш керакмиди?! Албатта, бу гап қуракда турадиган гап эмас эди. Аммо фитначиларнинг услуби шу. Омма ичиди ўзларини дин фидокори қилиб кўрсатиш учун диний масалаларни кўтарадилар. Шу билан улар ўз кирдикорларини хаспўшлашни режалаштирадилар. «Биз ўз манфаатимиз учун эмас, дину диёнат учун жон куйдирмоқдамиз», деб, мусулмон оммасини ўзларига оғдирмоқчи бўладилар. Аслида ўша нобакорларнинг ҳаммасининг диндорлиги йиғиб келинса, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг бир тукларининг диндорлигига ҳам етмайди. Аммо фитначи ўз номи билан фитначи. Нима қилиб бўлса ҳам, ўзининг манфур ниятига етишга уринади.

«Улар: «Қўриқхоналар қилдинг», дедилар. Аллоҳга қасамки, мендан олдин қўриқхона килинмаган эди. Улар бирор киши учун қўриқ қилган эмаслар. Қилган бўлсалар ҳам, Мадина аҳли ғолиб бўлган нарсага қилганлар. Бирорни ундан ман қилган эмаслар. Мусулмонларнинг садақотларигагина қўриқ қилганлар. Буни ҳам уларга қараб турганлар билан бошқалар орасида низо чиқмасин, деб қилганлар. Менинг икки условидан бошқа туюм ҳам йўқ. Ҳа, менинг қўй-эчким ҳам, туюм ҳам йўқ. Мен бу ишга эга бўлганимда араблар ичиди энг туси ва қўйи кўп одам эдим. Бугун менинг битта ҳам қўйим йўқ. Ҳажимга минадиган иккита туюмдан бошқа туюм ҳам йўқ. Шундоқ

эмасми?!» дедилар.

«Худди шундоқ», дейишиди».

Аслида Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу халқнинг камбағал тоифаси манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамият ихтиёрида бўладиган қўриқхоналарга кўплаб ер ажратишни йўлга қўйган эдилар. Шу тариқа ерларга бойбадавлат кишилар эга чиқиб олишларини тартибга солган эдилар.

Аммо фитначилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга: «Бу ишни ўзингга мол тўплаш учун қилдинг», деб айб қўйдилар. Аллоҳдан қўрқмагандан кейин шундоқ бўлади. Бу ҳам барча макон ва замон фитначиларининг бир хилда ишлатадиган услублари. Ўзлари мол-дунё, мансаб, шуҳратга эришиш учун қилаётган жирканч ҳаракатлари йўлида пок мўминларни мол-дунёга ва мансабга ўчликда айблайдилар.

Улар: «Ўзи фойда олишни кўзлаб, қўриқхона қилди», деб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни айблашди. Аммо ўзларининг кимлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Уларнинг ҳар бири ўрганиб чиқилса, фақат мол-дунё деб, мансаб деб, ушбу фитнага қўшилганлиги келиб чикади. Улар пок одамни мусулмонлар оммасининг молига хиёнатда айблашади. Аммо ўзлари энг нопок одамлар бўлишади. Уларнинг ҳаммасининг етти пушти билан қилган хайр-эҳсонлари ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг бир марта қилган эҳсонларига teng кела олмаслигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

«Улар: «Куръон бир қанча китоб эди. Сен биттасидан бошқасини йўқ қилдинг», дейишиди. Огоҳ бўлинглар! Албатта, Куръон биттадир. Битта Зотнинг олдидан келгандир. Мен бу ишда ўзимдан олдингиларга тобеман, холос. Шундоқ эмасми?!» дедилар.

«Худди шундоқ», дейишиди».

Мусулмон умматини ягона қуръоний қироатга түплаш ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху учун энг фахрли ва мақтовга сазовор иш эди. Бу улкан ҳақиқатни ҳамма яхши билар эди. Аммо фитначилар буни ҳам у кишига айб қилиб тақадилар. Чунки фитначиларга ҳақиқат эмас, фитна керак. Улар гапнинг ҳақиқатидан бехабар кишиларни оғизларига қаратиб, ортларидан эргаштирасалар бўлди.

«Улар мен Ҳакамни қайтарганимни айтишди. Уни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам юборган эдилар. Ҳакам маккалиқидир. Уни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Маккадан Тоифга юбордилар. Сўнгра уни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзлари қайтардилар. Демак, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам юбориб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қайтардилар. Шундок эмасми?!» дедилар.

«Худди шундоқ», дейишиди».

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ўз вақтларида қилган айби учун Ҳакамни Тоифга сургун қилган эдилар. Аммо вафотларидан олдин Ҳакамнинг сургундан қайтиши мумкинлигини айтган эдилар. Бу гапни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху эшитган эдилар. Шунинг учун ўзлари халифа бўлганларида Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг гапларини амалга ошириш учун Ҳакамнинг Тоифдан қайтишига изн берган эдилар. Буни ҳамма билар эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги юзма-юз мажлисда ҳамма, жумладан, фитначиларнинг ўзлари ҳам «Худди шундоқ», дейишиди.

«Улар: «Ёшларни омил қилдинг», дедилар. Мен фақатгина ҳамманинг фикри жам бўлган, ишни қила оладиган ва рози бўлинганин омил қилдим. Улар ўз ишларига ахлдир. Бас, улардан у ҳақида сўранглар. Улар унга ҳамشاҳардирлар. Мендан олдингилар улардан ёшроқларни волий қилганлар. Бу ҳақда Расулуллоҳ

соллаллоху алайҳи васалламга менга айтилгандан күра шиддатлироқ гаплар айтилган. У зот Усомани омил қилғанларида. Шундок әмасми?!» дедилар.

«Худди шундоқ», дейишди».

Бу ҳам барча замон ва маконларнинг фитначилари ва шикоятчилари улуғларга қарши ишлатадиган кучли қуроллардан биридир. Раҳбар кишини айблаш учун у киши мансабга қўйган одамларнинг ўша мансабга нолойик эканлигини даъво қилишади. Агар суриштириб чиқилса ва фитначиларнинг ҳар биридан «Сенингча, шу мансабга кимни қўйса яхши бўлар эди?» деб сўралса, «Мени» деган жавобни берадилар. Дарҳақиқат, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга қарши чиққанларнинг кўпчилиги ҳам «Менга мансаб бермади» деган даъво билан фитнага қўшилган эдилар. Аммо улар халқ орасида гап тарқатаётганларида «Нолойик одамни ишга қўйди, мусулмонларнинг ичида ундан кўра лойиқлари кўп эди» деган даъвони қиласидар. Бу даъвони эса ҳар кимга қарши, ҳар замон ва ҳар маконда қилиш мумкин. Чунки бу – умумий гап. Уни ўлчаб ҳам бўлмайди, ушлаб ҳам бўлмайди. Шунинг учун, нобакор фитначилар ҳозиргacha ҳам ҳар сафар ўзларининг раҳбарларига қарши чиқища шу даъвони кўтарадилар.

«Улар менинг Ибн Абу Сархга Аллоҳ унга ўлжа қилган нарсани берганимни айтишди. Мен унга Аллоҳ ўлжа қилган нарсанинг бешдан биридан бешдан бирини беришни ваъда қилган эдим. Юз минг эди. Шунга ўхашни Абу Бакр ва Умар ҳам берган эдилар. Лашкарлар буни хуш кўрмасликларини айтган эдилар, мен қайтардим. Уларни бундок қилишга ҳақлари йўқ эди. Шундок әмасми?!» дедилар.

«Худди шундоқ», дейишди».

Йигирма бешинчи санада ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг амрлари билан Амр ибн Осс

розияллоху анху Абдуллоҳ ибн Саъд розияллоху анхуни Африқонинг шимол тарафини фатҳ қилиш учун юборган эди. У Тороблус, Тонжа ва бошқа жойларни фатҳ этган эди. Қайтиб келганидан сўнг Абдуллоҳ ибн Саъд халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан Африқо фатҳини давом эттиришга изн сўраган эди. У киши рухсат берган эдилар ва: «Агар Аллоҳ сенга фатҳни насиб этса, ўлжанинг бешдан бирининг бешдан бири ўзингга», деган эдилар.

Абдуллоҳ ибн Саъд (яъни, Ибн Абу Сарх) ўша жойларни фатҳ қилди. Усмон ибн Аффон розияллоху анху ваъдаларига мувофиқ ўлжанинг аталган қисмини музaffer лашкарбошига бердилар. Аммо аскарлар ичидаги норози бўлганлар борлигини билиб, уни қайтариб олдилар. Лашкарбошиларга мукофотлар берилди, уларни рағбатлантириш жамият бошлигининг шаръий ҳаққи. Унга эътиroz қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ бўлса ҳам, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху мукофотни қайтариб олдилар.

Хўш, нима учун шариат рухсат берган нарса у кишига айб қилиб қўйилади?! Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан олдинги халифалар бу ишни қилганларида ҳеч ким индамаган эди-ку! Энди нима учун ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга эътиroz қилинмоқда? Берилди, яна қайтариб олинган нарсани нима учун «Бердинг», дейилади?

Бунга ўхшаш барча саволларга «Бу фитна қўзғаш учун керак эди» деган жавобдан бошқа жавоб йўқ. Ҳа, фитначилар мусулмон раҳбарларга қарши ишлатадиган энг кучли силоҳлардан бири мол тақсимлаш масаласидир. Бу ҳам умумий, чегараси йўқ масаладир. Раҳбар бировга мол бердими, бўлди, буни айб қилиб тақаш мумкин. У молни хазинага олиб бориб қўйиш учун бердими, омонатга бердими, ўзининг ҳаққини бердими, фарқи йўқ. Фитначи:

«Фалончига берди, менга бермади, катта айб қилди», деб ҳукм чикаради. Бунга турли ёлғонларни ўзидан қўшиб, дунёни гапга кўмиб ташлайди. Карабсизки, ҳамманинг оғзида мол берган раҳбарнинг фийбати.

«Улар менинг аҳли байтимни яхши кўришимни ва уларга мол беришимни айтдилар. Уларни яхши кўрсам, нима бўлибди? Мен улардан жабр кўрганим йўқ. Балки уларга хақ-хукуқларни юклайман. Уларга мол берсам, ўз молимдан бераман. Мусулмонларнинг молини ўзимга ҳам, бошқа бирор кишига ҳам ҳалол хисобламайман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Умар ва Абу Бакрнинг замонларида ҳам ўз молимдан кўплаб атолар берар эдим. Ўша пайт менинг молга қизиккан ва рағбат қилган вақтим эди. Энди умрим охирилаб, қариб қолганимда, аҳлимга ҳам ортиқча бўлиб қолганимда динсизлар менга шу гапни айтадиларми?! Аллоҳга қасамки, мен бирор юртга ортиқча юк юкламадим. Бу ҳақда менга бир нарса дейиш жоиз эмас. Мен уни уларга қайтардим. Фақатгина бешдан бирлари келган. Улардан бирор нарса менга ҳалол эмас. Мусулмонлар уларни ўз эгаларига берганлар. Аллоҳнинг молидан сариқ чақа ҳам четга чиқмаган. Мен фақат ўз молимдан еганман».

Агар фитначиларда заррача инсонийлик бўлса, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга ҳеч бўлмаса, шу айбни қўймас эдилар. Аллоҳ таоло мусулмонларга ўз молидан энг кўп сарф қилишни насиб этган одамга шу айбни қўйиш инсонийликка кирадими? Дину диёнат йўлида қилган молиявий сарфлари учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Бугундан кейин Усмонга нима қилса ҳам, зарар бўлмас», деган муборак башоратлари соҳиби бўлган кишига шу айбни қўйиш инсонийликка кирадими?

Фитначилар ҳар нарсани ўз қаричлари билан ўлчайдилар. Ўзи аслида улар фитнани мол-дунё учун

қилмоқдалар. Бошқаларни ҳам ўзларига ўхшатадилар. Мол бор жойда турибдими, демак, уни ейди, қариндош-урұғларига тарқатади, деб ўйлайдилар. Агар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга ўхшаб, ўз молидан берган бўлса ҳам, жамиятнинг молидан берди, деб айтадилар.

«Улар: «Одамларга ерларни бердинг», дедилар. Бу ерлар фатҳ қилинганида муҳожир ва ансорлар уларга шерик бўлган эдилар. Улардан ким ўша фатҳ қилинган ерларда истиқомат қилса, ўз аҳли ила баҳам кўрди. Ким қайтиб келса, уларга Аллоҳ ўлжа қилиб берган нарсани кўриб, уларнинг амрларига биноан сотиб, ўрнига бошқа олиб бердим. У ерлар ўз эгаларининг қўлида, менинг қўлимда эмас».

Бу ҳам ер мулқдорлиги асосида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуга қарши қилинган молиявий даъво эди. Фитначилар бу ишнинг ҳам ўзларига керак қисмини олиб, гап қилиб тарқатган ва даъво қилган эдилар. Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху бу даъво ҳам асоссиз эканлигини фош қилдилар.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху ўз ҳузурларига келган фитнабошиларга қарши бирор чора кўрмадилар. Уларни бўлиб ўтган мунозарадан кейин келган жойларига қайтариб юбордилар.

Фитначиларнинг юқоридаги ривоятларда зикри келмаган бошқа даъволари ҳам бор эди.

Ана шу даъволардан бири, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг қариндошларига иш беришлари эди. Бу айб эмас. Шариатда қариндошга иш бериш мумкин эмас, деган гап йўқ. Расууллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам амаккиваччалари ва куёвлари ҳазрати Али розияллоху анхуга иш берганлар. Исломда кишиларга қобилиятига қараб иш берилади.

Фитначиларнинг яна бир даъвоси «Усмон Абу Зарр

«Фифорийни сургун қилди», деган даъволари эди. Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу у кишини сургун қилган эмас, балки Абу Заррнинг ўзлари илтимос қилган эдилар. Келинг, ҳодисанинг муҳтасарини қайта эсга олайлик.

Абу Зарр розияллоҳу анҳу Шомда истиқомат қиласар өдилар. У киши доимо: «Эй бойлар, камбағалларга шафқат қилинглар! Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга оловдан бўлган дазмолнинг башоратини бер. У уларнинг пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилур», деб юрар өдилар. Бора-бора шундай қилиб, камбағалларни бойларга қарши қайраб қўйдилар. Иш чегарасидан чиқаётганини кўрган бойлар волий Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳуга шикоят қилдилар. У киши бу ҳақда халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга ёздилар. Халифадан «Уни менинг ҳузуримга юбор», деган амр келди. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳуни Мадинага, халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг олдиларига йўллади.

У киши Мадинага кириб келганда мажлислар Сальга етганини кўриб, «Мадина аҳлига шиддатли ғоратнинг ва эсдан чиқмайдиган урушнинг башоратини беравер», дедилар.

У киши халифанинг ҳузурига кирганда:

«Шом аҳлига нима бўлди, тилингнинг захридан шикоят қилишмоқда?» дедилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу.

Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳу бўлган гап-сўзларни айтиб бердилар. У кишини диққат билан тинглаган ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу:

«Эй Абу Зарр! Менинг вазифам ўз бурчимни адо этмоқлик. Одамларни хатти-ҳаракатга ва иқтисодга чақирмоқлик. Уларни зоҳидликка мажбур қилиш менинг

бурчим эмас», дедилар.

У киши: «Бойлардан токи маъруфга сарф қилмагунларича, қўни-қўшниларга ва ошна-оғайниларга эҳсон қилмагунларича ва қариндошларга силаи раҳм қилмагунларича» рози бўлманглар», деди. Суҳбатнинг охирида Абу Зарр ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан Мадинадан чиқиб кетишга изн сўрадилар ва: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, агар бинолар Саль деган жойга етса, чиқиб кетишимга амр қилганлар», дедилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу у кишини ар-Рабзага йўлладилар. У ерда масжид қурдилар. У киши учун халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бир қанча туялар ажратиб бердилар. Маош белгиладилар. Иккита хизматчи бердилар. Абу Зарр вақти-вақти билан Мадинага зиёратга келиб турар эдилар. Шаҳар билан ар-Рабзанинг ораси уч мил эди.

Фитначиларнинг яна бир даъвоси «Усмон ўз укаси Валид ибн Уқба ибн Абу Муъайтни волий қилди. У эса фосик, хамр ичиб кўлга тушди», деган даъво эди.

Куфа волийси Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхудан шикоят бўлганида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Валид ибн Уқбани у ерга волий этиб қўйдилар. У ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг она бир укалари эди. Аммо ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу уни ўз укаси бўлганлиги учун эмас, ўзини яхши волий сифатида кўрсатгани учун қўйган эдилар У ўша пайтда Умар розияллоҳу анҳу томонларидан Ҳижознинг ғарбий томонига волий этиб қўйилган ерида ишлаб турган эди. Бунинг устига, Валид Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммалари Умму Ҳакимнинг ўғли ҳам эди.

Куфаликлар уни хурсанд бўлиб кутиб олдилар. Айниқса, олдинги волийга қарши бўлганлар хурсанд бўлдилар. Ҳамма ишлар яхши кетиб турганда бир ҳодиса

содир бўлди. Ана шу ҳодиса туфайли ишлар бошқачасига айланди.

Бир гурух куфалик ёшлар бироннинг уйини тешиб кириб, уй эгасини ўлдирдилар. Бу ишдан хабар топган бир қўшни одам миршабларни чакирди. Улар жиноятчиларни тутдилар. Уларнинг ичida Зуҳайр ибн Жундаб ал-Аздий, Муварриъ ибн Абу Муварриъ ал-Асадий ва Шуббайл ибн Абул Аздийлар бор эдилар. Маҳкамада уларнинг жиноятлари событ бўлди ва шариат ҳукмига биноан қатл этилдилар. Уларнинг оталари ва қариндошлари бунинг учун волий Валиддан хафа бўлиб, унга қарши пайт пойлай бошладилар. Унинг кечқурун қуриладиган сухбати бор эди. Бу сухбатда турли одамлар, жумладан, Абу Зайд Тоий ҳам қатнашар эди. У асли насроний бўлиб, кейин мусулмон бўлган ва ароқ ичиши бор эди. Бир куни ҳалиги ҳасадгўйларнинг олдига бирор келиб, «Валиднинг Абу Зайд билан ҳамр тановул қилишидан хабарингиз борми?» деди. Улар айни шу гапни кутиб туришган эди. Бу гапни бирпаста ҳамма тарафга тарқатишди. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига бориб, бу гапни айтишган эди, у киши: «Биз ўзини беркитган одамнинг авратини очмаймиз», дедилар. Валид бу гапни эшитиб, хафа бўлди ва: «Фитначи қавмга сендек одам шундай жавоб берадими?! Мен нимани беркитибман?! Бу нотаниш одам ҳақида айтиладиган гап», деди. Шу билан икковларининг ораларига ҳам совуқлик тушди.

Фитначилар бу билан ҳам кифояланиб қолмадилар. Дорул Хилофага бориб, Валиднинг устидан шикоят қилишга қарор қилдилар. Улар ичларидан икки кишининг гувоҳликка ўтишига келишиб олиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига бордилар. Фитначиларнинг сафида волий Валид томонидан ишдан бўшатилган аламзадалар ҳам бор эди. Одатда, фитначиларнинг доимо шунга ўхшаш кишиларни излаб

топиб, ўз сафларига қўшиб олишлари синалган тажрибадир. Улар бориб, ўз мақсадларига эришдилар. Волий Валид ибн Уқба ибн Абу Муаъйт чақирилиб, дарра урилди ва ишдан олинди. Бу айб эмас, фитначиларнинг уйдирмаси эди.

Фитначилар Муовия ибн Абу Суфённинг волийлигига ҳам тил теккиздилар. Аслида эса, уни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу эмас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр Сиддиқ ва Умари Одил волий қилган эдилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг даврларида у киши аввалги ишини давом эттириди, холос.

Фитначиларнинг булардан бошқа даъволари ҳам бўлиб, ҳаммаси бир-биридан пуч даъволар эди. Аммо пуч бўлса ҳам, одамлар ичида гап бўлиб тарқалган, фитначилар ўз мақсадларига етишиш йўлида қурол қилиб олган нарсалар эди.

## **ФИТНАЧИЛАРНИНГ ХУРУЖИ**

Фитнабошилар Мадинадан қайтиб боришлари билан халифага қарши чиқишига махфий равишда тайёргарликни бошлаб юбордилар. Улар ўзаро мактуб ёзишиб, ўзларини ҳажга бораётган қилиб кўрсатиб, Мадинада учрашишга ва ўша ерда режаларини амалга оширишга келишиб олдилар.

Мисрликлар тўрт гуруҳ бўлиб чиқдилар. Уларнинг тўрт амири бор эди. Сонлари эса, олти юз, минг атрофида эди. Уларнинг бош амири Фофкий ибн Ҳарб эди. Улар одамларга урушга кетаётганларини айтишга журъат қилолмай, ўзларини ҳажга кетаётган қилиб кўрсатдилар. Фитнабоши яхудий Абдуллоҳ ибн Саба ҳам улар билан бирга эди.

Фитначилар ўз ишларининг ноҳақ эканлигини биладилар. Ниятларини халқ оммаси билиб колса, уларнинг нафратига учрашларини ҳам яхши биладилар.

Шунинг учун улар асл мақсадларини яшириб, савобли ишларни никоб қилиб оладилар. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳатто баъзи ўзлари билан кетаётганларга ҳам асл ниятни эмас, никоб қилиб олинган шиорни айтадилар. Уларга одам керак. Агар асл ниятни билса, одамлар айниб қолишлари мумкин. Шунинг учун олиб бораётган одамларига нисбатан ҳам алдамчилик қиласидилар.

Куфалик фитначилар ҳам тўрт гурух бўлиб, тўрт амир билан йўлга чиқдилар. Уларнинг ададлари ҳам мисрликларнинг ададича бор эди. Куфаликларнинг бош амири Амр ибн ал-Асам исмли одам эди.

Басралик фитначилар ҳам тўрт гурух бўлиб, тўрт амир билан йўлга чиқдилар. Уларнинг ададлари ҳам мисрликларнинг ададича бор эди. Басраликларнинг бош амири Ҳаркус ибн Зухайр Саъдий исмли одам эди.

Улар уч томондан Мадинаи Мунавварага яқинлашиб келиб, уч жойга тушдилар. Басралик фитначилар За Хашабга, куфаликлар ал-Аъвасга ва мисрликлар Зул Марвага тушдилар. Уларнинг ниятлари турлича эди. Мисрликлар «Али ибн Абу Толибни халифа қиласиз», дер эдилар. Басралик фитначилар Толҳани ва куфаликлар Зубайрни халифа қилиш ниятида эдилар.

Уларнинг ниятлари турли кишиларни халифа қилиш бўлса ҳам, ҳаммалари бараварига ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга қарши эдилар. Хўш, бу фитначи тўдадаги одамлар кимлар эди? Улар ўзлари даъво қилаётганларидек, дину диёнат равнақи учун курашчилармиди ёки бошқа одамлармиди? Уламолар уларнинг кимлигини илмий асосда жуда синчиклаб ўрганиб чиққанлар.

Ана шундоқ уламолардан энг машҳури Абу Бакр ибн Арабий раҳматуллоҳи алайҳ «Ал-Авосим минал Қавосим» номли китобида қуйидагиларни ёзадилар:

«Явмуддор куни Исломга қарши жиноятда иштирок

этганлар бир неча даражадаги тоифалардир:

1. Динда ғулувга кетгандар, яъни, хаддидан ошганлар. Улар арзимаган нарсаларни бировга катта айб қилиб қўйдилар. Ўзлари эса, уларни инкор қиласман, деб ҳалокатга олиб борувчи гунохларни қилдилар.

2. Курайшлик катта саҳобийларга қарши яманликларга мутаассибилик қилгандар. Уларнинг Исломда ўзиб кетган ерлари йўқ эди. Улар қурайшлик Исломда ўзиб, қилган хизматлари ва фатҳлари учун мукофот олганларга ҳасад қилдилар. Ўзларининг ўзишлари ва хизматлари бўлмаса ҳам, улар олган нарсани олишни хоҳладилар.

3. Ўзларининг баъзи қариндошларига шаръий жазо қўлланганидан аччиғи чиққанлар. Ана шу сабабдан уларнинг қалблари ҳикду ҳасадга тўлган эди.

4. Сабачилар ақлларининг пастлигидан фойдаланиб, фиску фасод, фитна ва бузук эътиқодларга бошлаган аҳмоқлар.

5. Усмоннинг яхшилигини, одамгарчилигини билмай, ҳовлиқкан кимсалар. Улар ўзларининг ҳақлари бўлмаган раҳбарлик лавозимларга тама қилиб, Усмоннинг яхшиликларига нонкўрлик қилдилар.

6. Ислом одобларига қарши ишлар содир этганлари учун Усмон томонидан таъзiri берилгандар. Усмон жорий этган шаръий таъзир уларнинг ғазабини кўзғатди. Умардан ундан кўра шиддатлироқ таъзир еганларида ҳам жимгина бўйинларини эгиб юрган эдилар.

7. Ўзлари муносиб бўлмай туриб, раҳбарлик лавозимларига эришишга шошилгандар. Ўзларida ҳикмат бўлмаса ҳам, зехнларининг ўткирлиги ва фасоҳатлари уларни ғууруга кетказган эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Усмоннинг ўта раҳмли қалби меҳрга тўла эканлиги кўпчиликни тамагир қилиб қўйган эди. Унинг меҳрибонлигидан ўзларининг ҳавои нафсларини қондиришга васила сифатида

фойдаландилар».

## МАДИНАГА ОДАМ ЮБОРИШ

Баъзи мисрлик фитнабошилар бошқаларнинг олдига бориб, маслаҳат қилишди. Улар Мадинага одам юбориб, уларнинг келганлари ҳақидаги хабарни шаҳар аҳолиси билган-бilmaganligini аниқламоқчи бўлдилар. Улар, мадиналиклар бизга қарши уруш қилиб қолармикан, деган хавфда эдилар. Фитначилар икки кишини шаҳарга юбордилар. Иккаласи бориб, Али, Толҳа ва Зубайр розияллоҳу анҳумга учрашдилар ва: «Биз Байтда турмоқчимиз ҳамда халифадан баъзи омилларни ишдан олишни сўрамоқчимиз, холос. Одамларни олиб келаверайликми?» деб сўрашган эди, улар изн бермадилар. Иккаласи қайтиб бориб, ўз одамларига бўлган гапни айтдилар.

Мисрлик фитначилардан бир гурухи Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг ҳузурларига келиб, салом бердилар ва ўзларининг асл мақсадларини айтдилар. Шунда у зот уларни ҳузурларидан қувдилар:

«Батаҳқиқ, солих кишилар сенларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тиллари ила лаънатлангандарингни биладилар!» дедилар.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу ҳам ўз ҳузурларига келган басралик фитначиларнинг вакилларига худди шундок муомала қилдилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ҳам куфалик фитначиларнинг вакилларига худди шундок муомала қилдилар.

Фитначилар ўзларини юртларига қайтиб кетгандек қилиб кўрсатиб, орқага қайтдилар. Мадиналикларнинг кўнгиллари жойига тушиб, хотиржам бўлиб, уй-уйларига тарқалдилар.

Маълум вақт ўтганидан сўнг улар шаҳардаги такбир овозларидан чўчиб тушдилар. Фитначилар шаҳарга бостириб киргандарини, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ҳовлисини ўраб олганларини ва: «Ким қўлинни тийса, ўша омонликда!» деб жар солаётганларидан хабар топдилар.

## ҚАМАЛ

Одамлар уйларини лозим тутдилар. Улар фитначиларнинг нима учун яна қайтиб келганларини тушуна олмай, ҳайрон эдилар.

Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анху фитначиларнинг қаршиисига бориб:

«Жўнаб кетган эдинглар-ку, яна нимага қайтиб келдинглар?» деди.

«Усмоннинг ходимини мактуб билан ушлаб олдик. У Мисрнинг омилига бизни қатл этишни амр қилган экан», дейишди. У басралик фитначилардан нимага қайтганларини сўраган эди, «Биродарларимизга ёрдам бериш учун келдик», дейишди. Куфаликлардан сўраган эди, улар ҳам худди шу гапни айтишди. Шунда Муҳаммад ибн Маслама:

«Миср ахлига етган нарсани қандоқ билдингиз? Бир-бирингизнинг орангизда узоқ масофа бўлса. Бу келишиб олингган иш», деди.

Ҳазрати Умар ва Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхумонинг машҳур тафтишчилари Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анху фитначиларни жон жойидан ушлаб, фош қилган эдилар. Мактуб ҳақидаги гап ҳам уйдирма эди. Шундоқ бўлса ҳам, фитначилар гапни бошқа ёққа буриб юбордилар.

Улар: «Нима десангиз, ўзингиз биласиз, аммо манави одамга бизнинг ҳожатимиз йўқ, у бўшасин», дейишди.

Улардан мактубни олиб, Усмондан унинг мактубими ёки йўқми, шу ҳақда сўрашди. У киши: «Аллоҳга қасамки, мен ёзганим йўқ, амр ҳам қилганим йўқ, билмайман ҳам», дедилар. Ҳазрати Али ва катта саҳобалар у кишининг гапларини тасдиқладилар.

«Бўймаса, уни ким ёзди?!» дейишди мисрликлар.

«Билмайман», дедилар ҳазрати Усмон.

«Сенга журъат қилинади, ғуломинг юборилади, у Садақанинг туясига минади, омилингга катта ишлар ёзилади, сенинг муҳринг босилади-ю, сен билмайсанми!?» дейишди мисрликлар.

«Билмайман!» дедилар ҳазрати Усмон.

«Сен ё ростгўйсан, ё ёлғончисан. Агар ёлғончи бўлсанг, бўшашибга лойиқ бўлдинг. Агар ростгўй бўлсанг, бу ишда заифлик қилганинг учун бўшашиб керак. Биз бу ишни охиригача етказмасдан қўймаймиз. Ундан кўра, ўзинг истеъфо бер», дейишди фитначилар.

«Мен ўзимга Аллоҳ кийгизган қўйлакни ечмайман», дедилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу.

У киши бу гапни мансабни яхши кўрганлари учун ёки бирор бошқа мақсадда айтиётганлари йўқ эди. Балки ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу бу ишлари билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларига амал қилаётган эдилар.

2843 - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: يَا عُثْمَانَ إِنَّهُ لَعَلَّ اللَّهُ يُقْمِصُكَ قَمِيصًا فَإِنْ أَرَادُوكَ عَلَى خَلْعِيهِ فَلَا تَخْلُعْهُ لَهُمْ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2843. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Усмон, шояд Аллоҳ сенга бир қўйлак кийгазса.

**Агар уни ечишингни ирода қилсалар, уларнинг гапи учун зинҳор еча кўрмагин», дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифдаги «кўйлак»дан мурод, халифалик эди. Бундан ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга халифаликни Аллоҳ таолонинг Ўзи берганлиги келиб чиқади. Бир кун келиб, фитначиларнинг ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан истеъро беришини талаб қилишлари ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам томонларидан олдиндан айтиб қўйилганлиги келиб чиқади.

Шу билан бирга, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ўзларининг тутган ишларига саҳобаларнинг қарашларини билиш учун уларнинг баъзилари билан бу масалада гаплашиб ҳам кўрдилар.

У Абдуллоҳ ибн Умарга маслаҳат солиб:

«Анавилар мени бўшатишни хоҳлайдилар. Агар «Хўп» десам, мени тек қўядилар. Агар бош тортсам, мени ўлдирадилар. Сен нима дейсан?» деди.

«Агар истеъро берсанг, дунёда абадий қоласанми?» деди ибн Умар.

«Йўқ», деди халифа.

«Агар истеъро бермасанг, улар сени қатл этишдан бошқа бирор нарса кила оладиларми? Улар жаннатга ёки дўзахга эга бўла оладиларми?» деди Ибн Умар.

«Йўқ», деди халифа.

«Ундоқ бўлса, Исломда бу нарса одат бўлиб қолишига йўл қўйма. Аллоҳ сенга кийгизган кўйлакни ечма», деди Абдуллоҳ ибн Умар».

Ха, бу ерда мусулмонларнинг келажак авлодлари олдиғаги бурчни ҳис этиш масъулияти ҳам бор эди. Агар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу фитначиларнинг талабларига биноан истеъро берсалар, бу иш ҳар доим такрорланиб, халифанинг истеъро беришини

талаф қилиш одат тусига кириб, Ислом оламининг боши фитнадан чиқмай қолар эди. Ана шунинг учун ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу мусулмон умматига зарар келтирадиган нарсага сабабчи бўлгандан кўра, ўлимни устун кўрган эдилар.

Ҳаддидан ошиб, қутуриб кетган фитначилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ҳовлиларини қамалга олдилар. У кишининг Мұхаммад соллаллоҳу алайхи васалламнинг масжидларида намоз ўқишлиарини ман қилдилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Али ибн Абу Толиб, Толҳа ибн Убайдуллоҳ ва Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳумга одам юбордилар. Улар келишди. Шунда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ташқарига чиқиб: «Эй одамлар! Ўтиинглар!» дедилар. Дўст ҳам, душман ҳам ўтирди.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ўзларига хос услугда секин гап бошладилар:

«Эй Мадина аҳли! Сизларга Аллоҳнинг Ўзи паноҳ бўлсин, дейман. У Зотдан сизларга мендан кейин халифаликни яхшилашини сўрайман. Сизлардан Аллоҳни ўртага қўйиб сўрайман: сизлар Умар мусибатга учраганида Аллоҳдан ўзингизга сизни жамлайдиган энг яхшингизни ихтиёр қилишини сўраганмидингиз, йўқми?!

Ёки Аллоҳ сизларга ижобат қилмаганини, сиз У Зот учун Унинг аҳли ҳаққи бўлсангиз ҳам яроқсиз бўлганингизни айтасизларми?!

Ёки Аллоҳ учун Ўзининг дини яроқсиз бўлди, динга ким волий бўлишига эътибор бермади, ўша куни аҳли тафриқага тушди, дейсизларми?!

Ёки машварат қилинмаган эди, катталик қилинган эди. Уммат исён қилгани, амирлик ҳақида машварат қилмагани учун Аллоҳ уни ташлаб қўйди, дейсизми?!

Ёки Аллоҳ менинг ишимнинг оқибати нима бўлишини билмаган, дейсизми?!

Сизлардан Аллоҳнинг номи ила сўрайман. Мени яхшиликка пешқадамлигимни, Аллоҳ мени ўзимдан кейин келганларнинг барчасига муқаддам қилганини, мен учун ўшаларнинг фазлини билишлари лозимлигини биласизларми?!

Мени ўлдиришга шошилманглар! Чунки уч тоифадан: уйланганидан кейин зино қилгандан, иймондан кейин куфр келтиргандан ва ноҳақдан одам ўлдиргандан бошқани қатл этиш жоиз эмас.

Агар сизлар мени катл қилсангиз, албатта, ўз бўйнингизга ўзингиз қилич қўйган бўласиз. Сўнгра Аллоҳ сизлардан ихтилофни абадул абад кўтармайди», дедилар.

Фитначилар бу гаплардан таъсирланмадилар. Аслида уларга бирор нарса таъсир қилиши амри маҳол эди. Улар у кишига:

«Умардан кейин сени истихора ила волий қилган бўлсалар, Аллоҳ нимани қилса, ўша яхши. Аммо сен Аллоҳнинг бандаларини синайдиган бало бўлдинг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан яхшиликда пешқадам ва муқаддам бўлган бўлсанг, аввал шундоқ эдинг. Волий бўлишга ҳақдор эдинг. Аммо ўзинг билган ишларни қилдинг. Фитнадан хавфсираб, сенга ҳақни қоим қилишни янаги йилга қўймаймиз.

«Уч тоифадан бошқани қатл этиш жоиз эмас», деган гапингга келсак, биз Аллоҳнинг динида ўша сен айтган учтадан бошқани ҳам топмоқдамиз: ер юзида фасод қилиб юрганни қатл этиш, тажовуз ила бош кўтарганни ва ўша бош кўтариши ила уруш қилганни қатл этиш ва ҳақнинг йўлинни тўсган, уни ман қилганни қатл қилиш. Сен тажовуз қилдинг, ман қилдинг, йўлга тўсиқ бўлдинг, ўзингни юқори қўйдинг, ўзинг зулм қилганларга сендан ўч олишларига йўл бермадинг. Бизга амир бўлишга маҳкам ёпишиб олдинг. Агар сен бизга амирлик ила устун келмадим, десанг, сени ҳимоя қилаётганлар амирлигинг

учун химоя қилмоқдалар. Агар истеъфо берсанг, тарқалиб кетадилар», дейишиди.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху фитначилик билан айтишиб ўтирмадилар. Ҳовлиларига кириб, ибодатга юз тутдилар. Мадина аҳли у кишига ёрдам бериш учун ҳовлиларининг атрофига тўпландилар. Ҳазрати Усмон розияллоху анху уларни тарқалишга амр қилдилар. Улар ноилож тарқалиб кетдилар. Фақатгина Имом Ҳасан, Ибн Аббос, Ибн Зубайр ва Мұхаммад ибн Толҳалар қолдилар.

Ҳазрати Усмон розияллоху анху бу ишда сабр қилишга азму қарор қилган эдилар. Бу ишга у кишини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзлари амр этган эдилар.

2844 - عَنْ أَبِي سَهْلَةَ τ قَالَ: قَالَ عُثْمَانُ يَوْمَ الدَّارِ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَدَقَ عَهْدَ إِلَيْيَ عَهْدًا فَأَنَا صَابِرٌ عَلَيْهِ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2844. Абу Саҳла розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«**Усмон Явмуддор** куни:

«Албатта, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга бир васият қилғанлар. Мен ўшанга биноан, сабр қилурман», деди».

Термизий ривоят қилған.

**Шарҳ:** «Явмуддор»нинг луғавий маъноси «Ҳовли куни» деганидир. Фитначиликнинг Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг ҳовлиларини қамал қилғанлари ҳодисаси шу ном билан аталган. Албатта, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг шахсан ўзларига қилған васиятларига амал қилиш у киши учун бутун дунё ва ундаги барча нарсаларга ҳам алмаштириб бўлмайдиган иш эди.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху халифалик даврларида Мадинада бирор кишининг катл этилишини

зинхор истамас эдилар. Бунинг учун қўлларидан келган барча чораларни қўрар эдилар. Ҳатто ахли байтларига силоҳни очиқ ҳолда қўйишга ижозат бермас эдилар.

Айнан мана шу мақсадда фитначиларни ҳам иложи борича тинч йўл билан рози қилиш чораларини қўрар эдилар. Ўзлари гапирғанларидан ташқари ҳазрати Али розияллоҳу анҳуни ҳам уларга қайта-қайта юборар эдилар. Уларга эса гап кор қилмай, борган сари қутуриб борар эдилар.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг фитначиларга бўлган бундай муносабатлари бошқа саҳобаларнинг ҳам дамларини кессан эди. Улар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга қандай ёрдам беришни билмай, хуноб бўлар эдилар. Ҳар ким ўзича турли чоралар ҳам эди.

Ана шундай чоралардан бири ҳақида имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи «Муснад» китобларида қуидаги ривоятни келтирадилар:

«Муғийра ибн Шўъба қамалда қолган Усмоннинг олдига кириб: «Сен омманинг имомисан. Сенга ўзинг кўриб турган нарса етди. Мен сенга учта маслаҳат бераман.

Биринчиси, чиқиб, улар ила қитол қил. Сенда одам ҳам, куч ҳам бор. Сен ҳақдасан. Улар ботилдалар.

Иккинчиси, сенга анавилар тўсиб турган эшиқдан бошқа эшик очайлик. Уловингга мингин-да, Маккага етиб ол. У ерда булар сенга тега олмаслар.

Учинчиси, Шомга йўл ол. Анавилар ҳам шомлик. У ерда Муовия бор», деди.

Усмон унинг бу гапларига:

Чиқиб уришиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қурайшдан бир киши Маккада илҳод қилур. Унга олам азобининг ярми бўлур», деганларига биринчи сазовор бўлган шахс бўлмайман.

Шомга бориб, ҳижрат ҳовлимдан ва Расулуллоҳ

соллаллоху алайхи васалламнинг қўшниликларидан ажрамайман», деди».

Демак, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуни фитначиларга қарши куч ишлатишдан тўсиб турган асосий куч у кишининг Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламдан эшитган ҳадислари экан. У киши учун ўша ҳадисдаги азобга қолишдан кўра ўлим афзал эди, албатта.

Бошқа саҳобаи киромлар ҳам албатта, бу ҳадиси шарифдан хабардор эдилар. Бунинг устига, жамият бошлиғи ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху қайтариб турганларидан кейин улар бирор нарса қилишлари мутлақо мумкин эмас эди. Улар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг халифаликларидан ташқари яна бошқа бир аломатларига ҳам эргашар эдилар. Бу ҳам кучли омил эди.

2845 - عَنْ مُرَّةَ بْنِ كَعْبٍ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ ذَكَرَ الْفِتَنَ فَقَرِئَهَا فَمَرَّ رَجُلٌ مُقَنْعٌ فِي ثَوْبٍ فَقَالَ: هَذَا يَوْمَئِذٍ عَلَى الْهُدَى فَقُفِّمْتُ إِلَيْهِ فَإِذَا هُوَ عُثْمَانُ بْنُ عَفَّانَ فَأَقْبَلْتُ بِوَجْهِهِ عَلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقُلْتُ: هَذَا؟ قَالَ: نَعَمْ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2845. Мурра ибн Каъб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васалламнинг фитналарни, уларнинг яқин қолганини зикр қилганларини эшитдим. Бас, кийимиға ўраниб олган бир одам ўтиб қолди. У зот:

«Мана шу ўша кунда хидоятда бўлади», дедилар.

Мен туриб қарасам, Усмон ибн Аффон экан. Унинг юзини Набий соллаллоху алайхи васалламга қаратиб:

«Мана шуми?» дедим.

**«Ха», дедилар у зот».**

*Термизий ривоят құлған.*

**Шарх:** Демак, сахобаи киромлар содир бўлаётган ҳодисалар фитна эканлигини яхши билар эдилар. Улар фитнада ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ҳидоятда бўлишларини ҳам яхши билган эдилар. Шунинг учун у кишига қараб туриб, тасарруф қиласар эдилар.

Бундай нарсаларни бир чақага ҳам олмайдиган фитначилар эса, борган сари ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга нисбатан ашаддийлашиб борар эдилар. Улар у кишининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг масжидларида намоз ўқишларини ман қилганлари ҳам етмагандек, сувни ҳам ман қилдилар. Бу хабарни эшлитиб, ҳазрати Али розияллоҳу анху тонг қоронғисида етиб келдилар. У киши фитначиларга қараб:

«Эй одамлар! Сиз қилаётган нарса мўминнинг ишига ўхшамайди! Кофирининг ишига ҳам ўхшамайди! У кишидан сувни ва моддани тўсманглар! Рум ва Форслар ҳам асир олсалар, нон бериб, сув тутадилар», дедилар.

«Йўқ! Аллоҳга қасамки, бир томчи ҳам!» де-иишди.

«Мўминларнинг онаси Умму Ҳабиба бинти Абу Суфён бир мешчада сув олиб келдилар. Улар у кишининг хачирларининг юзига урдилар. У киши:

«Бу одамнинг ҳузурида Бани Умайянинг васият қилган нарсалари бор. Тул ва етимларнинг моллари ҳалок бўлмаслиги учун сўраб олмоқчиман», дедилар.

«Ёлғончисан!» дейишди улар.

Кейин улар у киши ўтирган хачирнинг арқонини қилич билан кесиб юбориши. Хачир хуркиб кетди. Мўминларнинг онаси йиқилиб тушай дедилар. Одамлар у кишини уйларига олиб бориши».

Ха, фитнага мубтало бўлган кимсаларда одамгарчиликдан асар ҳам қолмайди. Уларнинг барча нобакорликларини бир томонга қўяйлик. Биргина Ҳабиба

онамизга қилган беодобликларининг ўзи ҳар қанча қоралаш учун етиб, ортади.

Иш ана шу даражага етганида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг ўзлари фитначиларга яна бир бор насиҳат қилишга қарор қилдилар. Ана шу ҳаракат ҳақида биз шарҳ қилаётган «Ат-Тожул Жамеъ» китобида иккита ривоят келган.

2846 - عَنْ أَبِي عَبْدِ الرَّحْمَنِ السُّلَيْمَىِّ قَالَ لَهَا حُصِرَ عُثْمَانُ أَشْرَفَ عَلَيْهِمْ فَوْقَ دَارِهِ ثُمَّ قَالَ لِمَنْ حَاصَرُوهُ: أَذْكُرْكُمْ بِاللَّهِ هَلْ تَعْلَمُونَ أَنَّ حِرَاءَ حِينَ انْتَفَضَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: اثْبِتْ حِرَاءً فَلَيُسَرَّ عَلَيْكَ إِلَّا نَبِيٌّ أَوْ صِدِّيقٌ أَوْ شَهِيدٌ قَالُوا: نَعَمْ قَالَ: أَذْكُرْكُمْ بِاللَّهِ هَلْ تَعْلَمُونَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ فِي حَيْثِ الْعُسْرَةِ: مَنْ يُنْفَقُ نَفْقَةً مُتَقَبِّلَةً وَالنَّاسُ جُهَدُونَ مُعْسِرُونَ فَجَهَزْتُ ذَلِكَ الْجَيْشَ قَالُوا: نَعَمْ ثُمَّ قَالَ: أَذْكُرْكُمْ بِاللَّهِ هَلْ تَعْلَمُونَ أَنَّ بَئْرَ رُومَةَ لَمْ يَكُنْ يَشْرُبُ مِنْهَا أَحَدٌ إِلَّا بِشَمْنٍ فَابْتَعْتُهَا فَجَعَلْتُهَا لِلْغَنِيِّ وَالْفَقِيرِ وَابْنِ السَّيِّلِ قَالُوا: اللَّهُمَّ نَعَمْ وَأَشْيَاءَ عَدَّهَا. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2846. Абу Абдураҳмон ас-Суламий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Усмон қамал қилинганида уйининг томига чиқди ва ўзини қамал қилғанларга:

«Аллохни эсингизга соламан! Айтинг-чи, Хиро қимирлаганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Эй Хиро, событ бўл! Устингда набий, сиддиқ ва шаҳиддан бошқа ҳеч ким йўқ», деганларини

биласизларми! ?» деди.

«Ха», дейиши.

«Аллохни эсингизга соламан! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Қийинчилик» лашкари ҳақида: «Одамлар қийналиб ва қашшоқлашиб турганларида ким қабул бўладиган нафақа қиласди?» деганларида ўша лашкарни таъминлаганимни биласизларми! ?» деди.

«Ха», дейиши.

«Аллохни эсингизга соламан! Рума қудуғидан баҳосини бермасдан ҳеч ким сув ича олмаслигини, мен уни сотиб олиб бой, камбағал ва ибни сабийл (*мусоғир*) учун атаганимни биласизларми! ?» деди.

«Аллоҳ ҳаққи, ха», дейиши.

У бошқа нарсаларни санади».

Термизий ривоят қилган.

2847 - عَنْ ثَمَامَةَ بْنِ حَزَنِ الْقُشَيْرِيِّ قَالَ: شَهَدْتُ الدَّارَ حِينَ أَشْرَفَ عَلَيْهِمْ عُثْمَانَ فَقَالَ: أَتُنُونِي بِصَاحِبِيْكُمُ الَّذِيْنَ أَبَأْكُمْ عَلَيَّ قَالَ: فَجِيءَ إِلَيْهِمَا فَكَانُهُمَا جَمَلَانِ أَوْ كَانُهُمَا حَمَارَانِ قَالَ: فَأَشْرَفَ عَلَيْهِمْ عُثْمَانُ فَقَالَ: أَنْشَدْتُكُمْ بِاللَّهِ وَالإِسْلَامِ هَلْ تَعْلَمُونَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَدَمَ الْمَدِيْنَةَ وَلَيْسَ بِهَا مَاءٌ يُسْتَعْدَبُ غَيْرَ بِغْرِ رُومَةَ فَقَالَ مَنْ يَشْتَرِي بِغْرِ رُومَةَ فَيَجْعَلُ ذُلْوَةً مَعَ دِلَاءِ الْمُسْلِمِيْنَ بِخَيْرِ لَهُ مِنْهَا فِي الْجَنَّةِ فَاشْتَرَيْتُهَا مِنْ صُلْبِ مَالِيِّ فَأَنْتُمُ الْيَوْمَ مَنْعُونِي أَنَّ أَشْرَبَ مِنْهَا حَتَّى أَشْرَبَ مِنْ مَاءِ الْبَحْرِ قَالُوا: اللَّهُمَّ نَعَمْ قَالَ: أَنْشَدْتُكُمْ بِاللَّهِ وَالإِسْلَامِ هَلْ تَعْلَمُونَ أَنَّ الْمَسْجِدَ ضَاقَ بِأَهْلِهِ فَقَالَ

رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَنْ يَشْرِي بُقْعَةً آلِ فُلَانٍ فَيُزِيدَهَا فِي الْمَسْجِدِ بِخَيْرٍ مِنْهَا فِي الْجَنَّةِ فَأَشْتَرَيْتُهَا مِنْ صُلْبِ مَالِيٍّ فَأَنْتُمُ الْيَوْمَ تَمْنَعُونِي أَنْ أُصَلِّيَ فِيهَا رَكْعَتَيْنِ قَالُوا: اللَّهُمَّ نَعَمْ قَالَ: أَنْشُدُكُمْ بِاللَّهِ وَالإِسْلَامِ هَلْ تَعْلَمُونَ أَنِّي جَهَزْتُ حَيْشَ الْعُسْرَةِ مِنْ مَالِي قَالُوا: اللَّهُمَّ نَعَمْ ثُمَّ قَالَ: أَنْشُدُكُمْ بِاللَّهِ وَالإِسْلَامِ هَلْ تَعْلَمُونَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ عَلَىٰ شَيْرِ مَكَّةَ وَمَعْهُ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ وَأَنَا فَتَحَرَّكَ الْجَبَلُ حَتَّىٰ تَسَاقَطَ حِجَارَتُهُ بِالْحَضِيضِ فَرَكَضَهُ بِرِجْلِهِ وَقَالَ: اسْكُنْ شَيْرًا فِيمَا عَلِيَّكَ نَبِيٌّ وَصَدِيقٌ وَشَهِيدٌ أَنَا قَالُوا: اللَّهُمَّ نَعَمْ قَالَ: اللَّهُ أَكْبَرُ شَهِدُوا لِي وَرَبُّ الْكَعْبَةِ أَنِّي شَهِيدٌ ثَلَاثًا. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2847. Сумама ибн Ҳазан ал-Қушайрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Явмуддорда ҳозир бўлдим. Ўшандада Усмон баланддан туриб:

«Сизни менга қарши қайраган икки соҳибингизни олиб келинг!» деди. Икковлари келтирилди. Иккови худди икки туюга ўхшар эди ёки иккови худди икки эшакка ўхшар эди. Бас, Усмон уларга тепадан туриб:

«Сизлардан Аллоҳ ҳаққи ила, Ислом ҳаққи ила сўрайман! Айтинг-чи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида у ерда Рума қудугидан бошқа чучук сув йўқлигини, у зот «Ким хайр учун Рума қудугини сотиб олиб, чelагини мусулмонларнинг чelаклари ила бирга қилса, унга жаннат бўлур», деганларида уни мен ўз молимдан сотиб олганимни биласизларми!? Бугун эса, сиз мени ундан

**сув ичишимни ман құлмоқдасизлар! Мен денгиз сүвини ичишга мажбур бўлмоқдаман», деди.**

«Аллоҳ ҳаққи, тўғри», дейишди.

«Сизлардан Аллоҳ ҳаққи ила, Ислом ҳаққи ила сўрайман! Айтинг-чи, масжид ўз аҳлига тор бўлиб қолиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ким Оли Фулоннинг бурчагини хайр учун сотиб олиб, масжидга қўшса, унга жаннат бўлур», деганларида уни мен ўз молимдан сотиб олганимни биласизларми!? Бугун эса, сиз мени унда икки ракъат намоз ўқишимдан ман құлмоқдасиз», деди.

«Аллоҳ ҳаққи, тўғри», дейишди.

«Сизлардан Аллоҳ ҳаққи ила, Ислом ҳаққи ила сўрайман! Айтинг-чи, «Қийинчилик» лашкарини мен ўз молимдан шайлаганимни биласизларми!?» деди.

«Аллоҳ ҳаққи, тўғри», дейишди.

«Сизлардан Аллоҳ ҳаққи ила, Ислом ҳаққи ила сўрайман! Айтинг-чи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадаги Сабирга чиққанларида, у зот билан Абу Бакр, Умар ва мен бўлганимда, тоғ ҳаракатга келиб, тошлари пастга думалаб тушганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни оёқлари ила тепиб, «Сокин бўл! Сабир! Устингда набий, сиддик ва икки шаҳид турибди», деганларини биласизларми!?» деди.

«Аллоҳ ҳаққи, тўғри», дейишди.

Шунда у уч марта:

«Аллоҳу акбар! Менга гувоҳлик беришди. Каъбанинг Роббиси ила қасамки, мен шаҳидман!» деди».

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ушбу икки ривоятда қарама-қарши томонларнинг орасидаги фарқни яна ҳам яққол ва равшан кўриш мумкин.

Бир тарафдан, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг мардликлари, иймонларининг кучи, олий маънавиятлари ва шаҳидлик мақомига ошиқаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Иккинчи томондан, фитначиларнинг кўриб-билиб туриб, ҳақни инкор қилаётганликларини, номардликларини, пасткашликларини ва Аллоҳдан заррача қўрқмаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Бу сафар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху уларга насиҳат қилиш учун эмас, уларнинг устидан ўзларининг маънавий ғалабаларини эълон қилиш учун нутқ сўзлаган эдилар.

Ҳа, ҳар бир қатл этилган киши мағлуб бўлавермайди. Шунингдек, ҳар бир қатл этган ҳам ғолиб бўлавермайди. Айниқса, ҳақ йўлида, номардлар қўлида қатл бўлганлар ўз ўлимлари билан барча номардларнинг устидан мардларнинг ғалабаси рамзи бўладилар.

Шунинг учун ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху ўзларининг ҳақ эканликларини, шаҳид кетишлари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тилларидан собит бўлганлигини номард фитначиларнинг ўзларига тасдиқлатиб олдилар ва ўз шаҳидликларидан хурсанд бўлиб, такбир айтдилар.

Фитначиларнинг ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг ҳар бир гапларини Аллоҳнинг номини қўшиб таъкидлаганлари, бироқ барибир ўзларининг ҳалокатли йўлларидан қайтмаганлари ҳам уларнинг қай даражада бадбаҳтлик жарига қулаганларини кўрсатади.

Содир бўлаётган ишлардан юраклари сиқилган Оиша онамиз розияллоху анҳо ҳажга жўнаб кетдилар...

## МУСУЛМОНЛАРГА МАКТУБ

Қамалда қолған ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху улуғ сағобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхуни ҳаж амири қилиб тайинладилар ва у кишига мусулмонларга бош бўлиб, ҳажни ўтказишни топширдилар.

«Мен учун анавиларга қарши қитол қилиш ҳаждан кўра маҳбуброқ», деди Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху.

Аммо ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху қаттиқ туриб олдилар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху ҳажга отландилар. Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху у киши орқали мусулмонларга ўз мактубларини юбордилар.

Мазкур мактубнинг матнини имом Тобарий раҳматуллохи алайҳи қуидагича келтирадилар:

### *«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

Аллоҳнинг бандаси Усмон, мўминларнинг амиридан ассалому алайкум.

Албатта, мен сиз учун Ўзидан ўзга илоҳи маъбуд йўқ бўлган Аллоҳга ҳамд айтурман.

Аммо баъду: Мен сизга барчамизга Ислом неъматини берган, залолатдан хидоят қилган, кофирликдан қутқарган, равшан далилларни кўрсатган, ризқни кенг қилиб берган ва душманга қарши нусрат берган Аллоҳ азза ва жалла ила эслатаман.

Қавли ҳақ бўлмиш Аллоҳ азза ва жалла айтур:

«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмассизлар. Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукурдир».

У Зот азза ва жалла яна айтур:

«Эй иймон келтирғанлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг. Ва фақат мусулмон ҳолингиздагина бу

дунёдан ўтинг.

Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг. Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз. Бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъмати ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди. Шундай қилиб, Аллоҳ сизга Ўз оятларини баён қиласди. Шоядки, ҳидоят топсангиз.

«Сизлардан яхшиликка чақирадиган, амри маъруф, наҳий мункар қиласдиган бир уммат бўлсин. Ана ўшалар ўзлари нажот топгувчилардир.

Ўзларига очик баёnotлар келганидан кейин бўлиниб ихтилофга тушганларга ўхшаш бўлманглар, ана ўшаларга улуғ азоб бордир».

У Зот азза ва жалла айтур, ва айтгани ҳақдир:

«Аллоҳнинг сизга берган неъматини ва сиздан олган аҳдини эсланг. Ўзингиз: «Эшитдик ва итоат қилдик», дегансиз-а?!»

Қавли ҳақ Зот яна айтур:

«Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, бир қавмга билмасдан мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар.

Ва билингларки, албатта, ичларингизда Расулulloҳ бордир. Агар у ишлардан кўпида сизга итоат қиласа, албатта, қийинчиликка дучор бўлардингиз. Лекин Аллоҳ сизларга иймонни маҳбуб қилди ва уни қалбларингизда зийнатлади ва сизларга куфрни, фисқни ва исённи ёмон кўрсатди. Ана ўшалар тўғрилиқда юрувчилардир.

Бу Аллоҳ томонидан фазл ва неъматдир. Аллоҳ билувчи ва хикматли Зотдир».

У Зот азза ва жалла айтур:

«Аллоҳнинг аҳдини ва ўз қасамларини арzon баҳога сотадиганлар, албатта, ана ўшаларга охиратда насиба йўқдир. Қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмас, назар солмас

ва покламас. Уларга аламли азоблар бор».

Қавли ҳақ бўлган Зот яна айтур:

«Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг ва (амрини) тингланг ва итоат қилинг ва инфоқ қилинг – ўзингизга яхши бўлади. Ва кимки нафсининг қизғанчиқлигидан сақланса, ана ўшалар нажот топувчилардир».

Қавли ҳақ бўлган Зот яна айтур:

«Қасамларни таъкид қилинганидан сўнг бузманг. Батахқик, Аллоҳни ўзингизга кафил қилгансиз-а! Албатта, Аллоҳ нима қилаётганингизни билур.

Тўқигани кучли бўлганидан сўнг уни сўкиб юборган хотинга ўхшаб, бир уммат бошқа умматдан зиёдроқ бўлгани учун қасамларингизни орангизга алдов воситаси қилиб олманг. Албатта, бу билан сизни Аллоҳ синамоқда, холос. Албатта, У қиёмат куни нима ҳақда ихтилоф қилганингизни баён қилиб беради.

Агар Аллоҳ хоҳласа, сизларни бир уммат қилар эди. Лекин хоҳлаган кимсани залолатга кетказади ва хоҳлаган кимсани ҳидоят қиласи. Ва, албатта, қилиб юрган амалларингиздан сўралурсизлар.

Қасамларингизни орангизда алдов воситаси қилиб олманг. Бас, қадам собит бўлганидан сўнг тоймасин ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганингиз учун ёмонликни татиб юрманг. Сизга улкан азоб бўлмасин.

Аллоҳнинг аҳдини оз баҳога сотиб юборманг. Агар билсангиз, сиз учун албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқдир.

Сизнинг ҳузурингиздаги нарса тугайди. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса, бокийдир. Албатта, Биз сабр этганларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз».

Қавли ҳақ бўлган Зот яна айтур:

«Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбарга ва ўзингиздан

бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва охират қунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг. Ана шундай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир».

Қавли ҳақ бўлган Зот яна айтур:

«Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди. Менгагина ибодат қилурлар ва Менга ҳеч нарсани ширк келтирмаслар. Шундан кейин ҳам ким куфр келтирса, бас, ана ўшалар, ўзлари фосиқлардир».

Қавли ҳақ бўлган Зот яна айтур:

«Албатта, сенга байъат қилаётганлар фақат Аллоҳнинг Ўзига байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир. Ким (аҳдни) бузса, ўзига қарши бузади, холос. Ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, унга тезда улкан ажр берилур».

Аммо баъду: Албатта, Аллоҳ азза ва жалла сизлар учун қулоқ осишни, итоатни ва жамоатни лозим кўрди. У Зот сизларни маъсиятдан, тафриқадан ва ихтилофдан эҳтиёт бўлишга чақирди. У Зот сизларга сиздан олдингиларнинг хабарини ҳам берди. Буни агар сиз У Зотга осий бўлсангиз, зиддингизга хужжат бўлиши учун келтириди. Аллоҳ азза ва жалланинг насиҳатини қабул қилинг. У Зотнинг азобидан эҳтиёт бўлинг. Сиз қай бир умматнинг ҳалок бўлганини топсангиз, албатта, у ихтилоф қилганидан кейин ҳалок бўлган бўлади. Магар уни жамлайдиган боши бўлса, бундан мустасно. Қачонки сиз ўшандоқ қилсангиз намозни жамоат ила қилмассиз. Душманингиз сиздан устун бўлур. Сиз бир-бирингизнинг хурматини ҳалол санаарсиз. Ана ўшалар қилинганда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг дини

қоим бўлмас ва сизлар гурухбоз бўлурсиз.

Батаҳқиқ, Аллоҳ азза ва жалла Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Динларини тафриқа қилиб, ўзлари гурухбозлик қилганлар билан ҳеч бир алоқанг йўқ. Албатта, уларнинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола. Сўнгра қилган ишларининг хабарини берур», деган.

Албатта, мен сизларга Аллоҳ тавсия қилган нарсани тавсия қилурман. У Зотнинг азобидан сизларни огохлантиurmан.

Албатта, Шуъайб алайҳиссалом ўз қавмига:

«Эй қавмим, менга хилоф қилишингиз сизларни ё Нух қавмига, ё Ҳуд қавмига, ёки Солих қавмига етган мусибатга ўхшаш мусибат етишига олиб бормасин. Лут қавми сизлардан узоқ эмас.

Роббингизга истиғфор айтинг, сўнгра Унга тавба қилинг. Албатта, Роббим раҳмли ва шафқатли Зотдир», деди».

Аммо баъду: Гап тарқатиб юрганлардан баъзи қавмлар ўзларини Аллоҳ азза ва жалланинг Китобига ва ҳаққа чақираётган, дунё ва унинг учун низо қилишни хоҳламайдиган қилиб кўрсатдилар. Уларга ҳақ кўрсатилганида эса, одамлар бирдан турлича бўлдилар. Улардан баъзилари ҳақни оловчи ва токи уни олгунларича низо қилувчи бўлдилар. Улардан баъзилари ҳақни тарк қилувчи, бир иш учун уни инкор қилувчи ва уни ноҳақ тортиб олишни хоҳлайди.

Уларга менинг узун бўлиб кўринди. Амирликка бўлган орзулари чўзилиб кетган бўлиб кўринди. Бас, қадарни шоширдилар.

Улар сизга мен уларга берган нарсани олиб қайтганлари ҳақида ёздилар. Мен уларга аҳд қилган нарсалардан бирортасини қачон тарк қилганимни билмайман.

Улар ҳаддларни қоим қилишни талаб этганларини даъво қилишган эди. Мен уларга: «Ким ҳаддга лойик иш қилған бўлса, қоим қилинглар», дедим. «Уни сизга яқинданми, узоқданми зулм қилганларга қоим қилинглар», дедим.

Улар: «Аллоҳнинг Китоби тиловат қилинур», дедилар. Мен: «Аллоҳ Китобда нозил қилмаган нарса ила ғулувга бормай, тиловат қилган қиласерсин», дедим.

Улар: «Маҳрумга молдан ризқ берилур. Яхши суннатга одатланиши учун кўп берилур. Бешдан бирга ва садақага тажовуз қилинмас ва қувватли ҳамда кучлилар амир қилинур», дедилар. Мен буларга рози бўлдим. Уларнинг ҳаммасига сабр қилдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига ва оилаларига бордим. Улар билан гаплашдим. «Сизлар менга нима амр қиласизлар?» дедим. Улар: «Амр ибн Оссни ва Абдуллоҳ ибн Қайсни амир қил, Муовияни ўз ўрнида қолдир. Уни сендан олдинги амир ишга қўйган, у ўз ерини ислоҳ қилмоқда. Лашкари ундан рози бўлмоқда. Унга амр қил, ўз ерини ислоҳ қиласерсин» дедилар. Буларнинг ҳаммасини қилдим. Бундан кейин менга нисбатан тажовузкорлик қилинди ва ҳаққа тажовуз қилинди.

Сизларга ушбу мактубни ёзаётганимда ишни даъво қилган, қадарни шошилтирган сохибларим мени намоздан ман қилдилар. Улар мени масжиддан тўсдилар ва Мадинада ўzlари қодир бўлган нарсаларни таладилар.

Сизларга ушбу мактубни ёзаётганимда улар мендан уч нарсадан бирини ихтиёр қилишимни талаб қилмоқдалар. Ё мен бирор кишига тўғрими, хатоми жазо берган бўлсам, ўшаларнинг ҳар бири учун мендан ўч олишлари. Ё мен ишдан кетаману, улар мендан бошқани амир қиладилар. Ё ўzlарига итоат қиладиган лашкарларга ва Мадина аҳлига одам юборадилару, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло менга улар устидан берган қулоқ осиш ва итоат қилишдан воз

кечадилар.

Мен уларга айтдим. Аммо амирликдан воз кечишимга келсак, Аллоҳ азза ва жалланинг амалидан ва халифалигидан воз кечишимдан кўра мени кишанлашлари мен учун махбуброқ. Лашкарларга ва Мадина аҳлига одам юборадилару, менга итоат қилишдан воз кечиш ҳақидаги гапларига келсак, мен уларга вакил эмасман. Бундан олдин ҳам мен уларни кулоқ осиш ва итоат қилишга мажбур қилган эмасман. Лекин одамлар Аллоҳ азза ва жалланинг розилигини ва ораларидаги ислохни кўзлаб, итоат қилганлар. Сизлардан ким дунёни истаса, Аллоҳ азза ва жалла унга битганидан бошқасига зинҳор эриша олмас. Ким Аллоҳнинг Ўзини, охират диёрини, умматнинг яхшилигини, Аллоҳ азза ва жалланинг розилигини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам ва у зотдан кейинги икки халифа розияллоҳу анхумо тутган яхши суннатни истаса, албатта, Аллоҳнинг Ўзи мукофотини берур. Сизнинг мукофот ёки жазоингиз менинг қўлимда эмас. Агар мен сизга дунёнинг ҳаммасини берсам ҳам, динингизга баҳо бўла олмас ва сиз учун бирор нарсага арзимас.

Бас, Аллоҳга тақво қилинглар ва У Зотдан савоб умид қилинглар. Сиздан ким аҳдидан қайтишга рози бўлса, мен буни унга раво кўрмасман. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳам У Зотнинг аҳдини бузишингизга рози бўлмас.

Улар менга танлашни таклиф қилаётган нарсаларнинг барчаси қўпорувчилик ва эга чиқиши учун қилаётгандар. Мен ўзимни тутдим ҳамда Аллоҳнинг ҳукмига ва неъматнинг ўзгариши Аллоҳ субҳанаҳудан бўлишига назар солдим. Ёмон суннатни, умматнинг бўлинишини ва қон тўкилишини ёқтирамадим.

Мен сизларга Аллоҳ номи ила, Ислом ҳаққи ила мурожаат қиласман! Ҳақдан бошқани олманг! Уни менга ҳам беринг. Ёмонликни ўз аҳлига тарқ қилинг! Ўз

орамизда Аллоҳ азза ва жалла сизга амр қилганидек адолатни туting!

Мен сизларга Аллоҳ субҳанаҳу номи ила мурожаат қиласман. У Зот сизга адолатни ва Аллоҳ субҳанаҳунинг ишида ўзаро ёрдамни юклагандир. Қавли ҳақ бўлган Зот айтур:

«Аҳдга вафо қилинг! Албатта, аҳд сўраладиган бўлгандир».

Бу Роббингизга маъзиратдир. Шоядки, эсласангиз.

Аммо баъду: Албатта, мен ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс ёмонликка кўп амр қилувчиидир. Илло, кимни Аллоҳ раҳм қилса, албатта, Роббим ғафуру раҳимдир. Агар баъзи қавмларни иқобга олган бўлсанм, ундан фақат яхшиликни истаганман. Мен ҳар бир қилган нарсамдан Аллоҳга тавба қилурман. У Зотга истиғфор айтаман, У Зот бошқа гуноҳларни мағфират этмас. Роббимнинг раҳмати ҳамма нарсадан кенгдир. Аллоҳнинг раҳматидан золим қавмлардан ўзгалар ноумид бўлмас. У Зот йўз бандаларидан тавбани қабул қилур. У Зот ёмонликларни афв этур ва қилаётгандарингизни билиб турур. Мен Аллоҳ азза ва жалладан мени ҳам, сизни ҳам мағфират қилишини, ушбу умматнинг қалбларини яхшиликка улфат қилишини ва унга фисқни ёмон кўрсатишини сўрайман.

Вассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуху, эй мўмин мусулмонлар!»

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху бу дард ва алам ила ёзилган мактубни таврия (ёлғон арафа) куни мусулмонлар оммасига ўқиб бердилар.

Ўша пайтга оид ҳар бир иш, гап-сўз ва хужжатлар қатори ушбу мактуб ҳам тарихий хужжат сифатида синчиклаб ўрганилмоғи лозим. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху бу мактуб орқали фитна ҳақида мусулмонлар оммасига батафсил маълумот бермоқдалар.

У кишининг Аллоҳ таолога, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ва ўзларига исён қилиб, мусулмонларнинг бошларига балолар ёғилишига сабаб бўлаётган фитначилар ҳақида бирор оғиз қўпол сўз ишлатмаганликлари алоҳида эътиборга лойикдир.

Шу билан бирга, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу фитначиларнинг иши Қуръонга, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига ва шариатга мутлақо хилоф эканлигини равшан баён қилиб бермоқдалар.

Мактубда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Қуръон ва Суннатга, шариатга амал қилишни ўзларига шиор қилиб чиқкан фитначиларнинг бу муқаддас манбаларга мутлақо зид иш тутаётганликларини мусулмонлар оммасига ўзига хос услубда тушунтирумокдалар.

Шунингдек, бу мактубдан фитначиларнинг талаб қилган нарсалари ҳақ бўлгандиги учун ҳаракат қилмаганлари, талаблари муроса учун қондирилса ҳам, ўз нобакорлигига давом этаётганлари келиб чиқади. Бундан эса, уларнинг ҳақни талаб қилиб эмас, балки ўз ҳавои нафсларининг талабини қондириш учун фитна қўзғаганларини билиб оламиз.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг бу мактублари мусулмон умматини бирликка чақиравчи ўта таъсирчан бир ҳужжатдир. Бу ҳужжатдан ҳозирги кунимизда ҳам фойдаланишимиз, уни қайта-қайта ўрганишимиз лозим.

## ФОЖИА

Фитначилар борган сари ашаддийлашиб борар эдилар. Улар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу билан бирор кишининг учрашишини ҳам, гаплашишини ҳам ман қилиб қўйдилар. Бу бадбаҳтлар бир-бирларини «Ишни

тезроқ охирига етказиши керак», деб шоширап әдилар. Бошқа томонлардан халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ҳимояси учун лашкарлар йўлга чиққанлиги ҳақидаги хабар тарқалганидан кейин улар янаем типиричилаб қолишиди. Улар дарвозадан ичкарига бостириб киришга урина бошладилар. Дарвозани И мом Ҳасан, И мом Ҳусайн, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Зубайр бошлиқ ёш саҳобалар кўриқлаб турар әдилар. Ҳимоячиларнинг сони жуда ҳам оз эди, чунки ким ҳимояга келса, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу уни қайтариб юборар әдилар.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи «Табақотул Кубро» деб номланган китобларида келтиришларича, ўша куни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу эрталаб хотинлари Ноила розияллоҳу анҳога: «Анави қавм бугун мени ўлдирса керак, тушимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бақр ва Умарларни кўрибман. Улар: «Бугун бизнинг олдимизда ифтор қил», дейишмоқда», дедилар. Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу ўша куни рўза тутган әдилар.

Шовқин-сурон кучайганидан сўнг ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ўзларини ҳимоя қилаётганларнинг ҳаммасини хузурларига чақирилар. Уларнинг ҳаммасига ташаккур айтиб, силохларини ташлаб, ўз уйларига кетишларини сўрадилар. Улар кўнишмади. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу уларга: «Сизлардан Аллоҳнинг номи ила сўрайман, менинг сабабимдан қон тўкманглар», дедилар.

Ташқарида тўс-тўполон кучайди. Шунда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу тирқишдан қарадилар ва Мадина аҳли келиб, фитначиларни дарвозадан нари сураётганларини кўрдилар. У киши фитначиларга қараб: «Эй одамлар! Мени ўлдирманглар. Аллоҳга қасамки, мени ўлдирсангиз, мендан кейин ҳеч қачон бир-бирингизга

муҳаббат қила олмайсиз. Мендан кейин ҳеч қачон жам бўлиб намоз ўқий олмайсиз», дедилар. Кейин хужраларига кириб, икки ракъат намоз ўқидилар. Одатдагидек, мусҳафларини олиб, Куръон тиловат қилишга ўтдилар. Сокинлик ила оятларни тиловат қилиб, маъносини чақиб, ҳузур қила бошладилар.

Фитнабошилар жон-жаҳдлари билан типирчилашар, ўз гумашталарини гиж-гижлар эдилар. Улар қанча уринмасинлар, дарвозани ёриб ўта олмадилар. Шундан сўнг дарвозага ўт қўйиб юбордилар. Шунда баъзи фитначилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Куръон ўқиб ўтирган жойга ҳам кириб боришиди. Аммо у киши эътибор бермай, тиловатни давом эттиравердилар.

Ҳимоячилар ичкарига кирган фитначиларни қувиб чиқариб, ёниб кетган дарвоза ўрнига ҳеч кимни келтирмай, қаттиқ жанг қила бошладилар.

Фитначилардан баъзилари қўшни Бани Ҳазм ҳовлисининг деворидан ошиб тушиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг олдиларига киришиди ва: «Ўзинг истеъро берсанг, сени тарқ қиласиз», дедилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ўз жонларини фидо қилиб бўлса ҳам, Ислом жамиятининг ҳайбатини сақлаб қолишга қатъий қарор қилган эдилар. Шунинг учун бу таклифни яна рад қилдилар. Улар чиқдилар.

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу келиб, фитначиларга:

«Эй қавм! Аллоҳнинг қиличини ўзингизга қарши чиқарманг! Аллоҳга қасамки, агар уни чиқарсангиз, кейин қайтиб қинига сола олмайсиз! Бугун сизга бўлған султон дарра билан битади. Агар уни ўлдирсангиз, қиличиз битмай қолади. Шўрингиз қурисин, Мадинангиз фаришталар ила ўралган. Агар сиз уни ўлдирсангиз, улар шаҳарни тарқ қилурлар», деди. Фитначилар у кишини сўкишиди.

Бадбахтликни ўзига ўзи тилаб олганлардан баъзилари яна девор ошиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг устиларига бостириб киришди. У киши эътибор бермай, Қуръон ўқиб ўтиравердилар. Мухаммад ибн Абу Бакр у кишининг соқолларидан ушлаб тортиб, таҳдид қилди. Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху мулоиймлик билан:

«Эй биродаримнинг ўғли! Соқолимни қўйиб юбор! Отанг уни эҳтиром қиласар эди. Агар у сени ушбу маконингда қўрганида, сен қилаётган нарсадан хаё қиласар эди», дедилар.

Мухаммад ибн Абу Бакрга бу гаплар қаттиқ таъсир қилди. Унинг қўллари титраб, соқолни қўйиб юборди. Шиддат билан туриб, девор ошиб тушгандарни ташқарига ҳайдай бошлади. У ўз фикридан қайтиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуни химоя қила бошлади. Ўзлари шерик қилиб олган одамлардан бири бўлмиш Мухаммад ибн Абу Бакрнинг айниб қолиши фитнабошиларни талвасага солди. Улар режаларининг чатоқлашганини англаб, типирчилаб қолишди. Баъзилари яна девордан ошиб тушиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг устиларига бостириб киришди. Ўша пайтда у зот Аллоҳ таолонинг:

**«Уларга кишилар: «Албатта, одамлар сизга қарши куч тўпладилар, улардан қўрқинглар», деганда иймонлари зиёда бўлди ва: «Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил», дедилар»** оятини қироат қилиб ўтирас эдилар.

У киши уларга эътибор ҳам бермасдан, тиловат қиласердилар. Фитначилар ўзларининг жирканч жиноятларига қўл урганларида ҳам ҳеч қаршилик қилмай, Аллоҳнинг Китобини ўқийвердилар. Фақат хиёнат қиличининг бир зарбаси қўлларини кесганида: «Аллоҳга қасамки, бу қўл Қуръон оятларини биринчи бўлиб ёзган

қўл эди», дедилар, холос. Қон отилиб, мусҳаф саҳифаларига тушаётганини кўриб, дарҳол қўлларини ўзларига тортиб олдилар.

Имом Ибн Касир «Ал-Бидоя ван-Ниҳоя»да Ислом ва мусулмонларнинг бу улкан фожиаси қандай содир бўлганлигини қуидагича ёзадилар:

«Ал-Фофқий ибн Ҳарб у кишига ҳамла қилиб, темир ила (қилич) урди ва ўқиб ўтирган мусҳафларини тепиб юборди, у кишининг қонлари мусҳафнинг устига тўкилди. Савдон ибн Ҳамрон қиличини кўтариб, ҳамла қилиб келган эди, халифанинг хотини йўлини тўёси. У аёлнинг панжаларини кесиб юборди. Жиноятчилар Усмонни ўлдирғанларидан кейин бошини кесмоқчи бўлишган эди, қизлари ва хотинлари Ноила ва Уммул Банинлар тўёсиб қолишиди. Фитначилардан бири: «Биз учун унинг моли ҳам худди қони ҳалол бўлганидек ҳалолдир!» деб қичқирди. У кишининг уйларини таладилар. Кейин Байтул молга қараб юрдилар. Коровуллар билан жанг қилиб, уни ҳам таладилар. Бу иш жума куни, зулҳижжанинг ўн саккизинчисида, ўттиз бешинчи ҳижрий санада содир бўлди».

Шундай қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг шаҳид бўлишларига ишора қилиб айтган яна бир ҳадислари тасдиқланди.

2848 - عَنْ أَبْنِ عُمَرَ τ قَالَ: ذَكَرْ رَسُولُ اللَّهِ فِتْنَةً فَقَالَ:  
يُقْتَلُ فِيهَا هَذَا مَظْلُومًا . رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ .

2848. Ибн Умар розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитнани зикр қилдилар. (Усмонни кўрсатиб) Бас, унда мана бу шаҳид холида қатл қилинур», дедилар».

### *Термизий ривоят қилган.*

Мазкур фитначилар мисли кўрилмаган жиноятни содир этдилар. Улар сувни ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан ман қилганларида ҳазрати Али розияллоҳу анҳу айтганларидек, мусулмон ҳам, кофир ҳам қилмайдиган нобакорликни қилдилар. Уларнинг ҳамма кирдикорларини бир ёқقا қўйиб турайлик. Ушбу қилган жиноятларининг вақти, жойи ва қайси шахсга нисбатан қилинганилигига бир назар ташласак, бу жиноят бутун дунёда, барча замонларда содир этилган жиноятлардан ҳам ошиб тушганлигининг гувоҳи бўламиз.

Фитначилар ўзларининг мислсиз жиноятларини зулхижжа, яъни, муборак ҳаж ойида қилган эдилар. Аллоҳ таоло бу ойда бировни ўлдиришни ҳаром қилган. Бу ойда ҳатто ўтакетган ашаддий кофир, мушрик ҳам бировга озор беришни ўзига раво кўрмас эди. Фитначилар эса, Аллоҳнинг охирги динининг ҳукмини юритиб турган умматнинг бошлигини хиёнаткорона қатл этдилар.

Фитначилар ўзларининг мислсиз жиноятларини ҳарами Маданийда амалга оширдилар. Шариат ҳукми бўйича Мадинаи Мунавварадаги ҳарамда ҳатто бирор ҳашаротни ҳам ўлдириш мумкин эмас эди. Улар эса, ушбу ҳарамда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жаннатга берган башоратларига бир неча бор сазовор бўлган улуғ зотнинг қонини Аллоҳ таолонинг каломи устига тўқдилар.

Фитначилар ўзларининг мислсиз жиноятларини бутун мусулмон уммати энг яхшимиз, деб танлаб олиб, халифаликка сайлаган зотга нисбатан содир этдилар. Шариатнинг қатъий ҳукмига биноан, агар Ислом жамиятининг бошлиғи очиқ куфр келтирмаса, унга қарши чиқиш бағийлик ҳисобланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга боши майиздек қоп-қора ҳабаш амир этилса ҳам, унга итоат қилишларини амр қилган эдилар. Мана шуларнинг ўзи фитначиларнинг ушбу

жиноятлари қанчалик улкан эканлигини яққол күрсатади.

Жиноятчилар ўз жиноятларини содир этиб, ташқарига чиққанларида ҳам одамлар нима бўлганини билмас эдилар. Чунки ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуни қатл қилишлари мумкинлиги ҳеч кимнинг ақлига сифмас эди. Ҳар нарса бўлиши мумкин, лекин қатл қилишга журъат қилолмасалар керак, деган фикр ҳамманинг хаёлини эгаллаб олган эди. Чунки ҳатто кофирнинг ҳам қўлидан бундай иш келмаслигига ҳамма ишонар эди. Ҳатто энг ашаддий душман ҳам қирғин-барот урушларда асир олган жамият бошлигини ўлдирмаслиги одат бўлиб қолганлигини барча билар эди.

Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг аёллари ташқарига чиқиб, «Мўминларнинг амири қатл этилди!» деганида одамларнинг эси чиқиб кетди. Улар югуриб кирдилар ва у кишининг жонсиз ҳолатда ётганларини кўрдилар. Бу машъум хабар катта саҳобаларга, умуман, ҳаммага яшин тезлигига етди. Али, Толҳа, Зубайр, Саъд ва бошқа саҳобалар этиб келдилар. Ҳамманинг ҳуши бошидан учган эди. Улар келиб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг олдиларига кирдилар. Истиржоъ айтдилар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху икки ўғилларига: «Икковинг дарвозанинг олдида туриб, мўминларнинг амири кандоқ қатл этилди?!» деб бақирдилар. Имом Ҳасанга тарсаки туширдилар, Имом Ҳусайннинг кўксига урдилар. Муҳаммад ибн Толҳа ва Абдуллоҳ ибн Зубайрларни сўқдилар.

Ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг хотинларидан жиноятнинг тафсилотларини сўрадилар. У киши икки нотаниш одам кириб, жиноятни амалга оширганларини, Муҳаммад ибн Абу Бакр ҳам кирганини айтди. Муҳаммад ибн Абу Бакр ўзининг тавба қилганини айтди.

Фитначилар кўпчилик бўлганларидан, ҳовлиқиб, ўз

нобакорликларини давом эттирап эдилар. Улар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхуни жанозаларига ва дафнларига ҳам тўсқинлик қила бошладилар. Жаноза кечаси, шомдан кейин ўқилди. Намозга Жубайр ибн Мутъам розияллоху анху ўтдилар. Кечаси дафн бўлди.

## ХУЛОСА

Азиз китобхон, кўриб ўтганингиздек, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху давларининг аввалида тортишувлик бирор нарса бўлмаган бўлса ҳам, халифаликнинг охирига келиб, ишлар оғирлашиб кетган. У кишининг фожиали қатл этилишлари кўп ва узоқ тортишув ва келишмовчиликларга сабаб бўлган. Ҳатто ҳозиргача бу борада тарихчилар ва баъзи ёзувчилар ўртасида тортишувлар бор.

Камина ходимингиз сиз учун ушбу сатрларни тайёрлаш давомида ҳам ўша тортишувлар билан яна бир бор қисман танишиб чиқди. Албатта, ҳамма маълумотлар билан ошно бўлганлик даъвоси йўқ. Зотан, бу осон иш эмас. Аммо имкони бўлганича танишиб чиққандан сўнг кўнгилдан баъзи фикрлар ўтди. Ана шу фикрларнинг баъзиларини қисқача эслаб ўтишга ижозат бергайсиз.

Аввалги тарихчиларимиз бўлиб ўтган ҳодисаларни ривоят қилиб, маълумот тўплаш билан машғул бўлганлар. Улар ўз вазифаларини шундан иборат, деб билганлар.

Кейинги бир давр тарихчилари, ёзувчилари ва шу мавзуга оид баҳс олиб борган кишилар эса, ўзларининг ким эканликларига қараб, гапни ўзлари билганларича буришга ҳаракат қилганлар.

Фарбда таълим олган тарихчи ва ёзувчилар мазкур ҳодисаларни ғарб услубида талқин қилишга ўтганлар. Шарқда таълим олганлар эса, ўз устозларидан ўрганганд тарихни моддий таҳлил қилиш услубидан фойдаланганлар.

Ғарбда ёки шарқда таълим олмай, ўз шароитидан ташқарига чиқмаганлар ҳам бу мавзуга ўzlарича ёндашишга ҳаракат қилғанлар. Лекин ҳаммалари ҳам улар муолажа қилаётган мавзу бундан бир минг түрт юз йил илгари бўлиб ўтганини, у вақтнинг шароитлари, тушунчалари, кишиларининг ички ва ташқи дунёлари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар ҳозиргидан тамоман бошқача бўлганини мутлақо эътиборга олмаганлар.

Агар улар бу нарсаларни эътиборга олганларида, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху томонларидан йўл қўйилган «хато»ларни санамаган бўлардилар. Ўша вақтда жамиятнинг жиловини ўз қўлига олган «буржуазия» табакаси ҳақида ҳам, Абу Зарр Гифорий розияллоҳу анху бошлиқ сўлчилар ҳақида ҳам, «ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг манфаатларини ҳимоя қилган феодаллар» ҳақида ҳам сўз юритмас эдилар.

Шунингдек, бу мавзуда ёзган тарихчилар асосий аҳамиятни ўз касбига оид томонга қаратганлар, ёзувчилар воқеаларни бадиийлаштиришга ҳаракат қилғанлар ва ҳоказо.

Энг ажабланарлиси, уларнинг бир минг түрт юз йил илгари бўлиб ўтган ҳодисаларни бугуннинг тарозиси билан ўлчашларидир. Албатта, ҳозирги кунда ҳамма маълумотларни йиғиб олиб, қулай шароит ва юмшоқ курсида ўтириб олиб, «Ундоқ қилиш керак эди, бундоқ қилиш керак эди, фалончи ҳақ эди, пистончи ноҳақ эди», дейишдан осон иш йўқ. Аммо нима учун ўша вақтдаги шарт-шароит, кишиларининг тушунчаси, ички дунёси ва бошқа кўплаб ҳал қилувчи омиллар хисобга олинмайди!?

Айниқса, Ислом омилини алоҳида таъкидлаш лозим. Ислом омили деганда, бугунгига ўхшаб, «ота-бобоси мусулмон бўлган, демак, бу ҳам мусулмон» маъносидаги Ислом эмас, балки тўлиқ исломий ҳаёт кечираётган жамият ва шахсларга оид Ислом омили ҳақида сўз

кетмоқда.

Биргина мисол келтирайлик. Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг фитначиларга нисбатан муносабатлари. Фитначилар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуни қамал қилиб олиб, ҳаётларига таҳдид солиб турибдилар. У кишининг ихтиёrlарида бу масалани ечишнинг бир неча йўллари бор эди. Бу йўллар таклиф ҳам қилинди.

Биринчиси – мусулмонларга амр қилиб, фитначиларга ҳарбий зарба бериш. Бу жуда ҳам осон, бир оғиз сўз билан амалга ошириш мумкин бўлган иш эди.

Иккинчиси – Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анху таклиф қилганларидек, бошқа эшиқдан чиқиб, Маккага ёки Шомга жўнаб кетиш. Бу ҳам қийин иш эмас эди.

Учинчиси – истеъро бериш. Бу ҳам бир оғиз сўз билан бўладиган иш эди. Шунча йил хизмат қилган, ёши саксондан ошган одамнинг дам олишга ҳаққи бор эди.

Бундан бошқа яна қулай йўллар ҳам бўлиши мумкин эди. Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан бошқа ҳар қандай одам юқоридаги учта йўлдан бирини танлаши турган гап эди. Бунинг учун у маломат ҳам қилинmas эди. Аммо ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху уларнинг бирортасини ҳам танламай, ўзлари учун ягона тўғри йўлни танладилар. У киши шаҳид бўлишни устун кўрдилар. Бу ишни қилишга у кишининг ички дунёлари унади. У зот ўзлари Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ҳадисларига амал қилишлари керак эди. Ана шуни қилдилар. У кишининг қилганлари тўғри. Бу ҳодисаларга бошқача баҳо бериш эса, нотўғридир.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, бу фитна давомида ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху ва барча саҳобалар тўғри йўл тутдилар. Фитначилар мутлақо нотўғри йўл тутдилар. Уларнинг бирорта гаплари ёки ишлари тўғри эмас. Уларнинг баъзи фикрларига

қўшиладиган кишиларнинг ҳам, ким бўлишидан қатъи назар, ишлари тўғри эмас. Бошқа гапни қўпайтиришнинг ҳожати йўқ. Ўтган ишни ҳадеб нотўғри томондан кавлаш мусулмонларга фойда бермайди. Бунинг ўрнига уларни исломий назар ила ўрганиб, ибрат олишга харакат қилиш керак. Ўша пайтдаги фитначиларнинг набиралари бизнинг вақтимизда ҳам бор. Улар худди ўша биринчи фитначилар ишга солган услублардан фойдаланиб, ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун мусулмон оламига чексиз заарлар етказмоқдалар. Афсуски, мусулмонларнинг кўпчилиги фитнага қарши курашишнинг самарали услубини ҳамон топа олмаяптилар. Бизнингча, бунинг асосий сабаби, аввал ҳам айтиб ўтилганидек, ўз тарихимизни кераклича ўрганмаганимиз, бу тарихдан керакли хулосалар чиқармаганимиздадир. Мана шу омилларнинг барчаси бизга ўз тарихимизни ўрганиш, уни мусулмонлар оммасига етказиш ва ёш авлодни тарбиялашда ҳам ундан фойдаланиш вазифасини юклайди. Бу нарсаларга алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Бу ишларда ҳаммамизга Аллоҳ таолонинг Ўзи ёр бўлсин! Омин!

## مناقب علی بن ابی طالب τ

### АЛИ ИБН АБУ ТОЛИБ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

#### МУҚАДДИМА

Аллоҳ таолога У Зотнинг Ўзига муносиб ҳамду санолар бўлсин!

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг саловоту дурудлари бўлсин!

У зотнинг оли байтларига, саҳобаи киромларига ва уларга яхшиликда тобе бўлғанларга, барчаларига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин!

Азиз китобхон! Келажак сатрларда чорёларнинг тўртинчилари ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг фазилатлари ва шону шарафларга тўла ҳаётларини Аллоҳ таолонинг ёрдами ила қўлимиздан келганича ўрганишга ҳаракат қиласми. Бу ўрганишимиз, иншааллоҳ, одатдагидек илмий асосда бўлади. Аввало ўзимиз шарҳ қилаётган «ат-тожул Жомеъ» китобида келтирилган сара ҳадиси шарифларга суюнамиз. Аммо бу китобда келган ҳадислар бошқа мавзуулардаги каби бу ерда ҳам фақат намуна эканлиги учун бошқа мўътабар ҳадис китобларимизга ҳам қайта-қайта мурожаат қиласми. Сўнгра сийрат китобларимизга қараймиз. Ундан кейин бошқа даврлар билан бир қаторда саҳобаи киромлар даврини ҳам илмий асосда ўрганган тарих китобларига, таржимаи ҳол китобларига ва бошқа ишончли манбаларга юзланамиз. Бу мақсад йўлида Аллоҳ таолодан ёрдам сўраган ҳолда, ишончли маълумотлар берадиган, ўзимиз учун мұяссар бўлган бошқа масдарлардан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қиласми.

Халқимиз ичида ҳазрати Али ҳақида ишончли маълумотлар кам бўлса ҳам, турли узук-юлуқ афсоналар кенг тарқалган. Бунга турли сабаблар омил бўлган. Бизнингча, халқ оғзаки ижодидаги афсоналар, баъзи туркий китоблардаги дийдиёлар ва улардаги маъноларни масхара қилиш учун дахрий адабиётдан келтирилган кўчирмалар ана шу омиллардан бўлса керак.

Киблигоҳимиз: «Баъзи туркий китобларда ноилмий нарсалар ёзилган, бир ўқиган одамни ҳам адаштириши мумкин, устозларимиз уларни ўқимасликни маслаҳат берганлар», деб, камина ходимингизга уларни ўқишга рухсат бермаганлар. Бундай китобларда: «Ҳазрати Али

ҳалиги коғирни гурзи билан бир урган эканлар, белигача ерга кириб кетибди» каби гаплар борлиги маълум.

Шунинг учун сиз муҳтарамларга ушбу китобда бунга ўхшаш маълумотлар бўлмаслигини, фақат улуғ имомларимиз кўрган-билган, ишончли кишилардан илмий йўллар билан қилган ривоятлар бўлишини олдиндан айтиб қўймоқчимиз.

Тўртинчирошид халифа ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг фазилатлари ва ҳаётларини ўрганар эканмиз, Мухаммад алайхиссалом дорилфунунларининг пешқадам талабаларидан ўзига хос ва айрича хислатларга эга бўлган бир шахснинг Ислом таълимотларини ўзига қандоқ сингдирганлигини, Аллоҳ таолонинг оятлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга туша бошлаган пайтда ёш бола бўлган кишининг қандоқ қилиб тирик Куръонга айланганлигини ўрганамиз.

Тўртинчирошид халифа ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг фазилатлари ва ҳаётларини ўрганар эканмиз, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва аввалги учрошид халифаларнинг ёнларида туриб, Ислом тарғиботи машаққатларини улар билан елкама-елка кўтарган шахснинг улар ўтиб кетганларидан кейин Ислом уммати ҳаётидаги энг оғир дамларни жамият бошида туриб, қандоқ ўтказганликларини ўрганамиз.

Аввалги одатимиз бўйича, у кишининг ҳаётий йўлларини бир бошдан ўрганамиз, иншааллоҳ. Баъзи жойларда, керак деб ҳисобланганда, сиз муҳтарамлар ўзингиз ҳам қаҳрамонимизнинг гап-сўzlари ва қилган ишлари ҳакида фикр юритишингизга имкон бериш мақсадида изоҳ ва шарҳни сизнинг ихтиёргизда қолдирамиз.

Аллоҳ таоло бу уринишларимизни фойдали қилсин. Ўргангандаримиздан манфаат олишимизни насиб этсин. Бу ишни фақат Ўзининг розилиги учун бўладиган солиҳ

амаллар қаторига қүшсин.

2849 - عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمَ تَأَنَّهُ كَانَ يَقُولُ: أَوَّلُ مَنْ أَسْلَمَ  
عَلَيْهِ قَالَ عَمْرُو بْنُ مُرَّةَ: فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِإِبْرَاهِيمَ النَّخْعَنِيِّ فَقَالَ: أَوَّلُ  
مَنْ أَسْلَمَ أَبُو بَكْرٍ الصَّدِيقُ. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ.

2849. Зайд ибн Арқам розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«У киши: «Биринчи мусулмон бўлган Алидир», деб юради. Амр ибн Мурра айтади: «Мен буни Иброҳим ан-Наҳаъийга айтдим. У инкор қилди ва «Биринчи мусулмон бўлган Абу Бакр Сиддикдир», деди».

Термизий ривоят қилган.

**Шарҳ:** Ривоятлар турлича келганлиги учун, уламолар ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху аввал мусулмон бўлганларми ёки Абу Бакр Сиддик розияллоху анхуми, деган масалада бир оз фикр юритганлар. Сўнгра эр кишилар орасидан биринчи бўлиб Абу Бакр Сиддик розияллоху анху мусулмон бўлган, ёш болалар ичидан эса ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху, деган гапга иттифоқ қилганлар. Агар кимнинг аввалроқ мусулмон бўлганлиги ҳақида гап кетадиган бўлса, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху биринчи бўлганликларига шубҳа йўқ. Нима учунлигини, иншааллоҳ, вақти келганда ўрганамиз.

Мана шу ривоятнинг ўзи ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг фазилатлари қанчалик улуғ эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Биринчи мусулмон, бунинг устига, ёш болалардан биринчи мусулмон бўлиш энг улкан фазл бўлмай, яна нима ҳам фазл бўлар эди?

2850 - عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمَ قَالَ: مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَعَلَيْهِ مَوْلَاهٌ. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ.

2850. Зайд ибн Арқам розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам:  
«Мен кимнинг мавлоси бўлсам, Али ҳам унинг  
мавлосидир», дедилар».**

Термизий ривоят қилган.

**Шарҳ:** «Мавло» сўзини араблар бир неча маъноларда ишлатадилар. Жумладан, қулни озод қилган киши унинг мавлоси бўлади. Шунингдек, озод бўлган қулларни эъзозлаш мақсадида шу маъно аксинча ҳам ишлатилади, яъни, озод бўлган қул уни озод қилган шахснинг мавлоси ҳам дейилади. Албатта, ушбу ривоятда бу маъно мутлақо кўзда тутилмаган.

«Мавло» сўзининг маъноларидан яна бири – «ҳомий», «қўллаб-кувватловчи», «нусрат бериб турувчи», «раҳбар шахс» маъносидир. Ушбу ривоятдаги «мавло» айнан шу маънони акс эттиради.

Ушбу ҳадиси шарифнинг Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам томонларидан айтилишига саҳобаи киромларнинг ҳаётида бўлиб ўтган бир ҳодиса сабаб бўлган экан. Усома ибн Зайд розияллоху анху Али ибн Абу Толиб розияллоху анху билан гаплашиш давомида у кишига: «Сен менинг мавлоим эмассан, менинг мавлоим Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам», деган эканлар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам бу гапни эшитганларидан кейин ушбу ҳадиси шарифни айтган эканлар. Бу гап мусулмонлар ичida ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг мартабалари қанчалик улуғ эканлигини, у кишининг Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларидағи обрў-эътиборлари қанчалик

юқори эканлигини равшан күрсатмоқда. Бинобарин, бундан сиз билан біз ҳам кимнинг фазилатлари ва хаёттый йўлларини ўрганаётганимизни яна ҳам чуқурроқ ҳис этмоғимиз лозим.

2851 - عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ تَأَنَّ النَّبِيُّ رَأَى لِعْلَى بْنِ أَبِي طَالِبٍ: أَنْتَ مِنِّي وَأَنَا مِنْكَ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2851. Баро ибн Озиб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толибга:**

**«Сен мендансан ва мен сенданман», дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари биздаги баъзи кишиларнинг ўзларига энг яқин бўлган кишиларга: «Икковимиз бир одаммиз», дейишларига ўхшашибдирип. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гапни ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга ана шунга ўхшащ яқинликни билдириш лозим бўлган мақомда айтганлар. Уламоларимиз эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг бу ҳадиси шарифда зикр қилинган бирликларига нубувват ишлари кирмайди, деганлар. Аммо бошқа ишлардаги бирликлари айнан мана шу ҳадиси шариф ила событ бўлади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа ҳеч кимга айтмаган бу гаплари у зотнинг ҳузурларида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг мақомлари қанчалик юқори эканлигини кўрсатади. Бу эса, хар қанча мақтаса, арзийдиган фазлдир.

- 2852 - عَنْ أُمّ سَلَمَةَ قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: لَا يُحِبُّ عَلَيْاً مُنَافِقٌ وَلَا يَبْعَضُهُ مُؤْمِنٌ. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ.

2852. Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Алини мунофиқ яхши кўрмайди. Уни мўмин ёмон кўрмайди», дер эдилар».

Термизий ривоят қилган.

**Шарҳ:** Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадиси шарифлари, мунофиқликнинг аломатларидан бири Алини яхши кўрмасликдир, мўминликнинг аломатларидан бири эса, Алини ёмон кўрмасликдир, деган маънони англатади, десак, заррача муболаға қилмаган бўламиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир мўмин бошқа мўминларни дўст тутмоғи, яхши кўрмоғи оддий ҳақиқатдир. Бу ҳақиқат дин талаби, иймон талаби, виждон талабидир. Айниқса, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхудек мусулмон умматининг улуғларини яхши кўрмоқлик ҳар бир мўмин учун матлуб нарсадир. Агар бирор ўзининг мўминлигини даъво қиласаю, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхудек улуғ зотни яхши кўрмаса, унинг мўминлиги сохта бўлади, у мунофиқлик илиа Исломни даъво қилаётган бўлади.

- 2853 - عَنْ بُرَيْدَةَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ أَمْرَنِي بِحُبِّ أَرْبَعَةٍ وَأَخْبَرَنِي أَنَّهُ يُحِبُّهُمْ قَيْلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ سَمِّكُهُمْ لَنَا قَالَ: عَلَيَّ مِنْهُمْ فَاهُمْ ثَلَاثَةٌ وَأَبُو ذَرٍّ وَالْمُقْدَادُ بْنُ الْأَسْوَدِ وَسَلْمَانُ أَمْرَنِي بِحُبِّهِمْ وَأَخْبَرَنِي أَنَّهُ يُحِبُّهُمْ. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ.

2853. Бурайда розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ мени тўрт кишига муҳаббат қилишга амр этди ва У Зот Ўзи уларга муҳаббат қилишининг хабарини берди», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга уларнинг исмларини айтиб беринг», дейилди.

«Али улардан биридир», деб уч марта айтдилар. Кейин Абу Зарр, Микдод ибн ал-Асвад ва Салмон. У Зот менга уларга муҳаббат қилишни амр қилди ва, албатта, Ўзи ҳам уларга муҳаббат қилиши хабарини берди», дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Аллоҳ таоло Ўзининг энг афзал ва энг охирги пайғамбарига: «Мен фалончини яхши кўраман. Эй пайғамбарим, сен ҳам уни яхши кўргин», демоғи улкан ишдир. Ушбу ҳадиси шарифда номлари зикр қилинган саҳобаи киромлар ана шундоқ улкан мақомга етишган зотлар экан. Уларнинг ичиди ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу алоҳида ажралиб турар эканлар. Чунки у кишининг муборак исмлари биринчи бўлиб ва уч марта қайта-қайта зикр қилинмоқда.

Бу ҳадиси шарифдан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳунинг фақат Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларида эмас, балки Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳам алоҳида эътиборга сазовор зотлардан эканлиги келиб чиқади. Ушбу нарса улкан фазл бўлмай, нима ҳам фазл бўлиши мумкин?

2854 - عَنْ حَبِشِيٰ بْنِ جُنَادَةَ ‏τ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: عَلَيْ مِنِي

وَأَنَا مِنْ عَلَيْ وَلَا يُؤَدِّي عَيْ إِلَّا أَنَا أَوْ عَلَيْ. رَوَاهُ التَّرْمذِيُّ.

2854. Ҳабаший ибн Жунада розияллоҳу анхұдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Али мендандир. Мен Алиданмирман. Мен адо этишим лозим бўлган нарсаларни фақат ўзим ёки Алигина адо этади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифни ҳам аввалги ҳадиси шарифлардан биридаги маъноларга ўхшатиб, «Икковимиз бир одаммиз» маъносини англатади, дейишимиз мумкин. Шу билан бирга, бу ҳадиси шарифда ўша бирлик нимада эканлиги ҳам баён қилинмоқа.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Мен адо этишим лозим бўлган нарсаларни фақат ўзим ёки Алигина адо этади» деган гапларидан ана шу маъно келиб чиқади. Арабларнинг одатларига кўра, бирор сулҳ, аҳднома ёки олди-берди шартномаси тузилса, уни қавмнинг бошлиғи ёки унинг энг яқин кишиси адо этар эди. Бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бошлиқлик ишлари бўйича адо этилиши лозим бўлган ишларни адо этадиган шахс ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху эканликларини баён этмоқдалар.

Албатта, бу мақом ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг мусулмон уммати тарихида ва бутун инсоният тарихида энг нодир ва сара шахслардан эканликларини кўрсатади.

- 2855 -

عَنْ عَلَيٌّ تَقَالَ: كُنْتُ إِذَا سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ  
وَإِذَا سَكَتْتُ ابْتَدَأْتُ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2855. Али розияллоҳу анхұдан ривоят қилинади:

«Қачон Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир

**нарса сўрасам, берар эдилар. Агар сукут қилсам, ўзлари берар эдилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифдан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху ўзларини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эслатсалар ҳам, эслатмасалар ҳам доимо у зотнинг ёдларида туришлари аён бўлади. Бу ҳам, албатта, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларидаги олий мақомларига далолат қиласди. Ўз навбатида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг улуғ фазл соҳиби бўлган зот эканликларига яна бир бор иймонимиз комил бўлади.

2856 - عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: كَانَ عِنْدَ النَّبِيِّ طَيْرٌ فَقَالَ:  
اللَّهُمَّ اشْنِي بِأَحَبِّ حَلْقِكَ إِلَيَّكَ يَا كُلَّ مَعِي هَذَا الطَّيْرُ فَجَاءَ عَلَيْهِ  
فَأَكَلَ مَعَهُ . رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ .

*2856. Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида бир қуш бор эди. Бас, у зот:**

**«Эй Аллоҳим, ҳузуримга халқингнинг ичидан Ўзингга энг маҳбубини келтиргин, мен билан ушбу қушни есин», дедилар. Али келиб, у зот билан еди».**

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифдан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху Аллоҳ таолонинг энг маҳбуб бандаларидан эканликлари келиб чиқади. Албатта, банда учун бундан ортиқ фазл бўлиши мумкин ҳам эмас.

2857 - عَنْ عَلَيِّ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: أَنَا دَارُ الْحِكْمَةِ وَعَلَيْيِ  
الْحِكْمَةِ وَعَلَيَّ الْحِكْمَةُ .

بَابُهَا. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَالطَّبَرَانيُّ وَالْحَاكِمُ.

2857. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
«Мен ҳикмат ҳовлисиман, Али унинг эшигидир»,  
дедилар».

Термизий, Тобароний ва Ҳоким ривоят қилишиган.

**Шарҳ:** Худди шу ривоятнинг Имом ибн Абдул Барр келтирган лафзида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен илмнинг ҳовлисиман, Али унинг эшигидир. Ким илмни истаса, унинг эшигидан келсин», деганлар.

Бу ҳам фақат ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг ўзларига хос фазилат бўлиб, унда у кишига бошқалар шерик бўла олмаганлар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу мусулмон уммати ичиди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги энг илмли киши эдилар. Ечилиши қийин бўлган масалаларни ўша киши ечар эдилар. Бу ўта машҳур бўлганлигидан, кенг тарқалган масалга айланиб кетган. Арабларда ҳозиргача бирор масала ечилмай қолса, «Бу бир масалаки, уни ечгани Абул Ҳасан йўқ», деган гап айтилади. Абул Ҳасан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг кунялариридир.

Энди юқорида ўрганиб чиққан ҳадиси шарифларимизни бир тааммул қилиб кўрайлик.

Уларнинг биринчисида улуғ саҳобийлардан бири бўлган Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳу: **«Биrinчи мусулмон бўлган Алидир»**, демоқдалар.

Ажабо, бундек баҳтга сазовор бўлган зот ким ўзи?

Ҳадиси шарифларнинг иккинчисида ҳаводан гапирмаслик ва фақат Аллоҳ таоло томонидан ўзларига нозил қилинган ваҳийни нутқ қилиш сифатига эга бўлган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен**

**кимнинг мавлоси бўлсам, Али ҳам унинг мавлосидир», демоқдалар.**

Уларнинг учинчисида ҳаводан гапирмаслик ва фақат Аллоҳ таоло томонидан ўзларига нозил қилинган ваҳийни нутқ қилиш сифатига эга бўлган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Али ибн Абу Толибга:**

**«Сен мендансан ва мен сенданман», дедилар».**

Ажабо, бундек бахтга сазовор бўлган зот ким ўзи!?

Уларнинг тўртинчисида ҳаводан гапирмаслик ва фақат Аллоҳ таоло томонидан ўзларига нозил қилинган ваҳийни нутқ қилиш сифатига эга бўлган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Алини мунофиқ яхши кўрмайди. Уни мўмин ёмон кўрмайди», дедилар.**

Ажабо, бундек бахтга сазовор бўлган зот ким ўзи!?

Уларнинг бешинчисида ҳаводан гапирмаслик ва фақат Аллоҳ таоло томонидан ўзларига нозил қилинган ваҳийни нутқ қилиш сифатига эга бўлган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Албатта, Аллоҳ мени тўрт кишига мухабbat қилишга амр этди ва У Зот Ўзи уларга мухабbat қилишининг хабарини берди», дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, бизга уларнинг исмларини айтиб беринг», дейилди.**

**«Али улардан биридир», деб уч марта айтдилар.**

Ажабо, бундек бахтга сазовор бўлган зот ким ўзи!?

Ҳадиси шарифларнинг олтинчисида ҳаводан гапирмаслик ва фақат Аллоҳ таоло томонидан ўзларига нозил қилинган ваҳийни нутқ қилиш сифатига эга бўлган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Али мендандир. Мен Алидандирман. Мен адo этишим лозим бўлган нарсаларни фақат ўзим ёки Алигина адo этади», дедилар».**

Ажабо, бундоқ баҳтга сазовор бўлган зот ким ўзи!?  
Уларнинг еттинчисида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ўзлари:

**«Қачон Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир нарса сўрасам, берар эдилар. Агар сукут қилсам, ўзлари берар эдилар» дедилар.**

Ажабо, бундоқ баҳтга сазовор бўлган зот ким ўзи!?

Ҳадиси шарифларнинг саккизинчисида ҳаводан гапирмаслик ва фақат Аллоҳ таоло томонидан ўзларига нозил қилинган вахийни нутқ қилиш сифатига эга бўлган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Эй Аллоҳим, ҳузуримга ҳалқингнинг ичидан Ўзингга энг маҳбубини келтиргин, мен билан ушбу қушни есин», дедилар. Али келиб, у зот билан еди».**

Ажабо, бундоқ баҳтга сазовор бўлган зот ким ўзи!?

Уларнинг тўққизинчисида ҳаводан гапирмаслик ва фақат Аллоҳ таоло томонидан ўзларига нозил қилинган вахийни нутқ қилиш сифатига эга бўлган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Мен ҳикмат ҳовлисиман, Али унинг эшигидир», дедилар».**

Ажабо, бундоқ баҳтга сазовор бўлган зот ким ўзи!?

Бу саволларимизга жавоб топишимиз учун бунчалик олиймақом набавий васфлар насиб этган зотнинг ҳаётий йўлларини диққат билан, рағбат билан ва ихлос билан ўрганмоғимиз лозим.

## **НАСАБЛАРИ ВА ҲАЁТЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ**

Жоҳилият даври. Арабларнинг фахри бўлган Макка шаҳрида ҳар ким ўз иши билан овора. Араб қабилаларининг етакчиси хисобланган Курайш қабиласининг бошлиғи Абу Толиб ибн

Абдулмуттолибнинг уйида одатдагидан бошқачароқ ҳолат ҳукм сурмоқда. У кишининг болалари Толиб, Ақийл, Жаъфар, қизлари Фохита ва Жумоналар ҳам ниманидир ҳаяжон билан кутаётганга ўхшайдилар. Хонадон бекаси Фотима бинти Асад эса ичкарида. Доя хотин бошлиқ бир неча аёллар унинг атрофида куймаланишмоқда. Ташқарида нафасларини ичига ютиб турғанларга чақалоқнинг йиғиси эшитилади. Улар юзларидаги мамнунлик ва шукронада аломати илинг бир-бирларига қараб қўйишади. Бир оз ўтиб, хонадон бошлиғига яна бир ўғил кўрганлиги ҳакида хабар берабер, ундан суюнчи олинади. У шукрлар қилиб, янги меҳмонга Али деган исмни ихтиёр қиласади.

Биз фазилатлари ва муборак ҳаётин йўлларини ўрганмоқчи бўлиб турған, бу ишда Аллоҳ таолонинг Ўзидан мадад ва муваффакият сўраётган қаҳрамонимиз худди ана шу хонадонда таваллуд топган Али ибн Абу Толиб исмли зотдирлар.

Насаб илми уламолари у кишининг тўлиқ насабларини қўйидагича келтирадилар: Али ибн Абу Толиб (унинг исми Абду Маноғ) ибн Абдулмуттолиб (унинг исми Шайба) ибн Ҳошим (унинг исми Амр) ибн Абду Маноғ (унинг исми Муғийра) ибн Қусой (унинг исми Зайд) ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луъай ибн Фолиб ибн Фехр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона.

У кишининг оналари Фотима бинти Асад ибн Ҳишом ибн Абдуманоғ.

Юқоридаги ҳодиса содир бўлган санада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўттиз ёшда эдилар.

Али Қурайш қабиласи раҳбари ўғли эди, у ўзига хос шароитда ўсди. У ўз отасининг йўлбошчилик ишлари ичидаги улғайиб борар эди. Алиниңг отаси катта ўғли Толибнинг исми илинг Абу Толиб кунясини олган Абдуманоғ ибн Абдулмуттолиб ҳам худди шундай муҳитда ўсган эди. Чунки унинг отаси Абдулмуттолиб ҳам

Қурайшнинг шайхи, яъни, йўлбошчиси бўлган эди.

Абу Толиб Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оталари Абдуллоҳнинг туғишган акаси эди. Абу Толиб Қурайшга мол-мулки билан эмас, ақл-заковати билан раҳбар бўлган эди. У Қурайшдек катта ва обрўли қабиланинг йўлбошчиси бўлса ҳам, ўзи камбағал яшар эди.

Абу Толибнинг камбағаллиги Маккада қаҳатчилик бошланганида яна ҳам билиниб қолди. У болаларини боқиша, оила тебратишда машаққатга учради. Шунда унинг қариндошлари ёрдамга келдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа амакиларининг олдиларига бориб, Абу Толибнинг иқтисодий етишмовчилигини тушунтирилар ва унинг болаларидан баъзиларини бўлиб олиб, боқиши таклиф қилдилар.

Ақийлни Абу Толибнинг ўзига қолдирдилар. Жаъфарни Аббос, Алини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олдилар.

Шундоқ қилиб, Али ўз амакиваччаси, бўлажак охирги пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг завжалари Хадижа бинти Хувайдиднинг қарамоғларида ҳаёт кечира бошлади. Ўша вақтда Али эндинигина олти ёшга етган эди.

Табиийки, ёш болага ўзи яшаётган оиладаги катта кишиларнинг тарбияси ва шахсий хислатлари тез таъсир кўрсатади. Бу масалада Аллоҳ таоло Али ибн Абу Толибга катта баҳт ато этган эди. У кишига Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилаларида улғайиш насиб этди.

Аллоҳ таоло ер юзини Ислом нури ила мунаvvар қилишни ирова қилиб, Ҳиро горида таҳаннус ибодати қилиб ўтирган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Куръони Каримнинг биринчи оятларини нозил қилиб, у зотни Пайғамбар қилиб танлаб олганда Али ўн ёшли бола эди. Инсоният тарихида энг улкан ўзгариш ясаган бу

ҳодисадан биринчилардан бўлиб хабар топган ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху бўлдилар.

Бу ҳақда Ибн Исҳоқ раҳматуллоҳи алайҳи «ас-Сийра» китобларида қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Али ибн Абу Толиб келса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Хадижа розияллоҳу анҳо намоз ўқиётган эканлар.

«Эй Мұхаммад, бу нима?» деди Али.

«Аллоҳнинг Ўзига танлаб олган ва у ила Расулларини юборган динидир. Сени Ўзи ёлғиз бўлган ва шериги йўқ бўлган Аллоҳга, Унинг ибодатига ва Лот ҳамда Уззога куфр келтиришингга чақираман», дедилар у зот.

«Бу мен бугундан аввал эшиитмаган бир иш. Абу Толибга айтмай туриб, бир ишни қилмайман», деди Али.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ишлари эълон қилиш даражасига етмай туриб, сир ошкор бўлишини хоҳламадилар ва унга:

«Эй Али, агар Исломга кирмасанг, сир сақла», дедилар.

Али ўша кечани ўтказди. Сўнгра Аллоҳ унинг қалбига Исломни солди. Эрта тонгда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурига борди ва:

«Менга нима арз қилдинг, эй Мұхаммад?» деди.

«Аллоҳдан ўзга илоҳи маъбуд йўқлигига, Унинг Ўзи ёлғизлигига, Унинг шериги йўқлигига шаҳодат келтиришингни, Лот ва Уззога куфр келтиришингни ва бутлардан воз кечишишингни», дедилар.

Али ўшаларни бажо келтириб, мусулмон бўлди. Шу билан бирга, Абу Толибдан қўрқиб юрди. Али ўзининг мусулмон бўлганини беркитди, ошкор қилмади».

Ўша кундан бошлаб, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху инсониятни зулматдан нурга чиқариш учун Аллоҳ таолонинг амри ила ёлғиз ўзлари кураш бошлаган, ёnlарига турмуш йўлдошлари Хадижа онамизни қўшган Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу эзгу

ишларига учинчи киши бўлиб қўшилдилар. У киши ўша кундан бошлаб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таоло томонидан юборилаётган ояти карималарни биринчилардан бўлиб эшитадиган, ўқиб-уқадиган ва амал қиласидиган кишига айландилар. У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ажрамас, у кишининг барча ишларида бирга бўлар эдилар. Улар Исломга оид барча нарсаларни ҳеч кимга билдирамай, сир сақлар эдилар. Намозни ҳам беркиниб ўқир эдилар. Бу ишларга фақатгина янги мусулмон бўлганлар шерик бўлишни бошлар эдилар.

Исломнинг дастлабки кунларидан бирида Қурайшнинг раҳнамоси Абу Толиб ўз ўғли Алининг Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга беркиниб намоз ўқиётганини кўриб қолди. Бу ота учун янгилик эди. У ҳозиргача ўз ўғли, кичкина Алининг Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашганидан бехабар эди. Отасидан иймонини ва ибодатини беркитиб юрган Али ўзининг намоз ўқиётганини отаси кўриб қолганидан афсусланмади. У намозни тугатиши билан, дарҳол отасининг олдига шошилди. Али бориб, отасига:

«Эй отажон, мен Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирдим. У киши келтирган нарсани тасдиқладим ва у зотга эргашдим», деди.

«У сени фақат яхшиликка чакиради. Ундан ажрама», деди Абу Толиб ўз ўғлига.

Аллоҳ таолонинг Ўзига маълум бўлган ҳикматга кўра, Абу Толиб Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмади. Аммо у кишини ҳимоя қилишда барча машаққатларни ўз зиммасига олди. Қурайш мушриклари томонидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши қилинган барча хужумларни худди ана шу Абу Толиб қайтарар эди. Унинг мусулмон ўғли Али эса, ана шу алғов-далғов ҳодисаларнинг барчасидан хабардор бўлиб, ўсиб борар эди.

Ислом динининг дастлабки соатларида ёк унинг мухлислидан бирига айланган Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ёшликларидан бошлаб, қуръоний тарбия оғушида ўса бошладилар. У киши бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзи ўрганиб қолган жоҳилий одатлардан кутулиш учун ҳаракат қилиш машаққатидан озод эдилар. У киши ўзларининг соф зеҳнлари ила Куръони Карим оятларини ёд олар ва бир йўла соф қалбларига қуръоний таълимотларни жо қиласр эдилар.

Аста-секин мусулмонларнинг сони кўпайиб борди. Ёш Али янги мусулмонларнинг ҳаммасини ва уларнинг Исломга келишларини хурсандлик ила қаршилар эди.

Оз сонли мусулмонлар Сафо яқинидаги Дорул Арқамга маҳфий равища тўпланиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан Куръон ўргангандарида, у зот билан бирга намоз ўқиганларида ва Ислом таълимотларини ўргангандарида ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ҳозири нозир эдилар.

Шу тарзда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу пишиқ-пухта мусулмон бўлиб етишиб бордилар. У кишининг бу хислатлари Аллоҳ таоло томонидан берилган бошқа хислатларга қўшилиб, кези келганда оламшумул ишларни амалга оширишда жуда ҳам қўл келди.

## ҲИЖРАТ

Ана шундай ишларнинг дастлабкиси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратлари асносида Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг тутган мислсиз ўринлари эди.

Бу ҳақда имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Қурайш бир кечада Маккада машварат қилди. Кимдир эрталаб: «Мұхаммадни ушлаб, боғлаб қўйинглар», деди.

Бошқалари эса: «Йўқ, уни ўлдириш керак», дейишиди. Баъзилари: «Маккадан чиқариб юборинглар», деди.

(Охири улар ҳар қабиладан биттадан кучли ва чапдаст йигитни танлаб олиб, бир гурӯҳ тузиш ва у гурӯҳ кечаси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ётган жойларига бостириб кириб, ҳаммалари бирданига қилич солишга келишдилар. Шундай қилинганда Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қонлари барча қабилаларга тенг тарқаб, у кишининг қариндошлари ҳеч кимдан ўч ола билмасликлари кўзда тутилган эди.)

Аллоҳ таоло буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга билдири. Ҳазрати Али Расулуллоҳнинг тўшакларига кириб ётди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, Маккадан чиқиб, форгача етиб олдилар. Мушриклар Али розияллоҳу анхуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деб ўйлаб, кечаси билан пойлаб чиқдилар. Эрталаб ёпирилиб кириб, Алини кўрганларида Аллоҳ уларнинг мақрларини ўзларига қайтарди. Улар:

«Оғайнинг қани?» деб сўрадилар. Али:

«Билмайман», деди.

Улар Расулуллоҳнинг изларидан ахтариб кетдилар. Тоққа етганларида, адаштириб қўйдилар. Тоғнинг тепасига чиқиб, ғор ёнидан ўтдилар. Форнинг оғзидаги ўргимчак уясини кўриб:

«Агар у бу ерга кирганида, ўргимчак уяси бўлмас эди», деб ўтиб кетдилар.

Ўша жойда Расулуллоҳ уч кун қолдилар».

Ўша кечаси Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху ўлимни бўйинларига олиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳимоялари учун жонларини фидо қилишга чин кўнгилдан рози бўлган ҳолда у зотнинг муборак ўринларига кириб ётган эдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу (умрларида бирор марта ҳам ибодат

учун Аллоҳ таолодан бошқага юзланмаганлари учун ҳазрати Алиниңг исмларидан кейин «каррамаллоҳу важхаху» (Аллоҳ юзини мукаррам қилсин) деб дуо қилинади) ўзларининг бу ишларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўzlари учунгина эмас, балки Аллоҳнинг охирги дини йўлида ҳам фидокорлик эканлигини яхши тушунган ҳолларида ўлимни хурсандлик билан бўйинларига олган эдилар. У киши Қурайшнинг маслаҳатидан ҳам, танлаб олинган йигитлардан ҳам, уларнинг қўлларидаги кескир қиличлардан ҳам, уларнинг кўнгилларидаги Исломга қарши ҳикду ҳасаддан ҳам ва ўша тўشاқда бурканиб ётган шахсга қилич уриш иштиёқида ёнаётганларидан ҳам хабардор эдилар. Йигирма уч ёшли йигит баҳодирлиги, тенги йўқ жасорати ва дин йўлидаги фидокорлиги ила Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан душманларнинг эътиборини чалғитиш учун уларнинг кўз ўнгida хатарли жойга кириб ётди. Суиқасдчилар хонага шиддат билан бостириб кирдилар. Бир қўллари билан қиличларини баланд кўтариб, иккинчи қўллари билан ётган одамнинг устидаги кўрпани тортдилар. Ҳеч нарсадан хабари йўқдай хотиржам ётган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни кўриб, уларнинг хушлари бошларидан учди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуга нафақат мушрикларни чалғитиш учун ўз ўринларида ётиб туришни, балки бировларнинг омонатларини ўз эгаларига топширишни ҳам амр қилган эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бунчалик ишончларига сазовор бўлган Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху Маккада уч кун тинмай юриб, омонат эгаларини бирма-бир топиб, уларга омонатларини топширдилар. Сўнгра тўхтамай ёлғиз ўzlари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг изларидан ҳижрат йўлини тутдилар. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи

vasallam ҳали Мадинаи Мунаввара ичидаги асосий масканларига етмай, Қубода вақтингчалик турган жойларида у зотга қўшилиб олдилар. Кейин биргаликда Мадинаи Мунавварага кўчдилар.

## МАДИНАДА

Мадинада Ислом жамиятининг шаклланиши ва ривожланиб боришидаги барча ишларда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу фаол катнашдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламниг Мадинаи Мунавварада биринчи қилган ишларидан бири муҳожирлар билан ансорийларни биродарлаштиришлари бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни диндош биродарлар, деб эълон қилганларидан сўнг муҳожирлардан ҳар бир кишини ансорийларнинг бири билан ака-ука қилиб қўйдилар. Бу диний биродарлик (ёки алоқа) қариндошлиқ, туғишганлик алоқаларидан ҳам устун саналадиган бўлди. Улар ҳамма масалаларда, ҳатто мерос масаласида ҳам мана шу алоқага таяниб иш кўрадиган бўлдилар. Уларнинг бир-бирларига валийликлари ўзаро ёрдам беришда, мерос тақсимлашда, хун тўлашда, қарзларини ўташ ва туғишганлар орасида бўладиган бошқа ҳомийлик ва жавобгарлик масалаларида ўз аксини топди.

Ўшанда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жумладан, Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхуни ансорийлардан Хорижа ибн Зухайр ал-Хазражий розияллоҳу анҳу билан, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхуни Атабон ибн Молик ал-Авфий розияллоҳу анҳу билан, Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анхуни Саъид ибн Муоз розияллоҳу анҳу билан, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуни Авс ибн Собит розияллоҳу анҳу билан ака-ука қилиб қўйган эдилар.

Бундоқ биродарликдан ҳар бир мусулмон чексиз

қувонди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу эса, мен қайси ансорий билан биродар бўлар эканман, деган хаёлни кўнгилларидан ўтказар эдилар. Аммо ансорий биродардан хабар йўқ эди. Биродарлаштириш иши охирлаб қолганида ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг биродари кимлигини айтмадилар. Кейин нима бўлганини қуидаги ривоятдан билиб оламиз.

وَقَالَ ابْنُ عُمَرَ تَ : آخِي رَسُولُ اللَّهِ رَبِّيْنَ أَصْحَابِيْهِ فَجَاءَ عَلَيْهِ تَدْمُعُ عَيْنَاهُ فَقَالَ : يَا رَسُولَ اللَّهِ آخِيْتَ بَيْنَ أَصْحَابِكَ وَلَمْ تَوَلِّ بَيْنِي وَبَيْنَ أَحَدِ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ رَبِّيْنَ أَنْتَ أَخِي فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ . رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ .

2858. Ибн Умар розияллоҳу анху айтмадилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз сахобаларини биродарлаштиридилар. Шунда Али икки кўзидан ёш тўкиб келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сахобаларингизни биродарлаштирдингиз. Мен билан бирортани биродарлаштирмадингиз!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Сен менинг бу дунёдаги ва охиратдаги биродаримсан!» дедилар».

Термизий ривоят қилган.

**Шарҳ:** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳожирлар билан анзорларни бир-бирларига ака-ука қилишлари катта аҳамиятга эга бўлган бир иш эди. Келажакда бутун дунёга Ислом ҳидояти нурини тарқатиши лозим бўлган жамият учун ана шундай ака-укалик жуда ҳам зарур эди. Шунинг учун ҳар бир мусулмон ўзининг

биродарини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан белгиланишини катта қувонч билан кутиб олар эди. Лекин Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуга ҳеч кимга насиб этмаган улкан баҳт, яъни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари билан икки дунёлик ака-укалиқ насиб этди. Ёшлигидан кўпгина фазилатларга эга бўлиб келаётган ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга бу мақом ўша даврлардаги энг олий мақомлардан бири бўлиб келди. Ха, бу бошқа ҳеч кимга насиб этмаган олий ва нодир бир мақом эди!

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз масжидлари ва манзилларини қуришни бошладилар. У зот Мадинаи Мунавварага етиб келганларида туялари чўккан жойга қурилиш қилишга киришдилар. Масжид ва уй қурилишида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам тер тўкиб ишлар эдилар. Бу эса мусулмонларнинг барчаларини бу ишда ғайратларига ғайрат қўшиб ишлашга чорлар эди. Уларнинг ичида ким кўпроқ иш қилиш бўйича ўзаро мусобака ҳам кетар эди.

Уларнинг баъзилари:

*Набий ишилаб, биз ўлтирасак, на бўлур.*

*Бу иши биздан ўтган катта гуноҳ бўлур.*

деган байтни такрорлаб, ишни жонлантирадар эдилар.

Бошқа бир гурӯх эса, бунга жавобан шундай дер эди:

*Охират ҳаётидан ўзга бир ҳаётт ўйқдир.*

*Аллоҳум, ансору муҳожирни раҳм қил.*

Албаттa, бошқалар билан бир қаторда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ҳам жон куйдириб меҳнат қилар эдилар. Иш давомида у киши ҳам ўзлари қилаётган меҳнатлари ҳақида ушбу маънодаги байтни айтдилар:

*Тенг эмас масжид қурган шахс ила,*

*Унинг чун туриб, ўтирган шахс ила,*

*Чангдан қочиб, ўзин панага олган,*

*Ишёқмас бир ўзин сояга олган.*

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху вожҳаҳунинг бу айтганларига Аммор ибн Ясир розияллоху анҳу жўр бўлдилар. Аста-секин бу байтлар муборак қурилиш иштирокчиларининг мадҳиясига айланди ва уни то қурилиш битгунича айтиб, ишладилар.

Масжид ва манзиллар битгандан сўнг Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ўша жойга кўчиб ўтдилар. Аста-секин оила аъзолари ҳам кела бошладилар. Саҳобаи киромлар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга тақлид қилиб, масжид атрофига, эшигини масжидга қаратиб, хоналар қура бошладилар. Бир оз муддат ўтгандан сўнг Масжиди Набавийга қараб очиладиган дарчалар кўпайиб кетди. Масжид орқали тахоратга, ғусл қилишга ўтадиганлар ҳам кўпайди. Ана шунда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам масжид томонга очилган эшикларининг ҳаммасини беркитишга амр қилдилар. Бу амрдан ўzlарининг ва Абу Бакр Сиддиқнинг эшикларини истисно қилдилар. Зудлик билан мазкур икки эшиқдан бошқа масжид томондан очилган эшиклар беркитилди. Шу билан бирга, Абу Бакр Сиддиқнинг бошқалардан ортиқ фазлга эга эканликлари ҳам маълум бўлди.

Худди ана шу вақтда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан Масжиди Набавийга оид яна бошқа бир амр ворид бўлди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кишиларни ким бўлишидан қатъи назар, масжидга жунуб ҳолда киришдан ман қилдилар. У зот бу амрдан ҳам икки кишини истисно қилдилар. Кимларни истисно қилдилар, дейсизми? Набий соллаллоху алайҳи васаллам Масжиди Набавийга жунуб ҳолда кирмаслик ҳақидаги амрдан истисно қилган шахсларнинг кимлар эканлигини қўйида келадиган ҳадиси шарифдан ўрганамиз.

وَقَالَ أَبُو سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ : يَا عَلَيْيِ  
- 2859

لَا يَحِلُّ لِأَحَدٍ أَنْ يُجْنِبَ فِي هَذَا الْمَسْجِدِ عَيْرِي وَعَيْرِكَ. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ.

**2859. Абу Саъид розияллоху анҳу айтади:**

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Алига:

«Эй Али, мендан ва сендан ўзга бироннинг ушбу масжидга жунуб ҳолида кириши ҳалол бўлмас», дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Албаттa, бу иш ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу учун катта мартаба эди. Шунча саҳобалар ичидан фақат у кишининг ўzlари бир ҳукмдан алоҳида истисно қилинишлари у кишининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида алоҳида эътиборга сазовор эканликларини кўрсатади.

## БАДР

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг Мадинаи Мунавварага ҳижратларининг иккинчи йили, аникроғи, ҳижратдан ўн тўққиз ой ўтиб, Рамазон ойида катта Бадр уруши бўлди.

Нафақат Ислом тарихида, балки бутун инсоният тарихида Бадр урушининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу уруш бўлиб ўтган кунни Аллоҳ таоло «Фурқон куни», яъни, ҳақ билан ботилни фарқ қиласиган кун, деб номлаган.

Чунки айни шу жангда Аллоҳ таоло қиёматгача инсониятни ҳидоятга бошлишни ирода қилган, У Зотнинг охирги ва муқаммал дини бўлган Ислом динининг тақдирини ҳал бўлиши керак эди. Агар оз сонли мусулмонлар мағлуб бўлсалар, иймон иши умуман мағлубиятга учраши, инсоният ниҳойи равишда шақоватга юз тутиши турган

гап эди.

Ўша куни Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга тарихдаги биринчи улкан ғалабани берди. Бу ғалаба уларнинг узоқ йиллик сабр-бардошлари эвазига берилган илоҳий мукофот эди.

Ўша куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам байроқ тикишга амр этдилар. Байроқлар учта эди. Бирини Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анху кўтариб юрди. Қолган иккитасининг ранги қора бўлиб, уларни Али ибн Абу Толиб ва Саъд ибн Муозлар кўтаришди.

Инсоният тарихидаги энг ҳал қилувчи урушда иймон лашкарининг байроқдори (яловбардори) бўлиш ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуга насиб этди. Бу ҳам у кишининг мислсиз фазлларидан бири эди.

Вақти келиб, икки томон ўртасида қурол зоҳир бўлди. Ҳолбуки, Мадинадан чиқсанларида байроқ тикилмаган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазоннинг ўн еттинчи куни, жума кечаси хуфтон пайтида Бадрнинг қўйи томонига келиб тушдилар.

Икки томон Бадрда бир-бири билан юзлашди. Орада баъзи кичик тўқнашувлар ҳам бўлди.

Шундан сўнг Утба ибн Робиъа укаси Шайба ва ўғли Валид билан олдинга чиқиб, мусулмонларни яккама-якка олишувга чакирди. Уларнинг қаршисига ансорийлардан уч йигит-Хориснинг ўғиллари Авф, Муавваз ва Абдуллоҳ ибн Равоҳа чиқишли.

«Сизлар кимсизлар?» деб сўрашди.

«Биз ансорийлармиз», деб жавоб беришди улар.

«Бизнинг сизлар билан ишимиз йўқ!» дейишиди мушриклар.

Сўнгра улардан бири:

«Эй Мухаммад! Бизга ўз қавмимиздан бизга тенг келадиган тузукроқ одамни чиқар!» деб бақирди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Убайда ибн Ҳорис, тур! Эй Ҳамза, тур! Али, сен ҳам тур!» дедилар.

Улар душманга рўбарў бўлишди. Мушриклар:

«Сизлар кимсизлар?» деб сўрашди яна.

«Мен Убайдаман!» деди Убайда.

«Мен Ҳамзаман!» деди Ҳамза.

«Мен Алиман!» деди Али.

Рақиблар «Яхши, бизга teng келадиган аслзодалардан экансизлар», деб, уларга ташландилар.

Ёши ўтиб қолган Убайда Утба ибн Робиъа билан жанг бошлади. Ҳамза Шайбага, Али эса Утбанинг ўғли Валидга ҳамла қилди. Ҳамза бирпасда Шайба ибн Робиъани ертишлатди. Али ҳам Валидни ўлдирди.

Убайда билан Утба зарба бериб, бир-бирларини ярадор қилдилар. Ҳамза ва Али ёрдамга отилдилар. Қиличлари билан Утбани чопиб ташлаб, шерикларини даст олдиларда, орқаларига қайтдилар.

Кейин оммавий жанг бошланди. Айни ушбу Бадр жангида Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу баҳодирлик, шиҷоатлилик, жасорат ва уста жангчилик сифатларини намоён қилдилар.

Аллоҳ таоло мусулмонларга нусрат берди. Улар мушрикларни енгдилар.

## ҲАЗРАТИ АЛИНИНГ УЙЛАНИШЛАРИ

Вақт ўтиши билан Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хонадонларида истиқомат қилишга хижолат бўла бошладилар. У зот алайҳиссаломнинг оиласлари кенгая борди. Сўнгра Маккада қолган қизлари Умму Кулсум ва Фотималар ҳам ҳижрат қилиб келишди.

Фотима розияллоҳу анҳони кўз остига олиб юрганлар совчи қўя бошладилар. Жумладан, Абу Бакр Сиддиқ ва

Умар розияллоху анхумо ҳам сўрадилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам уларнинг ҳаммаларига ўта мулойимлик билан рад жавобини берар эдилар. Бу масала тез орада кўпчиликни қизиктириб қолди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзларини тутишларидан баъзи кишилар ўзларича хulosса чиқара бошладилар. Уларнинг фикрича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Фотимаи Захрони ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуга илинаётган бўлишлари керак эди.

Шундан сўнг улар Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг ёнларига кириб, у кишига маслаҳат бера бошладилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумога узр айтдиларми, демак, Алидан бошқа одамни кўзламаётган бўлсалар керак, деган фикрда эдилар улар. Шунинг учун Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан Фотиманинг қўлини сўрашга қистадилар. Али розияллоху анху эса, ишонқирамай: «Абу Бакр ва Умардан кейин бўлармикан-а!» дер эди.

«Нима учун бўлмас экан?! Мусулмонларнинг ичидаги Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга сендан кўра яқинроқ киши йўқ. Отанг у зотни ўз кафолатига олган. Онанг у киши алайҳиссаломга қараган. Сен ўзинг бўлсанг у зотнинг тарбиясида ўсдинг, энг аввал мусулмон бўлган одамсан» де-йиши маслаҳатчилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу уларнинг гапларидан шиҷоатланиб, Фотимаи Захронинг қўлларини сўраш учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордилар. Салом бериб, у зотнинг яқинларига ўтиридилар. Уялиб, нима дейишни билмай, ерга қараб ўтиравердилар.

Мұҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг бир ҳожат билди, келиб, айтишга журъат қила олмаётганларини дарҳол

тушундилар. Орадаги хижолатни күтариш учун ўзлари гап бошладилар.

«Ибн Абу Толибнинг ҳожати надир?» дедилар.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотимани эслаган эдим», дедилар Ибн Абу Толиб паст овоз билан, кўзларини ерга тикканча.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сўзларни эшитишлари билан лутф кўрсатиб:

«Хуш келибсан! Сафо келибсан!» дедилар.

Орага яна жимлик тушди. Нима қилишни билмай қолган Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу секин ўринларидан туриб, чиқиб кетдилар. Ҳайрон ҳолда маслаҳатчилари томон йўл олдилар. Уларга нима дейишни ҳам билмас эдилар. Улар Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни кўришлари билан нима бўлганини суриштира кетишиди. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу эса уларга:

«Нима бўлганини билмайман, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўша иш ҳақида сўз очган эдим, у киши: «Хуш келибсан! Сафо келибсан!» дедилар, холос», деб жавоб бердилар. Улар бу гапни эшитишлари билан хурсанд бўлиб кетишиди ва: «Ҳалиям иккита гап айтибдилар. Аслида ўша иккисидан бири ҳам сенга кифоя қиласи эди», дедилар.

Эртасига Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу яна келдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинроқ жойда турдилар ва у зот эшигадиган қилиб:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларига совчилик қилмоқчи бўлган эдим. Ўзимнинг бирор нарсам ҳам йўқ эди. Аммо яқинлик ва меҳрларидан умидвор бўлиб сўрадим», дедилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гапни дархол мулоҳаза қилдилар ва у кишига оғир ботмайдиган қилиб:

«Бирор нарсанг борми (маҳрга)?» дедилар.

«Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», деб жавоб бердилар Али.

«Хутамийя совутинг қани?» дедилар.

«Ўзимда, эй Аллоҳнинг Расули», дедилар.

«Бўлмаса, ўшани бер», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу тезда бориб, совутни олиб келдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни сотиб, келинга сеп қилишга амр қилдилар. Совутни Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу тўрт юз етмиш дирҳамга «сотиб олди»лар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу бу дирҳамларни келтириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдилариға қўйдилар. У зот муборак қўллари билан уларни олдилар ва бир қисмини Билол розияллоҳу анҳуга бериб, атир ва хушбўй нарса сотиб олиб келишга амр қилдилар. Қолганини Умму Салама розияллоҳу анҳога бериб, келинга керакли нарсаларни сотиб олишни тайинладилар.

Сўнгра Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларини чақириб, қизлари Фотимани Али ибн Абу Толибга тўрт юз мисқол кумуш маҳр ила, қоим суннат ва вожиб фарийзат шарти ила никоҳлаб бераётганларига уларни гувоҳ қилдилар. У зот никоҳ хутбасини келин-куёвнинг ҳақларига дуо қилиш, уларга баҳт-саодат ва солих зурриёт тилаш билан тамомладилар. Бу маросимнинг охирида эса, меҳмонларга бир идишда хурмо қўйилди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг қариндошлари бу ҳодисани катта хурсандчилик ва маросим ила нишонладилар. Ҳатто куёвнинг амакиси Ҳамза ибн Абдулмуттобиб иккита жонлиқ сўйиб, мадиналикларга зиёфат ҳам берди.

Ўша пайтда ҳазрати Али розияллоҳу анҳу йигирма беш, Фотима Захро ўн саккиз ёшда эдилар.

Келинни ҳазрати Али розияллоҳу анҳу ижарага олган

хонага узатиб бориши. Шундай қилиб, уларнинг оилавий ҳаётлари бошланди. Ижарага олинган хона Масжиди Набавийдан узоқда эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтлари бўлганда бориб, Фотимаи Захродан хабар олиб турдилар. Кейинроқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни яқинроққа кўчириб келишни режалаштиридилар. Бу режадан хабар топган Ҳориса ибн Нўймон розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хоналаридан бирига ҳамdevор бўлган хонасини келин-куёвга бўшатиб берди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ўта камбағал ва дунё ишларига зоҳид бўлганликларидан уларнинг ҳаётлари иқтисодий танглик ила ўтар эди. Бу ҳақиқат мўътабар ҳадис, сийрат ва тарих китобларимизда келган кўплаб ривоятларда ўз аксини топган.

Имом Абу Довуд ва бошқалар келтирган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қўйидагиларни айтадилар:

«Бир неча кунгача бизнинг ҳузуримизда ҳам, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ҳам бирор нарса бўлмасдан, туриб қолдик. Кўчага чиқсан, йўлда бир динор тушиб ётибди. Бир муддат уни олсаммикан ёки олмасаммикан, деб турдим. Кейин ўзимизга етган оғирликни ўйлаб, уни олдим. Савдогарларнинг олдига бориб, ун сотиб олдим ва Фотима розияллоҳу анҳонинг олдига олиб келиб, «Хамир қилиб, нон ёп», дедим. У хамир қилишга тутинди. У ўзининг заифлигидан хамир қилаётганида пешона сочи жомнинг чеккасига тегиб кетай дер эди. Охири у нонни пиширди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, хабарни айтдим. У зот: «Еяверинглар. У Аллоҳ азза ва жалла томонидан сизларга берилган ризқдир», дедилар».

Ханнод ад-Дийнаврий Шаъбийдан келтирган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу

қуидагиларни айтадилар:

«Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотима розияллоҳу анҳога уйланганимда менинг ҳам, унинг ҳам бир қўй терисидан бошқа тўшагимиз йўқ эди. Кечаси устида ухлар эдик. Қундузи унда сувчи туямизга ем берар эдик. Менинг ундан (Фотимадан) ўзга хизматчим йўқ эди».

Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва бошқалар келтирган ривоятда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қуидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига Фотимани никоҳлаб берганларида у билан бирга теридан бўлган ёпқич, ичига хурмо фатиласи солинган болиш, тош тегирмон, сув идиш ва иккита мешча юборган эканлар. (Фотима онамизнинг сеплари мазкур нарсалардан иборат бўлган.)

Бир куни Али Фотимага:

«Аллоҳ ҳаққи, қудуқдан сув тортавериб, кўкрагим оғриб кетди. Аллоҳ отангга асирлар берди. Бориб, бирорта хизматчи сўрасанг қандоқ бўларкин?» деди.

Фотима: «Мен ҳам тош тегирмонни айлантиравериб, қўлларим қавариб кетди», деди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Нимага келдинг, қизим?» дедилар.

«Сизга салом бергани келган эдим», деди Фотима ва у зотдан сўрашга ҳаё қилиб, ортига қайтди.

«Нима қилдинг?» деди Али унга.

«У зотдан сўрашга ҳаё қилдим», деди.

Кейин икковлари биргалашиб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордилар ва Али:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Қудуқдан сув тортавериб, кўкрагим оғриб кетди», деди.

«Мен ҳам тош тегирмонни айлантиравериб, қўлларим

қавариб кетди. Аллоҳ сизга асирларни ва кенгликни берди. Бизга хизматчи беринг», деди Фотима.

«Аллоҳга қасамки, сизларга бериб, ахли суффаларни очликдан қоринлари буришиб турган ҳолда қўя олмайман. Мен уларга бергани нафақа топа олмай турибман. Уларни (асирларни) сотиб, тушган маблағни ўшаларга инфоқ қилмоқчиман», дедилар.

Икковлари қайтиб кетишиди.

Улар қатийфа, яъни, теридан бўлган ёпинчиқларига кириб ётганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келдилар. Икковлари уни бошларига ёpsалар, оёқлари очилиб қолар, оёқларига ёpsалар, бошлари очилиб қолар эди. Улар сапчиб турдилар. У зот:

«Жойингиздан қимирламанг! Мен сизларга мендан сўраган нарсангиздан кўра яхшироқ нарсанинг хабарини берайми?» дедилар.

«Ҳа», дейишди.

«Бир калималарки, уларни менга Жаброил таълим берди. Ҳар намоздан кейин ўн марта Аллоҳга тасбех айтасизлар. Ўн марта ҳамд айтасизлар. Ўн марта такбир айтасизлар. Тўшакларингиздан жой олганингизда эса, ўттиз уч марта тасбех айтинглар. Ўттиз уч марта ҳамд айтинглар. Ўттиз тўрт марта такбир айтинглар», дедилар у зот.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганимдан буён уларни тарқ қилганим йўқ», деди».

Уламоларимиз ўз китобларида Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу билан Фотимаи Захронинг оила қуришлари иккинчи ҳижрий санада Бадр урушидан кейин бўлганлигини таъкидлаганлар.

## УҲУД

Хижратнинг учинчи йили, Шаввол ойида мушриклар лашкари йўлга чиқди. Қочиб кетишларнинг олдини олиш ва шиҷоатлантириб туришлари учун хотинларини ҳам ўзлари билан бирга олиб чиқдилар. Улар Мадинаи Мунавварага томон юриб келиб, Уҳуд тоги яқинига тушдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссолату вассалом, душманга қарши чиқиши керакми ёки Мадинадан чиқмай туриш яхшими, деган масалада саҳобалар билан маслаҳат қилдилар.

У зотнинг ўзларининг фикрларича, Мадинадан чиқмасдан, тўсиқлар ҳосил қилиб туриш, агар душман бостириб кирса, тор кўчаларга кираверишда уруш қилиш, аёллар эса, уйларнинг устидан ёрдам беришлари керак эди.

Лекин Бадр урушида қатнаша олмай қолган кўпчилик саҳобалар, айниқса, ёшлар қарши чиқиши сўраб, маҳкам туриб олдилар.

Кўпчилик шу фикрда тўхтаган эди.

Расулуллоҳ алайҳиссолату вассалом иккита совутда чиқдилар. Байроқни Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуга бердилар. Бир қанотга Зубайр ибн Аввомни, иккинчи қанотга Мунзир ибн Амрни бошлиқ қилдилар.

Бадрдаги мағлубиятларнинг ўчини олиш учун, мусулмонларни бутунлай қириб ташлаш учун барча одамлари, куч-қуввати ва имкониятларини ишга солиб келган мушриклар ўзларига нисбатан бир қанча оз сонли ва кам кучли мусулмонларни осонлик билан енгишларига шубҳа қилмас эдилар.

Уларнинг ўртасида аёвсиз жанг бошланди. Аллоҳ таолонинг лашкарлари тоғутнинг лашкарлари устига ўз динлари ва ватанларини ҳимоя қилиб, шердек ташландилар. Аллоҳнинг лашкарлари орасида «шери Худо» лақабини олган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу фидокорликлари билан алоҳида ажралиб

турар эдилар. Ҳазрати Али баҳодирлиги, шиҷоати ва душманга бўлган нафрати билан жанг майдонида ажралиб турар эдилар. У киши кескир қиличларини ҳавода ўйнатиб, «Аллоҳу акбар!»ни айтиб, мушрикларнинг бошига тинмай ажал уругини сочар эдилар.

Жанг давомида мисли кўрилмаган қаҳрамонлик ва фидокорлик кўрсатиб, жанг қилаётган мусулмонларнинг байроқдори Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу шаҳид бўлдилар. Ислом байроғи у кишининг жанговар қўлларидан тушиб кетди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуни чақириб, байроқни у кишига топширдилар. У баҳодир эса, бир қўллари билан Ислом байроғини, иккинчи қўллари билан машҳур Зулфиқор қиличларини тутиб, мушрикларга қирон келтиришни давом эттирадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу икки шуҳрат эгасини тақдирлаб:

«Зулфиқордек қилич йўқ, Алидек йигит йўқ», деганлар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг Ислом байроғини баланд кўтариб, азиз қилиб, ҳилпиратиб бораётганини кўрган мушрикларнинг байроқдори:

«Яккама-якка олишадиган борми!?» деб бақирди.

Жангга берилиб кетган мусулмонларнинг бирортаси бунга эътибор бермай, ўз ишларини давом эттиравердилар. Бу ҳолни кўрган мушрикларнинг байроқдори:

«Сиз ўзингиздан қатл бўлғанларни жаннатга, бизникиларни дўзахга киради, деб даъво қилар эдинглар-ку!? Қани, менга бирортангиз чиқинг-чи!?» деб бақирди.

Унинг бу гаплари Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг сабрларига нуқта қўйди. У киши:

«Мен сенга чиқдим! Эй Абу Саъд ибн Абу Толҳа! Мен билан яккама-якка олишиб қўр! Эй Аллоҳнинг душмани!» деб наъра тортдилар.

Орада ҳаёт-мамот олишуви бошланди. Икковлари бир-бирларига зарба бера бошладилар. Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг ишни чўзишга вақтлари йўқ эди. Шунинг учун биринчи имкон туғилиши билан мушрикнинг жон жойига Зулфиқор билан қаттиқ зарба берган эдилар, у дод солиб йиқилди. Жанг қоидаси бўйича Али ибн Абу Толиб розияллоху анху ғолиб сифатида қулаган душманга яна бир зарба беришлари керак эди. Аммо у киши ўша зарбани бериш учун интилиб энгашдилар-у, лекин зарба бермай, қайтдилар. У киши ўлаётган мушрикнинг аврати очилиб қолганини сезганларидан, унга кўзим тушмасин, деб шундоқ қилган эдилар.

Куннинг биринчи ярмида мусулмонлар кофирларга ғолиб келишди. Мушрикларнинг бошлиқларидан етмиш киши қатл этилди. Улар енгилиб, ортга қараб қоча бошладилар. Қочиб-қочиб, аёллар турган жойгача бордилар. Аёллар ҳам қочишига тайёрланиб, кийимларини йиғишира бошладилар.

Мушрикларнинг енгилиб қочаётганини кўрган камончилар Пайғамбар алайҳиссалом қимирламай туришни тайинлаб кўйган жойларини ташлаб кетдилар.

Улар бир-бирларига:

«Қаранглар! Ўлжа, ўлжа!» деб қичкиришди.

Амирлари Пайғамбар алайҳиссаломнинг шартларини эсларига солишса ҳам, кўнмадилар. Мушриклар батамом енгилиб бўлди, деб гумон қилиб, ўлжа йиғишига киришиб кетдилар ва Ухуд томонни очиқ қолдирдилар.

Шу пайт Холид ибн Валид фурсатни ғанимат билиб, мушрикларнинг отликларини худди ўша ерга бошлади. У ердан ўтиб, мусулмонларнинг орқа томонларидан бостириб кирди. Буни кўрган қочиб кетаётган мушриклар ҳам ўзларини ўнглаб, яна уруш майдонига юзландилар. Натижада мусулмонлар қуршовда қолдилар. Ҳамма нарса

тескарисига айланиб, мусулмонлар енгила бошладилар. Уларнинг сафида саросима бошланди. Кўркув хукм суриб, тартибсизлик бошланди. Бундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди.

Ухуд урушининг иштирокчиларидан ҳазрати Абу Бакр Сиддик бундай ҳикоя қиласидар:

«Ухуд уруши куни Расулуллоҳ одамлардан ажраб, ёлғиз қолганларида мен биринчилардан бўлиб, у киши томон юрдим. Қарасам, бир одам у кишининг олдиларида ҳимоя қилиб уруш килмоқда:

«Толҳа бўлса эди! Отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин! Толҳа бўлса эди! Отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин!» деб бораётсан, орқамдан Абу Убайдада худди қушдек учиб, келиб қолди. Биргаллашиб етиб борсак, Расулуллоҳнинг олдиларида Толҳа йиқилиб ётган экан.

Расули акрам алайҳиссалату вассалом:

«Биродарингизга қаранг, у ҳақлидир», дедилар.

Шу пайт Пайғамбар алайҳиссаломнинг ёнокларига бир нарса келиб тегиб, дубулғанинг ҳалқасини киритиб юборди. Уни Пайғамбар алайҳиссаломдан чиқариб олиш учун борган эдим, Абу Убайдада:

«Аллоҳ хайрингни берсин, Абу Бакр, менга қўйиб бер», деди ва оғзи билан у кирган нарсани чиқара бошлади. Пайғамбар алаҳиссаломга озор бермаслик учун тиши билан чиқаришга ҳаракат қилди ва чиқариб олди. Абу Убайданинг олд тиши тушди. Сўнгра мен кейингисини олишга уринган эдим, Абу Убайдада яна:

«Абу Бакр, Аллоҳ хайрингни берсин, менга қўйиб бер», деди. Яна тиши билан чиқариб олди. Абу Убайданинг яна бир тиши тушди. Кейин Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Биродарингизга қаранглар, у ҳақлидир», дедилар.

Биз Толҳанинг жароҳатларига қарай бошладик. Унга ўндан ортиқ ўқ, қилич, найза теккан экан.

Шу пайт Али каррамаллоху важҳаҳу Пайғамбар алайҳиссаломнинг яраларини ювиш учун сув топиб келди. У қуийб турди, Фотима Захро розияллоху анҳо ювди. Қоннинг тўхтамаётганини қўрган Фотима бўйрадан бир бўлак олиб, куйдириб, ярага босди, қон тўхтади.

Уруш тамом бўлгандан кейин муслима аёллар ярадор жангчиларни даволай бошладилар. Расуллороҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кўзлари ул аёллардан бир тўпи Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг атрофида куймаланишаётганига тушиб, яқинроқ бордилар. У зотни қўрган аёллар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, унинг бир ярасини боғласак, бошқаси очилиб кетмоқда», дедилар

Расуллороҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга яқинроқ бориб, танасига назар солдилар-да:

«Аллоҳнинг йўлида шунинг ҳаммасига дучор бўлган одам, албатта, синовдан ўтган ва узрли бўлади», дедилар.

Саъид ибн Мусайяб розияллоху анхунинг айтишларича, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу Ухуд куни ўн олти жойларидан ярадор бўлган эканлар.

Жанг тугагандан кейин мушриклар қайтиб бориб, тўплана бошладилар. Мусулмонлар: «Улар Мадинага бориб, аёл-қизларни асир олиб, мол-мulkни талашса керак», деб ўйлаб, хафа бўлдилар. Пайғамбар алайҳиссалом ҳазрати Али ибн Абу Толибга:

«Уларнинг изидан бор. Нима қилишаётганига назар сол. Нима қилмоқчи эканликларини бил. Агар отларни четга қўйиб, туяларни минсалар, Маккага кетишади. Агар отни миниб, туяларни ҳайдаб олсалар, Мадинага юришади. Менинг нафсим қўлида бўлган Зот билан қасамки, агар Мадинага боришса, мен ҳам бориб уларни ўша ерда йўқ қиласман!» дедилар.

Ҳазрати Али бориб қарасалар, улар отларни четга қўйиб, туяларни миндилар ва Маккага қараб юрдилар.

## САРИЙЯЛАР

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуни бир неча жангчи гурухлар, яъни, сарийяларга бошлиқ қилиб, алоҳида топшириқлар билан ҳам юборганлар. Бу сарийяларнинг энг каттаси Яманга юборилган сарийя эди. Уларнинг ҳаммасида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ўзларига Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан юкланган вазифаларни шараф билан адо этганлар.

Биз шарҳ қилаётган китобимизда ана шу сарийялардан баъзиларига тегишли ривоятлар келган. Улар билан танишиб чиқсак, яхши бўлади.

2860 - عَنْ عِمَرَ بْنِ حُصَيْنٍ ۖ قَالَ: بَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ

جِيْشًا وَأَمْرَ عَلَيْهِمْ عَلَيًّا فَمَضَى فِي السَّرِيَّةِ فَأَصَابَهُ حَارِيَّةً فَأَنْكَرُوا عَلَيْهِ وَتَعَاقَدَ أَرْبَعَةُ مِنْ الصَّحَابَةِ عَلَى أَنْ يُخْبِرُوا النَّبِيَّ ﷺ إِذَا رَجَعُوا مِنَ السَّفَرِ بَدَأُوا بِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَسَلَّمُوا عَلَيْهِ ثُمَّ انْصَرَفُوا إِلَى رِحَالِهِمْ فَلَمَّا قَدِمَتِ السَّرِيَّةُ سَلَّمُوا عَلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَامَ أَحَدُ الْأَرْبَعَةِ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَمْ تَرِ إِلَى عَلِيٍّ صَنَعَ كَذَا وَكَذَا فَأَعْرَضَ عَنْهُ النَّبِيُّ ﷺ ثُمَّ قَامَ الثَّانِي فَقَالَ مِثْلَ مَقَالَتِهِ فَأَعْرَضَ عَنْهُ ثُمَّ قَامَ الثَّالِثُ فَقَالَ مِثْلَ مَقَالَتِهِ فَأَعْرَضَ عَنْهُ ثُمَّ قَامَ الرَّابِعُ فَقَالَ مِثْلَ مَا قَالُوا فَأَقْبَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَالْعَضَبُ يُعْرَفُ فِي وَجْهِهِ فَقَالَ: مَا تُرِيدُونَ مِنْ عَلِيٍّ كَرَرَهَا ثَلَاثَةٌ ثُمَّ قَالَ: إِنَّ عَلِيًّا مِنِّي وَأَنَا مِنْهُ وَهُوَ وَلِيُّ كُلِّ مُؤْمِنٍ بَعْدِي. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ.

*2860. Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирлашкар юбориб, унга Алини амир қилдилар. У сарийя билан жўнаб кетди. У ерда бир жорияни исобат қилди. Улар бу ишни инкор қилдилар. Саҳобалардан тўртталари қайтгандарида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар беришга келишиб олдилар. Мусулмонлар сафардан қайтсалар, аввал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошлар эдилар. Келиб, у зот алайҳиссаломга салом берар, сўнгра юкларининг олдига қайтиб кетар эдилар. Сарийя қайтиб келганида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом бердилар ва ҳалиги тўрт кишидан бири туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Алини кўрмайсизми?! У ундоқ қилди, бундоқ қилди», деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан ўгирилиб олдилар. Кейин иккинчиси туриб, унинг гапига ўхашаш гап айтди. У зот ундан ҳам ўгирилиб олдилар. Кейин учинчиси туриб, иккисининг гапига ўхашаш гап айтди. У зот ундан ҳам ўгирилиб олдилар. Кейин тўртинчиси туриб, уларнинг гапига ўхашаш гап айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юзландилар. Юзларидан ғазаб билиниб турар эди. У зот:

«Алидан нима истайсизлар?! Алидан нима истайсизлар?! Алидан нима истайсизлар?! Албатта, Али мендандир! Мен ундандирман! У мендан кейин ҳар бир мўминнинг валийсидир!» дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифдан Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг жорияга нисбатан қилган тасарруфлари шариат ҳукми асосида бўлгани кўриниб турибди. Аммо шундоқ бўлса ҳам, тўрт киши

маслаҳатлашиб олиб, ўзларича буни нотўғри деб тушуниб, арз қилганлари, бундан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жаҳллари чиққанлигини кўрмокдамиз. Уларнинг бу қилган ишлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг фазллари яна ҳам равшанроқ баён қилинишига сабаб бўлди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху хақларида:

**«Албатта, Али мендандир! Мен ундандирман! У мендан кейин ҳар бир мўминнинг валийсиdir!» дедиллар».**

Бу, албатта, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху учун катта обрў ва башоратдир.

2861 - عَنِ الْبَرَاءِ قَالَ: بَعَثَ النَّبِيُّ رَجِيْشَيْنِ وَأَمْرَ عَلَىٰ أَحَدِهِمَا عَلَيْهَا وَعَلَى الْآخَرِ خَالِدَ بْنَ الْوَلِيدِ وَقَالَ: إِذَا كَانَ الْقِتَالُ فَعَلَيْ فَافْتَسَحْ عَلَيْ حِصْنًا فَأَحَدَ مِنْهُ جَارِيًّا فَكَتَبَ مَعِي خَالِدٌ كِتَابًا إِلَى النَّبِيِّ رَسِيْشِيْ بِعْلَىٰ فَقَدِمْتُ عَلَى النَّبِيِّ رَفَعْتُ إِلَيْهِ الْكِتَابَ فَقَرَأَهُ فَتَعَيَّنَ لَوْنُهُ ثُمَّ قَالَ: مَا تَرَى فِي رَجُلٍ يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ قُلْتُ: أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ غَضَبِ اللَّهِ وَغَضَبِ رَسُولِهِ وَإِنَّمَا أَنَا رَسُولُ فَسَكَتَ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2861. Баро розияллоҳу анхудан қилинган ривоятда у кииши қуийдагиларни айтади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам иккита лашкар юбордилар. Улардан бирига Алини, бошқасига Холид ибн Валидни амир қилдилар ва:**

**«Агар жанг бўладиган бўлса, Али бош бўлади», дедилар.**

Бас, Али бир қўргонни фатҳ қилди ва ундан бир жорияни олди. Холид мен орқали Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга Али ҳақида хабар берадиган мактуб бериб юборди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, мактубни у зотга бердим. Уни ўқиб, у кишининг ранглари ўзгарди ва сўнгра:

**«Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббат қиласиган, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳам унга муҳаббат қиласиган киши ҳақида нима демоқчисан?!» дедилар.**

**«Аллоҳнинг ғазабидан, Унинг Расулиниң ғазабидан панохни Аллоҳнинг Ўзидан сўрайман. Мен элчиман, холос», дедим. У зот сукут қиласилар».**

*Термизий ривоят қиласан.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифдан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам аскарий ишларда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни Холид ибн Валид розияллоҳу анҳудан ҳам устун кўришларини тушуниб оламиз. У зот икки гуруҳ мусулмон жангчиларнинг бирига Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни, иккинчисига Холид ибн Валидни амир қиласилар. Уларни топшириқ билан юбориб туриб, «Агар уруш бўлиб қолса, бош амир Али бўлади», дейишлари шуни кўрсатади.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ҳақларидаги шикоят мактубини ўқиб, ғазабланишлари ва мактубни келтирган кишига қараб:

**«Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббат қиласиган, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳам унга муҳаббат қиласиган киши ҳақида нима демоқчисан?!» дейишлари у зотнинг ҳузурларида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг мақомлари қанчалик улуғ эканлигини яна бир бор яққол кўрсатади.**

2862 - عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: بَعَثَ اللَّهُ عَلَيْهِ مَنْ حَيْشًا فِيهِمْ عَلَيْهِ قَالَتْ: فَسَمِعْتُ النَّبِيَّ رَوْحًا رَافِعًا يَدِيهِ يَقُولُ:  
 اللَّهُمَّ لَا تُمْتَنِي حَتَّى تُرِتِّبَنِي عَلَيْهِ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2862. Умму Атийя розияллоҳу анҳодан қилинган ривоятда у киши айтадилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир лашкар юбордилар. Уларнинг ичиди Али ҳам бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини кўтариб туриб:

«Эй Аллоҳим, менга Алини қўрсатмай туриб мени вафот эттиргмагин», деганларини эшитдим».

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бу ривоятдан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуга нисбатан муҳаббатлари, соғинчлари ва орқаларидан ҳам дуо қилиб туришлари келиб чиқади. Ўз навбатида бу омил ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг қанчалик фазллари улуғ зот эканликларига далил бўлади.

## ХАНДАҚ

Хижратнинг бешинчи йили, шаввол ойи эди.

Аллоҳнинг динига қарши бўлган барча аҳзоблар тўпланиб, Исломни таг-томири билан қўпориб, ер юзидан супуриб ташлаш мақсадида Абу Суфён ва Уйайна ибн Ҳисн бошчилигига кўп сонли аскар билан Мадинаи Мунавварага бостириб келдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромлар билан маслаҳатлашдилар ва шаҳар атрофига хандак қазиб, шаҳарни унинг ортидан туриб ҳимоя қилишга қарор қилдилар.

Хандақ қазиб бўлингач, душманлар ҳам кўрина бошлади. Курайшликлар Румах номли сел тўпланадиган жойга келиб тушдилар.

Ғатафонниклар ҳам ўзларига қарашли Нажд ахлари билан бирга Ухуд тарафидаги Занаби Нақмал деган жойга келиб тушдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч минг кишилик мусулмон лашкари билан чиқдилар ва Саль деган манзилдан ўтиб, ўша жойга қароргоҳ куришди. Душман билан уларнинг ўрталарида хандақ бор эди.

Шунинг учун Аҳзоб уруши «Хандақ» номи билан ҳам танилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амри билан болалар ва аёллар кўрғонга жойлаштирилдилар.

Мадинага бостириб киришни кўзлаб келган душманлар хандақни кўриб, ҳайрон қолишли. Бу ҳеч кимнинг хаёлига келмаган иш эди. Арабларнинг тарихида бирор жойда ёки бирор урушда хандақ қазилганлиги маълум эмас эди. Шунда улар қандайдир бошқа чора кўриш зарурлигини ўйлаб қолишли.

Курайшликларнинг баъзилари хандақдан ўтиб, мусулмонларга яқинлашдилар. Буларнинг ичиди Икрима ибн Абу Жаҳл, баъзи Бани махзумликлар ва Амр ибн Абди Вурд ал-Омирий бор эдилар. Амр яккама-якка олишувга чақирди. Ҳазрати Али икки марта у билан олишувга чиқмоқчи бўлдилар, аммо икки сафар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини қайтардилар. Амр мусулмонларни айблай бошлаганидан кейин ҳазрати Али унга қарши чиқдилар.

Иккалалари тўқнашган пайтда ҳазрати Али Амрга:

«Эй Амр, қурайшлик бирор киши сени икки нарсага чақирса, яхшисини олишга Аллоҳга аҳд қилган эдинг-ку?!» деди.

«Тўғри», деди Амр.

«Мен сени Аллоҳга, Унинг Расулига ва Исломга чақираман», деди Али.

«Менга уларнинг кераги йўқ», деди Амр.

«Мен сени олишувга чақираман», деди Али.

«Нима учун, эй жиян? Аллоҳга қасамки, мен сени ўлдиришни хоҳламайман», деди у.

«Мен сени ўлдиришни истайман», деди Али.

Шунда Амр қизишиб кетди ва эгардан тушиб, отини сўйиб юборди. Али билан жангга ҳозирланди. У Алига томон юрди.

Олишув бошланди. Амр қилич солган эди, Али қалқони билан тўсди. Аммо қилич қалқонни ёриб ўтиб, Алининг бошини яралади. Али ўз навбатида музaffer қиличи или кучли зарба бериб, Амрни қатл этди.

Мусулмонлар тақбир айтдилар. Қолган мушриклар орқаларига қараб қочдилар.

Кейинчалик ҳам мушриклар бир неча бор хандакдан ўтишга уриниб кўрдилар, аммо ҳар сафар қаттиқ қаршиликка учраб, ортга қайтдилар.

## ҲУДАЙБИЯ

Хижратнинг олтинчи йили Зулқаъда ойининг бошида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам умрани ният қилиб, сафарга чиқдилар. Пайғамбар алайҳиссалом Мадина аҳлини ва атрофдаги аъробий қабилаларни ҳам сафарга бирга чиқишларини сўрадилар. Кўпчилик бўлиб боришни афзал кўрдилар. Чунки Қурайшга ишониб бўлмас, Пайғамбар алайҳиссаломнинг йўлларини тўсишлари ёки қарши уруш очишлари ҳам мумкин эди.

Мадина аҳли Мухаммад алайҳиссаломнинг чақириқларига жавоб бериб, у зот билан биргалиқда Макка йўлини тутдилар.

Шундай қилиб, Пайғамбар алайҳиссалом билан бирга

муҳожир ва ансорий мусулмонлар, мадиналик араблар, ҳаммаси бўлиб, бир минг тўрт юз киши умрага чиқдилар.

Ният соф эканлигини, уруш эмас, умрага, яъни, ибодатга кетаётганларини элу юрга билдириш мақсадида эҳром боғлаб, қурбонликка сўядиган ҳайвонларини ҳам олдиларига солиб олдилар.

Шу алфозда Асафан деб аталган жойга етганларида уларга Бишр ибн Суфён ал-Қаъбий исмли киши йўлиқди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Қурайш сизнинг йўлга отланганингизни эшитиб, ёшу қари – ҳаммаси йўлбарс териларини кийиб, Зу Туво деган жойда сизни Маккага абадий киритмасликка Аллоҳга қасам ичмоқдалар. Холид ибн Валидни отлиқларга бош қилиб, Қуроъул Ғамим деган жойга юбориши», деди.

Пайғамбар алайхиссалом:

«Қуриб кетсин, ўша Қурайш! Уруш уларнинг бошини ейди. Мен билан бошқа арабларни тек қўйишса бўлмасми?! Агар улар менга ғолиб келишса, Қурайшнинг орзуси рўёбга чиқарди. Агар Аллоҳ мени ғолиб қилса, ҳаммаси Исломга киришади. Бундай қилишмаса, кучлироқ бўлиб олиб, урушга киришади. Қурайш нимани ўйлаяпти ўзи?! Аллоҳга қасамки, дин йўлида Аллоҳ уни устун қилгунича жидди-жаҳд қиласман ёки ҳалок бўламан», дедилар. Сўнгра:

«Менга уларга элтадиган бошқа йўлни кўрсатадиган одам борми?» деб сўрадилар.

Аслам қабиласига мансуб бир киши:

«Мен, эй Аллоҳнинг Расули», деди ва тепаликлар орасидаги нотекис, тошлок йўлга бошлади. Бу йўлдан чиққанларидан сўнг водийга туташ текис йўлга дуч келдилар.

Пайғамбар алайхиссалом одамларга:

«Ўнг томондан, Ҳамаз орқали Макканинг пастки

тарафидаги Ҳудайбия пастлиги томонга юринглар», дедилар.

Одамлар ўша йўлдан юришди. Мусулмонларнинг изидан қўтарилиган чангни кўрган Қурайш отликлари йўлларини ўзгартириб, отларини чоптириб, ўз қабиладошлари хузурига қайтдилар.

Пайғамбар алайҳиссалом йўлни тўғрилаб, олға юришни бошлаган эдилар, туялари чўк тушиб, юрмай ётиб олди. Одамлар «Туя ётиб олди», деган гап тарқатишиди. Расулуллоҳ алайҳиссалом:

«Ётиб олгани йўқ. Унинг бундай одати йўқ эди, лекин уни Маккада филни тутган нарса тутиб қолди. Қурайш бугун мендан силаи раҳм ҳакида нимани сўраса, бераман», дедилар.

Сўнгра туяларини бошқа тарафга буриб ниқтаган эдилар, сакраб туриб, юриб кетди. Юриб бориб, Ҳудайбиянинг четига тушдилар. Одамларга:

«Тушиб, жойлашинглар!» дедилар.

Элчилар бир неча бор келиб-кетганларидан сўнг, Қурайш Пайғамбар алайҳиссаломнинг хузурларига Суҳайл ибн Амрни юборди. Унга: «Сен бориб, Мухаммад билан сулҳ туз. Сулҳда албаттга, бу йил бизнинг устимизга (Маккага) кирмай кетиш бўлсин, яна араблар бизнинг устимизга куч ишлатиб кирди, деб гапиришмасин», дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалом Суҳайл ибн Амрнинг келаётганини кўрганларида: «Аллоҳ ишимизни енгиллаштирадиганга ўхшайди», дедилар. («Суҳайл» сўзи луғавий жихатдан «осон», «енгил» деган маъноларни англатади.)

Яна: «Улар бу одамни юборишларига қараганда, сулҳ тузишмоқчи шекилли», дедилар.

Суҳайл Расули акрам ҳузурларига келди. Улар узоқ тортишдилар ва ниҳоят сулҳ тузилди. Пайғамбар

алайхиссалом сулҳни ёзишга ҳазрати Али ибн Абу Толибни чакирдилар ва:

««Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм», деб ёз», дедилар. Суҳайл:

«Мен бунақа гапни билмайман, «Бисмикааллоҳумма» деб ёз», деди. Расулуллоҳ алайхиссалом:

««Бисмикааллоҳумма» деб ёз», дедилар. Ҳазрати Али ёздилар. Сўнгра у зот:

«Ёз: «Бу Аллоҳнинг Расули Муҳаммад ва Суҳайл ибн Амр тузган сулҳ» дедилар. Шунда Суҳайл:

«Агар сени Аллоҳнинг Расули, деб шаҳодат берганимда, сен билан урушмас эдим. Шунинг учун исмингни ва отангни исмини ёздир», деди.

Пайғамбаримиз алайхиссалом:

«Ёз: Бу Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва Суҳайл ибн Амр тузган сулҳ...», дедилар.

Ха, илмлари ўткир бўлганлиги учун ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайхи васалламга котиблик қилишдек катта шарафга ҳам муяссар бўлган эдилар. У киши оз сонли ваҳий котибларидан ҳисобланиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламга нозил бўлаётган ояти карималарни ёзиб боришда ҳам иштирок этар эдилар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ўзлари Ҳудайбияга оид баъзи тафсилотларни кейинчалик ҳам эслаб юрар эдилар.

2863 - عَنْ رِبْعَيٍّ بْنِ حَرَاشٍ تَقَالَ: حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ بِالرَّحْبَةِ قَالَ: لَمَّا كَانَ يَوْمُ الْحُدَيْبِيَّةِ خَرَجَ إِلَيْنَا نَاسٌ مِنْ الْمُشْرِكِينَ فِيهِمْ سُهْيَلٌ بْنُ عَمْرِي وَأَنَّاسٌ مِنْ رُؤْسَاءِ الْمُشْرِكِينَ فَقَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ خَرَجَ إِلَيْكَ نَاسٌ مِنْ أَبْنَائِنَا وَإِخْوَانِنَا وَأَرْقَائِنَا وَلَيْسَ لَهُمْ فِيقَةٌ

فِي الدِّينِ وَإِنَّمَا خَرَجُوا فِرَارًا مِنْ أَمْوَالِنَا وَضِيَاعِنَا فَأَرْدُدُهُمْ إِلَيْنَا قَالَ:  
 فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُمْ فِقْهٌ فِي الدِّينِ سَنُعْقِهُمْ ثُمَّ قَالَ P: يَا مَعْشَرَ قُرْيَشٍ  
 لَتَنْتَهُنَّ أَوْ لَيَعْشَنَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ مَنْ يَصْرِبُ رِقَابَكُمْ بِالسَّيِّفِ عَلَى الدِّينِ  
 فَقَدِ امْتَحَنَ اللَّهُ قَلْبَهُ عَلَى الْإِيمَانِ قَالُوا: مَنْ هُوَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ فَقَالَ  
 أَبُو بَكْرٍ: مَنْ هُوَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ وَقَالَ عُمَرُ: مَنْ هُوَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟  
 قَالَ: هُوَ خَاصِفُ النَّعْلِ وَكَانَ أَعْطَى عَلَيًّا نَعْلَهُ يَخْصِفُهَا قَالَ: ثُمَّ  
 التَّفَتَ إِلَيْنَا عَلَيِّي فَقَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ P قَالَ: مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ  
 مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَبُوأْ مَفْعَدَهُ مِنَ النَّارِ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2863. Робийъ ибн Ҳироши розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Али ибн Абу Толиб Роҳабийяда бизга айтиб берди:

«Худайбия куни бўлганида бизга мушриклардан баъзи одамлар чикдилар. Уларнинг ичидаги Суҳайл ибн Амр ва мушрикларнинг бошлиқларидан бошқа кишилар бор эди. Бас, улар:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Сен томонга бизнинг болаларимиздан, ака-укаларимиздан ва қулларимиздан баъзилари чикдилар. Уларнинг динда билимлари йўқ. Улар фақатгина молларимиз ва ерларимиздан қочиб чиқдилар. Уларни бизга қайтар», дедилар.

Бас, шунда у зот:

«Уларнинг динда билимлари йўқ бўлса, биз уларга ўргатамиз», дедилар. Сўнгра у зот соллаллоҳу алайхи васаллам:

«Эй Қурайш жамоаси! Ёки бас қилинг! Ёки Аллоҳ

устингизга бир одамни юборурки, у дин йўлида бўйнингизга қилич уради! Батаҳқиқ, Аллоҳ унинг қалбини иймонда имтиҳон қилгандир!», дедилар.

«У ким, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди.

«У ким, эй Аллоҳнинг Расули?» деди Абу Бакр.

«У ким, эй Аллоҳнинг Расули?» деди Умар.

«У кавуш ямоқчисидир», дедилар у зот.

Ўша пайтда у зот ўз кавушларини Алига ямаш учун берган эдилар.

Сўнгра Али бизга ўгирилиб қаради-да:

«Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, ким мендан қасдан ёлғон гапирса, дўзахдаги ўрнига тайёрланаверсин, деганлар», деди».

Термизий ривоят қилган.

Албатта, бу ривоятда келаётган маънолар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг олиймақом фазлга эга зот эканликларини яна бир бор таъкидламоқда. Бу ердаги гапларни Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Куфага яқин жойлашган ар-Роҳба номли жойда гапириб берганларини ровий Робийъ ибн Ҳирош розияллоҳу анху ҳам эшитганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Эй Қурайш жамоаси! Ёки бас қилинг! Ёки Аллоҳ устингизга бир одамни юборурки, у дин йўлида бўйнингизга қилич уради! Батаҳқиқ, Аллоҳ унинг қалбини иймонда имтиҳон қилгандир!» деган гапларида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг шоншарафларини кўтарувчи улкан маънолар мужассам бўлган.

## ХАЙБАР

Хайбар Мадинаи Мунавварадан етмиш милча узокликдаги жой бўлиб, у жойни яҳудийлар босиб олишган эди. Ислом зоҳир бўлганидан кейин

мусулмонларга хиёнат қилган яхудийлар ҳам қочиб келиб, шу ерга жойлашган эдилар. Хайбар яхудийлар томонидан Ислом жамиятияга доимий таҳдид солиб турадиган ҳарбий истеҳкомга айлантирилган эди. Мадинаи Мунавварадан сургун қилингандык Бани Назир яхудийлари ҳам Хайбарга жойлашган эдилар. Улар атрофдаги қабилаларни, хусусан, Ғатафон қабиласини ўзлари билан Мадинаи Мунавварага ҳужум қилиб, мусулмонларни йўқ қилиб ташлашга чорлаётган эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам ушбу режалардан хабар топғанларидан кейин еттинчи ҳижрый сананинг Мұхаррам ойи охирларида Хайбарни фатҳ қилишга қарор қилдилар.

У зот бу урушга фақат Ҳудайбия иштирокчилари чиқишини қаттиқ таъкидладилар. Ҳудайбия-га чиқмай қолғанларга изн бермадилар. Хайбарга бир минг тўрт юз саҳобий чиқди. Беморларни даволаш, ярадорларга қарааш, таом тайёрлаш учун саҳобия аёллардан ҳам йигирма киши чиқди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайхи васаллам ўз лашкарларини Мадина билан Ғатафон орасида жойлашган Рожийъ номли ерга туширдилар. Шунда ғатафонликларнинг яхудийларга ёрдамга келадиган йўллари тўсилди. Лекин ғатафонликлар урушга аралашмадилар. Улар ўз жойларидан чиқмай, томошабин бўлиб турдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайхи васаллам таомларни жамлашга амр қилдилар. Фақат толқондан иборат таом жамланди. Ундан сарий номли таом тайёрланиб, одамларга тарқатилди.

Хайбарга етиб келинганды Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам Аллоҳ таолога илтижо ила дуо қилдилар. У зот Аллоҳ таолодан Хайбарнинг фатҳини сўрадилар. Хайбарнинг ва унинг аҳлининг шарридан паноҳ тиладилар.

Хайбар бир неча қўрғонлардан иборат эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бирин-кетин ўша қўрғонларни забт эта бошладилар. Биринчи бўлиб, «Ноъим» номли қўрғонни фатҳ қилдилар.

Кейин «ал-Қамус» номли қўрғонга навбат келди. «ал-Қамус»ни фатҳ қилиш мусулмонлар учун оғир бўлди. Бир неча ҳужумлар фойда бермади. Навбатдаги ҳужумдан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эртага байроқни албатта, Аллоҳ ва Унинг Расули яхши кўрадиган киши олади. Унга фатҳ насиб бўлади», дедилар. Катта саҳобаларнинг ҳар бири ўша одам ўзи бўлишини умид қила бошладилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Али розияллоҳу анҳуни чақирдилар. Ўша пайтда ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг кўзлари оғриб қолган эди. Ҳазрати Али келдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг кўзларига туфлаган эдилар, худди хаста бўлмагандек бўлиб қолдилар. У зот байроқни у кишига бердилар. Шунда ҳазрати Али:

«Улар ҳам биз каби бўлгунларича уларга қарши уруш қиласман», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига қараб:

«Сен шошилмай уларнинг қаршисига бор. Сўнгра уларни Исломга чақир. Уларга вожиб бўлмиш Аллоҳнинг ҳақлари тўғрисида хабар бер. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг сабабингдан бир кишини ҳидоятга солмоғи, сен учун энг афзал неъматлардан кўра яхшироқдир», дедилар.

Али розияллоҳу анҳу «ал-Қамус» қўрғони томон юрдилар. У кишининг қаршисига яхудийларнинг машҳур паҳлавони Михраб шеър айтиб чиқди. Икки паҳлавон орасида аёвсиз жанг нима билан тугашини кутиб турар эди. Яккана-якка олишаётганлар эса, бир-бирларига бераётган

зарбаларни борган сари кучайтириб борар эдилар. Ҳазрати Али пайт пойлаб туриб, Михрабнинг қоқ мисисига шиддатли зарба бердилар. Яхудийнинг бошига кийган дубулгаси ва унга кўшилиб боши ҳам иккига бўлиниб кетди. Мусулмонлар «Аллоҳу акбар!» садолари остида «ал-Қамус»ни фатҳ этдилар.

Хайбар уруши ва унда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида ҳадис, уруш, сийрат ва тарих китобларимиздан жуда кўплаб маълумотлар келган. Улардан фойдаланиб, алоҳида китоблар ёзса ҳам бўлади. Биз эса ўз имкониятимиздан келиб чиқиб, баъзи бир ривоятларнигина ўрганамиз. Жумладан, биз шарҳ қилаётган китобда ҳам бу урушда Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг иштироклари ҳақида бир неча ривоятлар келтирилган. Ҳозир ана шу ривоятларни ўрганамиз.

2864- عن سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ قَالَ: كَانَ عَلَيْيِ قَدْ تَخَلَّفَ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ فِي حَيْبَرٍ وَكَانَ رَمَادًا فَقَالَ: أَنَا أَتَخَلَّفُ! عَنْ رَسُولِ اللَّهِ: فَخَرَجَ فَلَحِقَ بِالنَّبِيِّ ﷺ فَلَمَّا كَانَ مَسَاءُ الْلَّيْلَةِ الَّتِي فَتَحَّهَا اللَّهُ فِي صَبَاحِهَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ: لَا عُطِيَّ الرَّايَةَ أَوْ لَيَأْخُذَنَ الرَّايَةَ غَدَّا رَجُلًا يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أَوْ قَالَ يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يَفْتَحُ اللَّهُ عَلَيْهِ فَإِذَا نَحْنُ بِعَلِيٍّ وَمَا نَرْجُوهُ فَقَالُوا هَذَا عَلَيْهِ فَأَعْطَاهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ الرَّايَةَ فَفَتَحَ اللَّهُ عَلَيْهِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

2864. Салама ибн ал-Аквай розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Хайбарда Али Набий соллаллоҳу алайҳи

vasallamdan ortda қолган эди. Унинг кўзи оғриб қолган эди. У «Мен ортда қолар эканманми?!» деди-да, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб олди. Аллоҳ фатҳ қилган тонгнинг кечасидан олдинги оқшом чоғида Расуллурроҳу соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, эртага байроқни Аллоҳ ва Унинг Расули яхши кўрадиган кишига берурман ёки Аллоҳни ва Унинг Расулини яхши кўрадиган киши олур. Аллоҳ унга фатҳ берур», дедилар.

Биз қарасак, Али турибди. Шуни умид қилган эдик. «Мана, Али», дейиши. Бас, Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам байроқни унга бердилар. Аллоҳ унга фатҳ берди».

*Икки шайх ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу ривоятдан кўзи қаттиқ оғриб, бемор бўлиб ётган ҳазрати Али розияллоҳу анҳу аввал Хайбар урушига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга жўнай олмай, қолиб кетгандарини тушуниб оламиз. Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом лашкарларини олиб, хайбарга жўнаб кетгандари ҳақидаги хабарни эшитган Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу хасталикларига қарамай, ўринларидан туриб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб олдилар. Албатта, у кишига ўхшаҳ зотлар узрлари бўлса ҳам урушдан қолишни ўзларига эп кўрмас эдилар. Уларнинг буюклиги бундан бошқа нарсага изн бермас эди. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу худди ана шу тоифадаги буюкларнинг ичидаги ҳам нодир шахслардан бири эдилар. У кишига Аллоҳ таоло томонидан берилган шахсий сифатларнинг Ислом ила тобланиши айнан ана шундоқ мўъжиза мисол шахсиятни юзага келтирган эди.

- 2865 -  
عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ يَوْمَ

خَيْرٌ لَا يُعْطَى هَذِهِ الرَّأْيَةُ رَجُلًا يَفْتَحُ اللَّهُ عَلَى يَدِيهِ يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ

وَيَجْعُلُهُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ فَبَاتَ النَّاسُ يَدْعُوكُونَ لَيَأْتِهِمْ أَيُّهُمْ يُعْطَاهَا فَلَمَّا  
 أَصْبَحَ النَّاسُ عَدَوًا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ كُلُّهُمْ يَرْجُونَ أَنْ يُعْطَاهَا  
 فَقَالَ: أَيْنَ عَلَيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ؟ فَقَيلَ: هُوَ يَا رَسُولَ اللَّهِ يَشْتَكِي  
 عَيْنَيْهِ قَالَ: فَأَرْسِلُوا إِلَيْهِ فَأُتِيَ بِهِ فَبَصَقَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي عَيْنَيْهِ وَدَعَا  
 لَهُ فَبَرَأَ كَانْ لَمْ يَكُنْ بِهِ وَجْهٌ فَأَعْطَاهُ الرَّأْيَةَ فَقَالَ عَلَيُّ: يَا رَسُولَ اللَّهِ  
 أَفَاتُلُّهُمْ حَتَّى يَكُونُوا مِثْنَا فَقَالَ: انْفُذْ عَلَى رِسْلِكَ حَتَّى تَنْزِلَ  
 بِسَاحِتِهِمْ ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى الإِسْلَامِ وَأَخْبِرْهُمْ إِمَّا يَحْبُّ عَلَيْهِمْ مِنْ حَقٍّ  
 اللَّهُ فِيهِ فَوَاللَّهِ لَأَنْ يَهْدِيَ اللَّهُ بِكَ رَجُلًا وَاحِدًا خَيْرٌ لَكَ مِنْ أَنْ يَكُونَ  
 لَكَ حُمُرُ النَّعْمَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانَ.

2865. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар куни:

«Албатта, ушбу байроқни Аллоҳ унинг қўли ила фатҳ қиласиган, Аллоҳни ва Унинг Расулини яхши кўрадиган ва Аллоҳ ҳамда Унинг Расули уни яхши кўрадиган кишига берурман», дедилар.

Одамлар кечаси билан унинг кимга берилиши хақида гаплашиб чиқдилар. Тонг оттирганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордилар. Ҳаммалари унинг ўзига берилишини орзу қиласиган эдилар. Бас, у зот:

«Али ибн Абу Талиб қани?» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, унинг икки кўзидан шикояти бор», дейишди.

**«Унга одам юборинглар», дедилар у зот.**

**У келтирилди. У зот унинг икки қўзига туфладилар ва ҳаққига дуо қилдилар. Худди хаста бўлмагандек бўлиб тузалди. Бас, у зот унга байроқни бердилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, уларга қарши то биз каби бўлгунларича уруш қиласманми?!» деди.**

**«Сен шошилмай, уларнинг қархисига бор. Сўнгра уларни Исломга чақир. Уларга вожиб бўлмиш Аллоҳнинг ҳақлари тўғрисида хабар бер. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг сабабингдан бир кишини ҳидоятга солмоғи, сен учун энг афзал неъматлардан кўра яхширокдир», дедилар».**

*Икки шайх ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Бу ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидан бирининг шоҳиди бўлмоқдамиз. Кўзлари қаттиқ оғриб қолган беморга дам солиб, дуо қилишлари билан худди кўрмагандек бўлиб тузалиб кетиши катта мўъжизадир. Бу иш ўша пайтда у зотнинг ҳар бир ҳаракатларини синчковлик билан кузатиб турган дўсту душманнинг орасида бўлганлиги билан ҳам эътиборга сазовордир.

Саодат замонининг энг сара мусулмонлари, жумладан, Абу Бакр Сиддиқ, Умари Одил ва Усмон Зуннурайни каби зотлар жамланиб турганларида, олдиндан улуғ васф қилиб қўйилган шахс мартабасига ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг танланишлари у кишининг фазллари қанчалик улуғ эканлигини билдиради.

Ушбу ҳадиси шарифдан яна бир улкан исломий ҳақиқатни, яъни, мусулмонлар фатҳ ишларини уруш учун эмас, кишиларни яхшиликка, Исломга чақириш учун олиб борганликларини англаб оламиз. Агар уруш қилиш ниятлари бўлганда, бу ишга Хайбар ахли лойик эдилар. Ўша пайтда Хайбар Исломга ва мусулмонларга қарши халқаро марказга айланган эди. У ердан тинмай Пайғамбар

соллаллоху алайҳи васалламга қарши, Ислом жамииятига қарши турли иғволар ва ҳаракатлар чиқиб турган эди. Ўша кундан аввалги куни уруш ҳам бўлиб ўтган эди. Аммо шундок бўлса ҳам, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан байроқни олган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху уларга қарши ўзларига ўхшагунча уруш қилишлари ҳақидаги масалани яна бир бор сўрадилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам эса уларни яна бир бор масалани тинч йўл билан ҳал қилишга, Исломга тарғиб қилишга иршод қилдилар.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг Хайбар куни Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳуга: «**Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг сабабингдан бир кишини ҳидоятга солмоғи, сен учун энг афзал неъматлардан кўра яхшироқдир**», деган сўзлари мусулмонларнинг фатҳ ишларидаги шиори бўлиб қолган эди.

## МАККА ФАТҲИ

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам одамларга Макка фатҳига тайёргарлик кўриш ҳақида амр бердилар. У зот бу ишни сир тутиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Хотиб ибн Абу Балтаъа исмли киши Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келган эди. Бу саҳобий Бадр уруши иштирокчиларидан бўлиб, унинг бола-чақаси ва мол-дунёси Маккада қолган эди. Ўзи Қурайш қабиласидан бўлмаса ҳам, улар билан дўст тутингланлардан эди.

Ўша пайдада Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам:  
«Эй бор Худоё! Бизнинг хабаримизни улардан беркитгин», деб дую ҳам қилдилар.

Хотиб ибн Абу Балтаъа эса, Пайғамбар алайҳиссаломнинг урушга қасд қилганликлари ҳақида хат ёзиб,

бир аёл киши орқали Қурайш қабиласига юборди. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг дуоларини қабул қилиб, бунинг хабарини у зотга билдириди. Пайғамбар алайҳиссалом ҳазрати Али, Зубайр ибн Аввом ва Микдодларни чақириб: «Тезда йўлга отланинглар, сизларга бир боғ дуч келади. У ердан бир аёлни топасизлар. Унда хат бор, ўша хатни олиб, қайтинглар», дедилар.

Учовлон от чоптириб, бокқа етиб бордилар ва ўша аёлни топиб: «Хатни чиқар!» дейишиди. Аёл: «Менда хат йўқ», деди. Шунда учовлон хатни қидириб бўлса ҳам топишларига ишора қилиб: «Ё хатни чиқарасан, ё кийимларингни ечасан!» дейишиди. Аёл ночор соч турмаклари орасидан хатни чиқариб берди. Учовлари хатни олиб, Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига боришиди. Қарашса, Ҳотибининг мушрикларга ёзган хати экан.

Аллоҳ таолонинг нусрати ила мусулмонлар Маккага музaffer холларида кирадиган бўлдилар. Саҳобаи киромлар гурух-гурух бўлиб, сафга тизилган ҳолда, кўрган кишининг ҳавасини келтирадиган суръатда, ўзларига йиллар давомида душманлик қилган қавмнинг устига ер юзини такбирларга тўлдирган ҳолда кириб боришга ҳозирланар эдилар.

Байроқни ансорийларнинг бошлиғи Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу кўтариб олган эди. Маккага яқинлашган пайтда у кишининг завқи келди. Бўлиб ўтган ходисалар ёдларига тушди шекилли, «Урушнинг зўри бугун бўлади! Каъбани ҳалол санаш бугун бўлади!» деб кичқирди. Бу хитобни эшитишлари билан бу хабарни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу дарҳол, шошилинч равища Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга етказдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зудлик билан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни чақирдилар ва:

«Саъдни топ! Унинг қўлидан байроқни ол! Уни шаҳарга сен кўтариб кир!» дедилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага ўзларининг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ғалаба ила ғуурурланиб эмас, хокисорлик билан, Аллоҳнинг берганига шукр қилган ҳолда киришларини истар эдилар. Бу ишнинг амалга ошишида байроқдорнинг ўрни катта эди. Байроқдорликни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хоҳлаганларидек адo этишга эса Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ярап эдилар.

Фатҳ ишлари тамом бўлганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу бошчилигидаги бир сарийяни ташвиқот учун Тұхаманинг пастки тарафларига юбордилар. Уруш қилмасликни алоҳида таъкидладилар. Аммо орада тушунмовчилик бўлиб, уруш чиқди ва баъзи одамлар ҳалок бўлди.

Бу хабар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга етди. У зот алайҳиссалом қаттиқ хафа бўлдилар ва ғазабландилар. Аллоҳга илтижо қилиб, Холид ибн Валид қилган ишда ўзларининг алоқалари йўқ эканлигини айтдилар. Шу билан бирга, бу нозик ишни тўғрилаш чораларини кўрдилар. Бундек мухим топшириқни бажаришга ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни лойик деб топдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуни ҳузурларига чорлаб:

«Эй Али! Анави қавмнинг олдига чиқ! Уларнинг ишига назар сол! Жоҳилиятнинг барча ишини уларнинг оёқлари остига ташла!» дедилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуга қатл бўлғанларнинг хунини тўлаш учун етарли мол ҳам бердилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу бориб, бу набавий топшириқни ҳам

аъло даражада бажариб қайтдилар.

## ХУНАЙН

Хунайн уруши Маккаи Мукаррама фатҳ қилинганидан сўнг, саккизинчи ҳижрий йилнинг шаввол ойида бўлган эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳи учун олиб келган муҳожирлар, ансорийлар ва араб қабилаларидан тузилган ўн минг кишилик аскарлари билан душман томон йўл олдилар. Исломга янги кирган икки минг маккалик ҳам у киши билан бирга эди. Ҳаммалари бир бўлиб, душман томон юриш қилдилар.

Икки томон Макка билан Тоиф орасидаги Хунайн деб номланадиган водийда тўқнашдилар. Жанг тонг ғира-шира ёришганда бошланди. Мусулмонлар водийга кириб боришганида, ҳавозонликлар қўйган пистирма уларга сездирмай, бирдан ҳужум қилиб қолди. Улар тинмай камондан ўқ ёғдирап, қиличларини ишга солар ва подшоҳлари буюрганидек, ёппасига ҳужум қилар эдилар. Ана шу пайтда мусулмонлар орқага қараб қоча бошладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан юзтacha саҳобаларгина событ турдилар. Уларнинг ичиди Абу Бакр, Умар, Али, Аббос, Фазл ибн Аббос, Абу Суфён ибн ал-Ҳорис, Айман ибн Умму Айман, Усома ибн Зайд ва бошқа розияллоҳу анхум бор эдилар. Фатҳдан кейин ҳовликиб кетганларга худди шу Хунайн уруши яхшигина дарс бўлган эди. Ўша жангда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга қолиб, ғалабани таъминлашда асосий куч бўлган юз ҷоғлиқ кишилар алоҳида тақдирлашга сазовордирлар. Улар Ислом тарихида унугли мас қаҳрамонлик кўрсатган зотлардирлар. Ана шу муборак зотларнинг энг кўзга кўринганларидан бири

ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху эдилар.

## ТОИФ

Саккизинчи ҳижрий сананинг шаввол ойида Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Тоиф урушини бошладилар. Тоифликлар шаҳар ичига бир йилга етадиган нарсаларни тўплаб олиб, дарвозаларни маҳкам беркитиб, урушга тайёргарликни кўриб олган эдилар.

Шаҳарни қамал қилиш бошланди. Орада баъзи ҳарбий ҳаракатлар бўлса ҳам, маълум муддат қамалдан сўнг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Ислом лашкарларига ортга қайтишга амр бердилар.

Худди шу вақтда Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу учун у кишининг шарафларини яна ҳам улуғлайдиган бир иш бўлиб ўтди. Қандай иш содир бўлғанлигини қуидаги ривоятдан ўрганамиз.

وَقَالَ جَابِرٌ : دَعَا رَسُولُ اللَّهِ عَلَيْهِ يَوْمَ الطَّائِفِ فَأَنْتَجَاهُ فَقَالَ النَّاسُ : لَقْدْ طَالَ بَحْوَاهُ مَعَ ابْنِ عَمِّهِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ : مَا أَنْجَيْتُهُ وَلَكِنَّ اللَّهَ أَنْتَجَاهُ . رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ .

**2867. Жобир розияллоху анху айтади:**

«Тоиф қуни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Алини ўзларига чорладилар ва сирли сухбатлашдилар.

Одамлар: «У зотнинг амакиларининг ўғли билан бўлған сирли сухбатлари роса чўзилди-ку», дедилар.

«У билан мен сирли сухбатлашганим йўқ. У билан Аллоҳ сирли сухбатлашди», дедилар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам».

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарх:** Албатта, бу ҳодиса ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг фазлларига фазл, шарафларига шараф ва обрўларига обрў қўшадиган муҳим бир ҳодиса эди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаху билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг номидан сирли сухбат қурган эдилар. Бундай шарафга эса, бошқа ҳеч ким мұяссар бўлмаган эди.

## ТАБУК

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга румликларнинг яна катта аскар тўплаётганликлари ҳақида хабар келди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларини Румга қарши урушга тайёргарлик қўришга буюрдилар.

Бу давр ниҳоятда қийин, яъни, ҳаво иссиқ, қурғоқчилик авжига чиққан пайт эди. Мевалар пишган, одамлар сояда мевалардан баҳраманд бўлиб дам олишни хоҳладиган вақт эди. Ўша даврдаги қаттиқ қийинчиликни эътиборга олиб, бу урушни «Усра» – «Қийинчилик» уруши деб ҳам аташган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одатда, бирор урушга чиқадиган бўлсалар, очик айтмасдилар. Бошқа томонга бормоқчи эканликларини айтиб туриб, кейин мақсад қилинган тарафга юрар эдилар. Факат Табук урушида бундай қилмадилар. Машаққатли, узок йўлда, шиддатли пайтда душманнинг кўплиги сабабли одамлар ўзига яраша тайёргарликларини кўрсин, деб очиқдан-очик айтдилар. Одамларни тайёргарлик қўришга буюрдилар ҳамда Рум билан уруш қилиш ниятида эканликларини билдиридилар.

Ана шундоқ катта ва кучли сафарбарлик пайтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан

ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуга нисбатан бошқача амр бўлди. Қандоқ амр бўлганлигини қўйидаги ривоятдан ўрганамиз.

2868- عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَاصٍ قَالَ: خَلَفَ رَسُولُ اللَّهِ عَلَيَّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ فِي غَرْوَةِ تَبُوكَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ تُحَلِّفُنِي فِي النِّسَاءِ وَالصَّبَيَانِ؟ فَقَالَ: أَمَا تَرَضَى أَنْ تَكُونَ مِنْ بَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى غَيْرَ أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي. رَوَاهُ الشَّيْخَانُ وَالثُّرْمَدِيُّ.

2868. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук урушида Али ибн Абу Толибни ўз ўринларига қолдирилар. Бас, у:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мени аёллар ва болалар ичida қолдирасизми!» деди.

«Хорун Мусонинг ўрнида бўлганидек сен менинг ўрнимда бўлишга рози бўлмайсанми!? Фақатгина мендан кейин набий йўқ, холос», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни ўз ўринларига Мадинада қолдириб, Табук урушига жўнаб кетганларидан сўнг мунофиқлар «Пайғамбар Алини дангасалик қилгани учун қолдириб кетди» деган иғво тарқатганлар. Шунда Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаху қурол-аслаҳаларини олиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан юриб, Журф номли жойда у зотга етиб олганлар. Шунда иккиларининг ораларида юқорида келтирилган ривоятдаги гаплар бўлиб ўтган.

Бир вақтлар Мусо алайҳиссалом Бани Исройлдан

танланган кишиларни олиб, Аллоҳ таоло билан роз айтишгани кетаётгандаридан акалари Хорун алайхиссаломни ўринларига қолдириб кетган эдилар. У киши ўз қавмлари ичида Мусо алайхиссаломнинг ўринларига у кишининг ишларини юритиб туришлари керак эди. Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ишларни юритиб туриш учун ўз ўринларига Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни қолдириб кетаётган эдилар. Бу ўхшаш икки ҳолатда биргина фарқ бор эди – Хорун алайхиссалом ҳам Мусо алайхиссалом билан бир вактда набий бўлган эдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу эса, набий эмас эдилар, чунки Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин бошқа набий бўлиши мутлақо мумкин эмас.

Албатта, бу мақом ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху учун мисли қўрилмаган улкан бир мақом эди. Бу мақом у кишидан бошқа ҳеч кимга насиб этмаган.

## БИРИНЧИ ИСЛОМИЙ ҲАЖ

Тўққизинч ҳижрий санада Аллоҳ таоло:

**«Одамлардан йўлини топганларига Аллоҳ учун байтни ҳаж қилмоқ бурчдир»** ояти ила мусулмонларга ҳам ҳаж ибодатини фарз қилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша йили Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхуни ҳаж амири қилиб, Маккага жўнатдилар. У киши мусулмонларнинг ҳаж ишларини бошқаришлари керак эди.

Абу Бакр розияллоҳу анху ўз шериклари билан ҳажга жўнаб кетганларидан сўнг Бароат сурасининг аввалида келадиган ояти карималар нозил бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни чақириб:

«Бароатнинг аввалидаги бу қисса ила чиқ, қурбонлик

куни одамлар ичида эълон қил: кофир жаннатга кирмас. Бу йилдан кейин мушрик ҳаж қилмас. Байт ялангоч тавоғ қилинмас. Кимнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида аҳди бўлса, у ўз муддатига етказилур», дедилар.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ал-Азбоо номли туяларини миниб, йўлга тушдилар. Йўл давомида Абу Бакр розияллоҳу анҳуга етиб олдилар. У кишини кўрган Абу Бакр:

«Амир бўлибми, маъмурми?» деб сўрадилар.

«Маъмур», дедилар ҳазрати Али.

Икковлари йўлда давом этдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳажга амирлик қилдилар. Қурбонлик куни бўлганда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу туриб, одамлар ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилган нарсаларни эълон қилдилар.

**«(Бу) Аллоҳдан ва Унинг Расулидан мушрикларнинг сиз аҳдлашганларига «бароат» – ора очиқлиги (эълони)дир».**

Яъни «Эй мўминлар, сиз аҳднома тузган мушрикларга Аллоҳ ва Унинг Расулидан мана шу эълон– ора очиқлик эълонидир. Бу оятлар нузулидан сўнг аҳдномаларга амал қилишда «ора очиқ» бўлади, яъни улар амалдан тўхтатилади. Энди бир тараф иккинчи тарафга аҳдномани рўкач қила олмайди. У бузилди».

**«Бас, ер юзида тўрт ой сайр қилиб юринглар ва билингларки, албатта, сиз Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз ва, албатта, Аллоҳ кофирларни хор қилгувчи».**

Бу иш мусулмонлар билан аҳднома тузган ва сўнгра аҳдни бузган мушрикларга тегишилдир. Бу тўрт ой тўққизинч ҳижрий сана, зулҳижжа ойининг ўнинчи кунидан бошланиб, роббиъул охир ойининг ўнинчи кунигача давом этади. Шунда зулҳижжа оидан йигирма

кун, муҳаррам, сафар ва роббиъул аввал ойлари түлиқ ҳолда, роббиъул охир ойидан ўн кун бўлади. Мана шу муддат чиққандан кейин Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан аҳдномага амал қилиш тўхтатилади. Бу «ора очиқлик» эълонидир. Унгача, яъни, тўрт ойгача сизга бирор тегмайди, ер юзида бемалол юраверишингиз мумкин. Юрсангиз юраверинг-у, аммо:

**«...билингларки, албатта, сиз Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз».**

Қаёқка ҳам борар эдингиз? Исломга ва мусулмонларга душманлик қилиб нима ҳам қила олар эдингиз? Яна билингларки:

**«...албатта, Аллоҳ коғирларни хор қилгувчидир».**

Кейинги оятда ора очиқлик фақат икки томонга тегишли эълон эмас, балки ҳаммага тааллуқли эканлиги айтилади.

**«(Бу) Аллоҳ ва Унинг Расулидан одамларга «ҳажжул акбар» куни(да)ги билдиришдир. Албатта, Аллоҳ ва Унинг Расулининг мушриклар билан оралари очиқдир. Бас, агар тавба қилсангиз, у ўзингиз учун яхшидир. Агар юз ўгириб кетадиган бўлсангиз, билингларки, албатта, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз. Куфр келтирганларга аламли азобнинг «башоратини» беравер».**

Бу ерда «бароат»ни эълон қилиш куни, вақти ва жойи ҳам маълум қилинмоқда.

**«(Бу) Аллоҳ ва Унинг Расулидан одамларга «ҳажжул акбар» кунида билдиришдир».**

Эълон оммага ҳаж мавсумида, ҳажжул акбар куни муқаддас жойларда етказилган.

Имом Имодуддин ибн Касир тафсирларида Абу Маъшар ал-Маданийнинг Мухаммад ибн Каъб ал-Қоразий ва бошқалардан қилган қўйидаги ривоятини келтирадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўққизинчи

хижрий санада Абу Бакрни ҳаж амири қилиб юбордилар. Али ибн Абу Толибни эса, Бароат сурасининг ўттиз ёки қирқ ояти билан жўнатдилар. У одамларга ўша оятларни Арафа куни ўқиб берди. Мушрикларга тўрт ой тегилмайди, ер юзида сайр қилиб юрадилар. Уларга зулхижжадан йигирма кун, муҳаррам, сафар, роббиъул аввал тўлиқ ва роббиъул охирдан ўн кун муҳлат берилди. Али бу оятларни уларнинг манзилларида ўқиб эшилтиргач:

«Бу йилимиздан кейин мушрик ҳаж қилмайди, Байтуллоҳни яланғоч одам тавоф этмайди», деб эълон қилди.

Шундай қилиб, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан топширилган яна бир муҳим топшириқни шараф билан адо этиш насиб этди.

## ВИДОЛАШУВ ҲАЖИ

Ўнинчи хижрий санада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг Исломдаги биринчи ва охирги ҳаждарини қилдилар. У зот бу ҳаждаги хатти-харакатлари ва айтган сўзлари билан бу ҳаж видолашув ҳажи эканлигини билдирилар. Шунинг учун ҳам ушбу ҳаж тарихда «Видолашув ҳажи» номини олган.

Видолашув ҳажидан олдин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни Яманга ишга юборган эдилар.

Бу ҳақда Имом Ҳоким келтирган саҳих ривоятда Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу қуидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Яманга юбордилар. Мен у зотга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мени юбормоқдасиз. Мен ёш бўлатуриб, уларга қозилик қилишим керак. Уларнинг

орасида қандоқ қозилик қиласман?» дедим.

У зот құллари билан күксимга урдилар-да:

«Эй Аллоҳим! Унинг қалбини ҳидоятга солгин, тилини событ қилғин!» дедилар. Данакни ёрган Зот ила қасамки, икки киши орасида қозилик қилишда ҳеч шак қилмадим».

Имом Байҳақий Бароо розияллоҳу анхудан ривоят қиласылар:

«Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валид розияллоҳу анхуни Яман аҳлига уларни Исломга тарғиб қилиш учун юбордилар. Мен Холид ибн Валид билан бирга чиққанлардан әдим. Олти ой турдик. У уларни Исломга тарғиб қиласар әди, улар эса, ижобат қилмас әдилар.

Сүнгра Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни юбордилар ва Холидни қайтариб юборишни амр қилдилар. Фақат Холид билан бўлган одамлардан ким қолмоқчи бўлса, қолсин, дедилар. Мен Али билан қолганлардан бўлдим.

Биз қавмга яқинлашганимизда улар биз томон чиқдилар. Бас, Али биз билан намоз ўқиди ва бизларни бир сафга тизди. Кейин олдимизга ўтиб, уларга Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини ўқиб берди. Ҳамадоннинг ҳаммаси мусулмон бўлдилар.

Али Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уларнинг Исломи ҳакида мактуб ёзди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мактубни ўқиганларида саждага йиқилдилар ва бошларини кўтариб туриб:

«Ассалому алаа Ҳамадон! Ассалому алаа Ҳамадон!» дедилар.

Ушбу ривоятни имом Бухорий ҳам қисқача келтирганлар.

Шу билан бирга, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳажда қурбонлик қилишлари учун Ямандан туялар олиб келиш ҳам топширилган әди. Вақти келганда

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важхаҳу Ямандан Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг туяларини олиб келдилар ва Фотима розияллоху анҳонинг эҳромдан чиқиб, бўёқ суртилган кийим кийиб, сурма кўйиб олганларини кўриб, инкор қилдилар. Шунда Фотима розияллоху анҳо: «Отам менга шуни амр қилдилар», дедилар.

Али Ироқда юрганида:

«Ўшанда Фотиманинг қилган ишидан аччиқланиб, у кишининг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан берган хабари ҳақида сўрагани у зотнинг ҳузурларига бордим. Мен унинг ишини инкор қилганим ҳақида хабар бердим. Бас, у зот: «Рост айтибди. Рост айтибди. Ҳажни ният қилганингда нима деган эдинг?» дедилар.

«Эй бор Худоё! Расулинг нимани ният қилган бўлса, ўшани ният қилдим, деб айтдим», дедим.

«Менинг атаган қурбонликларим бор. Эҳромдан чиқма», дедилар у зот.

Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳунинг Ямандан олиб келган қурбонликлари билан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўзлари ила олиб келган қурбонликлар жам бўлиб, юзта бўлган эди. Одамларнинг ҳаммаси эҳромдан чиқиб, соchlарини қисқартирдилар. Фақат Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ва қурбонлиги борлар бундек қилмадилар.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳажнинг маълум ибодатларини адo этиб бўлғанларидан сўнг Жамратул Куброга чиқадиган ўрта йўлга тушдилар. Дараҳт олдиғаги Жамрага келиб, еттига тошнинг ҳар бирини такбир айтиб, отдилар.

Кейин бурилиб, қурбонлик сўядиган жойга бордилар. Бас, олтмиш учтани (қурбонликни) ўз қўллари билан сўйдилар. Қолганларини ҳазрати Али сўйдилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам ҳазрати Алини

қурбонликларига шерик қилдилар.

Сүнгра амр қилиб, ҳар бир туядан бир оздан гүшт олдириб, қозонга солдириб пиширтиридилар. Икковлари ундан еб, шўрвасидан ичдилар».

Уламоларимиз ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг Ямдан Маккага, ҳажга келишлари ҳақида яна бир ажойиб ривоят келтирадилар. Унинг хулосаси қўйидагича:

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг топширикларини бажариб, у зотнинг қурбонлик қилишлари учун туяларни олиб ва бошқа ишларни битириб бўлгандан сўнг Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ўз одамлари билан Ямдан Маккага етиб келадилар. Маккага яқинлашганларида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху бир кишини гурухга амир қилиб тайинладилар ва ўzlари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига ошиқадилар. У зот билан учрашиб, кўнгиллари тўлгандан сўнг одамларини ҳам олиб келиш учун орқага қайтадилар.

Унгача вактинчалик амир одамларнинг олдиларига бир ҳолда бормайлик, кўрганларнинг кўзлари қувонсин, деб кишиларнинг ҳаммасига юклардан янги ва зийнатли кийимларни олиб кийишга амр берган эди. Ҳаммалари яқин орада йўқ янги кийимларни кийиб, кўрганнинг кўзини ўйнатадиган бўлиб турганларида Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху келиб қоладилар. Бу ҳолни кўриб, у кишининг хушлари бошларидан учади. Дарҳол амирга:

«Шўринг қурсин, бу нима!?» дедилар.

«Маккадаги биродарлари хузурларига борсалар, деб навкарларга яхши кийимларини кийгизиб қўйдим», деди амир.

«Шўринг қурсин! Уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўрмасларидан аввал ечинтир!» дедилар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху.

Ҳаммалари янги кийимларини ечдилар. Аммо ҳазрати Али розияллоху анхунинг уларга нисбатан қилган бу ишларидан бўлган норозиликларини «ечмади»лар. Уни кўнгилларига тугиб қўйдилар. Маккаи Мукаррамада, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирганларида вақтини топиб, Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг устиларидан шикоят қилдилар ва бўлиб ўтган қиссани сўзлаб бердилар. Шунда Мұхаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху ҳақларида ҳамма хавас қиласидиган бир гап айтдилар. У зот:

«Эй одамлар! Алидан шикоят қилманлар! Албатта, у Аллоҳнинг йўлида шунчалик камсуқумки, унинг устидан шикоят қилиб бўлмайди», дедилар.

Ха, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг тақвони, камсуқумликлари, турли зеб-зийнатга, дабдабаларга берилмаганликлари у кишининг қадрларини яна ҳам кўтарар эди. У кишининг бу сифатлари инсоният тарихидаги нодир шахслар қаторидан ўрин олишларига омил бўлган эди.

Али ибн Абу Толиб розияллоху анху видолашув ҳажидан Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Мадинаи Мунавварага қайтдилар. Йўлда келаётib, Фадийр номли жойга етдилар. У жой йўлнинг Мадина, Ироқ, Миср ва Яманга бўлинадиган жойида жойлашган макондир. Ўшанда зулхижжа ойининг ўн саккизинчи куни эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам хутба қилдилар. У зот ўз аҳли байтларига, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуга яхшилик қилишни васият қилдилар ва жумладан:

«Мен кимнинг мавлоси бўлсам, Али ҳам унинг мавлосидир. Эй Аллоҳим, унга валий бўлганга Сен ҳам валий бўлгин! Унга душман бўлганга Сен ҳам душман бўлгин!» дедилар.

(Ушбу ҳадисни имом Аҳмад ва Ҳокимлар ривоят қилишган.)

Бу ҳадис ҳадис китобларида «Ғадиyr ҳадиси» номи ила машхурдир. Бу ердаги «мавло ва валий» сўзларининг маъноси «дўст», «мехр ва ёрдам» маъноларида келган.

## РАСУЛУЛЛОҲНИНГ ВАФОТЛАРИ

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам зул-ҳижжа ойидан беш кун қолганда ҳаждан қайтиб келдилар. Янги, ўн биринчи ҳижрий йилнинг биринчи ойи муҳаррам ҳам ўтди. Сафар ойининг охирига келиб, душанба куни у кишининг хасталиклари бошланди.

Оlamларнинг сарвари, охири замон Пайғамбари Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг bemорликлари оғирлашиб қолганда азвожи мutoҳҳараларидан, яъни, оналаримиздан Оиша онамизницида қолишга ижозат сўрадилар. Улар ижозат беришди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хасталикларига қарашда эркаклардан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу бош-қош бўлиб турдилар. У зотнинг вафотлари, дағилари ва бунга тегишли барча ишларда ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаху барча ишларни бошқардилар.

Ушбу ишларга тегишли бўлган нодир ва ҳаммамиз учун аҳамиятли ривоятларни келтиришга ижозат бергайсиз.

Имом Ибн Можа, Ибн Саъд ва Тобароний қилган ривоятнинг имом Тобароний Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан келтирган матнида қўйидагилар айтилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оғирлашиб қолганларида ҳузурларида Оиша ва Ҳафса бор эди. Бирдан Али розияллоҳу анҳу кириб келди. Набий соллаллоҳу

алайҳи васаллам уни кўришлари билан бошларини кўттардилар ва:

«Менга яқинроқ кел! Менга яқинроқ кел!» дедилар. У келиб, у зотни ўз кўксига сужди. Сўнгра вафот этгунларича у зотнинг олдиларида бўлди.

У зот қазо қилганларида Али туриб, эшикни ёпди. Аббос розияллоҳу анху ва у билан бирга Бани Абдулмуттолиблар келиб, эшик олдида турдилар. Али «Отам сизга фидо бўлсин, тириклигингизда ёқимли эдингиз, майитлигингизда ҳам ёқимлисиз», деб турди. У (Аббос): «Ҳой, сен аёл кишига ўхшаб минғиллашингни қўй! Энди соҳибингизга қаранглар!» деди. Али: «Олдимга Фазл ибн Аббосни киритинглар», деди. Ансорийлар: «Аллоҳ номи ила сизлардан бизга ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан насибамизни беришингизни сўраймиз», дедилар. Улардан ҳам бир кишини киритдилар. Унинг исми Авс ибн Хавлий эди. У қўлида сув идиш кўтариб кирди. Уй ичидан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ечинтирманглар, у зотни ҳозирги ҳолларида, қомийсларида (либос номи) турғизиб, ғусл қилдиринглар», деган овоз эшитилди. Али у зотни қомийсларининг тагидан қўлини киргизиб ювди. Фазл ибн Аббос кийимни ушлаб турар, Ансорий эса, сув куйиб турар эди. Али қўлига латта ўраб олган ва уни қомийс остига киритиб юварди».

Иbn Саъд раҳматуллоҳи алайҳи келтирган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху қўйидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тайёрлашни бошлаганимизда ҳеч кимни киритмай, эшикни ёпиб қўйдик. Ансорийлар: «Биз у зотнинг тоғаларимиз, Исломдаги маконимиз маълум!» деб нидо қилдилар. Қурайшликлар: «Биз у зотнинг ота тараф қариндошларимиз», дедилар. Абу Бақр: «Эй мусулмонлар

жамоаси! Ҳар қавм ўз жанозасига бошқалардан кўра ҳақли. Аллоҳ номи ила сўрайман, агар кирадиган бўлсангиз, кечиктириб юборасиз. Аллоҳга қасамки, у зотнинг олдиларига чақирилганлардан бошқа бирор киши кирмайди!» деб қичқирди».

Али ибн Ҳусайн розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Ансорийлар: «Бизнинг ҳам ҳаққимиз бор. У зот синглилизнинг ўғиллари, Исломдаги маконимиз маълум!» деб нидо қилдилар. Улар Абу Бакрдан талаб қилдилар. У: «Анави қавм у зотга ҳақлироқ. Али ва Аббосдан талаб қилинглар. Уларнинг олдига ўшалар хоҳлаган кишидан бошқа кирмайди», деди».

Ибн Исҳоқ Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қиласиди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида эркак кишилар киритилдилар. Улар гурух-гурух бўлиб кириб, имомсиз жаноза ўқидилар. Сўнгра аёллар киритилдилар. Улар ҳам шундок жаноза ўқидилар. Кейин ёш болалар киритилдилар. Жаноза ўқидилар. Охири қуллар киритилдилар. Улар ҳам ёлғиз-ёлғиз жаноза ўқидилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жанозаларида уларга ҳеч ким имом бўлмади».

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи Абдуллоҳ ибн Мухаммаддан келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўрига қўйилганда Али: «У зотга (жанозасига) бирор имом бўлмайди. У зот тирикликларида ҳам, маййитликларида ҳам имомингиздир», деди. Одамлар тўп-тўп бўлиб кириб, саф-саф бўлиб туриб, жаноза ўқир эдилар. Уларнинг имоми йўқ эди. Али Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўғриларида туриб олиб:

«Ас-Салому алайка, айюҳаннабийю ва роҳматуллоҳи ва барокатуху! Эй Аллоҳим! Биз гувоҳлик берамиз. У зот ўзларига нозил бўлган нарсани етказдилар. Умматга

насиҳат қилдилар. Аллоҳнинг йўлида токи Аллоҳ динини азиз қилгунча ва калимасини батамом қилгунча уруш қилдилар. Эй Аллоҳим! Бизни у зотга нозил бўлган нарсага эргашадиганлардан қилгин. У зотдан кейин бизни саботли қилгин. У зот билан бизни жам қилгин», дер эди. Одамлар «Омин!» дер эдилар. Шундоқ қилиб, у зотга эр кишилар, сўнгра аёллар, кейин болалар жаноза ўқидилар».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни Али ибн Абу Толиб, Фазл ибн Аббос ва Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳум қабрга қўйғанлар.

Шундоқ қилиб, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги дақиқаларида ҳам барча хизматларини адо этдилар. Ҳеч кимга насиб этмаган, одамлар талашиб ҳам эга бўла олмаган шарафларнинг ҳаммаси у кишига насиб этди.

## **БИРИНЧИ ХАЛИФА ДАВРИДА**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин мусулмонлар оммаси Абу Бакр Сиддиқни халифа қилиб сайлаганларида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ҳам у кишига байъат қилдилар.

У киши бу маънодаги баъзи тушунмовчиликлар ва хилофга сабаб бўладиган ҳолатларга ҳам қаттиқ қарши турдилар.

Имом ал-Ҳоким ва Байҳақийлар Иброҳим ибн Абдурраҳмон ибн Авфдан қуидагиларни ривоят қиласидилар:

«Абдурраҳмон ибн Авф Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан бирга эди. Мұхаммад ибн Маслама Зубайр розияллоҳу анҳунинг қиличини синдириди. Сўнгра Абу Бакр розияллоҳу анҳу туриб, хутба қилди ва одамларга узр

айтди:

«Аллоҳга қасамки, бирор кун ёки кеча амирликка ҳарис бўлган эмас эдим. Унга рағбатим ҳам бўлмаган. Уни Аллоҳдан сир ҳам, ошкор ҳам сўраган эмасман. Лекин фитна бўлишидан қўрқдим. Амирликда менга роҳат йўқ. Лекин мен Аллоҳ азза ва жалланинг қувватлаши бўлмаса, ўзимнинг тоқатим ҳам, қувватим ҳам етмайдиган бир ишни олдим. Бугун менинг ўрнимга одамларнинг энг кучлиси бўлишини истар эдим», деди.

Муҳожирлар унинг айтганларини ва узрини қабул қилдилар. Али ва Зубайр розияллоҳу анҳумо: «Биз машваратдан ортда қолганимиздан аччиқландик, холос. Биз Абу Бакрни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин бу ишга одамлар ичиди энг ҳақлиси деб биламиз. Чунки у ғордаги соҳиб ва иккенинг иккинчисидир. Биз унинг шарафининг улуғлигини биламиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари тириклик чоғларида уни намозга ўтишга амр қилганлар», дедилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қолган мерос ҳақидаги биринчи халифа билан Фотима онамиз ораларида бўлиб ўтган тушунмовчиликда икки тарафни яраштиришга ҳам айнан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ҳаракат қилдилар.

Имом Муслим Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қиласи:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотима Абу Бакрга одам юбориб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қолган Мадинадаги, Фидқдаги ва Хайбарнинг хумсидан тегадиган меросини сўради. Шунда Абу Бакр:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биздан мерос олинмас. Биз тарк қилган нарса садақадир. Оли Муҳаммад мана бу молдан ейди, холос», деганлар.

Аллоҳга қасамки, албатта мен Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг садақаларини Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлганидан бошқага ўзгартирмайман. Унда фақат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган нарсадан бошқа нарсани қилмайман», деди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Фотимага бирор нарса беришдан бош тортди. Бунинг учун Фотима Абу Бакрдан аччиқланди».

Имом Байҳақий ва Ибн Саъдлар аш-Шаъбийдан ривоят қиласидилар:

«Фотима розияллоҳу анҳо бемор бўлганида унинг хузурига Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу келди ва киришга изн сўради. Али розияллоҳу анҳу:

«Эй Фотима, мана, Абу Бакр сенинг олдингга киришга изн сўрамоқда», деди.

«Унга изн беришимни истайсанми?» деди у.

«Ха», деди. У изн берди.

Бас, у кириб ундан розилик сўраб:

«Аллоҳга қасамки, мен диёрни, молни, аҳлни ва қариндошларни тарқ қилган бўлсам, фақат Аллоҳнинг розилигини деб, Унинг Расулининг розилигини деб ва сиз оли байтларнинг розилигингизни деб тарқ қилдим, холос», деди. Кейин ундан розилик сўради, у рози бўлди».

Абу Бакр розияллоҳу анҳу халифа бўлишлари билан Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳунинг лашкарини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларига биноан юборишни қасд қилди. Вазият нозиклашиб турганини эътиборга олиб, саҳобалар бу ишни кечикитириб туришни таклиф қилдилар. Шунда халифа Абу Бакр Сиддиқ шуро мажлиси чақирдилар. Мажлисда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу халифанинг ёнини олдилар. Лашкар юборилди. Муртадларга қарши уруш эълон қилиниб, лашкар тўпланди. Урушга халифанинг ўзи бош бўлиб боришга қарор қилди. Кейин нима бўлганини

қуидаги ривоятдан биламиз.

Доракутний Ибн Умардан ривоят қиласы:

«Абу Бакр чиқиб, уловига минганды Али ибн Абу Толиб жиловдан тутди ва:

«Эй Расулуллохнинг халифаси, қаёққа? Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам Уҳуд куни айтган гапларини айтаман, қиличинингни қинига сол. Бизни ўз нафсингда фожиага учратма. Мадинаға қайт. Аллоҳга қасамки, агар сенда фожиага учрасак, абадул абад Исломнинг низоми бўлмас», деди».

Абу Бакр Мадинаға қайтди».

Рум урушига қарор қилишда ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу халифага энг яхши маслаҳатчи бўлдилар.

Ибн Асокир аз-Зухрийдан, у киши Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қиласидар:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Румнинг урушини ирода қилганда Алини, Умарни, Усмонни, Абдурраҳмон ибн Авфни, Саъд ибн Абу Ваққосни, Саъид ибн Зайдни, Абу Убайда ибн ал-Жарроҳни, Бадр аҳли ва бошқалардан муҳожир ва ансорларнинг катталарини чақириди. Улар унинг олдига кирдилар. Мен ҳам уларнинг ичида бор эдим. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу:

«Албатта, Аллоҳ азза ва жалланинг неъматларининг ҳисоби йўқ. Амаллар уларнинг шукрига етмас. У Зотга ҳамд бўлсин. Батаҳқиқ, Аллоҳ калимангизни жам қилди. Ораларингизни ислоҳ қилди. Сизларни Исломга хидоят қилди. Сизлардан шайтонни қайтарди. У энди У Зотга ширк келтиришингизни тама қила олмайди. Бугунги кунда араблар бир ота, бир онанинг фарзандлари. Батаҳқиқ, мусулмонларни Шомдаги Румнинг урушига сафарбар қилишни маъқул кўрдим. Бу Аллоҳ мусулмонларни қўллаши учундир. Аллоҳ ўз калимасини олий қилиши учундир. Шу билан бирга, бунда мусулмонларга улкан

насиба бор. Чунки улардан ким ҳалок бўлса, шаҳид ҳолида ҳалок бўлади. Аллохнинг ҳузуридаги нарса эса аброрлар учун яхшидир. Ким яшаб қолса, динни мудофаа қилган ҳолида ва Аллоҳдан У Зотнинг йўлида хизмат қилганларнинг савобига ҳақдор бўлган ҳолида қолади. Бу менинг фикримдир. Энди менга маслаҳат беринглар», деди».

Катта саҳобалар ўзларининг турли фикрларини айтганлари ва уларнинг матни келтирилганидан кейин ривоятда қуидагилар келтирилади:

«Яна шунга ўхшаш гапларни айтдилар. Али розияллоҳу анҳу одамлар ичида гапирмади. Абу Бакр:

«Сен нима дейсан, эй Абул Ҳасан?» деди.

«Менимча, сен улар томон ўзинг борсанг ҳам, бирорни юборсанг ҳам, иншааллоҳ, нусрат топасан», деди у.

«Аллоҳ сенга яхшилик башоратини берсин! Буни қаердан билдинг?» деди Абу Бакр.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ушбу дин унга душман бўлганларга доимо ғолиб келади. Токи дин ва унинг аҳли ғолиб бўлгунларича», деганларини эшитганман», деди Али.

«Субҳаналлоҳ! Бу қандоқ ҳам яхши ҳадис! Батаҳқиқ, у билан мени масрур қилдинг! Аллоҳ сени масрур қилсин!» деди Абу Бакр.

Сўнгра Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўрнидан туриб, Аллоҳни У Зотга лойик эсга олди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва дуруд айтди ва:

«Эй одамлар! Албатта, Аллоҳ сизга Ислом неъматини берди. У Зот сизларни жидди-жаҳд ила мукаррам қилди. Аллоҳнинг бандалари! Тайёрланинглар! Шомдаги Румнинг урушига! Мен сизларга амирлар тайин қилурман! Сизларга байроқлар тикурман! Бас, Роббингизга итоат қилинг! Амирларингизга хилоф қилманг! Ниятингиз, шаробингиз ва таомингиз яхши бўлсин! Албатта, Аллоҳ тақводорлар ва

муҳсинлар биландир!» деди».

Ана шундок тарзда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху иккинчи халифа даврида Ислом жамиятининг турли соҳалардаги энг муҳим масалаларини ҳал қилишда бош-қош бўлган кишилардан бири бўлдилар.

Мўътабар уламоларимизнинг барчалари биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху билан Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг ораларида ниҳоятда яхши муносабатлар бўлганини таъкидлайдилар.

Имом Бухорий, имом Насаий, имом Аҳмад, Ибн Саъд ва Ҳоким раҳматуллохи алайҳиларнинг Уқба ибн Ҳорис розияллоху анхудан қилган ривоятни келтириш билан кифояланамиз:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан бир неча кеча кейин Абу Бакр билан аср намозидан чиқдим. Али розияллоху анху унинг ёнида юриб борар эди. Болалар билан ўйнаётган Ҳасан ибн Алиниң олдидан ўтаётib, уни елкасига олди ва:

*«Отам фидо, бу набийга ўҳшашибир,*

*Отаси Алига ҳеч ўҳшамасдир»,*

деди. Али бўлса кулиб борар эди».

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху вафот этганларида айтган марсия сўзлари хам уларнинг ораларида қанчалик муҳаббат ва эҳтиром борлигини равшан кўрсатувчи далиллар:

*«Абу Бакр! Аллоҳ сени раҳмат қилсин!*

*Аллоҳга қасамки, қавм ичидা*

*биринчи мусулмон эдинг.*

*Иймонда энг ихлослиси эдинг.*

*Ишончи энг мустаҳками эдинг.*

*Одамлар Расулуллоҳни ёлғончи қилганда*  
*сен тасдиқладинг.*

*Улар баҳиллик қилганда, сен сахийлик қилдинг.*

*Улар ўтирганда, сен у зот ила тик турдинг.  
Аллоҳга қасамки, Исломга қўргон бўлдинг.  
Кофириларга мусибат бўлдинг.  
Хўжжатинг бўши бўлмади.  
Дил кўзинг заифлашмади.  
Нафсинг қўрқоқ бўлмади.  
Аллоҳга қасамки, худди Расулуллоҳ  
айтганларидек:  
Баданинг заиф, дининг кучли ва нафсинг  
тавозуъли бўлдинг.  
Аллоҳ бизларни сенинг ажрингдан маҳрум  
қилмасин.  
Сендан кейин бизни залолатга кетказмасин!»*

## **ИККИНЧИ ХАЛИФА ДАВРИДА**

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу биринчи халифа даврида иккинчи вазир бўлган бўлсалар, иккинчи халифа, яъни, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг давларида халифага яна ҳам яқинроқ бўлдилар. Ҳеч бир шуро мажлиси у кишисиз ўтмас, халифа ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг фикрларини олмай туриб, бирор катта ишга қарор қилмас эдилар.

Қўйида ана шундоқ пайтларда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ўзларини қандай тутганликлари ҳақидаги маълумотларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз.

Саъд ибн Ваққос розияллоҳу анҳу Мадоинни фатҳ этганларидан сўнг ўша ерда биринчи бор жума номозини ҳам коим қилдилар ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга суюнчилик хабари билан ўлжанинг бешдан бирини юбордилар. У киши ўлжаларга қараб туриб: «Буни адо қилган қавм, албатта, омонат эгаларидир», дедилар.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу у кишига: «Ўзинг

иффатли бўлганинг учун одамларинг ҳам иффатли бўлдилар», дедилар.

Ўлжалар ичida Кисронинг олтмиш аршинга олтмиш аршин ҳажмдаги «Қитғ» деб номланадиган гилами ҳам бор эди. Ҳазрати Умар у ҳақда маслаҳат қилдилар. Ҳамма: «Уни ўзингиз олинг», деди. Фақат ҳазрати Али розияллоҳу анху:

«Эй мўминларнинг амири, буларнинг айтганлари тўғри. Аммо бир оз шошилмай ўйлайлик. Агар бугун сиз буни олсангиз, эртага бошқа бирор ўзининг ҳаққи йўқ нарсани олишга ўтиши мумкин», деди.

«Тўғри айтасан, менга ҳақ насиҳатни қилдинг», дедилар ҳазрати Умар ва гиламни одамларга бўлиб бердилар.

## ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИННИНГ БОШЛАНИШИ

Вақт ўтиши билан Ислом жамияти ҳамма томондан улғайиб борар эди. Чегаралар, вилоятлар, амирлар ва бошқаларнинг сони тезлик билан ортиб борар эди.

Девонлар ташкил қилинди. Пойтахтга ҳамма тарафдан мактублар кела бошлади. Бошқа алоқалар ҳам ривожланиб борди.

Бир куни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анхудан мактуб олди. Унда: «Сендан мактублар келади. Тарихи номаълум бўлади. Тарихни белгиласанг, яхши бўлар эди» деган маъно бор эди.

У киши шуро мажлисини чақириб, ўртага мусулмонларга хос тарих – йил ҳисобини қабул қилиш масаласини қўйдилар. Ислом жамияти ўзлигини намоён қилиш, бирорга тақлид қилмай, ўзига хос йил ҳисобига эга бўлиши керак эди. Биринчи масала «Тарихни қачондан бошлиш керак?» деган саволга жавоб топишдан иборат

эди.

Бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафот этган йилларини биринчи йил, деб ҳисоблашни таклиф қилди.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Пайғамбар бўлган йилларини биринчи йил, деб ҳисоблашни таклиф қилдилар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хижрат қилган йилларини биринчи йил, деб ҳисоблашни таклиф қилдилар. «Хижрат ҳақ билан ботилнинг ораси ажралишига сабаб бўлган», дедилар.

Бошқа бирорвлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган йилларини биринчи йил, деб ҳисоблашни таклиф қилдилар.

Кўпчилик Али розияллоҳу анҳунинг таклифларини ёқлаб, овоз беришди.

Иккинчи масала йил ҳисобини қайси ойдан бошлаш масаласи эди.

Абдураҳмон ибн Авғ розияллоҳу анҳу: «Ражаб ойини биринчи ой қилиб олайлик, у ҳаром ойларнинг биринчиси», дедилар.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу: «Рамазон ойини биринчи ой қилиб олайлик, у умматнинг шарафли ойи», дедилар.

Али розияллоҳу анҳу: «Мухаррамни биринчи ой қилиб олайлик, у ўзи йилнинг биринчи ойи», дедилар.

Ҳаммага мана шу гап маъқул бўлди. Шундай қилиб, Ислом уммати ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ташаббуслари ва ғайратлари ила 16-ҳижрий санадан бошлаб, ўз йил ҳисобига эга бўлди.

Шомда тарқалган вабо даврида кўплаб олим саҳобалар вафот этдилар. Шунда мерос масаласида кўргина

тушунмовчиликлар юзага чиқди. Амирлар бу масала ҳақида Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга мактуб ёздилар. У киши одатдагидек, шуро мажлисини чақириб, маслаҳат қилдилар:

«Мусулмонларнинг юртларида айланиб, уларнинг ҳолидан бир хабар олмоқчиман, менга маслаҳат беринглар. Шом аҳлининг мерослари зое бўлибди. Шомдан бошлийман. Уларга меросларни бўлиб бераман. Уларга ўзим билганимча нарсаларни қоим қиласман. Сўнг қайтиб, бошқа юртларга айланаман», деди.

Шуро мажлиси бу маслаҳатни тўғри, деб топди. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўз ўринларига Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуни қўйиб, йўлга чиқдилар. У киши Ийлага қараб йўл олдилар.

## ҲОМИЛАСИ ТУШГАН АЁЛ

Имом Байҳақий ва Абдурраззок Ҳасандан ривоят қиласидилар:

«Умар ибн Хаттоб розияллоху анху эри ғойиб бир аёлга одам юборди. У (эр) у (аёл)нинг олдига кириб турар эди ва буни инкор қиласади. Ўша аёлга одам юборди. Унга:

«Умарга ижобат қил», дейилди.

«Вой шўрим қурсин! Уни менда нима иши бор экан?» деди.

Йўлда кетаётиб, кўркқанидан уни тўлғоқ тутиб қолди. Бир ҳовлига кириб, бола ташлади. Бола икки марта овоз чиқариб, ўлиб қолди.

Умар Набий алайҳиссаломнинг саҳобаларига маслаҳат солди. Улардан баъзилари: «Сенда айб йўқ, сен далолат қиласувчи ва одоб берувчисан», дедилар. Али жим ўтирад эди. Умар Алига қараб:

«Сен нима дейсан?» деди.

«Агар улар ўз фикрларидан айтган бўлсалар, фикрлари

хато. Агар сенга ёқиши учун айтган бўлсалар, сенга насиҳат қилишмаяпти. Менимча, сенга унинг хуни вожиб бўлади. Чунки аёлни сен кўрқитдинг. У сенинг сабабингдан бола ташлаб қўйди», деди Али.

У Алига боланинг хунини Қурайшга тақсимлашни амр қилди. Яъни, унинг хуни Қурайшдан олинади. Чунки у хато қилган эди».

Кимдир бошқа бирорни хато йўл билан, ноқасдан ўлдириб қўйса, шариат ҳукми бўйича, ўлганинг хунини ўлдирганинг ота тараф кариндошлари тўлайдилар. Бу ҳолда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу боланинг ўлимига хато тариқасида сабаб бўлганликлари учун унинг хунини у кишининг қариндошлари, яъни Қурайш қабиласи тўлайдиган бўлди.

Ибн Саъд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб: «Али ичимиизда энг яхши қозидир», деди».

Ибн Саъд Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб Али йўқ бўлган пайтдаги қийин масалада Аллоҳнинг паноҳини сўрар эди».

Ечилиши қийин бўлган масалаларни Али розияллоҳу анҳу ечиб берар эдилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бирор масала ечилемай қолса, «Бу бир масалаки, уни ечгани Абул Ҳасан йўқ», дер эдилар.

Бу ўта машҳур бўлганлигидан, кенг тарқалган масалга айланаб кетган. Ҳозиргача арабларда бирор масала ечилемай қолса, «Бу бир масалаки, уни ечгани Абул Ҳасан йўқ» деган гап айтилади. Абул Ҳасан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг куняларидир.

Ҳазрати Умарнинг даврларида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Ислом жамиятининг бош қозиси

ҳам эдилар.

Умар розияллоху анху вафот этганларида ҳужраи саодатга икки соҳибларининг ёнларига қўйилдилар.

Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қиласди:

«Ўшандা Али розияллоху анху: «Аллоҳ сени раҳмат қилисин. Мен Аллоҳ сени икки соҳибинг ила бирга қилишини умид қиласман. Чунки мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кўп марта: «Мен Абу Бакр ва Умар билан бўлган эдим», «Мен Абу Бакр ва Умар билан қилган эдим», «Мен Абу Бакр ва Умар билан кетган эдим», деганларини эшигтганман. Мен Аллоҳ сени икки соҳибинг ила бирга қилишини умид қиласман», деди».

Ибн Шоҳийн Абу Исҳоқ ал-Ҳамадонийдан қуйидагиларни ривоят қиласди:

«Али ибн Абу Толиб розияллоху анху рамазоннинг биринчи кечасида чиқди. Қандиллар порлаб турар, Қуръон тиловат қилинар эди. Бас, у:

«Эй Ибн Хаттоб! Худди сен Аллоҳ таолонинг масжидларини нурга тўлдирганингдек, Аллоҳ қабрингни нурга тўлдирсин!» деди».

## УЧИНЧИ ХАЛИФА ДАВРИДА

Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг даврларида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг Ислом жамиятидаги тутган ўринлари яна ҳам юқорига кўтарилиди.

Аввало, Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг ўзлари худди ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анху каби ҳалифаликка муқобил номзод бўлсалар ҳам, ўз номзодларини қайтариб олмаган бўлсалар ҳам, Абдурраҳмон ибн Авғ розияллоху анху ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг номзодларини олдинга сурғанларида у кишидан кейин биринчи бўлиб

байъат қилдилар. Кейин эса, у кишининг ёнларида туриб, ихлос билан хизмат қилдилар. Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу деярли ҳар бир ишда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳусиз қарор қабул қилмас эдилар.

Фитначиларга қарши қураш бошида ҳам Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу турдилар. Уларнинг қаршиисига чиққан, улар билан тортишган ва уларни айبلاغан ҳам Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу бўлдилар. У киши учинчи халифани қўриқлашга ўз ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларни қўйдилар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қўлларидан келган барча ишларни қилдилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг бу хизматларидан рози эдилар.

Қўриниб турибдики, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ўзларидан аввалги уч халифа билан ҳам жуда яхши муомалада бўлганлар. Шунинг учун ҳам учовларининг даврларида ҳам сиёсий раҳбариятда бўлганлар. Халифалар у кишидек туғма жангчи ва саркардани жангларга юбормай, ўз хузурларида олиб туришни, у кишининг жамиятни бошқаришдаги фаолиятларидан фойдаланишни афзал кўрганлар.

## **ХАЛИФАЛИККА САЙЛАНИШЛАРИ**

Имом Тобарий Мухаммад ибн ал-Ҳанафийядан ривоят қиласидилар: «Усмон розияллоҳу анҳу қатл қилинганида отам билан бирга уйда эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сахобалари келиб, ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга: «Анави одам қатл қилинди. Одамларга имом лозим. Бугунги кунда бу ишга сендан кўра ҳақли одам йўқ. Сендан аввал Исломга кирган ҳам йўқ. Сендан кўра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқин ҳам йўқ», дедилар.

«Үндоқ қилманглар. Мен учун вазир бўлганим амир бўлганимдан яхшидир», деди.

«Аллоҳга қасамки, сенга байъат қилмасдан қўймаймиз», дедилар.

«Ундоқ бўлса, масжида. Менга байъат махфий бўлмаслиги керак. Менга байъат фақат мусулмонларнинг розилиги билан бўлиши керак», деди. У киши масжидга кирганида муҳожирлар кириб, байъат қилишди. Сўнгра бошқалар байъат қилишди».

Ўша пайтда Мадинаи Мунавварада бўлган кишилар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга байъат қилдилар. Фитна пайтида шаҳарни ташлаб чиқиб кетган кишилар, албатта, байъатга иштирок эта олмас эдилар.

Сўнгра ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу минбарга чиқиб, халифа сифатида ўзларининг биринчи хутбаларини қилдилар. Аллоҳ таолога ҳамду сано айтганларидан кейин қуидагиларни айтдилар:

«Албатта, Аллоҳ азза ва жалла ҳидоят қилувчи Китоб нозил қилгандир. Унда яхшилик ва ёмонлик баён қилингандир. Бас, яхшиликни олингиз! Ёмонликни қўйингиз! Аллоҳнинг фарзларини адо қилсангиз, У Зот сизга жаннатни берадир. Албатта, Аллоҳ ҳаромларни ҳаром қилгандир. Улар мажхул эмасдир. У Зот мусулмоннинг ҳурматини ҳамма ҳурматлардан афзал қилди. Мусулмонларни ихлос ва бирликка қаттиқ амр қилди. Мусулмон одамлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган одамдир. Илло, ҳақ ила бўлса, мустасно. Мусулмонга озор бериш жоиз эмас. Илло, вожиб бўлган нарса ила бўлиши бор».

## ЯНГИ ХАЛИФАНИНГ СИФАТЛАРИ

Ўша вақтдаги мусулмонларнинг барчаси халифаликка ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхучалик лойиқ

одам йўқлиги тўғрисида заррача иккиланмаганликлари тўғри эди. Дарҳақиқат, Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу мазкур даврнинг мусулмон уммати ичидаги энг афзал шахс эдилар. Бу ҳақиқатни барча бир овоздан таъкидлар эдилар. Энди у кишининг мазкур афзалликка сабаб бўлган сифатларидан, айни халифа бўлган чоғларидаги сифатларидан бальзиларини кўриб чиқайлик.

Ибн Саъд, Тобарий ва бошқа уламолар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг тана тузилишлари ҳақида қўйидагиларни ривоят қиласидилар:

«У киши ўта буғдойранг эди. Кўзлари катта ва оғир эди. Қорни чиққан эди. Соқоли катта ва қалин эди. Кўкрагидаги жунлари кўп эди. Бўйи пастга яқинроқ эди. Билагининг пайлари йўғон эди. Болдирининг пайлари ҳам йўғон эди. Юзи энг чиройли одамлардан эди. Оқ тушган соч ва соқолини ўзгартирмас эди. Сертабассум эди».

## ҲАЗРАТИ АЛИНИНГ ЛИБОСЛАРИ

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу халифа бўлишларидан аввал жуда ҳам содда кийинганларини аввал ҳам эслаб ўтган эдик. У киши мазкур одатларига халифа бўлганларидан кейин ҳам содик қолдилар. Доимо содда ва камтар кийим кийдилар.

Абу Нуъам Абу Саъид ал-Аздийдан ривоят қиласи:

«Али розияллоҳу анхуни бозорга келганида кўрдим. У: «Кимда уч дирҳамлик бутун кўйлак бор?» деди. Бир одам: «Менда», деди. Уни олиб келган эди, маъқул келди. «Бу яхшироқ шекилли», деди. Ҳалиги одам: «Йўқ, баҳоси ўшанинг ўзи», деди. Алининг кийими ичидан боғлаб кўйилган дирҳамларни олиб берганини кўрдим. Уни кийган эди, енги бармоқларидан узун келди. Бармоқларидан ортиб турган жойини кесишга амр қилди».

Абу Нуъам Амр ибн Қайсдан ривоят қиласи:

«Алига: «Эй мўминларнинг амири, нима учун кўйлагингизни ямаб юрасиз?» дейилди. «Қалбнинг хушуъси учун ва мўминнинг иқтидо қилиши учун», деди».

Абу Нуъайм Зайд ибн Вахддан ривоят қиласади:

«Алининг ҳузурига Басра ахлининг ҳайъати келди. Уларнинг ичида хавориж ахлидан Жаъд ибн Наъжа деган ҳам бор эди. У Алини кийимида айблади. Шунда Али: «Кийимимга нима бўлиби! Кибрдан узокроқ, мусулмоннинг иқтидо қилишига лойикроқ», деди».

Имом Абдуллоҳ ибн Муборак Зайд ибн Вахбдан ривоят қиласади:

«Ҳузуримизга Али розияллоҳу анҳу чиқди. Унинг устида ридо билан изор бўлиб, латта билан боғлаб олган эди. Унга: «Бу қандоқ бўлди?» дейилди. Бас, у: «Мен бу икки кийимни ҳаволанишдан узокроқ бўлиш учун, намозимда қулайроқ бўлиши учун ва мўминга суннат бўлиши учун кияман», деди».

Имом Байҳақий бир кишидан ривоят қиласади:

«Али розияллоҳу анхунинг устида қўпол изор қўрдим. У: «Буни беш дирҳамга сотиб олдим. Ким менга бир дирҳам фойда берса, унга сотаман», деди».

Яъқуб ибн Суфён Муаммаъ ибн Самъондан ривоят қиласади:

«Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қиличини бозорга олиб чиқди ва: «Ким менинг ушбу қиличимни сотиб олади? Агар изор олиш учун тўрт дирҳамим бўлганида, буни сотмас эдим», деди».

## ТАОМ

Абу Нуъайм сақифлик бир кишидан ривоят қиласади. Али уни Ақбарога омил қилган эди:

«У ерда намозхонлар истиқомат қилмас эди. У (ҳазрати Али) менга: «Пешин бўлганда олдимга бор», деди. Борсам,

унинг қоровули йўқ экан. Мени ундан ҳеч ким тўсмади. Кирсам, олдига бир кўзада сув билан қадаҳ қўйиб олиб, ўтирган экан. У маҳкамланган сопол кўзани келтиришни амр қилди. Ичимда: «Иш зўр бўлди-ку, менга жавҳарми ёки яна ким билади, бирор нарса берадиганга ўхшаб қолди», дедим. Қарасам, муҳри ҳам бор. Бас, у муҳрни синдириди. Қарасам, унинг ичида толкон бор экан. У ундан қадаҳга солди. Устидан сув қуйиб, ўзи ичди ва менга ҳам ичирди. Сабрим тугаб:

«Эй мўминларнинг амири! Ироқда туриб, шундоқ қиласизми?! Ироқнинг таоми бунда кўп-ку!?!» дедим.

«Аллоҳга қасамки, баҳиллигим учун уни муҳрлаб қўйганим йўқ. Лекин мен ўзига кифоя қиладиганини сотиб оламан ва тугаб қолиб, бошқа нарса қилишдан хавф қиласман. Буни шу мақсадда сақлайман. Қорнимга пок нарсадан бошқа киришини хуш кўрмайман», деди».

Ал-Аъмаш розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Али розияллоҳу анҳу тушликка ҳам, кечқурунга ҳам Мадинадан келтирган нарсасини ер эди».

Абу Нуъайм Абдуллоҳ ибн Шарикдан, у бобосидан ривоят қиладилар: «Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга фолунж келтирилди ва олдига қўйилди. Бас, у: «Албатта, сенинг ҳидинг ёқимли, рангинг гўзал, таъминг ёқимли, лекин мен нафсимни ўрганмаган нарсасига ўргатишни хоҳламайман», деди».

## ТАВОЗУЪ

Имом Бухорий «Адабул Муфрад»да кийимфуруш Солихдан, у момосидан ривоят қиладилар: «Али розияллоҳу анҳунинг бир дирҳамга хурмо олиб, дастрўмолига солиб, кўтариб кетаётганини кўрдим.

Бир одам: «Эй мўминларнинг амири, сизнинг ўрнингизга мен кўтарай», деди.

«Йўқ. Оила бошлиғи ўзи кўтармоғи яхшидир», деди у.

Ибн Асокир Зазаондан ривоят қилади:

«Али розияллоҳу анҳу волийлик вақтида бозорларда ёлғиз ўзи юрар эди. Адашганга йўл кўрсатар, йўқолган нарсани эълон қиласи ва заифга кўмак берар эди. Савдогар ва баққолларнинг олдидан ўтганда, «**Ўша охират диёрини Биз ер юзида такаббурлик ва бузғунчиликни истамайдиганлар учун қилурмиз**» оятини тиловат қиласи ва: «Ушбу оят одамларга волий ва аҳли қудрат бўлганлардан адолатли ва тавозуълилари ҳакида нозил бўлган», дер эди».

Ибн Саъд ва Ибн Абдул Барр Журмуздан ривоят қиладилар:

«Али розияллоҳу анҳунинг қасрдан чиқиб келаётганини кўрдим. Устида қатарий икки кийим бор эди: болдирининг ярмидан келадиган изор ва унга яқин шимариб олинган ридо бор эди. Қўлида дарра билан бозорда юриб, Аллоҳга тақво қилишга, савдони яхши қилишга амр қиласи: «Ўлчаш ва тортишни тўлиқ қилинглар! Гўштни пуфламанглар!» дер эди».

Имом Исҳоқ ибн Роҳавайх, Имом Аҳмад ва бошқалар Абу Мотардан ривоят қиладилар:

«Масжиддан чиқсам, бирор ортимдан «Изорингни кўтар, ўша Роббинг учун тақводир, кийиминг учун сафодир. Агар мусулмон бўлсанг, сочингдан олдир», деб нидо қилиб қолди. Қарасам, Али экан. Дарраси ҳам бор. У тия бозорига борди ва: «Савдо қилинглар, аммо қасам ичманглар! Албатта, қасам молни ўтказади, баракани кетказади», деди.

Хурмочининг олдига борган эди, ходима йиғлаб турган экан.

«Нимага йиғламоқдасан?» деди.

«Манави менга бир дирҳамга хурмо сотган эди. Уни хўжайиним қабул қилмади», деди у.

«Буни олиб, унга бир дирҳам бер, унинг иши ўз ихтиёрида эмас», деди. Хурмочи қўнмагандек бўлди. Мен унга:

«Бу кимлигини билмайсанми?» дедим.

«Йўқ», деди.

«Али, мўминларнинг амири!» дедим.

У дарҳол хурмосини олиб, бир дирҳам берди ва:

«Мендан рози бўлишингизни хоҳлайман, эй мўминларнинг амири», деди.

Али: «Сенинг уларга вафо килишинг мени рози қилади», деди-да, хурмочиларнинг қаторидан ўтиб кетаётуб:

«Мискинларни таомлантиринглар, касбингизга барака киради», деди.

Кейин балиқурушларнинг олдига бориб:

«Бизнинг бозорда сувда ўзи ўлган балиқ сотилмайди», деди.

Сўнгра кийимчурушларнинг олдига борди. У каробис, яъни, пахта бозори эди.

У (Али): «Эй шайх, менга уч дирҳамга бир кўйлакни яхши савдо қиласанми?» деди.

Савдогар уни таниб қолган эди, ундан бирор нарса сотиб олмади. Кейин бошқасининг олдига борди. У ҳам таниб қолган эди, ундан ҳам бирор нарса сотиб олмади. Охири бир ёш боланинг олдига бориб, ундан уч дирҳамга бир кўйлак сотиб олди. Кийган эди, икки қўлининг кафтига яқин жойидан ва тўпифидан келди.

Кийимнинг эгаси келган эди, «Ўғлинг мўминларнинг амирига бир кўйлакни уч дирҳамга сотди», дейишиди. У: «У кишидан икки дирҳам олсанг бўлмасмиди!?» деди ва бир дирҳамни олиб, Алининг олдига келди ва:

«Манави дирҳамни олинг», деди.

«Бунга нима бўлди?» деди Али.

«Кўйлакнинг баҳоси икки дирҳам эди. Ўғлим сизга уч

дирхамга сотибди», деди у.

«У рози бўлиб сотди, мен рози бўлиб олдим», деди Али».

Ал-Аскарий Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қиласиди:

«Уч нарса тавозуънинг бошидир: учраган кишига аввал салом бермоқ, ўтиришда паст жойдан рози бўлмоқ ва риёкорлик ҳамда хўжакўрсинни ёқтираслик».

## ТАВАККУЛ

Имом Абу Довуд ва Ибн Асокир Яҳё ибн Мурра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Али розияллоҳу анҳу кечаси масжидга чиқиб, нафл намоз ўқир эди. Биз у кишини қўриқлагани келдик. Фориғ бўлганидан сўнг олдимизга келиб:

«Нима қилиб ўтирибсизлар?» деди.

«Сизни қўриқламоқдамиз», дедик.

«Осмон аҳлидан қўриқламоқдасизларми ёки ер аҳлиданми?» деди Али. «Ер аҳлидан», дедик.

«Осмонда ҳукми чиқмагунча, ер юзида бир нарса бўлмас. Албатта, ҳар бир одамга икки фаришта вакил қилинган, улар уни қадари келгунча химоя қилиб турадилар. Қачон қадари келса, қадари билан унинг орасини очиб қўядилар. Албатта, менинг устимда Аллоҳ томонидан мустаҳкам қўргон бор. Қачон ажалим келса, у очиб қўйилади. Ҳеч ким, албатта, ўзига етган нарса зинҳор хато қилиши мумкин эмаслигига ва ундан ўтиб кетган нарса унга зинҳор етмаслигига ишонмагунича иймон ҳаловатини татимас», деди».

## ШУКР

Имом Байҳақий қилган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу

Толиб розияллоху анху қуидагиларни айтадилар:

«Албатта, неъмат шукр ила улангандир. Шукр эса зиёдага боғлангандир. Уларнинг иккиси бир жойга жойлаштирилган. Бандадан шукр узилмагунича, Аллоҳдан зиёда қилиш узилмайди».

Имом Ибн Можа ва Ибн Асокир Мұхаммад ибн Каъб ал-Қаразийдан келтирган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху қуидагиларни айтадилар:

«Аллоҳ шукр эшигини очиб, зиёда эшигини беркитиб қўймас. Аллоҳ дуо эшигини очиб, қабул эшигини беркитиб қўймас. Аллоҳ тавба эшигини очиб, мағфират эшигини беркитиб қўймас. Сизларга Аллоҳнинг китобидан тиловат қилиб берурман. Аллоҳ таоло: **«Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман»**, деган. У зот яна: **«Агар шукр қиласангиз, зиёда қилурман»**, деган. У зот яна: **«Мени зикр қилинглар, сизни зикр қилурман»**, деган. У зот яна: **«Ким ёмонлик қилса ёки ўзига зулм этса, сўнгра Аллоҳга истиғфор айтса, Аллоҳни мағфиратли ва раҳмли Зот топадир»**, деган».

## ИЛМ

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинган «Мен илмнинг шахриман, Али унинг эшигидир», дедилар» деган ҳадиси шариф ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг илмлари қай даражадалигини яққол кўрсатиб туриди.

Бу ҳадиси шариф воқеъликда қандоқ тасдиқлаганини бир оз бўлса ҳам кўриб чиқайлик.

Ибн Саъд Саъид ибн Мусайибдан ривоят қиласи:

«Саҳобалардан Алидан бошқаси «Қани, мендан сўранглар», демас эдилар».

Масруқ розияллоху анху айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг

саҳобаларидан Умар, Али, Ибн Масъуд ва Абдуллоҳ розияллоҳу анҳум илмнинг интиҳосига етган эдилар».

Абдуллоҳ ибн Айяш ибн Абу Робийъа айтади:

«Алида илмда хоҳлаганингча ўткир тиши бор эди. Унинг майшатда соддалиги бор эди. Исломда қадимлиги бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ила аҳди бор эди. Суннатда фикҳи бор эди. Урушда кутқариши бор эди. Молда сахиyllиги бор эди».

Ибн Саъд қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Агар ишончли одам Алидан фатво сўзласа, ундан ўтиб кета олмас эдик».

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаху катта олим бўлишлари билан бирга, одамларни ҳам илмга қизиқтириб юрар эдилар.

Абу Нуъайм ва бошқалар Кумайл ибн Зиёддан қуидагиларни ривоят қиласилар:

«Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қўлимдан тутиб, саҳро томонга олиб чиқди. Саҳрога чиққанимиздан кейин ўтирди, нафас олди ва қуидагиларни айтди:

«Эй Кумайл ибн Зиёд! Қалблар идишлардир. Уларнинг яхиси қўпни ўз ичига оладиганидир. Сенга айтадиган нарсаларимни ёдлаб ол. Одамлар уч тоифадир: Олими роббоний, нажот йўлини ўрганувчи ҳамда пасткаш, ғавғочи, ҳар қичқирганга эргашувчи, ҳар шамолга мойил бўлувчи, илм нуридан зиё олмаган, ишончли рукнга ўзини урмагандир. Илм энг яхши молдир. Илм сени қўриқлайди. Молни эса, сен қўриқлайсан. Илм амал билан зиёда бўлади. Мол нафака билан ноқис бўлади. Олимга муҳаббат қилиш тутиладиган диндир. Илм олимга ҳаётида тоатни, мамотида яхши эслашни касб қилдиради. Молнинг ўлгани эса у билан қўшилиб, завол бўлади. Молларнинг хазиначиси ўлди, улар эса тириқдирлар. Уламолар замон тургунича бокийдирлар. Таналари йўқолса ҳам,

хотиралари, қалбларда мавжуддир. Ҳооҳ! Албатта, мана бу ерда (қўли билан қўксига ишора қилди) илм бор, уни кўтарадиганларни топсанг эди! Ҳа, топилса ҳам тез тушунадиган, аммо ишончсизи топилади. У динни дунё учун ишлатади. Аллоҳнинг ҳужжатларини Китобига қарши, неъматларини бандаларига қарши ишлатади. Ёки ахли ҳаққа эргашадиган, ўзининг ҳаётини қалб кўзи билан кўра олмайдигани топилади. Сал шубҳа пайдо бўлиши билан қалбида шак аланга олади. Ёки лаззатларга берилган, шаҳватларга жиловини тутқазгани топилади. Ёки мол-дунё тўплашга ва уларни сақлашга мубтало бўлгани топилади. Икковлари ҳам дин хизматчиларига эмас, кўпроқ далада ўтлаб юрган ҳайвонга ўхшайдилар. Шунингдек, илм уни кўтариб юрувчиларнинг ўлими ила ўлади.

Эй Аллоҳим! Ҳа, ер юзи Аллоҳнинг ҳужжатлари ва равшан далиллари ботил бўлмаслиги учун Аллоҳнинг ҳужжати ила қоим бўлувчидан холи бўлмас. Уларнинг адади оздир. Уларнинг Аллоҳнинг ҳузуридаги қадри улуғдир. Улар ила Аллоҳ ўз ҳужжатларини олға сурур. Улар ўшаларни (хужжатларни) ўз тенгдошларига етказурлар ва ўзларига ўхшаганларнинг қалбларига экурлар. Илм уларни ҳақиқатга етказур. Шунда улар бойвачаларга кийин кўринган нарсаларни енгил билурлар, жоҳиллар ўзини олиб қочган нарсага улфат бўлурлар. Улар дунёда баданлари билан бўлсалар ҳам, рухлари аъло манзарга боғлиқ бўлур. Ана ўшалар Аллоҳнинг юртларидаги халифалари ва динига чақиравчиларидир. Эй воҳ! Уларни кўришга шавқим келур! Ўзим ва сен учун Аллоҳга истиғфор айтурман. Хоҳласанг, туриб кетавер!» деди».

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу улуғ олим ўлароқ толиби илмларга насиҳатлар ҳам қилар эдилар.

Ибн Абдул Барр, ал-Марҳабий ва ал-Хатиб келтирган

ривоятда у киши толиби илмга қуидаги насиҳатни қиласылар:

«Олимнинг сенда бўлган ҳаққи: унга кўп савол бермаслигингдир. Жавобни қаттиқ талаб қилиб, уни чарчатмаслигингдир. У хоҳламаса, маҳкам ёпишиб олмаслигингдир. Агар танбаллик қилса, кийимидан тутмаслигингдир. Унга кўлинг билан ишора қилмаслигингдир. Унга кўзингни қисиб ҳам ишора қилмаслигингдир. Одамлар билан мажлис қуриб ўтирганда сўрамаслигингдир. Унинг адашишининг пайдан бўлмаслигингдир. Агар адашса, қайтишини қутишинг ва тавбасини қабул этишингдир. «Фалончи сен айтганинг хилофини айтди», демаслигингдир. Унинг сирини фош қилмаслигингдир. Унинг хузурида ҳеч кимни ғийбат қилмаслигингдир. Уни ҳозирлигида ҳам, ғойблигида ҳам муҳофаза қилмоғингдир. Одамларга умумий салом бериб, унга алоҳида табрик айтмоғингдир. Унинг рўбарўсида ўтироғингдир. Унинг ҳожати бўлса, бошқалардан кўра олдин хизматини қилмоғингдир. Унинг суҳбатининг узунлигини малол олмаслигингдир. У бир хурмога ўхшайди. Сен ундан ўзингга қачон манфаат тушишига интизор бўлиб турмоғинг керак. Албатта, олим Аллоҳнинг йўлида рўза тутган кишидекдир. Қачон бир олим вафот этса, Исломда бир тешик пайдо бўлур ва у киёматгача тўсилмас. Толиби илмни осмон муқаррабларидан етмиштаси кузатиб юрур».

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу илм билан бирга амал ҳам бўлиши зарурлигини доимо таъкидлар эдилар.

Ибн Абдул Барр ва Дорақутний келтирган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қуидагиларни айтадилар:

«Эй илм ўргангандар, унга амал қилинглар! Албатта, ҳақиқий олим илмни ўрганиб, кейин амал қилган ва амали

илмиға мувоғиқ келған кишидір. Бир қавмлар бўлурки, улар илмни кўрсатсалар ҳам, у бўғизларидан нарига ўтмас. Ичлари ташларига хилофдир. Илмлари амалларига хилофдир. Ҳалқаларни бир-бирларига кўз-кўз қилиш учун қурурлар. Ҳаттоқи бир киши ўзини қўйиб, бошқанинг ҳалқасига ўтирганга ғазаб қилур. Уларнинг амаллари ўша мажлисларидан Аллоҳ азза ва жаллага кўтарилемас».

Ҳақиқий роббоний илм соҳиби бўлган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг ҳақиқий фақиҳ ҳақида айтган таърифлари энг яхши таъриф бўлса, ажаб эмас.

Абу Нуъайм ва Ибн Абдул Барр келтирган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху фақиҳнинг таърифида қўйидагиларни айтадилар:

«Сизларга ҳақиқий фақиҳнинг хабарини берайми? У одамларни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид қилмайдиган ва уларни Аллоҳ таолога осий бўладиган ишларга рухсат бермайдиган кишидір. Одамларни Аллоҳнинг макридан бепарво қолдирмайдиган кишидір. Бошқага рағбат қилиб, Қуръонни тарқ қилмайдиган кишидір. Фикҳи бўлмаган ибодатда яхшилик йўқдир. Фаҳми бўлмаган фиқҳда ҳам яхшилик йўқдир. Тадаббури йўқ қироатда ҳам яхшилик йўқдир».

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Исломда илмий баҳсларга амалий равишда йўл очган зотдирлар, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Жумладан, у киши Қуръони Каримни ўқишини осонлаштириш учун баъзи нұкта ва ишоратларни қўйишини йўлга қўйганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида Қуръони Карим тери ва бошқа ёзишнинг имкони бор бўлган турли нарсаларга ҳеч қандай аломат ёки нұктасиз, фақат ҳарфларнинг ўзагини чизиш орқали ёзилган эди ва бу ёзилган нарсалар тарқоқ ҳолда қолган эди.

Биринчи халифа ҳазрати Абу Бакр Сиддик даврларида

ўша тарқоқ ёзувлар жамланиб, кийик терисидан қилинган саҳифаларга ёзилди ва белидан боғлаб қўйилди.

Учинчи халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг даврларида мазкур бели боғланган саҳифалардан керакли нусхалар қўчириб олиниб, одамларнинг бир хил қоида асосида ўқишлари йўлга қўйилди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг даврларига келганда, аввалги соф табиатли араблар озайиб, ажамлар кўпайиб кетди. Тайёр ёзилган нарсани ҳам нотўғри ўқийдиганлар кўпайди. Ана шунда бу камчиликни тўғрилаш зарурати туғилди. Ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху бу заруратни ҳаёт воқеълигидан англаб олдилар.

Имом Байҳақий, Ибн Асокир ва Ибн ан-Нажкор Соъсоға ибн Савҳондан ривоят қиласидилар:

«Бир аъробий Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг ҳузурига келди ва: «Эй мўминларнинг амири, мана бу: «Лаа яъкулуху иллал хотун» ояти қандоқ ўқилади? Аллоҳга қасамки, хамма хато қиласи-ку?!» деди.

Али табассум қилди ва: «Лаа яъкулуху иллалхотиъун», деди.

«Тўғри айтдинг, эй мўминларнинг амири», деди у.

Сўнгра Али Абуласвад ад-Дуалийга бурилиб қараб: «Ажамлар динга оммавий равишда кирдилар. Одамларга тилларининг тўғрилигига далил бўладиган бир нарса қилиб бер», деди. Бас, у фатҳа, замма ва касранинг расмини қилди».

Шундай қилиб, араб тилини яхши билмайдиганларнинг Куръони Каримни ўқишларини илмий равишда осонлаштириш ишлари бошланди.

Кейинчалик ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху Абуласвад ад-Дуалийга араб тили қоидалари илмининг асосларини кўрсатиб, уни одамларга ўргатиладиган илм даражасига келтиришни топширдилар.

Абул Қосим аз-Зажжажий «Амолий» номли китобларида ўз санадлари или Абуласвад ад-Дуалийдан қўйидагиларни ривоят қиласди:

«Мўминларнинг амири Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг ҳузурларига кирдим. У киши бошларини қуий солиб, ўйланиб ўтирган эканлар.

«Эй мўминларнинг амири, нима ҳақида фикр юритмоқдасиз? дедим.

«Мен сизларнинг бу юртингизда гапда хатолар кўрдим. Арабчанинг асли ҳақида бир китоб килмоқчиман», дедилар.

«Агар ўшандоқ қилсангиз, бизни тирилтирган бўлардингиз. Бу тил ичимида бокий қолар эди», дедим.

Уч кун ўтиб, ҳузурларига яна кирдим. У киши олдимга бир саҳифани ташладилар. Унда:

«Бисмиллахир роҳманир роҳийм. Калима исмдир, феълдир, ҳарфдир. Исм мусаммодан хабар берадиган нарсадир. Феъл мусаммонинг ҳаракатини билдирадиган нарсадир. Ҳарф исм ва феълдан бошқа маънони англатадиган нарсадир», деб ёзилган эди.

Сўнгра у киши менга:

«Ана шунга ўхшатиб, ўзинг билганингча зиёда қил. Эй Абуласвад, билгинки, нарсалар уч хил бўлади: зоҳир, замир ва зоҳир ҳам, замир ҳам бўлмаган нарсалар. Уламоларнинг фазли зоҳир ҳам, замир ҳам бўлмаган нарсаларни билишларидан ажратилади», дедилар.

Мен у кишидан бир қанча нарсаларни жамлаб олдимда, кейин ёзиб, ўзларига кўрсатдим. Ўшаларнинг ичидагасб ҳарфлари ҳам бор эди. Мен улардан инна, анна, лайта, лаъалла ва канналарни зикр қилдим. Аммо «лакинна»ни зикр қилмадим. У киши менга:

«Уни нима учун тарк қилдинг?» дедилар.

«Мен бу улардан эмас, дебман», дедим.

«Йўқ, бу улардан. Уни ҳам қўшиб қўй», дедилар».

Шу тарзда Каломуллоҳнинг атрофида турли илмлар келиб чиқа бошлади. Албатта, бу ишларнинг бошловчиси сифатида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу катта фазлга эгадирлар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида у зотга нозил бўлган ояти карималарни ёзиб борган оз сонли котибларидан бири бўлишлари билан бирга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган ва ёд олганларини у зотга ўқиб бериб, ўтказиб олган қорилардан бири ҳам эдилар. Кейинчалик у киши Қуръони Каримни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан қандоқ қабул қилиб олган бўлсалар, бошқаларга ҳам худди ўшандоқ қилиб ўтказдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳудан Қуръони Каримни тўлиқ ёд олиб, ўтказган улуғ зотлар ичида Абул Асвад ад-Дуалий, Абу Абдураҳмон ас-Силмий, Абдураҳмон ибн Абу Лайло ва бошқалар бор эдилар. Қуръони Каримнинг машҳур етти қироатидан бири бўлган «Ҳамза қироати» ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ҳам ривоят қилиниши бежиз эмас.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига ҳам катта илмий хизмат қилганлар. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан беш юз саксон олтида ҳадиси шарифни ривоят қилганлар. Бу ҳадиси шарифларни ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ўғиллари, катта саҳобийлар ва тобеъинлар ривоят қилганлар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳудан ривоят қилингандек хутбалар, мактублар ва турли муносабатларга оид фикрлар у кишининг ҳақиқий улкан олим эканликларининг ёрқин далилидир.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят

қилинган ва Сайийд Муртазо томонидан жамланган «Наҳжул балоға» китоби хамманинг таҳсинига сазовор бўлган. Бу китоб қадимдан катта эътибор билан ўрганиб келинган ва унга кўплаб шархлар ёзилган.

## ЗИКР

Албатта, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудек зот зокирларнинг имомларидан бўлишларига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ҳозирги кунимизгача дунёда кенг тарқалган тариқатлардан Қодирийя ва Рифоъийя тариқатлари силсиласи айнан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан бошланиши ҳам бежиз эмас.

Юқорида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ва Фотимаи Захро розияллоҳу анҳога маълум зикрларни ўргатганликлари ва ҳазрати Али уларни ўрганган вақтларидан бошлаб, умрларининг охиригача ҳеч қачон тарқ этмаганликлари ҳақидаги маълумот билан танишган эдик. Албатта, у бир намуна, холос. Аслида эса, зикрнинг асли саҳобаи киромларда бўлган. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу бу маънода уларнинг ичидаги энг машҳурларидан бири бўлганлар. Шунинг учун ҳам кейин пайдо бўлган тариқатлар у кишини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан зикрни етказган имом деб тан олганлар.

Уламоларимиз ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан зикрга оид кўпгина ривоятлар келтирадилар. Келинг, ана шулардан баъзиларини ўрганиб чиқайлик.

Абдуరраззок, Ибн Жарир Тобарий, Ибн ал-Мунзир, Ибн Абу Хотим, Ҳоким ва Байҳақийларнинг ривоят қилишларича, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу «**Тақво қалимасини лозим тутинглар**» оятини, «Лаа илаха иллаллоҳу»ни кўп айтинглар», деб тушунтирас

эканлар.

Албатта, «Лаа илаха иллаллоху»ни кўп зикр қилиш барча зикр мактабларининг асосий йўналишидир.

Саъид ибн Мансур ва Ибн Зарийс келтирган ривоятда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қўйидагиларни айтадилар:

«Ким эрталабки намоздан кейин «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўн бир марта ўқиса, ўша куни унга гуноҳ ёпишмас. Агар шайтон роса жидди-жаҳд қилса ҳам».

Абу Убайд, Ибн Абу Шайба ва Доримиј келтирган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Исломда туғилган ёки ақлини топган одам ҳеч қачон «Аллоҳу лаа илааха илла ҳувал Ҳайюл Қайюм»ни ўқимасдан, жойига ётишинираво кўрмайман. У нима эканлигини билганингизда эди! У Набийингизга Арш остидан берилган хазинадир. Мен ҳеч қачон уни уч марта ўқимай туриб, уйқуга ётган эмасман. Уни хуфтондан кейинги икки ракъатда ҳам, витримда ҳам ва тўшагимга ёнбошлаганимда ҳам ўқийман».

Имом Тобароний, Байҳақий, ал-Мунзирий ва бошқалар қилган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиш ҳақида бундай дейдилар:

«Токи Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтилмагунча барча дуолар қабул бўлмас».

Имом Байҳақий келтирган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу:

«Ким жума куни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга юз марта саловот айтса, қиёмат куни у юзида бир нур билан келур. Одамлар, «Бу нима қилас эди?» дерлар».

Шунингдек, Тобароний, Абу Нуъайм ва бошқалар Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг одамларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиладиган

саловотнинг маълум сийғасини таълим берганликларини ҳам ривоят қилганлар.

## ҚОЗИЛИК

Имом Ҳоким келтирган саҳиҳ ривоятда Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг ўзлари қуидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени Яманга юбордилар. Мен у зотга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мени юбормоқдасиз, мен ёш бўла туриб, уларга қозилик қилишим керак. Уларнинг орасида қандоқ қозилик қиласман?» дедим.

У зот қўллари билан қўксимга урдилар-да:

«Эй Аллоҳим! Унинг қалбини ҳидоятга солгин, тилини событ қиласин!» дедилар.

Данакни ёрган зот ила қасамки, икки киши орасида қозилик қилишда ҳеч шак қиласмадим».

Ха, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари туфайли ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху қозилик ишларида саҳобаларнинг ичидаги афзалига айланган эдилар.

Ибн Саъд Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қиласди:

«Умар ибн Хаттоб: «Али ичимиизда энг яхши қозидир», деди.

Имом Ҳоким Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қиласди:

«Алининг Мадина аҳли ичидаги энг яхши қози эканлиги ҳақида ўзаро сўзлашар эдик».

Ибн Асокир Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қиласди:

«Мадина аҳлининг мерос илмига энг устаси ва энг яхши қозиси Алидир».

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг қозилик бўйича қилган ишлари, оғир масалаларни ҳам осонлик билан ечишларига юқорида намуналар келтирилди. Мазкур саҳифада эса яна бир дона янги мисол келтириш билан кифояланамиз.

Ибн Абу Хотим Абдуллоҳ ал-Жуҳайниндан қўйидаги қиссани ривоят қиласади:

«Биздан бир киши Жуҳайна қабиласига мансуб аёлга уйланган эди. У олти ойдан кейин бола туғди. Эри халифа Усмон розияллоху анхунинг хузурларига бориб, бўлган воқеани айтди. У киши аёлни келтиришга одам юбордилар. Аёл туриб, кийимларини кияётгандан синглиси йиғлай бошлади. У синглисига қараб:

«Нимага йиғлайсан? Аллоҳга қасамки, менга эримдан бошқа ҳеч ким қўл теккизгани йўқ. Аллоҳнинг Ўзи нимани хоҳласа, шу бўлади», деди.

Уни ҳазрати Усмоннинг хузурларига олиб келишган эди, у киши аёлни (зинода айблаб) тошбўрон қилишга буюрдилар. Бу хабар ҳазрати Али каррамаллоху важҳаҳуга етганда, ҳазрати Усмоннинг олдиларига келиб:

«Нима қиласиз?» дедилар.

Ҳазрати Усмон:

«Олти ойда туғибди, шундай бўлиши ҳам мумкинми?», дедилар.

Ҳазрати Али:

«Агар бу аёл Қуръондан далил келтирса, сизни ютади», дедилар.

Ҳазрати Усмон:

«Қандай қилиб?» деб сўради.

Ҳазрати Али:

«Аллоҳ таолонинг: «**Унинг ҳомиласи ва қўкракдан ажратиши ўттиз ойдир**», деган калимасини ўқиганмисиз? **«Оналар болаларини икки йил тўлиқ эмизадилар**», деганини-чи? Шунда орадаги муддат олти ой

қолмайдими?» дедилар.

Ҳазрати Усмон:

«Бу ёғи хаёлимга келмабди. Али бўлмаганида, ҳалокатга учрар эканмиз», дедилар».

Аввалги уч халифа даврларида бош қози бўлиб юрган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху ўзлари халифа бўлганларида Қози Шурайҳ исми ила машҳур бўлган зотни бош қози қилиб қўйдилар. Халифа бўлсалар ҳам, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг ўзларининг ҳам қозига ишлари тушиб турар эди.

Ад-Дориж келтирган ривоятда ана шундоқ ҳолатлардан бири ҳақида Қози Шурайҳнинг ўзи жумладан қўйидагиларни айтадилар:

«Али Сифийнга жўнаганда бир совутини йўқотиб қўйди. Уруш тугаб, Кўфага қайтиб келганда ўша совутни бир яҳудийнинг қўлида кўрди. У яҳудийга:

«Бу совут, менинг совутим. Уни мен сотганим ҳам, ҳадя қилганим ҳам йўқ», деди.

«Бу менинг совутим. У менинг қўлимда турибди», деди яҳудий.

«Қозига борамиз», деди Али.

Бас, Шурайҳ:

«Қани гапиринг, эй мўминларнинг амири», деди.

«Хўп. Анави яҳудийнинг қўлида турган совут меники.

Уни мен сотганим ҳам, ҳадя ҳам қилганим йўқ», деди.

«Сен нима дейсан, эй яҳудий?» деди Шурайҳ.

«Бу менинг совутим. У менинг қўлимда турибди», деди яҳудий.

«Сизнинг хужжатингиз борми, эй мўминларнинг амири?» деди Шурайҳ.

«Ҳа. Қанбар билан Ҳасан совут меники эканлигига гувоҳлик беришади», деди Али.

«Ўғилнинг гувоҳлиги отанинг фойдасига ўтмайди», деди Шурайҳ.

«Жаннат аҳлидан бўлган одамнинг гувоҳлиги ҳам жоиз эмасми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг «Ҳасан ва Ҳусайн жаннат аҳли ёшларининг саййидларидир» деганларини эшитганман», деди Али.

Шунда яхудий гапга аралашиб:

«Мўминларнинг амири мени ўз қозисига келтирса, унинг қозиси унинг зиддига ҳукм чиқарса, мен бу айни ҳақ эканлигига гувоҳлик бераман. Ашҳаду аллаа илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұхаммадан Расулуллоҳи. Албатта, совут сенинг совутинг эди», деди».

## САХИЙЛИК

Абу Убайд келтирган ривоятда қуидагилар айтилади:

«Али розияллоҳу анҳу одамларга бир йилда уч марта мол тақсимлади. Сўнгра унга Асфиҳондан мол келиб қолди. «Тўртинчи тақсимлашга келинглар, мен сизларнинг хазиначингиз эмасман», деди. У арқонларни ҳам тақсимлиб берди. Бир қавм уларни олди, бошқаси олмади».

Имом Бухорий Ибн Занжавайҳдан қилган ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қуидагиларни айтадилар:

«Ўз соҳибларимни тўплаб, бир сөъ таом бермоғим мен учун бозорга чиқиб, қул сотиб олиб, озод қилмоғимдан маҳбуброқдир».

Ибн Асокир ва Абу Мусо ал-Мадиний Асбиф ибн Наботадан ривоят қиласи:

«Бир одам Али розияллоҳу анҳунинг ҳузурига келди ва:

«Эй мўминларнинг амири! Менинг сенга ҳожатим бор. Мен уни сенга арз қилишдан олдин Аллоҳга арз қилдим. Агар сен уни (ҳожатни) чиқарсанг, Аллоҳга ҳамд ва сенга ташаккур айтаман. Агар сен уни чиқармасанг, Аллоҳга

ҳамд айтаман, сени узрли биламан», деди.

«Ерга ёз. Мен сенинг юзингда сўраш хижолатини кўришни истамайман», деди Али.

У ерга «Мен муҳтоҷдирман» деб ёзди.

«Менга бир сидирға кийим келтирилсин!» деди Али.

У келтирилди. Ҳалиги одам уни кийди ва шеър айтди.

«Менга динорлар келтирилсин!» деди Али.

Юз динор келтирилди. Уларни ҳалиги одамга берди.

«Эй мўминларнинг амири! Бир сидирға кийим ва юз динорми!?» дедим мен.

«Ҳа! Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Одамларни ўз манзилларига қўйинглар», деганларини эшитганман. Мана шу олдимда турган кишининг манзиласидир», деди Али.

## АДОЛАТ

Имом Байҳақий, Ибн Асокир ва Ибн Абдул Барр қўйидагиларни ривоят қиласидилар:

«Али розияллоҳу анхуга Асфиҳондан мол келди. У киши уни етти улушга бўлди. Бир дона нон ортиб қолди. Уни еттига бўлиб, ҳар улушга бир бурдадан қўйди. Сўнгра қисм амирларини чақирди. Уларнинг орасида қуръа ташлаб, кимга аввал беришни аниклади».

Имом Байҳақий Ийсо ибн Абдуллоҳ ал-Ҳошимийдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қиласидилар:

«Али розияллоҳу анхунинг олдига икки аёл сўраб келишди. Улардан бири араб, иккинчиси унинг (аёлнинг) озод қилган чўриси эди. Уларнинг ҳар бирига бир кардан (960 соъ) таом ва қирқ дирҳамдан беришга амр қилди. Чўри аёл ўзига берилган нарсани олиб кетди. Араб аёл:

«Эй мўминларнинг амири! Менга анавинга берганча берасанми!? Мен араб бўлсам, у озод қилинган чўри бўлса!?» деди. Шунда Али розияллоҳу анху унга:

«Мен Аллоҳ азза ва жалланинг китобига назар солиб, валади И smoилнинг валади исҳоқдан ортиқчалиги борлигини топмадим», деди».

Ибн Асокир Али ибн Робийъадан ривоят қиласи:

«Жаъда ибн Ҳубайра Али розияллоҳу анхунинг ҳузурига келиб:

«Эй мўминларнинг амири! Ҳузурингга икки киши келади. Бири сени жонидан ҳам яхши кўради. Бошқаси, агар сени сўйишга қодир бўлса, албатта, сўяди. Сен бўлсанг унинг фойдасига, бунинг зарарига хукм чиқарасан!?» деди.

Али розияллоҳу анху унинг қўксига бир шапатиладида:

«Бу менинг ишим бўлганида, қиласи эдим. Аммо бу Аллоҳнинг иши-да!» деди».

## ХАЛИФАЛИКДАГИ ИШЛАРИ

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуга Халифа сифатида ўттиз бешинчи ҳижрий сана, Зулҳижжа ойининг йигирма бешинчиси, жума куни байъат қилинди. Бу вақтда Ислом оламида фитна денгиз тўлқинидек мавж уриб турар эди.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху ўзларининг биринчи хутбаларини тугатиб, минбардан тушишлари билан баъзи саҳобаи киромлар келиб: «Биз ҳаддларни қоим қилишни шарт қилдик. Анави қавм Усмоннинг қонида шерик бўлдилар», дедилар. У киши: «Мен сиз билган нарсадан жоҳил эмасман. Лекин биздан устун бўлиб турган, биз уларга устун кела олмайдиган қавм билан нима қилишим мумкин? Ана улар. Уларга қўшилиб, қулларингиз ҳам, аъробларингиз ҳам қўзғалиб туришибди. Улар ичингизда сизга хоҳлаган ёмонликни қилиб турибди. Ҳозир сиз истаётган нарсага қудрат борлигига қўзингиз

етадими?» деди. Улар «Йўқ», дейишиди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу уларга: «Менда сизнинг фикрингиздан бошқа фикр йўқ. Шошилмай туринглар, ҳаммаси жойига қўйилади», деган маънода гап айтдилар. Одамлар турли фикрлар билан тарқалишди. Кимдир рози бўлди, кимдир норози.

## БИРИНЧИ ИШ

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг халифа сифатида қилган биринчи ишлари ҳамма волийларни бирданига бўшатиб, ўринларига янги волийлар тайинлаш бўлди. Муғирия ибн Шўъба ва Абдуллоҳ ибн Аббо розияллоҳу анҳумо: «Ўша юртлар аҳолисининг байъатини олмай туриб, бундоқ қилиш ўринли эмас», деган фикрни айтишиди. Лекин ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ўз гапларини маъқул кўрдилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу қўйидаги волийларни тайин қилган эдилар:

Усмон ибн Ҳанийфни Басрага.

Аммора ибн Шихобни Куфага.

Убайдуллоҳ ибн Аббосни Яманга.

Қайс ибн Саъд ибн Убодани Мисрга.

Саҳл ибн Ҳанийфни Шомга.

Ушбу тайин қилинган волийларнинг ишлари турлича бўлиб чиқди. Бундан ихтилоф кучайиб бораётганлиги кўринади.

Саҳл ибн Ҳанийф Шом томон йўл олиб, Табукка етганда бир гурух отликлар дуч келиб:

«Сен кимсан?» деб сўрадилар.

«Шомнинг амириман», деди.

«Агар Усмон юборган бўлса, хуш келибсан. Агар бошқа юборган бўлса, орtingга қайт!» дейишиди.

«Бўлган ишни эшитмадингизми?» деди.

«Биламиз!» дедилар.

У ортига қайтди.

Қайс ибн Саъд ибн Убода Мисрга етиб борди. У ернинг аҳли унинг тўғрисида турли фирмаларга бўлиндилар. Бир гурух уни қабул қилиб, жамоатга қўшилдилар. Бир гурух: «Усмоннинг қотиллари ўлдирилса, биз сизлар биланмиз. Бўлмаса, бу ишни ўзимиз қиласиз», дедилар. Учинчи бир гурух: «Агар бизнинг биродарларимиздан ўч олмаса, Али биланмиз», дедилар.

Усмон ибн Ҳанийф Басрага бориб, у ернинг аҳли худди мисрликларга ўхшаб, учга бўлингандигини кўрди.

Аммора ибн Шихоб Куфага кетаётиб, йўлда Тулайҳа ибн Хувайлид ал-Асадийга йўлиқди. У Усмоннинг хабарини эшишиб, унинг қонини талаб қилиш учун йўлга чиқкан эди. У Амморага: «Ортингга қайт, одамлар ўз амирларидан бошқани хоҳламайдилар. Агар кўнмасанг, бўйнингдан чопадилар», деди. Аммора ортига қайтди.

Убайдуллоҳ ибн Аббос Яманга бориб, ўзига топширилган ишларни бажарди.

## ИЗТИРОБНИНГ БОШЛАНИШИ

Шундай қилиб, барча томонларда изтироб бошланди.

Шомда ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг давридан бери Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу волий бўлиб келар эди. У киши ўз ишини аъло даражада бажарар ва ўз аҳолиси ичидаги жуда катта обрўга эга эди. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳуга ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг қатл этилганликлари ва ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг халифа бўлганликлари ҳакидаги хабар етганда у киши янги халифага байъат қиласади. Бунинг бир неча сабаби бор эди.

1. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ўлимларида

ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ҳам айблари бор, деб тушунар эди.

2. У киши Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг лашкари ичида фитачиларнинг борлигини ҳам айб ҳисоблар эди.

3. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу бу ишларни бир ёқлик қилиб, орани очиб олмасдан аввал тоатни вожиб қилувчи байъат қилишга қўл урмади.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳунинг хузурига Сабрата ал-Жуҳанийни юбориб, ундан ўзига байъат қилишни талаб қилди. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу бу талабга ҳеч қандай жавоб бермади.

Усмон розияллоҳу анҳунинг қатл этилганларига уч ой тўлганда Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу Бани Абас қабиласидан бир одамни чақириб, қўлига «Муовиядан Алига» деб ёзилган ва муҳр қўйилган бир туморни (саҳифани) берди-да, «Мадинага кирганингда туморни паст томонидан ушлаб, баланд кўтариб юр, ҳамма кўрсин», деди.

Хабарчи Мадинага роббиъул аввалнинг биринчи куни етиб борди ва туморни худди Муовия ибн Абу Суфён айтгандек кўтариб, юра бошлади. Одамлар кўчага чиқиб, уни кўрдилар ва Муовия ибн Абу Суфённинг эътиroz билдирганини англаб, уйларига тарқалдилар. Хабарчи эса, тўғри ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг олдиларига кириб борди ва туморни у кишига берди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу уни очиб қараган эдилар, ҳеч нарса чиқмади. У киши хабарчидан:

«Ортингда нима бор?» деб сўрадилар.

«Ортимда ўч олишдан бошқа нарсага рози бўлмайдиган қавм бор», деди у.

«Кимдан?» дедилар.

«Сен нафсингни боғлаганлардан. Мен олтмиш минг

шайхни Усмоннинг кўйлаги остида йиғлаб турган ҳолларида қолдириб келдим. Унинг кўйлаги Димашқнинг минбарига кийдириб қўйилган», деди.

Ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу:

«Мендан Усмоннинг қонини талаб қиласидарми!? Эй Аллоҳим, мен Ўзингга Усмоннинг қонидан пок эканлигимни айтаман. Аллоҳга қасамки, Усмоннинг қотиллари нажот топдилар. Аллоҳ нимани ирода қилса, шу бўлади», дедилар ва хабарчига:

«Сен кетавер», дедилар.

«Менга омонлик бериладими?» деди у.

«Сен омонсан», дедилар.

У ташқарига чиқиб, юришни бошлаган эди, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг душманлари: «Итларнинг элчиси – итни ўлдиринглар!» деб қолишиди. У ёрдам сўраб, дод солган эди, музарликлар қутқариб қолишиди.

Одамлар: «Энди халифа қандоқ йўл тутар экан?» деган саволга жавоб излаб қолишиди. Улар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг олдиларига Зиёд ибн Ҳанзала ат-Тамимийни киритдилар. У халифа билан бир оз гаплашиб ўтирди. Сўнгра Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу унга:

«Эй Зиёд, тайёргарлик кўр», дедилар.

«Нимага?» деди.

«Шомга», дедилар.

«Шошмаслик, бир оз юмшоқлик яхши эмасми?» деди Зиёд ва шу маънони акс эттирувчи байт ўқиди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ҳам ўз фикрларини кўлловчи байтни ўқидилар.

Зиёд ташқарига чиққанида уни кутиб турган одамлар:

«Нима гап?» деб сўрадилар.

«Қилич», деди у.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ўз

волийларига Шомга бориши учун тайёргарлик күриш ҳақида амр юбордилар. У киши ўз хузурларидаги кишиларни ҳам тартибга солдилар. Байроқни Ҳанафийя исмли хотинларидан бўлган ўғиллари Муҳаммад ибн Ҳанафийяга бердилар. Ўнг қанотга Абдуллоҳ ибн Аббосни, чап қанотга Амр ибн Абу Саламани қўмондон қилдилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга қарши чиққанларни олмадилар. Ўз ўринларига Қусам ибн Аббосни тайинладилар.

Бундай тайёргарликни кўрган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг катта ўғиллари Имом Ҳасан фитна бўлишидан қўрқиб, отасига:

«Эй отажон, шунни қилманг. Бунда мусулмонларнинг қони тўкилиши, ихтилоф бўлиши бор», деди.

Аммо бу ишга жим қараб турилса, бошқа волийлар ҳам бош кўтариб, Ислом жамияти парчаланиб кетиши мумкин эди.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху Шомга бориб, тушунмовчиликни ўз ўрнида ҳал қилишга тайёргарлик кўриб турганларида кутилмаган бошқа хабар келиб қолди. Унда айтилишича, Зубайр ибн Аввом, Толҳа ибн Убайдуллоҳ ва Оиша онамиз розияллоҳу анхум бошлиқ кўпчилик Маккаликлар Басрага қараб кетишаётган эди.

Бу хабар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни аввалгисидан ҳам қаттиқроқ ташвишга солди. У киши Шомни қўйиб, ушбу гурухга ҳақиқатни тушунтириш лозимлигини англаб етдилар ва улар томон юришга қарор қилдилар.

Аслини олганда, Зубайр ибн Аввом, Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анхумо ва яна бир қанча саҳобалар: «Тезроқ Усмон розияллоҳу анхунинг қотилларидан ўч олиш керак. Бўлмаса, иш жиддийлашиб, фитна кучайиб кетади», деган фикрда эдилар. Улар бу фикрларини ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу

анхуга айтар эканлар, у кишига ўз хизматлари ҳамда Куфа ва Басрадан лашкар олиб келишлари мумкинлиги ҳақидаги таклифларини ҳам билдирган эдилар. Шунда у киши шошилмаслик кераклигини, бу ишни пухта тайёргарликдан сўнг амалга ошириш зарурлигини айтган эдилар.

Шундан сўнг икки тараф: «шошилиш керак» деган фикр тарафдорлари ҳам, «шошилмаслик керак» деган фикр тарафдорлари ҳам ўzlарича масалани ҳал қилишга киришиб кетган эдилар. Ҳар икки томон ҳам ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг ўчларини олиш учун ўzlари танлаган йўлларини тўғри деб билар эдилар. Ана шу «қасос олишни тезлатиш керак» деган фикр тарафдорлари масалани Басра аҳлига англатиб, қотилларни жазолашда улардан ёрдам сўраш мақсадида йўлга чиққан эдилар.

Ана шундай вазиятда Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ҳам ўз лашкарлари билан ҳамманинг орасини ислоҳ қилиш учун улар томон юрдилар. Уларнинг фикри ва режаси фақатгина мусулмонларнинг орасини ислоҳ қилиш эди.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху Оиша онамизнинг ҳузурларига Қаъқоъ ибн Амр розияллоҳу анхуни юбордилар. У киши мўминларнинг онасининг олдиларига бориб:

«Онажон, сизни бу юртга нима олиб келди?» деди.

«Одамларнинг орасини ислоҳ қилиш», дедилар.

Сўнгра Қаъқоъ ибн Амр розияллоҳу анху Зубайр ибн Аввом ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анхумога юзланиб:

«Сиз иккингизни нима олиб келди?» деди.

«Одамларнинг орасини ислоҳ қилиш», дейишиди.

«Менга айтинглар-чи, бу ислоҳ қандоқ бўлади?» деди.

«Усмоннинг ўчини олиш, унинг қотилларини қатл

қилиш билан бўлади», дейишди.

«Икковингиз Басрада унинг қотилларини қатл қилдингиз. Иккингиз уларни қатл қилишингиздан олдин қатл қилганингиздан кейиндагига қараганда яхши ҳолатда эдингиз. Олти юз кишини қатл қилдингиз, олти минг киши уларнинг ёнини олиб чиқди. Мана, сизлар қотиллардан бири Ҳарқовс ибн Зухайрни изламоқдасиз, аммо топа олмаяпсиз. Чунки уни олти минг киши беркитмоқда ва ҳимоя қилмоқда. Сизлар мўминларнинг амири Алининг имкон борича Усмоннинг қотилларини қатл қилишни орқага суриб турганини кечира олмайсизларми? Ҳозир барча Ислом юртларида ихтилоф бўлиб турибди. Робийъа ва Музарда кўплаб одамлар аёвсиз урушга тайёргарлик кўрмоқдалар!» деди.

«Сен нимани маъқул кўрасан, эй Қаъқоъ?» дедилар Оиша розияллоҳу анҳо.

«Мен оғиятни устун кўриб, байъат беришингизни маъқул кўраман. Аввал бўлганингиздек, ҳозир ҳам яхшилик қалитлари бўлишингизни маъқул кўраман. Бизни балога йўлиқтирманглар!» деди. Ниҳоят, Қаъқоъ ибн Амр розияллоҳу анҳунинг гапларидан қаноат ҳосил бўлди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Басрага келишлари билан ҳаммага сулҳни эълон қилишга, жиноятчиларга жазо беришни халифага хавола қилишга, у киши эса имконини топиб, уларни тезда жазолашига келишилди.

Қаъқоъ ибн Амр розияллоҳу анҳу ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига бориб, суюнчилик хабарини айтганида у киши беҳад қувониб кетдилар. Ўша вактда ер юзида у кишидан кўра саодатли инсон йўқ эди. Чунки у киши энг ёмон кўрадиган нарса – хилоф кетиб, у киши энг яхши кўрадиган нарса – сулҳ келган эди. Ана шу қувонч таъсири остида кишилар ҳузурида оташин нутқ сўзладилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу бу тарихий хутбаларида жоҳилият

вақтидаги жирканч ихтилофлар, заарли урушлар ва Ислом келиши билан уларнинг қандоқ бартараф этилганлигини баён қилдилар. Ислом одамларнинг қалбларини улфат, биродар қилганлиги, одамларни тарокнинг тишлари каби teng қилганлиги, Исломдан сўнг арабнинг ажамдан фазли қолмаганлиги, фазл фақат тақвода эканлиги ҳақида сўзладилар.

У киши ўз хутбаларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам бошчиликларида бирликка қандоқ эришилганлигига алоҳида тўхтадилар.

Сўнг бу бирлик у зотнинг халифалари Абу Бакр Сиддиқ вақтларида, у кишидан кейин Умар ибн Хаттоб ва ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу вақтларида қандоқ бўлганлигини баён қилдилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ўша хутбаларининг охирида, жумладан, қуидагиларни айтдилар:

«Сўнгра уммат зиддига мана бу ҳодиса бўлди. Баъзи қавмлар дунёни талаб қилиб, Исломни орт-га кетишини ирова қилдилар. Аммо Аллоҳ Ўз ишини охирига етказувчидир. Огоҳ бўлинг! Албатта, мен эртага қайтиб кетурман. Мен билан қайтинглар. Мен билан бирга Усмоннинг қатлига яримта сўз билан ёрдам берган шахс ҳам қайтмасин!».

Кейин ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ўз одамлари билан Басра томон юрдилар. Ўзларигараво кўрилган ерга келиб тушдилар. Икки томон сулҳни эълон қилиш тайёргарлигини кўра бошладилар.

## ТУЯ ҲОДИСАСИ

Икки тарафнинг сулҳга келганлигидан кўпчилик ниҳоятда хурсанд бўлдилар. Аммо бу ниятни эшитиб, жуда хафа бўлганлар ҳам бор эди. Улар ҳазрати Усмон ибн

Аффон розияллоху анхунинг қотиллари эдилар. Фитначилар: «Булар ярашиб кетсалар, бизнинг бошимиз кетади», деган хавфда эдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу одамларга сулҳ ҳақидаги ва эртасига қайтишлари ҳақидаги эълонни қилишлари билан фитначилар талвасага тушиб қолдилар.

Фитначиларнинг бошлиқлари зудлик билан тўпландилар. Уларнинг ичидаги Аштар ан-Нахаъий, Шурайҳ ибн Авфаа, Солим ибн Саълаба, Ғулом ибн Ҳайсам ва бошқалар бор эдилар. Албатта, яҳудий фитнабоши Абдуллоҳ ибн Саба уларга бош-қош эди. Уларнинг ичидаги саҳобалардан бирор киши йўқлиги алоҳида эътибор қилишга сазовор эди. Бу фитнанинг табиатини ва қаердан, кимдан келиб чиққанлигини кўрсатарди.

Фитначилар сулҳ тузилиши ўзларининг адолатли жазога тортилишларини яқинлаштиришини яхши билар эдилар. Улар қандоқ қилиб қутулиб қолиш ҳақида сўз юрита бошладилар. Бирлари:

«Ундоқ бўлса, Алини ҳам Усмоннинг олдига жўннатиш керак!» деди.

Аммо фитнабоши Абдуллоҳ ибн Саба: «Бу аҳмоқона гап. Зинҳор бундоқ қилмаслик керак», деди. У ўз одамларига кишилар ичига аралашиб кетиб, орада уруш чиқариб юборишни топширди. «Уларнинг жамланишига йўл қўйманглар. Агар улар жамланиб олсалар, бизнинг одамлар ўз жонидан қўрқиб, гапга кирмай қўядилар», деди у.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу билан бўлган одамлар ҳам, Зубайр ва Толҳа розияллоху анхумо билан бўлган одамлар ҳам хурсанд холда уйкуга кетдилар. Ҳамма тонгда тузиладиган сулҳнинг орзусида эди.

Аммо фитначилар жойларида игнанинг устида ётгандек ётдилар. Улар нима қилиб бўлса ҳам, тонг коронғисида орада уруш қўзғашга келишиб олган эдилар.

Тонг қоронғисида ададлари икки минг атрофида бўлган фитначилар ширин орзулар оғушида ухлаб ётган кишилар устига бирдан ҳужум бошладилар. Одамлар шошилиб туриб, силоҳларига ёпишдилар. Ўйлаб ўтиришга, нима бўлганини суриштиришга имкон ҳам, вақт ҳам йўқ эди. Басраликлар «Алининг одамлари бизни алдашган экан», деган фикрдан бошқа нарсани ўйламас эдилар. Бўлаётган ишлар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга етиб борганида у киши:

«Одамларга нима бўлди!» деб сўрадилар.

«Басра аҳли бизни уйқумизда босишли! Улар бизни алдадилар!» деб жавоб бердилар улар.

Шундай қилиб, сулҳ тузиб турган икки тараф ўртасида қаттиқ жанг бошланиб кетди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг одамлари йигирма минг кишидан иборат эди. Иккинчи тараф одамларининг сони ўттиз минг эди. Ўша вақтдаги шароитларда бу қадар кўп сонли одамларга бирор хабарни етказиш ёки англатишнинг ўзи иложи йўқ иш эди.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни оғир юқ босди. Бу пайтда дунёда у кишидан кўра ғам-ғуссага ботганроқ одам йўқ эди.

Табиатан жангчи бўлиб туғилган, мушрикларга қарши жангларда ўз жасорати билан дунёни тўлдирган баходир жангчи энди оёғи қалтираб, уловига минишга қийналар эди.

Жангда ўзини сувдаги балиқдек ҳис қиласидиган, қўрқув нималигини билмайдиган, қиличи билан жанг майдонига достонлар ёзид ўрганган паҳлавон бугун силоҳини қўлга олишга қўрқар эди.

Чунки агар у бугун силоҳни кўтарса, фақат мусулмонга қарши кўтариши керак эди.

Чунки агар у бугун силоҳни ишлатса, фақат мусулмонга қарши ишлатиши керак эди.

Чунки у бугун силоҳ билан фақат мусулмонни уриши керак эди.

Чунки у бугун силоҳ билан фақат мусулмонни ўлдириши керак эди.

Аммо улуғлар ҳар қандай шароитда ҳам улуғлигини қиласидилар. Ҳақиқий баҳодирлар ҳар қандай шароитда ҳам баҳодирликларини қиласидилар. Яхшилар ҳар қандай шароитда ҳам яхшиликларини қиласидилар.

Атрофда қирғин-барот жанг борар эди. Бирор билан бирорнинг иши йўқ эди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Аммо ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳугина ўзини ўйламас эди. У киши умматни ўйлар эдилар. Кўпчиликнинг хайрини ўйлар эдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу атрофларида шиддат билан ўйнаётган қиличлар, санчилаётган найзалар ўрмони ичида, отилаётган камон ўқлари ёмғири остида, сафларнинг орасида тинмасдан:

«Эй Толҳа, менга қара!!! Эй Зубайр, менга қара!!! Менга Толҳани чақиринглар!!! Менга Зубайрни чақиринглар!!!» деб тинмай жарсолар эдилар.

Охири бу нидолар нариги тараф бошликлари бўлган Толҳа ва Зубайр розияллоҳу анҳумога етиб борди. Улар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг рўбарўларига чиқдилар.

Шунда бутун вужудини дард-алам ўти ёндираётган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳуга қараб, шер каби наъра тортидилар:

«Эй Толҳа!!!

Ўз аёлингни уйингга беркитиб қўйиб, Расулуллоҳнинг аёлинни урушга олиб чиқдингми!?»

Наъра тортиб турган шер ушбу гапларни айтиб бўлиб, бирдан бор овози билан йиғлаб юборди ва кўзёшлари соқолини юва бошлади. Сўнгра Зубайрга юзланиб наъра

тортди:

«Сен!!! Эй Зубайр!!!

Эслагин! Бир куни менинг Расулуллоҳга қараб келаётганимни кўриб, кулган эдинг!

Расулуллоҳ сендан: «Уни яхши кўрасанми, эй Зубайр?» деб сўрадилар.

Сен: «Ҳа», дединг.

У зот сенга: «Аммо сен унга қарши золим ҳолингда жанг қилурсан», дедилар».

Шунда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг соғ қалбларидан чиққан нидо ҳақиқий иймонгина содир этиши мумкин бўлган мўъжизанинг содир бўлишига сабаб бўлди. Иймон мўъжизаси содир бўлди.

Зубайр розияллоҳу анху Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг гапларига жавобан:

«Тўғри! Сен менга эсимдан чиққан нарсани эслатдинг!» дедилар-да, қўлларидаги қилични ерга ташлаб, сафларни ёриб, жанг майдонидан чикиб кетдилар. У киши билан бир вактда Толҳа розияллоҳу анху ҳам чикиб кетдилар.

Ўз ижтиҳодлари билан, кўпчиликнинг манфаатини кўзлаб қилаётган ишлари нотўғри эканлигини анлаган лаҳзада тўғри йўлга қайтган бу икки мард инсонни номардлар ўша куни орқаларидан зарба бериб, номардларча қатл этдилар.

Жанг майдонининг бошқа томонида уруш ва мусулмонларнинг begunoҳ қони тўқилиши давом этар эди, чунки одамлар ўртасида уруш чикиб кетгач, Басранинг қозиси Каъб ибн Сур Оиша онамизнинг олдиларига бориб: «Одамлар уришиб кетдилар, сиз орага тушсангиз, тўхтасалар ажаб эмас», деди. У кишининг ҳавдажларига ўқ ўтмайдиган қилиб тўсиқ ясадилар. Оиша онамиз одамларни тинчитиш ниятида чиқдилар. Икки бошлиқлари

майдонни ташлаб, чиқиб кетгандаридан кейин енгилган басраликлар қайтиб кетаётіб, Оиша онамизга дуч келдилар ва у кишини ҳимоя қилиш мақсадыда ўраб олдилар. Уруш тұхташидан қўрққан фитначилар Оиша онамизни кўриб, ўзларига қулай фурсат туғилганини билдилар ва бузук ниятларини амалга оширишга киришдилар.

Фитначилар Оиша онамизга қараб хужум бошладилар. Уларни қўрганлар Алининг одамлари, дер эди. Нариги тараф Оиша онамиз ўз ҳавдажлари ила устида ўтирган тяни ўзларига марказ қилиб олган эдилар. Жанг асосан ўша тянинг атрофида борар эди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важхаҳу ўша тяяни қиқилмагунча, мусулмонларнинг қони тўкилиши ҳам тўхтамаслигини англадилар. У киши тяни камон билан отиб йиқитиш режасини туздилар. Одамларига: «Иложи борича тянинг яқинига боринглар, у йиқилаётганда Оиша онамизни озор етказмасдан ушлаб қолинглар, у кишига озор етмаслиги йўлида жон фидо қилинглар!» деб фармон бердилар. Режа муваффақият ила амалга оширилди.

Тяяни қиқилаётганда Оиша онамизнинг ҳавдажларини укалари Муҳаммад ибн Абу Бақр билан Аммор ибн Ясир розияллоҳу анҳумо авайлаб тутиб қолдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важхаҳу икковларига ҳавдаждаги Оиша онамизни четта олиб чиқиб, чодирга жойлаштиришга амр қилдилар. Кейин ўзлари келиб, ҳол сўраб:

«Қандоқсиз, онажон!?» дедилар.

«Яхшиман», дедилар Оиша онамиз.

«Аллоҳ сизни мағфират қилсин».

«Сени ҳам. Бундан йигирма йил олдин ўлиб кетганимда яхши бўлар эди», дедилар Оиша онамиз.

Шунда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ўз ўғиллари Ҳасанга қараб:

«Қани эди, отанг йигирма йил олдин ўлганида», дедилар.

Сүнгра Оиша онамизни укалари Мұхаммад ибн Абу Бакр билан бир неча одамларга Басрага олиб кириб жойлаштиришга амр бердилар.

Үзлари истамаган урушда қозонилған ғалабани ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху ғалаба ҳисобламас әдилар. У киши ҳаммага бир хил назар билан қарап әдилар. Шунинг учун ҳам жанг тұхтаганидан кейин ўзлари одамлар ичидә қүйидаги фармонарни эълон қылдилар:

«Қочганни құвманглар!

Ярадорга тегманглар!

Молларга күл теккиза күрманглар!

Ким силоҳини ташласа, омонликда!

Ким әшигини ёпиб олса, омонликда!

Амирул мүминийн ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг бу фармонардың мартабаларига хос олиймақом фармонар эди. Албатта, бу фармонар катта яхшиликларға сабаб бўлди. Ўша кунлари ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху оёқлари остида сочилиб ётган олтин ва кумушларга қайрилиб ҳам қараб қўймас әдилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу жанг майдонида айланиб юриб, қатл бўлганларни бирма-бир кўрдилар. Уларга каттиқ ачиндилар. Ўз одамларидан бирига: «Улар билан эсипаст, ғавғочилар чиқдилар, деб юрибсизлар», деб, аччиқ қылдилар.

Сүнгра ҳамма қатл этилганларни жамлаб, жаноза ўқидилар ва уларни бирга дағн қилишга амр қылдилар.

Жангдан сўнг ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху ўз одамлари билан қароргохларида ўтирган әдилар, бир киши келиб:

Зубайрни ўлдирган Амр ибн Журмуз киришга изн сўрамоқда», деди. Имом Али ибн Абу Толиб розияллоху анху изн бердилар.

Қотил ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан мукофот олиш умидида мағур холда, шахдам қадамлар билан кириб келди. Аммо унинг кўзи Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳуга тушиши билан попуги пасайиб қолди.

«Қўлингдаги Зубайрнинг қиличими?» дедилар у киши.

«Ҳа, уни ўлдирганимдан кейин олиб олган эдим», деди қотил ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг важоҳатларидан титраб-қақшаб.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу қилични ўнг қўллари билан олдилар. Сўнг икки қўллари билан ушлаб, оғизларига олиб келиб, ҳам меҳр, ҳам маҳзунлик ила ўпдилар. Кўзларидан ёшлар дув-дув тўқилиб, ёноқларини юва туриб:

«Унинг эгаси бу қилич билан Расулуллоҳдан ғамни кетказган эди!» дедилар.

Бир оздан сўнг Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу қаҳру ғазаб тўла кўзларини қотилга тикиб туриб:

«Аммо сен, эй Ибн Софийянинг қотили! Дўзахнинг башоратини олавер!» дедилар.

Қоқилиб, туртилиб, қочиб чиқаётган қотил:

«Сизларга ҳайронман. Душманингизни ўлдирсак ҳам, бизга дўзахнинг башоратини берасизлар», деди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу Оиша онамизни Мадинага қайтариб жўнатишга тайёргарлик кўрдилар. Басрадаги энг обрўли аёллардан қирқ аёлни у киши билан ҳамроҳ бўлиб боришга тайёрладилар. Укалари Муҳаммад ибн Абу Бакр бошлилигига Оиша онамиз билан Басрага келган лашкарлардан омон қолганлари қўриқчи бўлиб борадиган бўлишди.

Оиша онамизнинг жўнаш кунлари келганида у кишини кузатишга ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг ўзлари келдилар. Эшик олдида турган Оиша онамиз:

«Болам, бир-биримизга гина қилмайлик. Али билан менинг орамда аввал бирор нарса бўлган бўлса ҳам, аёл киши билан қайноғаларнинг орасида бўладиган гаплар бўлган. Али менинг хузуримда энг яхшилардан», дедилар. Шунда ҳазрати Али:

«Рост айтдилар. Аллоҳга қасамки, мен билан у кишининг ораси худди ўшандоқ бўлган. У киши Набийингизнинг бу дунёю охиратдаги завжалариридир», дедилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Оиша онамизни бир неча мил масофагача кузатиб бордилар ва ўғилларига бир кунлик йўлгача кузатиб боришни амр қилиб, қайтдилар. Бу иш ўттиз олтинчи ҳижрий сана, биринчи Ражаб, шанба куни бўлиб ўтди.

Асосий ҳодисалар устида Оиша онамиз ўтирган тую атрофида бўлганлиги учун Ислом тарихидаги бу энг машъум ҳодиса «Туя ҳодисаси», «Туя жангиги» каби туга нисбат берилган номлар билан аталадиган бўлиб қолган.

Мазкур тую ҳодисаси кўпчилик учун катта ва ибратли дарс бўлди. Жумладан, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху ўзларига қарши тарафдагилар у кишига байъат қилмаганлар эканлигини мулоҳаза қилдилар. Халифа сифатида иш олиб бориш учун ҳамманинг байъати зарур эканлиги аён бўлди. Шунинг учун ҳам қолганлардан байъат олишга алоҳида эътибор бердилар. Ўша ернинг ўзида байъат қилмаганлардан байъат олишни йўлга кўйдилар. Тарихчиларимизнинг таъкидлашларича, ҳатто ярадорлардан ҳам байъат олинди.

Халифа Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ушбу фитналарнинг асосий сабабчилари, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга қарши бош кўтарган ва у кишининг ўлимларига сабаб бўлган кимсалар эканлигини равшан тушуниб етдилар. Уруш тўхташи билан, фитначиларнинг ҳеч кимга билдиrmай, Басрадан ғойиб

бўлғанликлари ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг фикрларини тасдиқловчи яна бир далил бўлди. У киши яна бир балони қўзишмасин, деб, уларнинг ортидан одам юбордилар.

## КУФАДА

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Басрадаги ишларини тамомлаб, Куфага юрдилар. У киши ўша ердан ўзларига қароргоҳ тутдилар. Бу ерга келганларидан кейин қилган ишларидан биринчиси Байтулмолдаги бор нарсани ҳақдорларга бўлиб бериш бўлди. Атрофларидаги кишилар, ҳозир замон алғов-далғов бўлиб турибди, бир оз олиб қолинса бўлармиди, қабилида гап қилсалар ҳам, қулоқ солмадилар.

Байтулмолдан ҳеч нарса қолмай, бор мол-мулк ҳақдорларга бўлиб берилганидан кейин ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу уни тозалашни ва кейин ювишни амр қилдилар. Ҳамма айтганлари бажо келтирилганидан кейин ўша ерда икки ракъат намоз ўқидилар.

Кейин у кишини Волийлик қасрига таклиф қилдилар. Қаср катта ва дабдабали эди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу уни кўришлари билан фикрларини ўзгартирдилар ва орқага қайта туриб:

«Бу Хабол қасрику! Бунда зинҳор турмайман!» дедилар.

Куфаликлар у кишини кўндиришга қўп уриндилар. Аммо уддасидан чиқа олмадилар. У киши:

«Мени унга ҳожатим йўқ. Умар уни ёқтирмас эди», деб туриб олдилар.

У киши Күфада оддий одамлар билан аралашиб яшадилар. Чунки бундан бошқа нарсани билмас ҳам, хоҳламас ҳам эдилар. Кўча-кўйда, бозорда ўзлари ёлғиз

үйларига керак ишларни қилиб юрган ҳоллари ҳам бўлар эди. У кишининг юкини кўтара олмай турган кишига уни кўтаририб қўйишлари, адашган кишини йўлга солиб қўйишлари, бозорда бирор нарсани талашиб турган кишиларни ажратиб қўйишлари ва шунга ўхшаш ҳолатлар оддий бир нарса эди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг Куфага келишлари билан қилган асосий ишларидан бири Шомга, Муовия ибн Абу Суфённинг хузурига чопар юбориш бўлди. У киши бу ишни бажаришга Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий розияллоҳу анҳуни танладилар. У киши бориб, бошқалар қатори Шом аҳли ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга халифа сифатида байъат қилишлари лозимлигини етказишлари керак эдилар. Чунки барча муҳожирлар ва ансорийлар бу ишга иттифоқ қилган эдилар.

Бу масалада Муовия розияллоҳу анҳунинг фикри бошқача эди. У: «Масалани ҳал қиласидиган катта саҳобийлар турли жойларга тарқалиб кетганликлари туфайли Алига қилинган байъат ҳақиқий эмас. Қачон ўшаларнинг ҳаммаси байъат қилсагина байъат тўлиқ бўлади», деган фикрда эди.

Иккинчидан, Шом аҳли Усмон розияллоҳу анҳунинг қотилларидан қасос олинмагунча, байъат қилмасликка аҳд қилиб қўйган эдилар. Ҳатто улар ҳаммалари бир бўлиб, «Усмоннинг қотилларидан ўч олинмагунча, аёлларимизга яқинлашмаймиз ва тўшак устида ётмаймиз», деб оммавий равишда қасам ичган эдилар.

Қолаверса, Шомда фитначилар «Али биз билан», деган гап чиқарган ва бу гап ниҳоятда кенг тарқалиб кетган эди. Ҳодисалар ривожланиши билан «Али нима учун Усмонни ҳимоя қилмади, нима учун жиноятчиларни жазога тортмаяпти, нима учун фитначиларни ўз лашкари ичидаги олиб юрибди?» каби гап-сўзлар ҳам авж олган эди.

Бу ва шунга ўхшаш бир қанча омиллар шомликлар учун ўз гапларини маңкам ушлаб олишларига замин яратган эди.

Муовия розияллоху анху ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг элчисига ижобий жавоб бермади. Элчи Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоху анху қайтиб бориб, бўлган гапни Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳуга айтди.

## СИФФИЙН

Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг ишни тинч йўл билан битириш, мусулмонларнинг кони тўқилиб, ораларидаги ихтилоф яна ҳам катталашмаслиги йўлида қилган барча уринишлари фойда бермади. Шундан сўнг у киши Муовия розияллоху анхунинг бу қилмишини мусулмонлар жамоасига қарши чиқиш, деб баҳоладилар ва ўттиз олтинчи сананинг ражаб ойидан ўн икки кун қолганида лашкар билан Шомга қараб юрдилар. У киши ан-Нухайла номли жойга келиб, аскаргоҳ қурдилар. Басрадан у ернинг волийси Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху ўз одамлари билан етиб келиб, қўшилдилар.

Бу хабар Муовия розияллоху анҳуга етганда у киши ҳам Шомдан аскар тортиб чиқди. Икки томон Фурот дарёси бўйидаги Сиффийн пасттекислигига учрашди.

Шомликлар дарёга олиб борадиган ягона йўлни эгаллаб олган эдилар. Ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг одамларига сув ташвиши тушди. Сувчилар сув олиш учун боришган эди, шомликлар томонидан қўйилган ўн минг кишилик қўриқчилар йўлни тўсдилар. Кейин уларга ҳеч бўлмаса урушда номардлик қилиш яхши эмаслиги эслатилди. Аммо улар ўз ишларидан қолмадилар. Куфаликлар оғир аҳволда қолдилар. Улардан

баъзи заиф кишилар чанқоқликдан йиқила бошладилар. Тонг чогида Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Ашъас ибн Қайс розияллоҳу анҳу бошлиқ гурӯҳни юбордилар ва улар бир зумда сув йўлини тўсиб турғанларни қувиб, сувга олиб борадиган йўлни эгалладилар. Энди ҳолат тамоман тескари бўлиб қолди.

Шомликлар сувсиз қолдилар. Улар: «Энди у томон ҳам бизга ўхшаб, сувнинг йўлини тўссалар, ишимиз чатоқ», деб ўйлашди. Аммо ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу номардлик билмайдиган, мардликни оддий инсоний бурч, деб тушунадиган содда бир одам эдилар. Зотан, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг буюкликлари худди шу соддаликларида эди. Кўл остидаги одамлари сувнинг йўлини эгаллаб олишгач, у кишининг биринчи берган фармонлари «Сувдан ҳеч ким тўсилемасин!» деган фармон бўлди.

Ҳар ким ўз лашкарларини жойлаштириб, аскаргоҳ қуриб бўлгандан кейин, бир-бирига элчи юборишни бошлайди. Икки томон ҳам уруш бўлишини истамас эди. Ҳар қалай, икки томон ҳам биринчи бўлиб уруш бошлашни хоҳламас эди.

Урушни хоҳламайдиган асосий шахс албатта, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу эдилар. Юқорида зикр қилиб ўтилган ишларнинг бўлишига қарамай, бу зот яна урушнинг олдини олиш, ишни тинч йўл билан ҳал қилиш пайдан бўлдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ўз одамларидан тўрт кишини элчи қилиб нариги томонга юбордилар. Улар бориб, Муовияга:

«Албатта, бизнинг соҳибимиз унинг фазлини ўзинг ҳам, мусулмонлар ҳам яхши билган одамдир. Бу сенга маҳфий бўлмаса керак, деб ўйлаймиз.

Албатта, дин ва фазл эгалари Алига ҳеч кимни тенг кўрмаслар. Улар сен билан унинг ўртасидаги фазлни солиштириб ўтирумайдилар. Эй Муовия, Аллоҳдан қўрк!

Алига хилоф қилма! Аллохга қасамки, биз унга ўхшаш тақвога кўп амал қиласдиган, дунёда зоҳидлик қиласдиган ва барча яхши хислатларни ўзида жамлаган одамни кўрмаганмиз», дедилар.

Элчиларнинг бу гапларига қуидаги жавоб берилди:

«Албатта, соҳибингиз халифамизни қатл этди. Жамоатимизни тафриқага солди. Тўполончи ва қотилларга ўз хузурдан жой берди.

Соҳибингиз уни ўлдирмаганлигини даъво қилмоқда. Биз унга рад қилмаймиз. У бизга Усмоннинг қотилларини берсин. Биз уларни қатл қиласдик. Кейин сизларга итоат ва жамоат ҳақида ижобат қиласмиз».

Элчилар Муовиянинг бу гапларини ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуга етказдилар. У киши буни эшитиб, ҳафсалалари пир бўлди ва:

**«Албатта, сен ўликларга эшиттира олмассан, ортга қараб қочаётган карларга ҳам чақириқни эшиттира олмассан.**

**Сен кўрларни залолатдан ҳидоятга солгувчи эмассан. Сен фақат мусулмон бўлган ҳолларида оятларимизга иймон келтирадиганларгагина эшиттира олурсан**» оятларини тиловат қилдилар.

Ана шу тарзда Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу доимо ўз элчилари орқали Муовия розияллоҳу анху ва унинг одамларини ўзларига байъат қилишга чақирап ҳамда уларни, албатта Усмоннинг қасосини олишга ишонтирап эдилар.

Муовия розияллоҳу анху эса: «Аввал Усмоннинг қасосини олиш зарур. Бошқа иш кейин бўлаверади. Мен Усмоннинг амакиваччасиман, бу ишни қилишга жавобгарман», деб туриб олган эди. Натижада калаванинг учини топиб бўлмайдиган сеҳрли ҳалқа вужудга келган эди. Ушбу ҳолат икки ойдан кўпроқ вақт давом этди.

Нихоят, ўттиз еттинчи сананинг муҳаррам ойи ҳам

кирди. Икки бошлиқ бир ойга сулҳ туздилар. Икки томон ҳам, шояд умумий сулҳ тузилиб қолса, деган умидда әдилар. Аммо бир ой ўтса ҳам, сулҳдан дарак бўлмади. Шунда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу жарчи юбориб, қуйидаги жарни чақириларилар:

«Эй Шом аҳли! Амирул мўминийн сизларга айтади:  
Мен сизларни ҳақни англашингиз ва унга қайтишингиз  
учун қўйиб бердим. Лекин сиз түғёningизни  
битирмадингиз ва ҳақقا ижобат қилмадингиз! Мен  
сизларни адолатга чакирдим. Албатта, Аллоҳ хоинларни  
хуш кўрмас!»

Муовия ва унинг энг яқин ёрдамчисига айланаб қолган Амр ибн Осс ўз одамларини жангга ҳозирладилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ҳам ўз одамларини урушга тайёр қилдилар. У киши ўз одамларига Шом аҳли бошламагунича, уларнинг бирортасига ҳам қарши қўл кўтармаслик, мабодо уруш бўлиб қолса, ярадорга тегмаслик, қочганни қувмаслик ва аёлнинг сатрини очмаслик ва хорламасликни қаттиқ тайинладилар.

Биринчи куни қаттиқ ва шиддатли жанг бўлди.

Жангда ўлаётганларни кўриб, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу чидаб турға олмадилар. У киши мусулмонларнинг қони тўкилишини тўхтатиш ва ишни тезда бир ёқлик қилиш мақсадида отлари билан жанг қилаётган сафларни ёриб ўтиб, Муовияни яkkама-якка олишувга чақирдилар. У чиқмади.

Ўша куни кечқурун ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Муовияга мактуб юбордилар. Унда:

«Эй Муовия! Нима учун мен билан сенинг орамизда одамлар ўлиши керак!? Мен билан яkkама-якка олишувга чиқ! Ким қарши томонни ўлдирса, ўша ишга эга бўлади», деб ёзилган эди.

Муовия ўзининг энг яқин маслаҳатчиси Амр ибн Осса гап очди. У аввал: «Инсоф қилибди, яkkама-якка олишувга

чиқ», деди. Аммо бу маслаҳатдан Муовиянинг қаттиқ аччиғи чиққанини кўргандан кейин: «Унга қарши ўзим чиқаман», деди.

Эртасига икки тараф яна жангга тайёрлана бошлади. Ҳамма ўз жойини эгаллаган пайтда Амр ибн Осс чиқиб, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни яккама-якка олишувга чақирди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу чиқдилар ва икковлари яккама-якка олишувни бошладилар. Ҳазрати Алининг биринчи ҳамласидаёқ Амр от устидан ўзини ерга отиб, енгилганлигининг ишорасини қилиб, узун бўлиб ётиб олди. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу унга бир қараб қўйдилар-да, ҳеч нарса қилмасдан, қайтиб кетдилар.

Иккинчи куни ҳам жангнинг шиддати пасаймади. Шу алфозда етти кун жанг бўлди.

Шу ерда бир керакли маълумотни ҳам айтиб ўтмоғимиз лозим. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу билан бирга улуғ саҳобий Аммор ибн Ясир розияллоҳу анҳу ҳам жанг қиласар эдилар. У киши беш юз кишилик гуруҳга бош эдилар. Жанг давомида у киши сув сўрадилар. Бир ғулом Аммор ибн Ясир розияллоҳу анҳуга бир идишда сут олиб келиб берди. У киши буни кўриб, «Аллоҳу акбар! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга «Дунёдан охирги зодинг сут бўлади», деган эдилар», дедилар ва жангга кириб кетиб, шаҳид бўлдилар.

У кишининг ўлимлари кўп нарсани аён қилди. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига бир неча марта: «Эй Аммор, сени исёнчи тоифа ўлдиради», деган эдилар. Ана шу лаҳзадан бошлаб, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг одамлари «Биз ҳақда эканмиз», деган фикрни ўзларида яна ҳам мустаҳкамладилар.

Ана шундан кейин Муовиянинг томони енгилиб, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг

одамлари ғолиб кела бошладилар.

Ишлари чатоқлигига күзи етган Муовия ва Амр ибн Осс ўзаро маслаҳат қилдилар. Амр ибн Осс: «Қарши томонни Аллоҳнинг Китобини орада ҳакам қилишга чақириш керак», деди. Муовия ўз одамларига найзалар учига Қуръонларни боғлаб кўтаришга амр қилди. Унинг одамлари найзаларнинг учига Қуръонларни боғлаб кўтардилар.

Бу ҳолни кўрган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг одамлари ихтилофга тушдилар. Бирлари: «Аллоҳнинг Китобини ҳакам қилишга бўлган чақириққа жавоб бермасак бўлмайди», дедилар. Бошкалари: «Бу хийла бўлса керак, жангни давом эттиromoқ керак», дедилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ҳам шу фикрда эдилар. Аммо Аллоҳнинг Китобини ҳакам қилишга рози бўлганлар кўпчилик эди. Шундоқ бўлса ҳам, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу уларни бу хийла эканлигига ишонтиришга уриниб кўрдилар.

«Аллоҳнинг Китобига ижобат қилишга энг ҳақли одам менман! Аммо мен уни сиздан кўра яхши биламан. Бу иш ҳақ қалимаси ила ботилни ирода қилиш бўлмоқда. Мен уларга қарши фақат Қуръоннинг ҳукмига бўйсунишлари учунгина жанг килдим. Бугун қандоқ қилиб, унинг ҳукмидан бош тортишим мумкин!?

Анави қавм Қуръоннинг ҳукмини ирода қилганлари учун мусхафларни кўтараётганлари йўқ. Бу алдамчилик, ожизлик ва хийладан бошқа нарса эмас!

Менга билакларингизни бир соатга қарзга бериб туринглар! Ҳақ кесиладиган жойига етиб қолди ўзи!» дедилар.

Аммо Ашъас ибн Қайс бошлиқ тараф Қуръоннинг ҳукмига чақириқни қайтариб бўлмайди», деб туриб олдилар ва олдинга кетган лашкарларни чақиришни талаб

қилдилар. Шу ерда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг яна мусулмонлар қонини тўқмаслик ҳақидаги истаклари устун келди ва ҳалигиларнинг талабига биноан, лашкарларни қайтаришга амр бердилар. Ҳолбуки, шомликларнинг аскаргоҳига киришларига бир қадам қолган эди. Лашкарнинг бошлиғи хабарчига: «Қайтиб бориб, уларга айт! Бир неча лаҳза қолди, холос. Ахир қандоқ қилиб ортга қайтаман!?» деди.

Мухолифлар эса, агар улар қайтишмаса, силоҳларини ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуга қарши кўтаришларини айтдилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаху Ашъас ибн Қайс розияллоху анхуни «Нима демокчисан?» деган савол билан Муовиянинг олдига юбордилар. У эса: «Биз ҳам, сиз ҳам Аллоҳнинг Китобига қайтайлик. Биз ўзимиз рози бўлган бир одамни ихтиёр қиласлиқ. Сизлар ҳам ўзингиз рози бўлган бир одамни ихтиёр қилинглар. Ҳаммамиз ўша икки кишидан Аллоҳнинг Китоби амр қилган ҳукмни чиқариш аҳдини олайлик. Иккови нимага қарор қиласалар, ҳаммамиз ўшангага эргашамиз», деди. Ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху бу таклифга рози бўлдилар.

Шомликлар ўзларидан Амр ибн Оссли ҳакам қилдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг одамлари Ашъас ибн Қайснинг ўз таклифида қайсарлик билан қаттиқ туриб олгани учун Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхуни ҳакам қилдилар. Икки томон шартнома ёзди. Унга биноан, ҳакамлар Рамазон ойида Давматул Жандал номли жойда учрашиб, масалани узил-кесил ҳал қиласлиқ бўлдилар.

Ашъас ибн Қайс ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг одамлари орасида айланиб юриб, ҳакамлик ҳақидаги васикани ўқиб эшилтира бошлади. Шунда баъзи гурухлар «Ҳакамликни қабул қилиб, хато қилибмиз! Энди хатони тузатишимиш керак! Аллоҳнинг

хукмидан бошқа хукм йўқ!» деб бақира бошладилар. Буни эшитиб, Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу:

«Аҳду паймонни бериб бўлганимиздан кейинми!?» дедилар.

Худди мана шу бақироқларнинг кўпчилиги сал олдин ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни ҳакамликни қабул қилишга, у киши: «Биздан Абдуллоҳ ибн Аббос ҳакам бўлсин», десалар, Абу Мусо ал-Ашъарийни ҳакам қилишга мажбур қилган эдилар.

Шу билан одамлар тарқалдилар.

## ХАВОРИЖ

Ишни ҳакамлар орқали ҳал қилишга келишилганидан кейин ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Сиффийндан Куфага қайтдилар. Аммо бу пайтда у кишининг одамлари орасида катта ва хатарли ёрилиш содир бўлган эди. «Ишни ҳакамларга ошириш нотўғри ва залолат бўлди» деган фикрни маҳкам ушлаб олган кишилар алоҳида хатарли кучга айланган эдилар. Ана шу қарши чиққан гуруҳлар Ҳаруро номли қишлоқда тўпланиб, йиғин ўтказдилар. Уларнинг сони ўн икки минг атрофида эди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни улар билан гаплашиб кўриш ва насиҳат қилиш учун бу йиғинга юбордилар. Аммо бу иш ҳеч қандай фойда бермади. Шунда уларнинг хузурига ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ўзлари бориб:

«Бу қарши чиқишингизнинг сабаби нима?» деб сўрадилар.

«Сиффийн куни ҳакамга рози бўлганинг», дейишди.

«Аммо мен икки ҳакамга Қуръон тирилтирган нарсани тирилтириб, Қуръон ўлдирган нарсани ўлдиришни шарт

қилиб қўйдим», дедилар.

«Бизга айт-чи, қон ишида одамларни ҳакам қилиш адолатдан бўладими?!» дейишиди.

«Биз одамларни ҳакам қилганимиз йўқ. Биз Қуръонни ҳакам қилдик. Мана бу Қуръон икки жилд орасидаги ёзилган хат. У гапирмайди, балки у билан одамлар гапирадилар», дедилар.

«Бўлмаса нима учун ораларингизда маълум вақт белгиладинг?» дейишиди.

«Билмаган билиб олиши, билган пишитиб олиши учун. Шояд, Аллоҳ ушбу келишув сабабидан бу умматнинг ишини ислоҳ қилса», дедилар.

Шундан кейин улар Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг гапларига рози бўлишиди. Шунда у зот хурсанд бўлиб:

«Шаҳрингизга киринг, Аллоҳнинг раҳми ила!» дедилар. Ҳаммалари шаҳарга кирдилар.

## ҲАКАМЛИК

Ўттиз еттинчи ҳижрий сананинг Рамазон ойи кириши билан ҳакамларнинг иш бошлиш вақти ҳам етиб келди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анхуни саҳобалардан таркиб топган катта жамоа билан ҳакамлик ишини олиб боришга келишилган Давматул Жандалга юбордилар. Муовия розияллоҳу анху ҳам шомликлар жамоаси билан Амр ибн Оссли юборди.

Икки томон учрашиб, иш бошладилар. Аввал Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, бир-бирларига насиҳат қилдилар. Кейин иттифоқ қилган нарсаларини ёзиш учун ёзиш асбоблари ва ёзувчи тайин қилдилар. Кимни халифа қилишга узоқ тортишувлардан кейин ҳам келиша олмадилар. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анху

ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуни ҳам, Муовияни ҳам бу ишдан четлатишга рози бўлдилар. Аммо Абдуллоҳ ибн Умардан бошқанинг халифа бўлишига кўнмадилар. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху эса, халифа бўлишни истамади.

Нихоят, икки ҳакам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху ва Муовияни бу ишдан четлатишга, халифа танлашни эса мусулмонларнинг шуро орқали ҳал қилишишлариға келишдилар. Кейин улар икки томон вакиллари тўпланиб турган жойга бордилар. Амр ибн Осс келишилган нарсани эълон қилиш учун Абу Мусо ал-Ашъарийга сўз берди. У киши Аллоҳ таолога ҳамду сано, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга саловоту дуруд айтганларидан сўнг:

«Эй одамлар! Биз бу умматнинг ишига назар солиб чиқдик. Биз бу уммат учун мен билан Амр иттифоқ қилган фикрдан бошқа фойдалироқ, унинг тарқоқлигини йиғиширадиганроқ фикр топмадик. Бу фикр Али ва Муовияни бу ишдан четлатишдир», деб четга ўтдилар.

Кейин Амр ибн Осс келиб, у кишининг жойини эгаллади. У киши Аллоҳ таолога ҳамду сано, Мұҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга саловоту дуруд айтди ва:

«Албатта, бунинг айтганларини ўзингиз эшийтдингиз. У ўз соҳибини бу ишдан четлатди. Мен ҳам уни у четлатгани каби четлатдим. Шу билан бирга, бу ишга ўз соҳибим Муовияни собит қилдим. У Усмон ибн Аффоннинг волийсидир. Унинг қонини талаб қилувчисидир. Бинобарин, унинг ўрнига одамлар ичида энг ҳақлисиdir», деди.

Шундан сўнг одамлар ҳар хил кайфият билан келган жойларига тарқалдилар. Амр ва унинг шериклари Муовиянинг олдига бориб, уни халифалик билан муборакбод қилдилар. Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анху уялиб, Макка томон йўл олди. Абдуллоҳ ибн Аббос

ва Шурайх ибн Ҳониълар хабарни ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуга етказдилар.

## ХАВОРИЖЛАР ХУРУЖИ

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важқаҳу Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анху ва бир гурӯҳ одамларни ҳакамлик иши бўйича Давматул Жандалга юборгандаридан кейин хаворижларнинг қиймати қоим бўлди. Аслида хавориж сўзи «хуруж», яъни, «қарши чиқиши» сўзидан олинган бўлиб, улар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуга қарши чиққанликлари учун шу ном билан аталган эдилар. Энди эса, уларнинг фикрий хуружлари яна ҳам зиёда бўлди. Улар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху ҳакамлик ишини қабул қилгани учун «кофир бўлди», деб фатво чиқардилар. Ҳолбуки, улар у кишининг энг ашаддий тарафдорлари эдилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху улар билан турли йўлларни ишга солиб, гаплашиб кўрдилар, насиҳат қилдилар, аммо фойдаси бўлмади. Ниҳоят, уларни йўлга солишдан умидларини узганларидан сўнг:

«Агар бизга қарши хуруж қилмасангиз, сизларни масжидларимиздан ман қилмаймиз. Модомики, қўлларингиз биз билан экан, сизларни ўлжадан маҳрум қилмаймиз. Бизга қарши уруш қилмагунингизча, биз сизга қарши уруш қилмаймиз», дедилар.

Бу ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг ниҳоятда бағрикенг инсон эканликларига яна бир далилдир. У киши ўзларини кофир деб турган қавмга ана шундай илтифотларни кўрсатаётган эдилар.

Сўнгра ҳакамлик ишларида хиёнат бўлганлигини ёълон қилиб, катта аскар билан Шом томон юрдилар. Аммо у киши йўлда кетаётганларида орқадан хунук ва ўта

ташвишли хабар келди. Хаворижлар пайтни ғанимат билиб, ер юзидағи энг катта фасод ишларга қўл урган эдилар. Улар Аллоҳ ҳаром қилган ишларни ўзлари учун ҳалол ҳисоблаб, бегуноҳ мусулмонларнинг қонларини тўкиш, йўлтўсарлик қилишга қўл ураётган эдилар. Улар ўлдирган кишилар ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Абдуллоҳ ибн Хаббоб розияллоҳу анҳу ва у кишининг ҳомиладор аёллари ҳам бор эди.

Воқеа тафсилоти қўйидагича бўлган эди:

Хаворижлар гурух-гурух бўлиб, шаҳар-қишлоқларга чиқиб, ўзларининг тескари ташвиқотларини олиб боришни бошлаб юборган эдилар. Улар кўчада дуч келган одамни тўхтатиб:

«Ҳакамликни қабул қилиш куфр бўлмаганми? Али ҳакамликни қабул қилиб, гуноҳкор бўлмадими? Ўз гуноҳига иқрор бўлиб, тавба қилмагунича унинг байъати ва итоатидан холи эмасмизми?» деб сўрар эдилар.

Ким «Ҳа» деб жавоб берса, уни қўйиб юборар, ким «Йўқ» деб жавоб берса, уни ўлдирап эдилар.

Улар Абдуллоҳ ибн Хаббоб розияллоҳу анҳуни ва у кишининг аёлларини тутиб, қамаб қўйишиди. Айнан Абдуллоҳ ибн Хаббоб розияллоҳу анҳу уларни биринчи бўлиб, «хавориж» деб номлаган эдилар. Хаворижлар у кишидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи ҳадиси шарифлари ҳақида сўрашди.

У киши:

«Мен отамдан эшитганман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Келажакда фитна бўлади. Унда ўтирган тургандан яхшидир, турган юргандан яхшидир, юрган саъий қилгандан яхшидир», деган эканлар», деб жавоб бердилар.

Улар у кишидан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ҳақида сўрадилар. У киши яхши гапларни

айтдилар. Шунда хаворижлар ғазабланиб, Абдуллоҳ ибн Хаббоб розияллоҳу анҳу ва у кишининг аёлларини хайдаб кета бошладилар.

Йўлда кетаётгандаридан хурмо дарахтидан бир дона хурмо узилиб, ерга тушди. Хаворижлардан бири уни олиб, оғзига солган эди, бошқаси унга қараб:

«Эгасидан сўрамай туриб ёки нархини бермай туриб, ейсанми?!» деб бақирди. Наригиси шоша-пиша оғзидаги хурмони олди-да, қаттиқ надомат қилиб, истифор айта бошлади.

Хаворижлар бир неча қадам юриб бориб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Абдуллоҳ ибн Хаббоб розияллоҳу анҳуни хузур қилиб сўйдилар. Сўнг у кишининг аёлларига ташландилар. Аёл: «Мен ҳомиладорман! Аллоҳдан қўрқинглар!» деб ёлворса ҳам, уларга бурунларига пашша қўнганичалик ҳам таъсир қилмади. Аёлни ҳам бўғизладилар. Бу икки улуғ инсоннинг айблари ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу тўғриларидан, ўша пайтда дунёдаги энг афзал мусулмон ҳақида тўғри гапни айтганлари эди.

Ўз-ўзидан «Бир дона хурмони изнисиз емоқни гуноҳ деб ҳисоблаб турган пайтнинг ўзида рост гапни айтгани учун икки улуғ инсонни: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаси ва у кишининг ҳомиладор аёлини тап тортмай, бўғизлаб ташлайдиган «хавориж» деган маҳлуқлар кимлар ўзи?» деган савол пайдо бўлади.

Хавориж аслида «хуруж қилувчи» – «мусулмонлар бошлиғига ва жамоасига қарши чиқувчи» деган маънони билдиради. Уларнинг тарихи яхшилаб ўрганилган. Аслида хаворижлар таълим-тарбия қўрмаган шахслардир. Аммо улар диндорликнинг чўққисига чиққанмиз, деб даъво қиласидилар. Улар илмсиз бўлганликлари учун озгина билган нарсаларини маҳкам тутиб олиб, ҳаддан ошиш ва бошқаларни нуқсонда айблаш билан ўз камчиликларини

хаспўшлашга ўтадилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг даврларида бош кўтарган биринчи хаворижлар асосан саҳролик тарбиясиз дайдилар ва қалби қасоватли аъробийлардан иборат эди. Уларда одоб-ахлок, ҳилм ва босиқлик каби хислатлардан асар ҳам йўқ эди. Илмлари бўлмаганлиги учун ўзларига ёкиб қолган нарсага маҳкам ёпишиб олар эдилар. Худди ана шу омиллар хаворижларни ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг энг ашаддий тарафдорларидан энг ашаддий душманларига айлантирган эди.

Ислом ақида бобида ҳам, ибодат бобида ҳам, ўзини тутиш ва бошқа бобларда ҳам мўътадилликка асосланган. Бундек мўътадилликнинг чегарасини билиш учун эса, асосли илмий мезон зарурдир. Бундай асосли мезонга эга бўлиш учун эса, исломий илмларнинг барчасини асл масдарлардан, етук ва тақводор уламолардан тўлиқ ўрганиш лозим. Бу нарсаларга одоб-ахлок, ҳилм ва босиқлик ҳамда ҳар бир нарсани ўз ўрнида тўғри баҳолай билиш омиллари қўшилгандагина ўнг ёки сўлга бурилиб, ҳалокат жари ёқасига келиб қолиш хавфининг олди олинади.

Икки ўтнинг орасида қолган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху хаворижларни тинчилиш учун орқага қайтишга қарор қилдилар. Чунки улар одамларнинг йўқлигини қулай фурсат билиб, лашкарга кетганларнинг бола-чақалари ва аҳли аёлларини ҳам нобуд қилишлари ҳеч гап эмас эди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ўз одамлари билан хаворижлар томон юрдилар. Мадоинга етиб борганларида Наҳравонга жойлашиб олган хаворижларга одам юбориб: «Ичингиздаги бизнинг одамларимизни ўлдирганларни беринглар, биз уларга жазосини берайлик. Кейин сизларни тарқ қиласиз ва Шомга юрамиз. Шояд, Аллоҳ сизни ҳозирги ҳолингиздан

яхширок ҳолга қайтарса», дедилар. Улар эса: «Одамларингизни биз ҳаммамиз ўлдирганмиз. Биз уларнинг қонини ҳам, сизларнинг қонингизни ҳам ўзимиз учун ҳалол деб биламиз», дедилар.

Шунда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхұнинг ўзлари бориб, уларга ваъз-насиҳат қилдилар ва огохлантирилар. Аммо хаворижларга бу нарсалар таъсир қилмади. Улар сулхни истамай, бир-бирларини жангга ҳозирлик кўришга тарғиб қила бошладилар.

Иш бу даражага етганидан сўнг ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхұ Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анхуга омонлик байроғини тикиб, «Ким ушбу байроққа келса, омондадир! Ким Куфага кетса, омондадир! Ким Мадоинга қайтса, омондадир!» деб жар солишга амр қилдилар. Бу иш ўз фойдасини берди. Хаворижларнинг кўпчилиги омонликни танладилар. Абдуллоҳ ибн Вахб ар-Росий бошлиқ атиги мингтacha хавориж урушни ихтиёр қилдилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ўз одамларига урушни зинҳор аввал бошламасликни қаттиқ тайинлаб қўйган эдилар. Хаворижлар биринчи бўлиб уруш бошладилар. Урушда уларнинг деярли барчалари қирилиб битди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг одамларидан етти киши шаҳид бўлдилар, холос.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хаворижларнинг чиқиши ҳақида ўз ҳадиси шарифларидан бирида олдиндан хабар айтиб қўйган эдилар. Бу ҳадиси шарифни ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхудан имом Муслим ва имом Абу Довудлар ривоят қиласидилар. Унда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қўйидагиларни айтадилар:

«Менинг умматимдан Қуръон ўқийдиган бир қавм чиқади. Сизнинг қироатингиз уларнинг қироати олдида ҳеч нарса эмас. Намозингиз ҳам уларнинг намози олдида

ҳеч нарса эмас. Рўзангиз ҳам уларнинг рўзаси олдида ҳеч нарса эмас. Улар Исломдан ўқ камондан тескари чиққандек чиқурлар. Ўзларича буни ўз фойдаларига ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, у уларнинг зааригадир. Агар уларга мусибат етказадиган лашкарлар ўзларига Набийлари тили или ҳукм қилинган нарсани билсалар, амалдан тўхтаб қолурлар. Ўша нарсанинг белгиси – уларнинг ичидаги одам бўлур. Унинг билагида чиғаноги йўқ бўлур. Унинг билагининг учидаги сийнанинг тутмачасига ўхшаш тутмача бўлур. Унинг устида оқ туклар бўлур», деган эдилар.

Хаворижлар билан бўлган жанг тамом бўлиши билан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху ўз одамларига мазкур сифатга эга бўлган одамни ахтаришни топширдилар. Бироқ, бундай одам топилмади. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу унинг топилмаётганидан маҳзун бўлдилар ва ўзлари ахтара бошладилар. Ниҳоят, ўликлар уйилиб ётган жойга бориб, бирма-бир қаратдилар. Ўша ердан юқорида айтилган сифатли бир жасад чиқди. Шунда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху:

«Аллоҳу акбар! Мен Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлғончи бўлмадим! Ана у! Кўли қисқа! Унда суюк йўқ! Учида аёл киши сийнаси тутмачасига ўхшаш нарса бор! Унинг устида бешта-еттита тук ҳам бор!» дедилар.

## СУИҚАСД

Хаворижларнинг иши барҳам топиши билан бирга ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг кўпгина одамларидаги бирлик, ҳамжиҳатлик, ихлос ва бошқа яхшиликлар ҳам барҳам топган эди. Охирги ҳодисадан кейин кўпгина ироқликлар яна у кишидан юз ўғирдилар.

Шомда эса ҳамма Муовияга байъат қилиб, барча ишларни ўzlари хоҳлаганларича қиласи ва босартусарларини билмай, борган сари авж олиб борар эдилар.

Ана шундай оғир бир ҳолатнинг оғир юки ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни борган сари босиб бормоқда эди. Ўша вақтдаги у киши розияллоҳу анхунинг ўzlарини тутишлари ва айтаётган гап-сўзлари ва дуоларидан у кишининг ернинг устидан кўра остини афзал кўриб қолганликларини англаб олиш қийин эмас.

У киши бу ҳолатга «Ишларим юришмаяпти», деган хаёл билан тушмаган эдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуни ташвишга солган нарса иймонни саломат сақлаш, мусулмонларнинг бирлигини жойига қайтариш, уларнинг жонлари ва молларини сақлаш каби дину диёнат ва элу юрт ташвишига оид муаммолар эди. Атрофда турли фитналар авж олиб турган бир пайтда бу ишларни уддалаш осон эмас эди. Шу пайтгача ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг барча тасаррүфотлари ҳам худди ана шу иймон ва эътиқод тақозоси билан иш тутишга асосланган эди. Шунинг учун ҳам у киши одамларнинг номардликларига мардлик билан жавоб берар эдилар. Шунинг учун ҳам хоинларнинг хиёнатига омонат билан жавоб қайтарар эдилар. Шунинг учун ҳам хийлакорларнинг ҳийласини билиб туриб ҳам қабул қиласерар эдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Муҳаммад алайҳиссалом дорилфунунларининг пешқадам толиби ўzlарининг соғи иймонлари билан номардлар, хоинлар ва хийлакорларга рўбарў бўлиб қолган эдилар. Аммо у киши нима бўлганда ҳам, иймонни саломат сақлашни барча нарсадан устун қўйган эдилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг айнан ана шу ҳикматдан келиб чиққан тасаррүфотларини кўпчилик тушуна олмай, хуноб бўлар эди. Ҳатто баъзилар:

«Бу киши соддалик қилиб, баъзи нарсаларни тўғри тушуна олмаяпти» деган фикрга ҳам борар эди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг ўзлари эса, босган бирор қадамларига ҳам надомат қилмас эдилар. Қилаётган ишлари ҳақ эканлигига у киши розияллоҳу анхунинг иймонлари комил эди.

Бу фикрнинг далили сифатида ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху билан у кишининг катта ўғиллари Имом Ҳасан розияллоҳу анху ораларида бўлиб ўтган бир сухбатни келтиришга қарор қилдик.

Имом Ҳасан розияллоҳу анху ўз оталари учун ҳаддан ташқари кўп куйинар, у кишига нимадир яхшилик қилиш йўлида бутун вужудлари билан ёнар эдилар. Бир куни азиз оталарини ҳар тарафдан ўраб олган хавф-хатарларни ва мушкулу қийинчиликларни мулоҳаза қилган ҳолда у кишига ўзларининг баъзи мулоҳазаларини айтдилар:

«Отажон! Мен сизга Усмон қамал қилинган куни «Мадинадан чиқиб кетинг, агар у қатл қилинса ҳам, сиз йўқлигингизда қатл қилинсин», демабмидим!?

Отажон! Мен сизга Усмон қатл қилинган куни «Одамлар хузурингизга келиб-кетиб, бу ишни (халифаликни) қабул қилишни сўрашса, ҳамма тарафлардан байъат келмагунича қабул қилманг», демабмидим!?

Отажон! Сизга Зубайр билан Толҳанинг мўминларнинг онаси Оишани олиб, Басра томон юрганлари ҳақида хабар етганида «Мадинага қайтиб, уйингизда ўтиринг», демабмидим!?

Буларнинг бирортасида ҳам менинг гапимни қабул қилмадингиз», деди.

Имом Ҳасан розияллоҳу анхунинг ушбу мулоҳазаларини мазкур ҳодисалардан хабардор бўлган ҳар бир киши ҳам бериши мумкин. Ҳақиқатда, агар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху ўғиллари Имом

Ҳасан айтганларидек қилғанларида, ўзларига яхши бўлмасмиди?

Оддий ўлчов билан ўлчанганди, агар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху ўз ўғилларининг маслаҳатларини олганларида, яхши бўлар эди. Аммо Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу бошқа ўлчов билан иш тутган эдилар. У кишининг ўғилларига берган жавобларини эшишиб кўринг-а:

«Усмон қамал қилинган куни чиқиб кетишим мумкин эмас эди. Одамлар Усмонни ўраб олганларидек, мени ҳам ўраб олган эдилар.

Ҳамма тарафдагиларнинг байъатини кутмаганимга келсак, байъат икки ҳарамайнда ҳозир бўлган муҳожир ва ансорлар билан собит бўлади. Улар рози бўлиб, байъат қиласалар, рози бўлиш ва байъат қилиш барча мусулмонларга вожиб бўлади.

Ортимга қайтиб, уйимда ўтиришим эса умматни алдаш ва унга хиёнат қилиш бўлар эди».

Бундан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг бутун умрлари бўйи ўзлари учун, обрў учун, шуҳрат учун яшамаганликлари, балки ҳақ учун, адолат учун ва Ислом уммати учун яшаганликлари келиб чиқади.

Имом Ҳасан розияллоҳу анхунинг саволларига ўхшаш саволларни ҳазрати Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳуга бошқа одамлар ҳам жуда кўп берар эдилар. Бу саволларнинг асосий маъноси «Нима учун бундек бўлди?» қабилида эди. Ана шу саволлар ва уларга Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг жавобларини муҳтарам шоиrimиз Фозил Зоҳид қуйидаги сатрларга жойлаганлар:

*Саҳобанинг саволи:*

*«Аввалги хулафо ҳукмрон замон,  
Не сабаб эрди, эллар дорул-омон?»*

*Ҳазрати Алининг жавоби:*

*«Улар даврида биз бор эдик ахир,*

*Шу сабаб иўқ эди хатар-хавотир».*

*Саҳобанинг саволи:*

*«Улардан сўнг эса, Сиз бўлгач амир,*

*Низо-гағолар кўп, боиси надир?»*

*Ҳазрати Алининг жавоби:*

*«Сабаби: улар иўқ биз билан ҳозир,*

*Уларсиз бизларга уларсиз оғир».*

Дарҳақиқат, ўша даврга келиб, катта ва нуфузли саҳобаи киромларнинг кўпчилиги ўтиб кетган, қолганлари турли тарафларга тарқалиб кетишган эди. Катта саҳобаларнинг ўринларини олишга интилган янги мусулмон бўлган мансабпастлар ниҳоятда кўпайиб кетган эди. Гапнинг қисқаси, ҳазрати Алининг ёnlарида у зот аввалги халифаларга қандай ёрдамчи бўлган бўлсалар, ана шундай ёрдамчилар етишмас эди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу доимо ҳақ йўлни ахтарар ва Аллоҳ таолонинг розилигини топадиган ишни қилишга ҳаракат қилар эдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу қаёққа бурилсалар, ҳақ ҳам ўша ёққа бурилишини эса, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилиб, Аллоҳ таолодан сўраган эдилар.

2869 - عَنْ عَلَيٍّ τ عَنِ النَّبِيِّ r قَالَ: رَحْمَ اللَّهُ أَبَا بَكْرٍ  
رَوَّجَنِي ابْنَتُهُ وَحَمَلَنِي إِلَى دَارِ الْمَحْرَةِ وَأَعْتَقَ بِلَالًا مِنْ مَالِهِ رَحْمَ اللَّهُ  
عُمَرَ يَقُولُ الْحَقَّ وَإِنْ كَانَ مُرَّا تَرَكَهُ الْحَقُّ وَمَا لَهُ صَدِيقٌ رَحْمَ اللَّهُ  
عُثْمَانَ شَسْتَخِيهِ الْمَلَائِكَهُ رَحْمَ اللَّهُ عَلَيْهِ اللَّهُمَّ أَدْرِ الْحَقَّ مَعَهُ حَيْثُ  
دَارَ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

2869. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ Абу Бакрға раҳм қиласин! У мени қизига уйлантириди. Дорул Ҳижраттга олиб келди. Ўз молидан Билолни озод қилди.**

**Аллоҳ Умарға раҳм қиласин! У аччиқ бўлса ҳам, ҳақни айтадир. Ҳақ уни дўстсиз тарқ қилди.**

**Аллоҳ Усмонни раҳм қиласин! Ундан фаришталар ҳам ҳаё қилади.**

**Аллоҳ Алини раҳм қиласин! Эй Аллоҳим! У қаёққа бурилса, ҳақни у билан бирга, ўша ёққа бургин!» дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

Аммо баъзи одамлар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни айнан ҳақ учун курашганликлари учун кўп кўрдилар.

Хаворижлик ҳарбий куч сифатида тутатилгани билан фикр, жамоат ва фитна шаклида сақланиб қолган эди. Тирик қолган хаворижлар ўз фикрларини кенг оммага тарқатишга ҳаракат қилар, ўзаро алоқаларини тартибга солиб, мақсадларига мувофиқ иш кўришга уринар эдилар.

Бир куни ўша хаворижлардан учтаси тўпланиб, бўлиб ўтган ишлар ҳақида гаплашиб ўтиришди, ўтган оғайниларига ачинишиди. Бу ишларда Али, Муовия ва Амр ибн Оссни айблашди. Охири бориб, бу йигилиш мазкур «уч нобакорнинг шарридан мусулмон умматини халос қилиш» режасини тузиш билан яқунланди. Бу машъум режага биноан, ана шу учта хаворижлардан Абдурраҳмон ибн Мулжам дегани ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни, Бакр ибн Абдуллоҳ дегани Муовияни ва Амр ибн Бакр дегани Амр ибн Оссни бир кунда, бир вақтда, бомдод намози пайтида бараварига ўлдиришлари лозим эди. Бу учала суиқасдчи ўз жиноятларини амалга ошириш учун кирқинчи ҳижрий сананинг рамазон ойидан ўн етти кун қолган кунни тайин қилдилар. Улар ҳар ким ўзи ўлса ҳам, ўзига бириктирилган шахсларни албатта йўқ

қилиш ҳақида аҳдлашиб, қасам ичдилар. Қиличларини захарлаб, машъум режани амалга ошириш учун хеч кимга билдиримай, ҳаракатни бошладилар.

Абдураҳмон ибн Мулжам хаворижларнинг катта бошлиқларидан эди. У Қитом исмли гўзал аёлга совчи қўйган эди. У аёлнинг отаси ва акаси Наҳравон жангидаги қатл бўлган эди. Бу аёл Ибн Мулжам унга совчи қўйганида «Сенга Алини қатл қилишинг шарти билан тегаман», деган эди. У эса: «Аллоҳга қасамки, бу шаҳарга Алини ўлдиришдан бошқа мақсад билан келганим йўқ», деган эди. У аёлга уйланганидан кейин аёл тинмай, уни Алини ўлдиришга чорлади.

Келишилган куни Абдураҳмон ибн Мулжам ўзининг иккита одами билан ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуни намозга чиқадиган жойларида кутиб турди.

И мом Абу Довуд ва Ибн Асокирнинг Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, ўша куни кечаси ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу тинмай безовта бўлавердилар. У кишининг аҳли аёллари бундан ташвишга тушдилар ва тўпланишиб, у кишидан эҳтиёт бўлишни илтимос қилдилар. Шунда Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу уларни тинчлантириб:

«Албатта, ҳар бир одамга икки фаришта вакил қилинган. Улар уни қадари келгунча химоя қилиб турадилар. Қачон қадари келса, қадари билан унинг орасини очиб қўядилар», дедилар. Сўнгра туриб, масжидга ёлғиз ўзлари намозга жўнадилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу одатдагидек, одамларни бомдод намозига уйғотиб, ўзлари келавердилар. Абдураҳмон ибн Мулжам пойлаб туриб, у кишининг қоқ пешоналарига қилич билан урди. Қон отилиб, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг соқолларини бўяди.

Одамлар қаттиқ яраланган ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуни уйларига күтариб олиб кетишиди. У киши йўлда зўрға кўзларини очиб, ўзларини күтариб кетаётгандарга: «Намоздан кеч қолманглар», дедилар.

Одамлар намозни ўқиб бўлиб, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан хабар олиш учун югурдилар. Шу пайт қотилни ҳам ушлаб олиб келишиди. Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу кўзларини аранг очиб, қотил Абдурраҳмон ибн Мулжамни танидилар ва: «Сенмидинг? Сенга доим яхшилик қилган эдим-ку!» дедилар. Сўнгра ўғилларига, ўз одамларига назар солдилар. Уларнинг барчаси қотилни парчалаб ташлашга шайланиб турар эдилар. Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳу уларга қараб:

«Буни яхши жойга қўйинглар. Яхшилаб қаранглар. Агар яшаб кетсам, уни нима қилишни ўзим биламан. Қасос оламанми, афв қиласманми, бу менинг ишим. Агар ўладиган бўлсам, уни менинг ортимдан жўнатинглар. У билан Роббил оламийннинг хузурида хусуматлашаман. Мен учун бундан бошқани ўлдирманглар. Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошганларни хуш кўрмас», дедилар.

Ишнинг оқибати маълум бўлиб қолганда, бир гуруҳ эътиборли кишилар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан ўз ўринларига катта ўғиллари Имом Ҳасанни тайин қилишларини сўрадилар. У киши:

«Мен сизларга амр ҳам қилмайман. Наҳий ҳам қилмайман. Сизлар ўз ишингизни яхши биласизлар», дедилар.

«Бизга халифа тайинламай кетиб, Роббингизга рўбарў бўлганингизда нима дейсиз?!» дейишиди одамлар.

«У зотга: «Уларни худди Расулинг халифа тайин қилмай, тарк қилганларидек, мен ҳам уларни халифа тайин қилмай, тарк қилдим», дейман», дедилар.

Кейин Имом Ҳасан розияллоху анху бошлиқ

ўғилларини чақириб, васиятларини айтдилар:

«Сизларни Роббингиз Аллоҳга тақво қилишга ва фақатгина мусулмон ҳолингизда вафот қилишингизга васият қиласман. Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг, тафриқага тушманг. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Албатта, орани ислоҳ қилиш намоз ва рўздан афзалдир», деганларини эшитганман.

Куръон хақида Аллоҳдан ўта эҳтиёт бўлингиз. Амал қилишда бирор сиздан ўта олмасин.

Камбағаллар ва мискинлар хақида Аллоҳдан ўта эҳтиёт бўлингиз. Уларни ўз маошингизга шерик қилингиз.

Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан ҳеч кўрқмангиз. Сизга ёмонликни соғинган ва тажовуз қилганларга У Зотнинг Ўзи кифоя қилур.

Амри маъруф ва наҳий мункарни ҳеч тарқ қилмангиз. Худди Аллоҳ сизга амр қилганидек, одамларга гўзал сўзни айтингиз.

Ўзингизга ўзаро бирликни лозим тутингиз. Ўзаро тарқоқликдан эҳтиёт бўлинг. Яхшилик ва тақво йўлида ўзаро ёрдамлашинг, гуноҳ ва ёмонлик йўлида ўзаро ёрдамлашманг».

Амирул мўминийн ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуга жума куни бомдоддан олдин суиқасд қилинган бўлса, у киши шанба куни мағриб вақтида жон таслим қилдилар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу бу дунёни тарқ этганларида олтмиш уч ёшда эдилар. У кишининг халифаликлари уч ойи кам беш йил давом этди.

Ибн Саъднинг таъкидлашларича, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуни ўғиллари Имом Ҳасан ва Ҳусайн ҳамда Абдуллоҳ ибн Жаъфар ювганлар. Жанозаларини Имом Ҳасан ўқиганлар.

Машхур тарихчиларимиздан Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳининг таъкидлашларича, ҳазрати Али ибн Абу Толиб

розияллоху анху Куфадаги Дорул Хилофага дағн қилингандар. У кишининг яқин кишилари жаноза маросимларини ва дағнларини хаворижлардан маҳфий тутиш учун яширин ҳолатда ўтказганлар. Шунинг учун ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг жанозалари ва дағнлари ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар кам. Аксинча, турли ишончсиз маълумотлар бисёр.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг дағнларидан сўнг шариат ҳукмига биноан, қотил Абдурраҳмон ибн Мулжамдан қасос олинган. Қасос олишни Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг ўғиллари Имом Ҳасан адo этганлар.

Ана шу тарзда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анху дорулғанодан дорулбақоға риҳлат қилдилар. Ҳа, у кишининг жасадлари бу дунё ташвишларидан халос бўлиб, охират неъматларига эришиш учун кетди. Аммо ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг фазилатлари, қаҳрамонликлари ва яхшиликлари иншааллоҳ, дунёнинг охиригача бу дунёда ҳақ учун курашиш, Аллоҳ таолонинг розилиги учун яшашнинг тимсоли бўлиб қолди.

Умму Салама онамиз розияллоху анҳодан қўйидаги ҳадиси шариф ривоят қилинган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Алини мунофиқ яхши кўрмайди. Уни мўмин ёмон кўрмайди», дер эдилар». Ушбу ҳадиси шарифга биноан, сахобалар розияллоху анхум ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг вафотларидан кейин ҳам одамларнинг кимлигини Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳуга бўлган муносабатларидан билиб оладиган бўлдилар.

Ҳатто баъзи ноўрин уринишлар ҳам кишиларнинг ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуга бўлган муҳаббатларини қайтара олмади. Али ибн Абу Толиб каррамаллоху важҳаҳунинг тирикликларида у кишига

қарши бир оғиз ёмон сўз айтишдан кўра, ўлимни афзал кўрган кишилар у кишининг вафотларидан кейин ҳам у кишига қарши бирор оғиз сўз айтишдан кўра, ўzlари учун ўлимни афзал кўрдилар.

2870 - عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ قَالَ: اسْتُعْمِلَ عَلَى الْمَدِينَةِ  
 رَجُلٌ مِّنْ آلِ مَرْوَانَ قَالَ فَدَعَا سَهْلًا فَأَمْرَهُ أَنْ يَشْتِمَ عَلَيًّا فَأَبَى سَهْلًا  
 فَقَالَ لَهُ: أَمَّا إِذْ أَبْيَتَ فَعْلًا لَعَنِ اللَّهِ أَبَا التُّرَابِ فَقَالَ سَهْلٌ: مَا كَانَ  
 لِعَلَيٍ اسْمُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ هَذَا وَإِنْ كَانَ لَيَفْرَحَ إِذَا دُعِيَ إِلَيْهَا فَقَيْلَ لَهُ  
 أَخْبِرْنَا لَمْ سُمِّيَ أَبَا تُرَابٍ؟ قَالَ: حَاجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بَيْتَ فَاطِمَةَ فَلَمْ  
 يَجِدْ عَلَيًّا عَلَيْهِمَا السَّلَامَ فَقَالَ: أَيْنَ ابْنُ عَمِّكِ؟ قَالَتْ: كَانَ بَيْنِي  
 وَبَيْنِهِ شَيْءٌ فَعَاضَبَنِي فَخَرَجَ فَلَمْ يَقُلْ عِنْدِي فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ  
 لِإِنْسَانٍ: انْظُرْ أَيْنَ هُوَ فَجَاءَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ هُوَ فِي الْمَسْجِدِ  
 رَاقِدٌ فَجَاءَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَهُوَ مُضْطَجِعٌ قَدْ سَقَطَ رِدَاؤُهُ عَنْ شِفَّهِ  
 فَأَصَابَهُ تُرَابٌ فَجَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَمْسَحُهُ عَنْهُ وَيَقُولُ: قُمْ أَبَا التُّرَابِ  
 قُمْ أَبَا التُّرَابِ. رَوَاهُ الشَّيْخُ حَانِ.

2870. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Мадинага Оли Марвондан бир киши омил қилинди. Бас, у Саҳлни чақириб, Алини сўкишга амр этди. Саҳл бош тортди. Шунда унга:

«Жуда хоҳламасанг, «Аллоҳ Абу Туробни лаънат қилсин!» дегин!» деди у.

## **Шунда Саҳл:**

**«Али учун бундан кўра маҳбуброқ исм йўқ эди.  
Қачон бу исм ила чақирилса, хурсанд бўлар эди», деди.**

**«Айт-чи, нима учун Абу Туроб деб номланган эди?»  
дейилди.**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотиманинг уйига келиб, Алини топмадилар ва «Амакингнинг ўғли қани?» дедилар. «Мен билан унинг орамизда бир гап ўтган эди. У менга аччиқ қилиб, чиқиб кетди. Ҳузуримда дам олишга ётмади», деди у. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир одамга: «Назар солчи, у қаерда экан?» дедилар. У қайтиб келиб: «Эй Аллохнинг Расули, у масжидда ётибди», деди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига бордилар. У ёнбошлаб ётар, ридоси устидан тушиб кетган ва ўзи тупроққа белангтан эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг устидаги тупроқни қоқа туриб, «Тур, Абу Туроб! Тур, Абу Туроб», дедилар», деди».**

*Икки шайх ривоят қилишиган.*

Арабларда эҳтиром маъносида кишиларнинг исмини эмас, кунясини айтиб мурожаат қилиш одати машхурдир. Одатда, бош фарзанднинг исмидан олдин абу ва умму лафзларини қўшиб, отани «Абу Фалон», онани «Умму Фалон» деб аташади. Ана шу маънода ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг кунялари Абулҳасан бўлган. Шу билан бир вақтда, баъзи вақтларда бир хил одат ёки ўзига хос нарсалар ҳам кишиларга куня бўлиб қолиши мумкин. Ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуда ҳам ана шундай ҳолат бўлган. Ушбу ривоятда келган Абу Туроб куняси у кишига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан берилган. «Туроб» сўзи араб тилида «тупроқ» маъносини англатади. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг кийимлари тупроққа

беланиб ётганини кўриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига ҳазил-мутойиба маъносида Абу Туроб кунясини берган эдилар. Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан қилинган ҳар бир илтифот эса саҳобий розияллоҳу анҳум учун катта эъзоз саналар эди. Шунинг учун ҳам Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ўзларининг бу куняларини ниҳоятда яхши кўрар эдилар. Кимдир ҳазрати Али розияллоҳу анҳуни Абу Туроб, деб чақирса, хурсанд бўлиб кетар эдилар.

Юқоридаги ривоятда Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳунинг ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга бўлган чексиз муҳаббатлари ва эҳтиромлари ўз аксини топган.

2871 - عَنْ سَعْدٍ بْنِ أَبِي وَقَاصٍ قَالَ: أَمْرَنِي مُعاوِيَةً أَنْ أَسْبَبَ أَبَا التُّرَابِ فَقُلْتُ: أَمَّا مَا ذَكَرْتُ ثُلَاثًا قَاتَلْنَاهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَلَنْ أَسْبَبَ لَأَنْ تَكُونَ لِي وَاحِدَةٌ مِنْهُنَّ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ حُمْرِ النَّعْمِ فَدْ خَلَفَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي بَعْضِ مَعَازِيهِ فَقَالَ عَلَيْهِ: يَا رَسُولَ اللَّهِ حَلَفْتَنِي مَعَ السَّاءِ وَالصَّبِيَّانِ فَسَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: أَمَا تَرْضَى أَنْ تَكُونَ مِنِّي بِمِنْزَلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى إِلَّا أَنَّهُ لَا تُبُوءَ بَعْدِي وَسَعْتُهُ يَقُولُ يَوْمَ خَيْرٍ: لَا عَطِيَّنَ الرَّاِيَةَ رَجُلًا يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيُحِبُّهُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ قَالَ: فَنَطَأْوْلَنَا لَهَا فَقَالَ: ادْعُوا لِي عَلَيْا فَأُتَيَ بِهِ أَرْمَدَ فَبَصَقَ فِي عَيْنِهِ وَدَفَعَ الرَّاِيَةَ إِلَيْهِ فَفَتَحَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَلَمَا نَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ {فَقُلْ تَعَالَوْا تَدْعُ أَبْنَاءَنَا وَأَبْنَاءَكُمْ} دَعَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَلَيْا وَفَاطِمَةَ وَحَسَنًا

وَحُسِّنَا فَقَالَ: اللَّهُمَّ هُوَ لَأَءْ أَهْلِي. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالترْمِذِيُّ.

2871. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Муовия менга Абу Туробни сўкишни амр қилди. Мен унга:

«Модомики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга айтган уч нарса эсимда турар экан, мен уни зинхор сўкмайман! Ана шулардан биттаси менга бўлишини дунёнинг энг яхши неъматларидан устун кўраман. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни баъзи урушларда ўз ўринларига қолдирдилар. Бас, Али:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мени аёллар ва болалар ичидаги расизми!?» деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Сен менинг ўрнимда Ҳорун Мусонинг ўрнида бўлганидек бўлишга рози бўлмайсанми!? Фақатгина мендан кейин набий йўқ, холос», деганларини эшиздим.

Яна мен у зотнинг Хайбар қуни:

«Албатта, эртага байроқни Аллоҳни ва Унинг Расулини яхши кўрадиган ва Аллоҳ ва Унинг Расули уни яхши кўрадиган кишига берурман», деганларини эшиздим.

Биз ҳаммамиз унга интилдик. Бас, у зот:

«Менга Алини чақиринглар», дедилар.

Бас, уни кўзи оғриб турган ҳолида келтиришди. У зот унинг икки кўзига туфладилар ва унга байроқни бердилар. Аллоҳ унга фатҳни берди.

«Сен: «Келинглар болаларимизни ва болаларингизни... чақирайлик...», дегин» ояти нозил

**бўлганида Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Алини, Фотимани, Ҳасанни ва Ҳусайнни чақирдилар ва: «Эй Аллоҳим, мана шулар менинг аҳлим», дедилар», дедим».**

*Муслим ва Термизий ривоят қилишган.*

Ушбу ривоятда ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг фазилатлари ҳақида зикр қилинган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг у кишини Табук урушида ўз ўринларига қолдириб кетганликлари ва бу воқеага оид гапларни, шунингдек, Хайбар урушидаги байроқни у кишига беришларига оид маълумотларни ҳам юкорида мафассал ўрганганимиз.

«Сен: «Келинглар, болаларимизни ва болаларингизни чақирайлик», дегин» ояти эса, Нажрон насороларининг элчилари келиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан мунозара қилишганда ва иш мубоҳала, яъни, Аллоҳга илтижо қилиб, ноҳақ бўлган тарафга У Зотнинг лаънатини сўраш ила ҳал қилишга қолганда нозил бўлган.

Ана шунда худди ривоятда айтилганидек, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, ҳар бир одамга икки фаришта вакил қилинган, улар уни қадари келгунча ҳимоя қилиб турадилар. Қачон қадари келса, уни қадари билан орасини очиб қўядилар. Алини, Фотимани, Ҳасанни ва Ҳусайнни чақирдилар ва «Эй Аллоҳим, мана шулар менинг аҳлим», дедилар.

Бу ҳам ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху учун катта баҳт-саодат эди. Бундек баҳтга ким ҳам ета олар эди? Шунинг учун ҳам Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анху жаннат башорати берилган ўнтагини кишининг бирлари бўлишларига қарамай:

«Ана шулардан биттаси менга бўлишини дунёнинг энг яхши неъматларидан устун кўраман», демоқдалар.

Ушбу ривоятда Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхунинг ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуга

бўлган улкан муҳаббатлари ва чексиз эҳтиромлари яққол кўриниб туриди. Зотан, ҳар бир мўмин шундоқ бўлиши керак. Аммо афсуслар бўлсинким, биз ўрганиб ўтган тўстўполон замонда баъзи кишилар турли сабабларга кўра, бу баҳтга мұяссар бўлмадилар.

Аммо вақти келиб, ҳамма нарса ўз ўрнини топди ва ҳамма мусулмонлар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудек зотнинг хурмат-эҳтиромларини ўз жойига қўйдилар ва қўймоқдалар. У кишини севдилар ва севмоқдалар.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу ўзларининг бутун умрлари ва имкониятларини Ислом хизмати учун сарфлаган бўлсалар, бутун халифалик фаолиятларини мусулмонлар орасида пайдо бўлган фитнани зарарсизлантиришга сарф қилдилар. Худди Аллоҳ таоло у кишини Ислом уммати тарихидаги энг оғир пайт учун сақлаб турганга ўхшайди.

Ҳа, ўша давр тарихини синчиклаб ўрганганд олимлар ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг нодир хислатлари ва беназир фидокорликлари ўша денгиз тўлкинидек мавж урган фитнанинг зарарини камайтиришда асосий ўринни эгаллаганини таъкидлайдилар. Аммо бу натижага эришилгунга қадар турли гап-сўзлар ва хилма-хил фикр-мулоҳазалар кенг тарқалиб, кўпчиликни ҳайрону лол қолдирган эди. Ана шу нарсалар ҳақидаги хулоса ва ҳақиқатни билиб қўйиш ҳар бир мусулмон учун ниҳоятда зарур эканлиги учун қўплаб ва машақкатли изланишлару меҳнатлар самараси бўлган хуносани эътиборингизга тақдим этишга ижозат бергайсиз.

## ХУЛОСА

Ҳеч шубҳа йўқки, халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ўлимларига сабаб бўлган

ҳодисалардан тортиб, ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг ўлимларигача бўлган даврда бўлиб ўтган ҳодисалар Ислом учун, мусулмон уммати учун мисли кўрилмаган мусибат бўлди.

Ушбу ҳодисалар туфайли, мусулмон уммати ўртасида бўлиниш пайдо бўлди. Ўша пайтгача бир тану бир жон бўлиб, бутун дунёга Ислом нурини таратиб келаётган, бутун инсониятга хайру баракани улашиб келаётган дунё тарихидаги энг яхши уммат ичида дарз пайдо бўлди. Авваллари бу уммат вакиллари ихтилоф нималигини билмас эдилар. Вақти келиб, улар аввал иккига, кейинроқ учга бўлинниб, ихтилоф қилдилар. Худди ўша машъум ҳодисалар туфайли бошланган бу бўлиннишлар секин-аста давом этиб, мусулмон умматининг соғлом танаси ичидан турли-туман тоифалар чиқди. Шийъа, Рофиза, Хавориж ва шунга ўхшаш бошқа ҳар хил тоифаларнинг келиб чиқиши айнан ана шу ҳодисалардан бошланган эди.

Ушбу ҳодисалар туфайли мусулмон уммати аввал ҳоким шахс ҳақидаги баъзи мулоҳазалар билан баҳс бошлаган бўлса, охири келиб, иймон ва куфр борасида баҳс қиласиган, бир-бирини куфрга кетганликда айблаш даражасига етди.

Ушбу ҳодисалар аввало фитначиларнинг ҳазрати Усмонга у киши ишга қўйган баъзи омиллар ҳақида шикоят қилишлари билан бошланган эди. Охири келиб, хаворижлар ўзларига мухолиф бўлганларни, ҳатто ҳазрати Алидек зотни кофирилкда айблай бошладилар. Табиийки, қарши томондан ҳам ўзига яраша жавоб бўлди.

Ушбу ҳодисалар туфайли мусулмон уммати ичида бир-бирининг қонини ўзи учун ҳалол билиш ва бир-бирини ўлдиришни раво кўриш содир бўлди.

Биринчи марта фитначилар ҳазрати Усмон розияллоху анхунинг қонлари ва молларини ўзларига ҳалол ҳисоблаб, у кишини ўлдириб, молларини таладилар. Ана шу

нобакорлик оқибатида ишлар ривожланиб бориб, «Тұя ҳодисаси»да ўн беш минг, «Сиффийн»да бир неча ўн минг киши ҳалок бўлди. Хаворижлар билан бўлган алоҳида ҳодисаларни қўшадиган бўлсак, бу ҳисоб яна ҳам зиёда бўлади.

Бир тану бир жон бўлиб, дунё ҳалқларини бирин-кетин бандаларнинг бандаларга ибодатидан Аллоҳнинг ибодатига, нотўғри динларнинг жабридан Ислом адлига, дунё торлигидан охират кенглигига, жоҳилият зулматларидан Ислом нурига чиқараётган уммат бир-бирини Роббисига ибодат қилишдан чиқариш, бир-бирига қарши жабр қилиш, Исломнинг кенглигидан ихтилоф торлигига, Ислом нуридан жаҳолат зулматига ўтишга бошлади.

Ушбу ҳодисалар туфайли мусулмон умматининг гули бўлмиш, етакчи кучи бўлмиш саҳобаи киромларнинг кўпчилиги нобуд бўлдилар. Уларнинг маънавий кучларига кудурат етди.

Ушбу ҳодисалар туфайли мусулмон уммати бошига тушган мусибатларни бирма-бир санаб чиқиш ниҳоятда оғир иш. Шунинг учун бу борада гапни қисқа қилганимиз маъкул.

Энди ижозатингиз билан мазкур ҳодисаларга баҳо бериш ҳақида бир неча оғиз сўз.

Бу ҳодисалар бўлиб турган вақтларнинг ўзидаёқ уларга баҳо бериш бошланган. Унда ҳар бир томон ўзини ҳақ, ўзгани ноҳақ деб билган. Тарафкашлик бўлиб турган жойда бундан бошқа нарса бўлиши мумкин ҳам эмас. Аммо мазкур ҳодисаларга баҳо бериш улар бўлиб ўтганидан кейин ниҳоятда авж олганлиги кутилмаган ҳол. Ушбу ҳодисалар бўлиб ўтгандан кейин турли сабабларга кўра уларни баҳолаш, ким нима қилган-у, ким нима қилмаган, аслида нима қилиш керак эди, каби мавзуларда мунозаралар қизиб кетган. Бу борада ҳар ким ўша

тўполонлар содир бўлган вақтдаги ҳар бир ҳаракат ва саканот, ҳар бир оғиз гап ва сўздан ўз фикрини қўллашга, ўзганинг фикрини рад қилишга далил излаган. Тарафкашлик ва низо оловида қизиб кетиб, далил топа олмай қолган пайтларда ўзидан қўшиб юборишлар бўлмаганига эса, ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Тарафкашлик авж олган жойда ҳар ким ўзининг ҳақ эканлигини исбот қилишга уриниб, ўзида бўлмаган яхши сифатларни бемалол даъво қилганидек, ўзида бўлган салбий сифатларни бемалол инкор этади. Шу билан бир вақтда, қарши тарафнинг барча яхшиликларини инкор этган ҳолда, барча ёмонликларни унга ағдаради. Мана шу жараёнда нима бўлса бўлади.

Ислом уммати ёлғон нима эканлигини билмас эди. Аммо фитначилар ўз қилмишларини хаспўшлаш, одамларни ортларидан эргаштириш мақсадида бу уммат ичига ёлғон деган иллатни олиб кирдилар. Бу ҳолни мазкур ҳодисаларни ўрганиш жараёнида кўриб ўтдик. Жумладан, улар: «Бизга Алидан хат келди»; «Бизга Оишадан хат келди», «Бизга фалончидан хабар келди»; «У депти»; «Бу депти» деган ёлғонларни ҳам тарқатган эдилар.

Фитначилар мазкур машъум ҳодисалар ўтиб кетганидан кейин ҳам ўз тарафини олиб, ўзгани танқид қилишда давом этавердилар. Бу нарсалар аста-секин ривожлана бошлади. Тарафкашликда уччиға чиққан томонлар эса, ўз гапларини тасдиқлаш учун оят ва ҳадисларни ноҳақ таъвил қилганлари етмагандек, ёлғонлар тўқиб, ҳатто уларга ҳадис сифатини беришгача етиб бордилар.

Аммо масъул кишилар, уламолар бу нобакорликни дархол бўғиб ташлаш йўлига ўтдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга оид барча ривоятлар яхшилаб ҳимоя қилинди. Ҳадисларнинг даражаларини

аниқлашнинг мустаҳкам қоидалари ишлаб чиқилди. Бу борада фитначиларнинг фитнаси ўтмади.

Аммо тарихчилар келтирган ривоятларга бу қадар эҳтимом берилмади. Чунки тарих ҳақидаги ривоятлар дин ва эътиқод масалалари бўйича ривоятлар аҳамиятига эга эмас, деган фикр ва мулоҳаза бор эди. Ўша пайтларда бўлиб ўтган ҳодисалар ҳақидаги ривоятлар тўпланди. Аммо уларни саралаш ва яроқсизини ташлаб юбориш ишлари қилинмади. Бу нарса айниқса, ҳукмдорлик учун ўзаро кураш олиб борган тоифаларга қўл келди. Улар турли асоссиз ривоятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш билан бирга, етмай қолган жойларига ўзларидан қўшдилар.

Аста-секин сахобаи киромларга тил теккизиш бошланди. Тил теккан сахобийнинг тарафдорлари ўзига яраша жавоб бердилар. Ҳар ким ўзи эргашган шахсни улуғлашга ўтди.

Айниқса, ҳазрати Али розияллоҳу анху ҳақларида бунга ўхшаш гап-сўзлар кўп учрайди. Баъзи ғулувга кетган тоифалар у зотни илоҳлик даражасигача кўтарган бўлсалар, хаворижларга ўхшаш кимсалар куфрга кетди, деганлар.

Яна бошқа бир тоифалар ҳазрати Али розияллоҳу анхунинг тарафларини олиш мақсадида у зотни мазлум қилиб кўрсатишга уриниб, бошқа бир нечта катта сахобаларни эса, кофирга чиқариб қўйганлар.

Бу масалаларга бағишлиган мажлислар, жанжаллар бўлди, китоблар ёзилди, хутбалар ўқилди. Нима бўлса бўлди, лекин ихтилоф кўпайиб бораверди.

Нихоят, мусулмонлар жумхури, аҳли сунна ва жамоаси бу масалада ижмоъ ила энг адолатли ва сўнгги нуқтани қўйди. Яъни, орада бўлиб ўтган кўнгилсиз ҳодисаларда ҳазрати Али ва у зотнинг тарафдорлари ҳақда бўлганлар. Улар ҳақларида бошқача гап бўлиши мумкин эмас. Бунга

далил ва хужжатлар етарли. Уларнинг энг ишончли ва кучлиси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган саҳих ҳадислардир. Хусусан, Аммор ибн Ясир розияллоҳу анху ва Зул Садаянининг ҳазрати Али розияллоҳу анхунинг фазилатлари ҳақидаги, келажакда бўладиган фитналар ҳақидаги ҳадислари фикримизга далил бўла олади.

Орада бўлиб ўтган қўнгилсиз ҳодисаларнинг айбдорлари Ибн Саба бошлиқ фитначилар ва хаворижлардир, барча қилинган гуноҳлар уларнинг бўйинларида. Улар ҳақларида бошқа гап бўлиши мумкин эмас.

Шу ерда «Фитначилар кимлар эдилар? Улар қаердан ва нима учун чиқдилар?» деган ҳақли саволларга қисқа жавоб бериб ўтишга тўғри келади.

Фитначи ва хаворижлар асосан сахровий ва четдан келган араблар ҳамда араб бўлмаган ғаразгўй кимсалар бўлганлар. Агар Ямандан келиб, фитнабошига айланган Абдуллоҳ ибн Сабанинг яҳудийлигини ва унинг атрофидагилардан баъзиларининг бошқа дин ва миллатларга мансуб эканликларини ҳисобга оладиган бўлсак, фитначиларнинг асосий қисми Исломга қарши душманлик ўти билан ёнган ташқи кучлар томонидан уюштирилган тоифалар эди, десак янгишмаган бўламиз. Уларнинг орасида саҳобаи киромларнинг оламшумул ғалабаларини кўриб, уларнинг шуҳратига ҳасад қилган ва юкори мансбларга интилганлар ҳам оз эмас эди. Айниқса, араб фитначи гуруҳлари ана шундай тоифаларни ўз ичига олган эди.

Фитначилар асосан Миср, Басра ва Куфада тухум кўйиб, урчилилар. Фитнанинг бош қароргоҳи Миср эди. Унинг Ислом жамиятининг марказидан узоқда жойлашганлиги, у ерда ҳақиқий уламоларнинг, хусусан, саҳобаларнинг кам бўлганлиги ва бошқа шунга ўхшаш

омиллар фитначиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини авом халққа етказишларига катта имкон берар эди.

Орада бўлиб ўтган кўнгилсиз ҳодисаларда фитначиларга ҳам, ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга ҳам қўшилмаган, балки у зотга талаб қўйиб, талаби бажарилгандагина байъат қилишларини айтган тоифа ҳам бор эди. Уларнинг гаплари ва қилган ишлари Туя ва Сиффийн ҳодисаларидан ҳаммамизга маълум. Ушбу тоифанинг машҳур шахслари сифатида Толҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Муовия ибн Абу Суфён ва Амр ибн Осс розияллоҳу анҳумни эслаш мумкин. Аҳли сунна ва жамоа мусулмонлари уларни: «Хато таъвийл ва ижтиҳод қилганлар», деб баҳолайди. Улар сўкилмайдилар, ёмонланмайдилар. Балки саҳобий бўлганларни бошқа саҳобаи киромлар билан бир қаторда қўрилади.

Уламоларимиз ва мусулмонлар жумҳури бу иш ғоятда нозик бўлганлиги сабабли бу ҳақда ҳар бир мусулмон шахс эътиқод қилиши лозим бўлган нарсани ақийда китобларимизга битиб ҳам қўйганлар.

Жумладан, аҳли сунна ва жамоанинг энг машҳур ақийда китобларидан бири бўлмиш «Шарҳи ақийдаи Таҳовийя»да қўйидагилар айтилади:

«Биз уларнинг ҳаммалари ҳақида яхшилик билан: «Эй Роббимиз, бизни ва биздан олдин иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин. Бизнинг қалбимизда иймон келтирғанларга ҳиқд қолдирмагин. Эй Роббимиз, албатта, Сен шафқатли ва раҳмли Зотсан», (Ҳашр, 10) деймиз.

Аллоҳ таоло бизнинг қўлларимизни ўз вақтида бўлиб ўтган фитнада асраран. Бас, биз Аллоҳдан тилларимизни ҳам мазкур фитнадан сақлашини сўраймиз».

## МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Куръони Карим.
2. Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол».
3. Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Саҳиҳул Бухорий», Тошкент, 1973.
4. Мұслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қурайший. «Саҳиҳу Мұслим», Дорул кутубил илмийя, Байрут.
5. Мұхаммад ибн Исо ат-Термизий. «Сунанут Термизий», Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1987.
6. Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний. «Сунану Аби Довуд», Дорул Боз, Макка.
7. Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насаий. «Сунанун Насаий», Мактабут тарбиятил арабий лидувалил халийж, Риёз, 1988.
8. Мұхаммад ибн Язид ал-Қазвиний. «Сунану Ибни Можа», Дору ихъят туросил арабий, Байрут, 1975.
9. Молик ибн Анас ал-Асбахий ал-Хумайрий. «Муватаъул имами Молик», Дорун нафаис, Байрут, 1987.
10. Аҳмад ибн Ҳанбал. «Мұснадул имами Аҳмад ибни Ҳанбал», Дорул кутубил илмийя. Байрут, 1978, 2-босма.
11. Абдуллоҳ ибн Баҳром ад-Дорими. «Сунануд Дорими», Дорул фикри.
12. Мұхаммад ал-Муборакфурий. «Тұхфатул Ақвазий бишархи жамиъит Термизий», Дорул кутубил илмийя, Байрут.
13. Мұхаммад Юсуф ал-Банурий. «Маъариғус сунани шарху сунанит Термизий», Ал-Мактабатул банурийя, Карабчи.
14. Шоҳ Валийуллоҳ ад-Деҳлавий. «Хужжатуллоҳил балиға», ал-Мактабатус салафийя, Лохур.
15. Мұхаммад Фуад Абдулбоқий. «Мұъжамул мағаҳрас ли алғазил Қуръанил Қарийм», Дорул кутубил мисрийя, Қохира, 1945.
16. Аҳмад ибн Хилликон. «Вағиятул аўйани фи анбаи абаиз заман», ал-Матбаътул маймуна. Қохира, 1310 х. й.

17. Жалолиддин ас-Сүйутий. «Танвийрул ҳавалики шархун ала муваттаи Молик», Дору ихяил кутубил арабийя, Миср.
18. Али Мұхаммад ал-Қори. «Мирқотул мафатиҳ шарху мишкатул масабиҳ», Дору ихяит туросил арабий, Байрут.
19. Бадруддин ал-Айний. «Умдатул Қорий шарху сахиҳул Бухорий», Дорул фикр.
20. Ахмад ибн Ҳажар ал-Асқалоний. «Фатхул Барий шарху сахиҳил Бухорий», Дорул райяни лит турос, Қохира, 1986. 1-босма.
21. Мұхаммад ибн Абу Бакр ар-Розий. «Мұхтарус сиҳаҳ», ал-Ҳайъал мисриятул аммату лил китаб, Қохира. 1976.
22. Абдулҳай ал-Имод ал-Ҳанбалий. «Шазаротуз заҳаби фи ахбари ман заҳаб», Дорул афақил жадийдати, Байрут.
23. Шамсуддин Мұхаммад аз-Заҳабий. «Тазкиратул хуффоз», Дору ихяит туросил арабий. Байрут.
24. Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт».
25. Кандеҳлавий. «Ҳаётус саҳоба».
26. Суютий. «Тарихул хулафаа».
27. Холид Мұхаммад Холид. «Хулафоур расул».
28. Мұхаммад Ҳузарий. «Итмамул вафаа».
29. Бадахшоний. «Талхийси шарҳи ақоиди таҳовия».
30. Абу Нуъайм. «Ҳулятут авлиё».
31. Ибн Касир. «Ал-Бидая вал-Ниҳая».
32. Имом Ибн Жарир Тобарий. «Тарихи Тобарий».
33. Баҳнасовий. «Ҳилофату вал Ҳулафаур Рошидийн».
34. Ибн Ҳишом. «Ас-сийра ан-Набавийя».
35. Ибн Саъд. «Ат-Тобақотул Кубро».
36. Абу Нуъайм ал-Асғиҳоний. «Ҳулятут Авлиё».
37. Ибн Ҳажар. «Ал-Исоба фий Тамийизис Саҳоба».

38. Ибн Асийр. «Усудул Гоба».
39. Белазуруй. «Футухул Булдон».
40. Ибн Асийр. «Ал-Комил».
41. Ҳазарий. «Ад-Давла ал-Умавийя».
42. Ибн Абдулбарр. «Ал-Истийъоб».
43. Ибн Асокир. «Тарихи Димашқ».
44. Мунзирий. «Ат-Тарғиб ват-Тарҳиб».
45. Байҳақиј. «Далоилу Нубувва».
46. Ибн ал-Жавзий. «Сифатус Сафва».
47. «Фурсанун мин асрин нубуввати» ва бошқалар.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
Усмон розияллоху анхүнинг фазилатлари .....	8
Насаблари ва ҳаётларининг дастлабки босқичи .....	14
Исломга келишлари .....	15
Ҳазрати Усмоннинг уйланишлари .....	18
Ҳабашистон ҳижрати .....	20
Мадинада .....	23
Ухудда .....	26
Саховат .....	30
Ҳудайбияда .....	32
Табук уруши .....	34
Набавий башорат .....	39
Биринчи халифа даврида .....	40
Иккинчи халифа даврида .....	42
Умарнинг васияти ва Усмонга байъат .....	43
Янги халифанинг биринчи иши .....	62
Йигирма бешинчи сана .....	70
Қуръоннинг жамланиши .....	73
Йигирма олтинчى сана .....	75
Йигирма еттинчى сана .....	75
Йигирма тўққизинчى сана .....	78

Ўттизинчи сана .....	89
Ўттиз биринчи сана .....	92
Ўттиз иккинчи сана .....	95
Ўттиз учинчи сана .....	97
Ўттиз тўртинчи сана .....	99
Ҳазрати Усмоннинг янгиликлари .....	101
Ҳазрати Усмоннинг шахсий сифатлари .....	105
Фитнанинг бошланиши .....	108
Фитнага қарши чоралар .....	126
Фитначиларнинг қўзғолиши .....	132
Мунозара .....	134
Фитначиларнинг хуружи .....	145
Мадинага одам юбориш .....	148
Қамал .....	149
Мусулмонларга мактуб .....	163
Фожия .....	172
Хулоса .....	178
Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг фазилатлари..	184
Насаблари ва ҳаётларининг дастлабки босқичи .....	196
Ҳижрат .....	201
Мадинада .....	203
Бадр .....	207
Ҳазрати Алининг уйланишлари .....	210
Ухуд .....	216
Сарийялар .....	221
Хандақ .....	226
Ҳудайбия .....	228
Хайбар .....	233
Макка фатхи .....	240
Ҳунайн .....	242
Тоиф .....	243
Табук .....	244
Биринчи исломий ҳаж .....	246
Видолашув ҳажи .....	249

Расулуллоҳнинг вафотлари .....	254
Биринчи халифа даврида .....	257
Иккинчи халифа даврида .....	263
Хижрий йил ҳисобининг бошланиши .....	264
Ҳомиласи тушган аёл .....	266
Учинчи халифа даврида .....	268
Халифаликка сайланишлари .....	269
Янги халифанинг сифатлари .....	270
Ҳазрати Алининг либослари .....	271
Таом .....	272
Тавозуъ .....	273
Таваккул .....	275
Шукр .....	276
Илм .....	277
Зикр .....	284
Қозилик .....	286
Сахийлик .....	289
Адолат .....	290
Халифаликдаги ишлари .....	291
Биринчи иш .....	292
Изтиробнинг бошланиши .....	293
Туя ҳодисаси .....	300
Куфада .....	308
Сифийин .....	310
Ҳавориж .....	317
Ҳакамлик .....	318
Ҳаворижлар хуружи .....	319
Суиқасд .....	325
Хулоса .....	340
Манбалар рўйхати .....	346